

**ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ
URGANCH INNOVATION UNIVERSITETI NTM
РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ
ХОРАЗМ ВИЛОЯТ БЎЛИМИ**

**УМИД БЕКМУҲАММАД
САЙЁРА САМАНДАР**

**БОБООХУН САЛИМОВ - ЖАДИД,
ДАВЛАТ АРБОБИ ВА ШОИР**

(Монография)

**“Milleniumus print” нашриёти
Урганч – 2024**

УЎК: 821.512.133.09-1 (092)

КБК: 83.3 (5Ў)

Б 49

Умид Бекмуҳаммад, Сайёра Самандар, Бобоохун Салимов: жадид, давлат арбоби ва шоир; Хоразм: “Milleniumus print” нашриёти, 2024. - 216б.

Хоразм жадидчилик ҳаракатининг етук намоёндаси бўлган Бобоохун Салимовга бағишланган ушбу монографияда, “Ёш хиваликлар” партиясидаги фаоллиги ва сафдошлари билан ислохотчилик ҳаракатлари олиб борганлиги, парламент-“Идораи маршрутия” раиси, Хоразм Халқ Республикасида адлия нозири, делегация раҳбари ва элчи сифатидаги фаолияти тарихий ҳужжатлар ва авлодларининг хотиралари асосида ёритиб берилди.

Шунингдек, монографияда Бобоохуннинг отаси Салимохун ва унинг шажарасининг Хоразм тарихида тутган ўрни ва Г. Бройдо, А. Самойлович каби Россиялик шарқшунос, сиёсатчилар билан қилган ҳамкорлиги тўғрисидаги янги маълумотлар ўрин олган. Монографияда Бобоохун Салимовнинг шоирлигига ва жадид адабиётида тутган ўрнига алоҳида эътибор берилган ва кундаликлари, шеърлари ҳам илова қилинган.

Монография нафақат олий ўқув юртларининг бакалавр ва магистрлари, докторант ва тадқиқотчилар учун, балки тарих ва адабиётга қизиқувчи кенг оммага ҳам мўлжалланган.

Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи: Баҳром Ирзаев, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент.

Такризчилар: Дилноза Жамолова, Ўзбекистон Фанлар академияси тарих институти директори ўринбосари, тарих фанлари доктори, доцент.

Жавлон Жовлиев, филология фанлари бўйича фалсафа доктори.
Бекзод Абдиримов, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори.

Мазкур монография Хоразм Маъмун академиясининг 2024 йил 31 майдаги № 4 сонли ва Urganch Innovatsion Universiteti НТМнинг 31 майдаги № 8-сонли Илмий кенгаши қарорларига кўра нашрга тавсия қилинган.

ISBN 978-9910-9010-2-7

© У. Бекмуҳаммад, С. Самандар, 2024.

© “Milleniumus print” нашриёти, 2024

ЖАДИДЛАР ЛИДЕРИ ҲАҚИДАГИ МУҲИМ АСАР (Сўзбоши)

Хоразмдаги жадидчилик ҳаракатининг лидерларидан бири бўлган Бобоохун Салимов ўз даврининг фидойи шахси сифатида тарихдан муҳим ўрин эгаллаган аждодимиз. У ўз даврида Хива хонлиги қозикалони Салимохун фарзанди бўлганлиги учунгина нуфуз орттирмади. Балки жамиятдаги жараёнларга фаол аралашиб, ўзининг ҳуқуқий билимлари, адолатпарварлиги ва сиёсий иродаси билан халқ ортасида, қолаверса сафдошлари ўртасида обрў эътибор қозонди.

Туркистон жадидчилик ҳаракатида Убайдулла Хўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков сингари етук ҳуқуқшунослар қандай нуфуз орттирган бўлсалар, Бобоохун Салимов ҳам ўз даврининг қози аскарлари, қозикалон ёрдамчиси, адлия нозири сифатида инсон ҳуқуқлари учун курашиб, адолат тимсоли даражасига етишган шахс сифатида машҳур бўлган.

Қолаверса 1920 йил РСФСРга бориб Хоразм халқ республикаси номидан стратегик жиҳатдан тенгҳуқуқликка асосланган муҳим шартномани имзолатиш даражасига етган моҳир дипломат, сиёсий, қаътий иродали шахс эди.

Ана шундай даражадаги лидер Москвада эканлигида, у ердаги шарқ давлатлари элчилари, вакиллари билан учрашиб, халқаро сиёсат бўйича фикрлашган, дунёвий даражадаги дипломат эканлигини намоён қилган эди.

Умуман олганда 20 асрнинг биринчи чораги Хоразм тарихини Бобоохун Салимов ва у мансуб сулола фаолиятисиз тасаввур қилиш қийин. Камина Туркистон тарихининг ана шу даврлар тарихи тадқиқотчиси сифатида фаолиятим давомида Бобоохун Салимов ҳаёти билан қизиққан ва бир қанча мақолалар ёзганман. Буюк сиймонинг Хоразм ва Қорақалпоғистондаги авлодлари

билан учрашиб, қабрини ҳам зиёрат қилгандим. Яъни ўша даврдаги миллатимиз фидойилари сафида Бобоохун Салимов ҳамиша эътиборимни тортиб келган ва у шахс ҳақидаги бирон маълумот бўлса доимо қизиқиб ўқиганман.

Эътиборлиси бугун Бобоохун Салимов ҳаёти, фаолияти ҳақидаги кенг қамров билан ёзилган монография юзага келибди. Ҳаммуаллифларнинг жадинлар лидери шахсини даврдаги жараёнлар билан тўлақонли тадқиқ қилганликлари, бу борадаги манзарани ўқувчи кўз ўнгида намоён қилиш учун турли архив маълумотлари, қўлёзмалари, сулолага мансуб ҳужжатлардан унумли фойдаланганликлари мени қувонтирди. Ҳаммуаллифларнинг айниқса Бобоохун Салимов ижодига етарлича эътибор қаратганликлари, янги шеърларини адабиёт илмига олиб кирганлиги эса катта ютуқдир.

Умуман олганда Бобоохун Салимов сиймосига бағишланган ушбу асар ўзбек жадиншунослигидаги муҳим асарлардан бири бўлиб қолади дея, ҳаммуаллифларнинг бу борадаги кейинги изланишларига омадлар тилаб қоламан.

**Баҳром Ирзаев,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори,
доцент, “Дўстлик” ордени соҳиби.**

КИРИШ

Жадидчилик ғоялари асосида жамиятдаги барча соҳалар ва давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, миллий уйғонишни юзага келтириш учун кураш олиб борган “Ёш хиваликлар” ҳаракатининг энг фаолларидан бири, бу борадаги мақсаду интилишларидан чекинмаган Хоразмлик жадид - Бобоохун Салимов эди.

Ўз даврида, хусусан хонлик пайтида таниқли қози аскар, қозикалон ёрдамчиси, ҳуқуқшунос, парламент –“Идораи Маршрутия” раиси, республика вақтида эса адлия нозири, дипломат, ҳамда педагог, энг асосийси шоир сифатида танилган ушбу сиймо Хоразмдаги жадидчилик ҳаракатининг етук намоёндаси, йўлбошчиларидан бири бўлиб, унинг номи шу боис ҳам XX аср биринчи чораги Хоразм тарихида муҳим ўрин тутади.

Япон файласуф адиби Рюноскэ Акутагава “тарих саҳифалари йиртилган китобга ўхшайди”, дея ёзганида минг бора ҳақ эди. Қолаверса Акутагаванинг ушбу фикрлари айнан бизнинг тарихимиз ҳақида айтилгандек гўё. Акутагава таъкидлаган ва меним назаримда ана шундай йиртилган саҳифалардан бири эса, Хоразмнинг XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида катта таъсир, мавқе, нуфузга эга бўлган Бобоохун Салимовнинг ҳаёти ва фаолияти, адабий меросидир.

Хива хонлигининг қози аскарлари, қозикалони ёрдамчиси, “Ёш хиваликлар” ҳаракатининг фаолларидан, 1920 йилда хонлик тугатилгач эса барпо этилган Хоразм Халқ Республикасининг адлия нозири вазифаларида ишлаган, ХХР делегациясига бош бўлиб 1920 йил июнь-сентябрь ойларида большевиклар раҳбарияти билан Москвада тенг ҳуқуқлик тўғрисидаги шартномани имзолатиш даражасига етган бу шахсга, афсуски 1929 йилда суиқасд уюштирилади ва вафот этади.

Афсуски, нафақат советлар даврида, балки истиқлол йилларида ҳам Бобоохун Салимовнинг серқирра фаолияти тўла тадқиқ қилинмай келмоқда. Тўғри, тарихчи Жумабой Раҳимов 1988 ва 1990 йилларда “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилган китобини у шахсга бағишлаган бўлсада, асосий эътибор ўша даврдаги мафкура, вазиятдан келиб чиқиб большевиклар раҳбарияти билан учрашувига қаратилганди. Бироқ тарихчи илк бор ўша рисоласи орқали Бобоохун Салимов номинигина кенг оммага қайтадан танита олди. Шунингдек, педагогика фанлари номзоди, доцент Жумабой Раҳимов “Ўзбекистон тарихини ўрганишда архив манбаларидан фойдаланиш” номли қўлланмасида (Тошкент, “Ўқитувчи” нашриёти, 1995 йил) ҳамда “Ўзбекистон тарихи” (9-синфлар учун мактаб дарслиги, Тошкент, “Ўқитувчи” нашриёти, 1999 йил) дарслигида ҳам Бобоохун Салимов фаолиятига қисқача бўлсада тўхталиб ўтган.

Афсуски, ўтган давр мобайнида бирон тадқиқотчи Бобоохун Салимов ҳаёти, фаолияти, айниқса шеърятини истиқлол имкониятларидан фойдаланган ҳолда, холис ва ҳаққоний равишда, кенг қамровда, фундаментал тарзда ўрганишга эътибор қаратмади. Тўғри, ушбу монография ҳаммуаллифи-Умид Бекмуҳаммад томонидан шу пайтгача 1998, 1999, 2000, 2002 йилларда “Гурлан ҳаёти” ва Манзара” газеталарида туркум мақолалари, 2006 йилда “Хоразм” нашриётида чоп қилинган “Гурлан тарихи” монографияси, 2015 йилда “Хуршид Даврон кутубхонаси” интернет сайтида, 2022 йилда “Дурдона” нашриётида нашр этилган “Хоразм ва хоразмликлар” асарида Салимохун ва унинг фарзандлари, мазкур сулоланинг Хоразм тарихида тутган ўрни, Бобоохун Салимовнинг ҳаёти ва фаолияти, яратган ижодий, мемуар асарлари ҳақида бир қанча тадқиқот ишлари эълон қилинди.

Шунингдек, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Баҳром Ирзаев 2022 йилда бевосита Салимохун авлодлари

яшайдиган Хоразм вилоятининг Гурлан тумани ва Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманида бўлиб, мазкур шажарага мансуб инсонлар билан мулоқотда бўлди. Шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги Бобоохун Салимовнинг қабрини зиёрат қилиб, сафар тассуротларида тўплаган маълумотлар асосида Хоразм тарихида муҳим ўрин тутган ушбу сулола ҳақида мақолалар ёзиб чоп этдирди, радиопьеса яратди.

Шунингдек филология фанлари номзоди, доцент–ушбу монография ҳаммуаллифи Сайёра Самандар томонидан ҳам Бобоохун Салимов ва бошқа жадидларнинг ижтимоий-маънавий фаолияти, айниқса адабий мероси ҳақида бир қанча мақолалар нашр этилди, . илмий конференцияларда маърузалар қилинди.

Бундан ташқари Умид Бекмуҳаммад муаллифлигида Ўзбекистонда илк мартаба яратилган “Хоразм жадидчилик ҳаракати энциклопедияси”(“Milleniumus print” нашриёти, 2024)да, мазкур монография ҳаммуаллифлари томонидан юқоридаги нашриётда чоп этилган “Хоразм жадидчилиги: ислохотлар, таълим ва адабиёт” асаримизда ҳам Салимохун, Бобоохун Салимов ва иниларининг ҳаёти, фаолияти, айниқса Бобоохуннинг шеърияти тадқиқ қилинганди.

Бироқ ушбу тадқиқотлар билангина Салимохун ва унинг шажараси, Бобоохун Салимовнинг серқирра фаолиятини тўла тадқиқ қилиб бўлинди деб айтишга ҳали фурсат бор.

Эътиборингизга ҳавола қилинаётган ушбу монографияда ана шу борадаги тарихий бўшлиқни тўлдириш мақсадида илк бора Бобоохун Салимовнинг серқирра ҳаёти ва фаолиятини кенг қамровда, мавжуд манбалар, маълумотларни қиёсан тадқиқ қилган ҳолда ёритишга, айниқса шоир сифатидаги жадид адабиётида

тутган ўрнини адабий меросидан келиб чиқиб таҳлил этишга интилдик.

Айниқса шу пайтгача Хоразм жаид адабиёти фанда умуман тадқиқ этилмаган бўлиб, бу борада биз “Хоразм жаидчилиги: ислохотлар, таълим ва адабиёт” номли монографиямизда илк бора мазкур мавзунини ёритишга интилган ва унда Бобоохун Салимовнинг “Ожиз” тахаллуси билан ёзган шеърларини таҳлил, тадқиқ этган ва айрим назмий асарларини илова қилгандик. Эътиборлиси яқинда ушбу сулола авлодларида шоирнинг “Бобо” тахаллуси билан яратган форсий шеърлари ҳам топилди.

Айтиш мумкинки, нафақат Хоразм, балки туркий жаид адабиётида Беҳбудий, Фитрат, Абдулла Қодирий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Чўлпон, Ғулом Зафарий сингари кўплаб иқтидорли ижодкорлар сафида Бобоохуннинг ҳам ўзига яраша ўрни, нуфузи борлиги ушбу шеърлари орқали маълум.

Шу боисдан ҳам, Бобоохун Салимов, Убайдулла Хўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков сингари ўз миллати ҳақ ҳуқуқлари учун курашган ҳуқуқшунос, шунингдек стратегик ғояларни амалиётга айлантирган давлат арбоби, дипломат сифатида Хоразм, Туркистон тарихидан, қолаверса жаид адабиёти антологиясидан муҳим ўрин олишга лойиқ ижодкордир.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасида жаидлар фаолиятига давлат даражасида катта эътибор қаратилаётгани, қолаверса бу феноменал мавзуга туркий дунё, шунингдек хориждаги етакчи илму фан марказларида қизиқиш катта эканлигини инобатга олиб, “Жаид адабиёти антологияси” ни тайёрлашга ҳозирдан киришиш лозимлигини таъкидлаб ўтишни истардик.

Агарки бу антология тайёрланиб чоп этилса, табиийки ундан Исмоил Гаспирали-ю, Бакир Чўпонзода, Фитрату, Мағжон Жумабой ва яна кўплаб туркий адабиётнинг фахру

ифтихорлари қаторида Бобоохуннинг ҳам ижод намуналари киритилади.

Бу борада бизга Бобоохун Салимов тўғрисидаги маълумотларни тўплашга у шахснинг Хоразм вилояти Гурлан туманида яшовчи сулола авлодларидан Файзираҳмон Иноятохун ўғли ва Қодирберган ҳожи Низомиддин ўғли катта ёрдам беришган, ўз хотираларини ўртоқлашган эди.

Шунингдек турли архив манбалари, илмий адабиётларни ўрганган ва уларни бир-бирига таққослаган ҳолда ўша давр ҳамда ушбу сулола, ҳуқуқшунос, жадид, дипломат, шоир ва педагог, умуман олганда давлат ва жамоат арбоби бўлган шахс тўғрисида холис, ҳаққоний хулоса чиқаришга ҳаракат қилдик. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда давр манзарасини ва ана шу жараёнлардаги, тарихдаги Бобоохун Салимовнинг тутган ўрнини ёритишга, шоир сифатида адабиётдаги мавқеини кўрсатиб беришга, ижодини таҳлил қилишга интилдик.

1-БОБ. БОБОУХУН САЛИМОВ АЖДОДЛАРИНИНГ ХИВА ХОНЛИГИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА НУФУЗИ

1.1. Қозикалон сулоласи ва унинг жамиятда тутган мавқеи

Хоразм тарихи, хусусан Хива хонлигида ўзининг давлатчилик борасидаги ҳамда жамиятдаги интилишлари билан нафақат хон ва унинг сулоласига мансуб шахслар, балки ҳукмдор атрофидаги амалдорлар ҳам катта обрў-эътибор топишган ва уларнинг ҳукмдорларга таъсири катта бўлган. Бунга Матмурод девонбеги, Раҳматилло Ясовулбоши, Комил Хоразмий, Полвон Мирзабоши, бош вазир Иброҳимхўжа, Исломхўжа ҳамда ака-ука Баққоловлар сулоласи ва бошқаларни кўплаб мисол келтириш мумкин.

Қозикалон Салимохун ва унинг сулоласи эса давлатчилик тарихида адолатпарварлиги, жамиятдаги инсофу диёнати, барпо этдирган ва бугун ҳам Ичан қалъага кўрк бағишлаб турган “Қозикалон” мадрасаси, сулола давомчиларининг ҳам Хоразм таълими тараққиётига қўшган ҳиссалари билан тарихда қолди ва улар ана шу эзгу сифатлари билан ажралиб туришади.

XX аср бошларидан то 1929 йилдаги вафотигача бўлган даврда Хоразм тарихида ўзига хос нуфузга, мавқега эга бўлган Бобоохун Салимов Хива хони қозикалони Салимохуннинг энг катта фарзанди бўлиб, шу пайтгача Жумабой Раҳимовнинг биз таъкидлаб ўтган китоби, дарслигида, қолаверса бизнинг ҳам мақолаларимизда 1874 йилда Гурлан беклигида туғилган дея қайд этиларди. Яқинда топилган ҳужжатлар эса унинг 1877 йилда туғилганини аниқ кўрсатиб берди. Таваллуд билан боғлиқ тафсилотлар ва ҳужжатларга кейинги саҳифаларда алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Ана шундай таваллуд айёми-1877 йилда Салимохун умр йўлдоши Солияжонга фарзандининг исмини аждодларидан

бирининг номи билан Муҳаммад Карим деб атамоқчи эканлигини айтади. Шунда Солияжон “Мен ўғлимни чақирганда ёки койишга тўғри келганда қандай қилиб бобомнинг исмини айтиб чақираман” дея эътироз оҳангидаги гапини қозикалонга айтади.

Яъни Бобоохуннинг исми она томонидан аجدодларидан бирининг номи бўлган. Бироқ Салимохун ўғлининг исмини Муҳаммад Карим деб қўйишни маъқул кўради. Аммо, оила даврасида онаси ўғлини “бувамнинг исми билан чақирмай” дея “Буваохун”, “Бобохун” деб атай бошлайди. Бора бора нафақат оиладагилар, балки қўшнилару қариндошлар, тенгқурлариям Муҳаммад Каримни “Бобоохун”, деб аташарди.

Натижада ХХ аср бошларида воҳада юзага келган ислоҳотчилик ташаббускорлари бўлган “Ёш хиваликлар” ҳаракатининг фаолларидан, хонлик даврида қозикалон ёрдамчиси, Хоразм Халқ Республикаси даврида эса адлия нозири бўлиб ишлаган, бир қанча дарслик, кўплаб шеърларнинг муаллифи бўлган, ўзига “Ожиз”, “Бобо” тахаллусларини танлаган, аммо тарихда ўзининг қаътияти, сиёсий иродаси билан қудратли бўлган шахс-Бобоохун Салимов номи билан доврўқ қозонди.

Шу ўринда Бобоохун Салимовнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳақида тўхталишдан олдин, Хоразм тарихида муҳим ўрин тутган, аммо тарих фанида шу пайтгача ўрганилмай келинган ушбу сулола тўғрисида батафсил тўхталиш жоиздир. Негаки, айнан Бобохун Салимов отаси Салимохундан сўнг хонликда қозикалон бўлиб фаолият кўрсатган эди.

Япон адиби Р. Агутагава “Тарих саҳифалари йиртилган китобга ўхшайди” деб ёзганида боя айтганимиздек ҳақ эди. Чиндан ҳам тарихимизнинг совет даврида атайин йиртилган, ёки бефарқлик билан қараб келинган кўплаб саҳифаларини тиклаш жараёни кетаётган бўлсада, аммо баъзи масалаларда бироз чалкашлик бор. Хусусан,

Салимохун ва Бобоохун Салимовлар фаолияти тўғрисида ҳам.

Йиртилган саҳифаларни тиклаш йўлидаги баъзи уринишлар эса афсуски мукамал эмас. Ҳатто кўплаб китобларда Салимохунни гоҳ қозикалон, гоҳ шайхулислом тарзида ёзишади. Жумладан тарихчи олим Жумабой Раҳимов, Бобоохун Салимов ҳақидаги “У Ленин билан учрашган эди” (Т. 1990) номли китобида ҳам Салимохун ҳақида ёзиб, 9-саҳифадан бошлаб шайхулислом деб ёзади. 18 саҳифада эса Салимохунни 1873 йилда Қозикалон амалида тасвирлайди.

Хоразмлик ёзувчи ва журналист Неъматжон Солаев ҳам “Шайхулислом” номли қиссасида (“Хива “ журналининг 1994 йил 2-сонида қиссадан парча эълон қилинган, бироқ ёзувчи вафот этгач асар тугалланмай қолган) Салимохун ва Бобоохунни шайхулислом тарзида тасвирлайди.

Аниқроғи, шу пайтгача тарихий савол жавобсиз қолмоқда эди. Яъниким, аслида Салимохун қозикалон бўлганми ёки шайхулислом? Ёхуд қозикалон ва шайхулислом мансаби бир бўлганми? Ёки қозикалон Салимохун кейинроқ шайхулислом бўлганмикин? Ва Салимохун айнан қайси даврда Хива хонлигида қозикалон бўлган?

Аввало, қозикалон ва шайхулислом ҳақида тўхталсак.

Е. Кливейннинг “Отрывок из путешествия в Хиву и некоторые подробности о хан в время правления Саид Мухаммадхана 1856-1860 г” китобида ёзилишича (РГО. 1861. 95-бет) “Қозикалон ва Шайхулислом бутун диний ишларни идора қилади”.

Академик Мухаммаджон Йўлдошевнинг фикрича эса “дин масалаларида хоннинг ўнг қўли ҳисобланган шайхулислом руҳоний табақаларнинг қозилик ва ободончилик соҳасидаги фаолиятига бошчилик қилади”, дея ёзади.

Шайхулисом хонликдаги энг юқори мартабали руҳоний бўлиб, у диний маросимларнинг аниқ бажарилиши устидан назорат қилган. Унинг навқари ҳам бўлиб, хоннинг чап томонида ўтирган.

Академик Муҳаммадjon Йўлдошев Хива хонлари архивини ўрганиб аниқлашига кўра, XIX асрда қуйидаги шайхулисомлар фаолият кўрсатишган: Қутбиддинхўжа Бобо девон шайхулисомнинг ўғли, Авазхўжа шайхулисом, Исломхўжа шайхулисом, Фозилхўжа шайхулисом, Муҳаммад Латиф шайхулисом, Муҳаммад Панохўжа шайхулисом.

Ушбу шайхулисомлар ўша давр таомилига кўра, хоннинг чап томонида биринчи бўлиб ўтириб, 20-50 тилладан маош олишган. Шунингдек, 3-16 навқар уларга хизмат қилган.

Тадқиқотчи Матюсуф Салимовнинг изланишларига кўра, “замонавий тадқиқотларда “қозилик” деганда маҳкама, яъни “суд” муассасаси тушунилади. Турк тилида қози “ёруғчи” маъносида ишлатилади. Исломда ҳуқуқшунослик жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда муҳим ўрин эгаллаган. Шу сабабли қозилик фаолияти ўзига хос равишда ривожланиб борган. Шу жумладан Хоразм воҳасида ислом дини кириб келгандан кейин, то 1920 йилларгача қозилик фаолияти юритилган. Ҳатто Хоразм республикаси даврида ҳам давом қилган. Бу даврларда бошқа давлатлардаги қозилик фаолияти сингари, уларнинг иш услуби ҳам асрлар мобайнида ривожланиб борган.

Дастлабки қозиларни халифа Умар Мадина, Басра ва Куфада тайинлаган. Шундан кейин қозилар йирик шаҳарлар ва вилоятларда, ҳарбий юриш вақтларида қўшинларда ҳам тайинлана бошлади. Қозиларни фақат халифа тайинлаши мумкин бўлиб, у олий ҳуқуқий нуфузли шахс ҳисобланарди. , Қозининг ҳукми устидан фақат халифага арз қилиш мумкин эди. Бундай шикоятлардаги

мурожаатлар тасдиқланса, қози ишдан бўшатиларди. Саккизинчи асрнинг ярмида қози-қози ул қуззот лавозими жорий қилинади. Унга халифа номидан халифаликдаги барча қозиларни ишга тайинлаш ва уларнинг ҳукми юзасидан даъволарни қабул қилиш ҳуқуқи берилди.

Хоразмда Қўнғиротлилар сулоласи тахтга келган вақтларда ҳам қозилик фаолияти анча кенгайиб ривожланган давр ҳисобланади. Негаки 19 асрда Хива хонлигида қозилик иш юритиш фаолияти анча такомиллашган эди. У даврда қози-қози ул қуззот (қозикалон), қози аскар, хос қозилар марказий шаҳарларда фаолият олиб борган. Бекликлар марказида, қишлоқ ва овулларда, масжид қавмларда қозилар, қози раислар ва қози ноиблар иш юритишган. Қозикалон, қози-аскар, хос қози ва бекликдаги қозиларни хоннинг ўзи фармон билан, қози ноибларни эса қозикалон ё қози аскар тайинлаган. Айрим ҳолларда бекликдаги қозиларни ҳам қозикалон ишга қўярди. Шу билан бирга айниқса бекликларда раислик вазифасини қозиларга юклатишган. Буни қозиларнинг муҳрларида кўришимиз мумкин.

Маълумки ўша даврларда марказий шаҳарларда қозихона ёнида муфтийхоналар ҳам бўлган. Чунки муфтийларда ҳар хил сўровларга кўра ёзма ҳулосалар тузиш вазифаси бўлган. Бекликларда муфтийлар тайинланмаган бўлиб, муфтий вазифасини беклик қозиларининг ўзи бажаришган. Хонликдаги қозилар фаолиятини қозикалон назорат қилган бўлса, муфтийларни аълам назорат қилган. Ушбу қозилар ва муфтийлар тайинлашда унинг билими, ростгўйлиги, келиб чиқиш насаби, шу каби кўплаб жиҳатлари эътиборга олинган. Шунинг учун кўплаб қозилар исмларига домла, охунд, қорий, эшон, хўжа, сайид кунялари қўшиб аталган ва ёзилган. Яна шунингдек қозиларнинг кийимларига ҳам эътибор қилинган.

Қозилик тарихий ҳужжатларга асосан, молу мулк, қарз, ибро (ўз ҳақидан кечиш), никоҳ, талоқ, савдо-сотик, ижарага олиш, вояга етмаган етим-сағир болалар ҳақи, вақф ва фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари билан боғлиқ даъволарни кўриб чиқишган.

Қуйида Хива хонлигидаги қозикалонларининг, Салимохун сулоласига мансуб Матюсуф Салимов тузган рўйхатни эътиборингизга ҳавола қиламиз. Ушбу рўйхат 1858-1920 йилларга оид.

Тартиб рақами	Қозилик йиллари	Исми	Отасининг исми	Қозикалон неча йил бўлганлиги
1	1858-1882	Абдурахим	Қози Муҳаммад Шариф эшон	25
2	1883-1884	Иброҳим	Қози Муҳаммад Шариф эшон	2
3	1885-1888	Иноятуллоҳ охунд	Насруллоҳ махдум	3
4	1889-1892	Муҳаммад Содик Хўжа	Қози Муҳаммад Сиддиқ	4
5	1892-1898	Домла Оллоҳ-берди охунд	Мулло Бобо	7
6	1899-1900	Домла Муҳаммад Амин	Домла Раҳматуллоҳ охунд	2
7	1900-1916	Домла Муҳаммад Салим охунд	Муҳаммад Саид махдум	17
8	1916-1917	Домла Худойберган охунд	Низомиддин хатиб	2
9	1918-1920	Домла Ҳикматилло охунд	Султон хўжа	3
10	1920	Эшон хўжа охунд	Айюб хўжа	1

Хива хонлигида 1855 йилдан 1920 йилгача бўлган қози аскарлар рўйхати:

Т	Йил-лари	Қози аскар исми	Отасининг исми	Қози аскарлик даври
1	1855-1859	Абдурахим	Қози Муҳаммад Шариф эшон	4
2	1860-1863	Домла Абдусаттор охунд	Домла Отаниёз махдум	3
3	1864	Домла Абдураззоқ	Қози Абдуғофур	1
4	1865-1866	Домла Муҳаммад Назар охунд	Домла Ғойибназар	2
5	1866-1868	Эшмурод охунд	Мулло Одина Муҳаммад	3
6	1869-1877	Муҳаммад Латиф охунд	Эшниёз охунд	8
7	1878-1884	Домла Абдуллоҳ охунд	Домла Абдумўмин охунд	7
8	1885	Иноятуллоҳ охунд	Насруллоҳ махдум	1
9	1886-1888	Домла Муҳаммад солиҳ	Қози Муҳаммад Мусо хўжа	3
10	1888-1889	Домла Муҳаммад Салим охунд	Муҳаммад Саид	2
11	1889-1891	Дўстмуҳаммад охунд	Мулло Муҳаммад Мурод	3
12	1891-1897	Домла Муҳаммад Амин	Домла Раҳматуллоҳ охунд	7
13	1897-1900	Домла Муҳаммад Салим охунд	Муҳаммад Саид	4
14	1900-1903	Домла Абдумалик охунд	Қози Муҳаммад Карим	4
15	1904-1916	Домла Ҳикматиллоҳ охунд	Султонхўжа	13
16	1917-1920	Домла Иброҳим охунд	Муҳаммад Азиз охунд	4

Ушбу келтирилган ноёб маълумотлардан кўриш мумкинки, Хива хонлигида 19 аср 2 ярмидан 1920 йилларгача қозикалон ва қози аскар исмлари, фаолият даврини аниқлаштириш мумкин. Бу қозилар орасида Муҳаммад Салим охунд 1905 йилда ўзига хос ҳуқуқшунослик йўналишидаги мадраса барпо қилдирган Шунингдек Ҳикматиллоҳ охунд ҳам қози аскарлик даврида, яъни 1916 йилда мадраса барпо қилдирган. Афсуски бу обида ҳозиргача сақланиб қолмаган. Шундан ҳам кўриш мумкинки, қозилар ўз йўналишларидаги олийгоҳ ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратишган. Шунингдек ўзлари ҳам мадрасаларда ўз тажрибаси, фикҳий билимларини толиби илмларга ўргатиб боришган.

Энди олимлар томонидан, хусусан Хива хонлиги бўйича етук мутахассис, академик Муҳаммаджон Йўлдошевнинг ҳам бу борадаги фикрларига эътибор қаратсак. Муҳаммаджон Йўлдошевнинг ёзишича, “қозикалон хонликдаги фуқароларнинг даъволари, жанжаллари билан шуғулланарди. Олий жазо талаб қиладиган жиноий ишлар унинг вазифасидан хориж эди” (“Хива хонлигида феодал ер эгаллиги ва давлат тузилиши” Т. 1959, 276 бет).

Қозикалон давлат амалдори сифатида, унинг учтадан ўн биргача навқари бўлиб, 30-40 тилладан хазинадан маош олган. Қозикалон расмий қабул маросимларида хоннинг ўнг томонида биринчи бўлиб ўтирган. Қозикалондан бошқа яна Қози Урду ва Қози Аскар мансаблари ҳам бўлиб, улар ҳарбий хизматдагиларнинг судьяси бўлган ва баъзи ҳолларда эса ҳарбий бўлмаган кишиларнинг ҳам ишларини кўриш учун қабул қилинган. Улар қозикалоннинг ёрдамчилари ҳисобланишган. Хон сафарга чиққанида Қози Аскар унга ҳамроҳ бўлган ва ўз вазифаси доирасида хориждаги жараёнлар, мавжуд вазият тўғрисида хонга шахсан маълумот бериб турарди.

XIX асрда эса хонликда қуйидаги қозикалонлар бўлган- Қози Исмоил эшон, Қози Вайс эшон, Қози Гадоё хўжа эшон,

Абдусамад қози, Хўжа Муҳаммад Содик эшон қози калон, Қози Муҳаммад Карим, Раҳмонберди Қози Аскар, Хўжа Шамсиддин қози аскар, Қози Юсуф эшон, Қози аскар Абдуллахўжа, Эшниёз қози калон, Муҳаммад Қосим махсум қози калон.

Ана шу тарихий маълумот ва таҳлиллардан маълум бўлаяптики, шайхулисом ва қозикалон мансаблари алоҳида-алоҳида лавозим бўлиб, фаолияти ҳам турлича бўлган. Салимохун эса академик Муҳаммаджон Йўлдошев аниқлаган XIX асрдаги шайхулисом ва қозикалонлар рўйхатида учрамайди.

Маълумки, академик М. Йўлдошев тадқиқ қилган Санкт Петербургдаги Салтиков-Шчедрин номидаги давлат кутубхонасидаги архив ҳужжатлари 1873 йилдаги Россия истилоси вақтида олиб кетилган бўлиб, айрим ҳужжатлар тўлиқ эмасди. Қозикалоннинг Гурланлик авлодларида асралаётган қози ҳужжатларида ёзилишича эса, Салимохун қози аскар, раис, муфти вазифаларида ҳам фаолият кўрсатган.

Ичан Қалъадаги мадраса Қозикалон деб номланганидан ҳам билса бўладики, Салимохун шайхулисом эмас, балки қозикалон бўлган. Агар Салимохун шайхулисом бўлганида эди, у барпо этдирган мадраса ҳам Шайхулисом деб аталарди.

Тадқиқотчи Матюсуф Салимов хонлик даврига оид ҳужжатларни тадқиқ қилган юқоридаги рўйхатдан маълум бўлишича, Муҳаммад Салимохун икки мартаба қози аскар ва 1910 йилдан 1916 йилгача қозикалон лавозимида фаолият юритган.

Қолаверса Баёний “Шажарайи Хоразмшоҳий” асарида, 1910 йил август ойида Ферузхон вафот қилганида, жанозани қозикалон Муҳаммад Салимохун ўқигани ҳақида ёзилади. Демак, ушбу фикрлардан кўриниб турибдики, Салимохун, Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) хонлиги даврида Қозикалон лавозимида фаолият кўрсатган.

Энди Қозикалоннинг исмидаги охун қўшимчасига келсак, мадрасада талабаларга мударрис ва охунлар илму сабоқ беришган. Улар ўзлари таълим берган мадрасанинг вақфидан маош олиб туришган ва мадраса уларга хужра ҳам берган.

Мадрасани тугатган талабалар имтиҳондан ўтишганида, ҳукмдор томонидан тузилган, хоннинг ўзи, қозикалон ва уломалардан иборат ҳайъат, уларнинг билимига қараб муфти, аълам, охун унвонларини беришган.

Демак, Салимохун ҳам мадрасани тугаллаганида, имтиҳондан муваффақиятли ўтиб охун унвонига эга бўлган. Қозикалон авлодларининг хотирлашларига кўра, охун вазифасидаги шахс мадрасада талабаларнинг таълим тарбиясини назорат қилиш билан ҳам шуғулланган.

Афсуски, асли Гурланлик Салимохун қаерда, қачон мадрасани тугаллаган ва қайси мадрасада охунлик қилгани ҳақида маълумотлар, ҳатто, мадрасанинг вақф ери қаерда бўлганлиги ҳақидаги ҳужжатлар “Ичан қалъа” музей қўриқхонаси фондида сақланиб қолинмаган. Балки изланишлар давом этдирилса бу борадаги битиклар, ҳужжатлар ҳам топилиб қолар ва шундагина ушбу шахс фаолияти тўлиқ ўрганиларди.

Шукрки, фақатгина Гурланлик ушбу сулола авлодларида Қозикалон Салимохун, унинг барпо этдирган мадрасаси, вақф ерлари тўғрисидаги, умуман сулолага оид энг ноёб ҳужжатлар асраб келинмоқда ва бу ҳужжатлар мавзуга аниқлик киритади.

Салимохун 1905 йилда барпо қилдирган Ичан-Қалъа ҳудудидаги мадраса бир қаватли бўлиб, 16 хужрадан иборат. Мадраса ўртасида қудуқ бор. Шарқ меъморчилиги услубида қурилган ушбу қозикалон мадрасаси ҳозирда Хоразм санъати ва мусиқаси музейи сифатида фаолият кўрсатапти.

Мадрасанинг бош фасади шаҳарга қараган бўлиб, мўъжазгина ушбу иншоот ғарбий ва шарқий дарвозаларни, Ичан-қалъанинг кўндаланг ўқини бир-бирига бирлаштириб туради. Ўлчамлари: 36, 5 X 23, 5м, ҳовлиси 16, 6 X 9, 8м.

Одатда мадраса бунёд қилишни ният қилган нуфузли шахс меъмор ва усталарни тўплаб лойиҳа бўйича танлов ўтказган. Сўнгра энг мақбул чизма танлаб олиниб, ишга киришилган. Шундан кейин мадраса қурдирмоқчи бўлган шахс шу атрофдаги маҳалла аҳлини чақириб элга ош берган. Шунингдек қурилиш бошлиғи ва ҳисоб-китоб юритувчи ишлари учун мутасадди тайинлаган.

Анъанага айланган ушбу ҳолатни табиийки, Қозикалон Салимохун ҳам четлаб ўтмаган. Мадрасадаги ҳар бир хужрада 2-3 нафар талаба яшаган. Барча хужра эшиклари ҳовлига қараб солинган ва ҳар бир хужрада ўчоқ ўрнатилган.

Мадрасада ўқиш муддати чегараланмаган бўлиб, айрим талабалар бир курсда 3-4 йил, айримлари бўлса ундан ҳам кўпроқ йил ўқишган. Ўқиш уч курсга бўлинган. Булар “Адно”-бошланғич, “Авсат”-ўрта ва “Аъло”-охирги курс. Бошланғич курсда араб грамматикаси, мантиқ, шариат қоидалари, диний урф-одатлар, араб ва форс тилидаги адабиётлар ўқитилган. Қолган икки курс давомида “таҳсиб” (мантиқ), илоҳиёт, ҳуқуқшунослик ва бошқа фанлар ўқитилган. айрим талабалар бир курсда уч-тўрт йил, айримлари дарсларни қайта ўзлаштиргунча 8-10 йиллаб ўқишган.

Мадрасада имом, муаззин, охун, мударрислар, мутававали, фаррош, сартарош ва мешкобчилар ҳам фаолият кўрсатишган. Мутававалининг вазифаси буюмлар ва вақф ерларидан фойдаланиш, охун ва мударрисларга маошни тўлашдан иборат бўлиб, улар ўқув ишларига аралашмаганлар. Мадрасанинг катта ёки кичиклигига

қараб, улардаги охун, мударрис ва хизматчилар сони ҳам турлича бўлган.

Мадраса битказилгандан кейин хон томонидан махсус вақф ерлари ажратилиб, молу-мулк шайхулисом томонидан муҳрланиб қонунийлаштирилган. Талабаларга вақф ердан олинган ғалла ҳисобидан ботмон ҳажмида нафақа тўланган.

Афсуски, Салимохун барпо этдирган мадрасанинг вақф ерларига оид ҳужжатлар Ичан -қалъа музей қўриқхонаси фондида ҳанузгача топилмай келмоқда. Муҳаммад Салимохун авлодларининг хотирлашича ва улардаги ҳужжатларга кўра, Қозикалон мадрасасининг Қўшқўпир, Гурлан, Қорамон, Тошҳовуз ва Хитой (Манғит беклигида) ҳудудларида вақф ерлари мавжуд бўлган.

Мадрасанинг вақф ҳужжатларида “ Тарих ҳижрий минг уч юздаги йигирма тўртдаги роби-ул-аввал ойининг тўртланчиси, жума куни эрдиким, вақф саҳиҳ шарҳи ва тасаддуқ айний қилдилар ва уч йил муддатда тамом қилдилар”, дея келтирилган. Бу сана милодий 1906 йил 28 апрелга тўғри келади.

Абдулла Болтаевнинг эсдалик дафтарида Хива шаҳри ва унинг атрофидаги мадрасалар ҳақида маълумот жадвал кўринишида келтирилган. Ушбу тарихий асардаги 50-сатрда қозикалон Муҳаммад Салим охунднинг қурдирган мадрасаси милодий 1905-йил, ҳужралар сони 16 та, вақф ер майдони 1108 таноб деб келтирилган.

Шунга кўра, Қозикалон мадрасасининг милодий 1906 йил 4-апрель куни вақф китоби ёзилган ва бу мадраса 3 йил муддат ичида қуриб битказилган. Бу мадрасанинг вақф ерлари Гурлан беклигида, Хива шаҳрининг Бадирхон қишлоғида, Қорамон қишлоғида, Манғит беклигида, Хитойда, Қўшқўприк беклигида ва Маноқдан сотиб олиб, вақф қилинган. Бу мадрасани тугатган илми толиблар, мутахассислар фикрига кўра, кўплаб бекликларга, қишлоқ ва овулларга қози бўлиб тайинланган ва бу мадраса

дастлабки ҳуқуқшунослик таълим маскани сифатида баҳоланади” (“Инновация ва тараққиёт” журнали, 2024 йил 4-сон, 22 бет).

Ҳа, изланиш ва интилишлар давом қилаверса, Р. Акутагава айтган “тарихнинг йиртилган саҳифалари”ни тиклашимиз аниқ. Энг асосийси Салимохун ўз даврида адолатли, инсофу диёнатли қозикалон вазифасини бажаришдан ташқари, ўз даврида бўлажак қозилар таҳсил оладиган, бугун ва келажак учун ҳам азиз бўлган меъморий иншоат-мадраса барпо этдирганлигида.

Ушбу мадрасанинг ўз давридаги олий юридик муассаса вазифасини бажаргани, бу таълим даргоҳида Бухоро амирлиги ва бошқа ҳудудлардан ҳам келган талабаларнинг таҳсил олгани унинг нуфузидан дарак беради.

Ана шу тарихий факт ва мулоҳазалардан кўринадики, Салимохун ва унинг нуфузи Хива хонлигида ғоятда катта мавқега эга бўлган.

1.2. Охунлар шажараси

Қозикалоннинг асосан Гурлан туманида яшовчи авлодлари, аждоди Салимохуннинг бутун ҳаёти ва фаолияти ҳақида тўлақонли маълумот беришмасда, уларнинг ҳикоялари адолатни, тарихий ҳақиқатни тиклаш, ушбу шажаранинг жамиятда тутган ўрни, нуфузини белгилашда, мозийда кечган жараёнлардаги иштирокини аниқлашда таянч вазифасини ўтайди.

Салимохуннинг невараси, Гурлан туманидаги Вазир қишлоғида яшовчи Файзираҳмон Иноятжон ўғли “асли бизларнинг келиб чиқишимиз Қўнғиротдан, найман уруғидан” дея хотираларини ёдга олган эди.

Қозикалоннинг яна бир невараси- Гурлан шаҳарчасида яшовчи Қодирберган ҳожи Низомиддинохун ўғли эса Файзираҳмон отанинг сўзларини ойдинлаштириб шундай дегандилар: “Биз асли Қўнғирот қалъасидан бўлиб, найман

уруғиданмиз. Муҳаммад Салим махзум ибн Муҳаммад Саъид махзум ибн Абдулқодир махзум ибн Оллошукур охун ибн Мукулмонқу (Сулаймонқули) Оролли деган бобомиз Гурлан худудига Қўнғиротдан келиб қолган. Момомиз оталарининг-Адхам махзум ибн Омонқули Охунд ибн Дўстмуҳаммад махзумнинг ҳам Қўнғиротдан келган эканликларини айтарди. . Шундан кейинги Бобожон, Абдулқодирмахсум, Муҳаммад Карим махсум деган боболаримиз Гурланда яшаб ҳаёт кечиришган”(Умид Бекмуҳаммад томонидан 1998 йил июнь ойида ёзиб олинган маълумотлар дафтари № 2).

Муҳаммад Салимохун вафот қилган сана тўғрисида ҳам аниқ тарихий манба йўқ. Авлодларидан баъзилари қозикалонни 87 ёшда дейишса, айрим қариндошлари 91, 92, 96 ёшга кирган эди дейишади. Яъни вафот этган йили ҳижрий 1334 бўлиб, милодийда бу сана 1915-16 йилларга тўғри келади.

Бироқ ушбу сулолага мансуб тадқиқотчи Матюсуф Салимов бу мавзуга ойдинлик киритувчи ҳужжатларни илмий истеъмолга киритди.

Қодирберган ҳожи Низомиддин охун ўғлининг аждодларидан, асосан отасидан эшитгани бўйича, “Муҳаммад Салимохун ҳатто вафот этган куни ҳам ишга чиққан. Шу куни ишга бориш учун отга минган ва ишга борганда отдан тушишда ҳам, кексалиги боис ўзганинг ёрдамига муҳтож бўлган экан”.

Агар Салимохун, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Баҳром Ирзаев фикрича, 1916 йилда вафот қилганини назарда тутсак, у ё 1821 йил ёхуд 1825 йилда туғилган бўлади. Уларнинг уйлари Гурланнинг Хизрэлиёп (Хизрэли анҳори) бўйида бўлган.

Мазкур сулолага мансуб тадқиқотчи Матюсуф Салимовнинг ёзишига кўра, “Муҳаммад Салим охунд авлодларининг шажарасида боболари исмига охунд, мулла, домла, махдум сўзлари қўшиб келтирилган. Муҳаммад

Салим охунднинг шажарасига қарасак, унинг Муҳаммад Салим махдум, Абдуқодир махдум, Оллошукур охунд ва Мукулмонкул оролли деган боболарини кўришимиз мумкин. Яна катта бувилари (момомиз деб ёзилган Низомиддин охунд кундалигида) авлодларида ҳам махдумлар, охундлар номлари учрайди. Маълумки, шайхулислом, аълам, охунд, махдум, эшон сўзлари диний рутба сифатида инсоннинг лақабига ҳам айланиб кетган. Бу ислом дунёсида, айниқса Марказий Осиёда диний унвон, лавозим, мартаба, улуғлаш сифатида қаралган“ (“Инновация ва тараққиёт” журнали, 2024 йил 4-сон, 16 - бет).

Демакки, Салимохунд ота ва она томонидан ҳам ўз даврининг зиёлилари, охунд, махдумлар сулоласига мансуб бўлган.

У дастлаб саводини Гурландаги Полвон Мушриб қавмидаги масжидда чиқарган. Матюсуф Салимовнинг изланишларига кўра, “ кейин у Гурлан беклиги қалъасида жойлашган Қутуби замон Абдуллоҳ эшон мадрасасида таҳсил олган. Гурлан беклигидаги мадрасани тугатиб, Хива шаҳрига бориб ўқишни давом этдирган”.

Кейин Қодирберган Низомиддинохунд ўғлининг дадаси хотираларига таяниб айтишича, Хивадаги Оллоқулихон мадрасасида таҳсил олган.

Матюсуф Салимовнинг ёзишига кўра, “ у Хива шаҳрида хаттотлик ҳам қилган. Шу кунгача етиб келган ва ўз қўли билан нусха кўчирган тарихий китобларидан милодий 1853 йилда Абдурахмон Жомийнинг “Шарҳи мулло”, Жомийнинг яна бир девонини(куллиётини) ва (ҳижрий 1317), милодий 1899-йилда кўчирган Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” тарихий асарларидир.

Шу ўринда бир тарихий ҳужжатни мисол келтирсак. “Маърифат нишон Муҳаммад Салим охунд эшонга улким Исмоил хўжанинг ёзиб берган Бедил китобларидан ёзилгани неча қоғоз бўлса бериб юборсинлар, мазкур

китобдин ёзилмай турғони не чоғлик бўлса, они ҳам хат қилиб юборсинлар. Ўзлари ҳам зарурати ишларин бўлган бўлсалар келсинлар, сизга ҳам хон ҳазрат китоб буюрмоқчидирлар деб моҳи шабонга хат битилди, 1298 йил 9 милодий 1881-йил июнь ойи)”.

Бу тарихий хужжатнинг варағи орқа тарафининг пастки чап бурчагида овалсимон диаметри 2 см. лик муҳр босилган. Муҳрда Паҳлавон Мирзобоши исми қайд этилган.

Демак бу тарихий хужжатдан билиш мумкинки, Муҳаммад Салим охунд 1880 йиллар хаттотлик билан ҳам фаолият олиб борган ва ўзига яраша хаттотлик мактабини, ёки бир қанча хаттотларнинг гуруҳини назорат қилиб ўзи бош бўлганлигини кўришимиз мумкин” (“Инновация ва тараққиёт” журнали, 2024 йил 4-сон, 17–бет)

Ана шу тарихий хужжатлардан аён бўладики, Муҳаммад Салимохун Хивадаги талабалик даврида ва ундан сўнгги қозикалонлик даврларида ҳам севимли машғулоти бўлган хаттотлик билан мунтазам шуғулланган.

Салимохунд Хивадаги мадрасадаги таҳсил муддатини тугаллаб уйига келганида ота-онаси вафот қилган, Гурланда фақат узоқроқ қариндоши ва аммаси ҳаёт эди. Қодирберган Низомиддинохунднинг дадаси хотираларига таяниб айтишича, “Шундай маҳзун кунларнинг бирида қадрдон дўсти унга Бухорони зиёрат қилиб келишни таклиф қилади. Салиммаҳзум таклифга рози бўлиб дўсти билан Бухорога кетади. Афсуски пули йўқлиги боисидан Бухородан қайтиб келаолмай у ерда қолишга мажбур бўлишади. Дўсти мардикорчилик қилиб, Салиммаҳзум эса мадрасани тугаллаб саводли бўлгани боис, хаттотлик қилиб тирикчилик қилишади”.

Тарихчи олим Баҳром Ирзаев 2022 йил май ойида Гурланда бўлиб, охунлар сулоласининг авлодлари билан учрашганди. Баҳром Ирзаевнинг ана шу учрашувда ёзиб олишига кўра, “ Муҳаммад Салим охун кўлига қалам ва довод тутиб туради. Шунда мардикор излаб келган бойлар

унинг қўлидаги қалам ва довотни кўриб, “қўлингдан нима иш келади”, деб сўрашади. Муҳаммад Салим охун хуснихат ва саводли эканлигини айтади. Шундан сўнг бир давлатманд киши Муҳаммад Салим охундни уйига олиб бориб, фарзандларига таълим беришга ёллайди. Муҳаммад Салим охунд шу тарзда бир миқдор пул жамғаргач, Кўкалдош мадрасасидан ҳужра олади ва шу мадрасада ўқий бошлайди.

У қисқа муддатда мударрисларнинг назарига тушиб, мадрасанинг бошланғич талабаларига дарс ҳам бера бошлайди. Вақт ўтиб, Муҳаммад Салим охунд Кўкалдош мадрасаси мударрисларининг ҳайъатига таҳсил имтиҳонини олий даражада топширади ва бу гал унинг таърифи Бухорои шарифга тарқалади. Шундан сўнг Кўкалдош мадрасасининг мударриси сифатида фаолият олиб бора бошлайди”.

Матюсуф Салимовнинг юқоридаги фикрларни тўлдириш ва аниқлик киритиш билан боғлиқ ҳужжатларни ўрганишига кўра, “ Ҳижрий 1274- йилдан (милодий 1857-йил) 1286-йилгача (милодий 1869-йил), яъни 12 йил Бухорои Шариф шаҳрида таълим олиш учун жўнаб кетиб, Бухоро шаҳридаги Кўкалдош мадрасасида таълим олиш билан бирга, толиби илмларга ҳам дарс берган. Тарихдан маълумки, бу мадрасани тамомлаган талабалар кўпчилиги охунд унвонини олиб, давлатнинг кўплаб юқори диний лавозимларига тайинланган. Шу билан биргаликда бу Бухородаги Кўкалдош мадрасасинда кўплаб Хива хонлиги талабалари таҳсил олишган. Мисол тариқасида шу йилларда Бухорода Муҳаммад Салим охунд билан бирга таҳсил олиб, таътилда Гурлан беклигига қайтиб келиб, Бухородаги шерикларига ёзилган Мулло Муҳаммад Ризо томонидан битилган мактубни келтирсак:

“Домла Неъматуллоҳ эшон, Салим махдум эшон ва жами биродарларга дуои саломлар.

Дуои саломдан кейин бошлаймиз: Бизким ҳазрат мавлоно Шарифда (яъни Бухорода-муаллифлар) хужрамиз бор турур, они устоз шафақат паноҳ марҳамат огоҳ Салим эшон ва домла Муҳаммад Зиё ва мулло Саид Мурод ҳамма итфоқ бирла баҳоси келса сотиб, хужра ваҷидин қилган қарзларимизни адо қилғайлар, ва агар сотилмаса, турсун, иншоллоҳ таоло ўзимиз тез бу моҳда бориб, ҳар нарса қарз ҳоҳларимизга жавоб айтурмиз, ва яна бу ким “Шаҳри мулло” ва бир мухтасар қолиб эрди, ҳар на ожиз ва асбоб бўлса хужрада бўлса, ҳаммаларин йиғнаб, Салим махдум эшонимиз бирла домла Муҳаммад Зиё жам қилиб қўйсалар ва яна бу ким мулло Саид Мурод хужрада қолиб эрди, бўлсалар биз боргунча бўлсинлар ва агар бўлмасалар, ағма валий одамга топшурсалар, яна яна бу ким домла Абдуллоҳ ва мулло Саид Мурод ва Салим махдум эшон ҳар қайсиларининг уйларига бориб кўрдик. Ҳаммаларининг яқинлари сиҳат ва саломат турурлар. Бу тарафидин хотир жам бўлсалар ва яна махфий қолмасинким, мулло Абдуллоҳнинг қариндошлари Қутлуғмурод ва Нурмуҳаммад ва Жуманиёз ва Муҳаммадниёз ва Муҳаммадмурод ва Бобониёз ва Беридмурод ва Иброҳим ва Хўжаниёз ва Ўғилбика ҳаммалари сиҳат турурлар. Ва мулло Саидмуроднинг қариндошлари мулло Отаниёз ва онаси ва иниси ҳаммалари сиҳат турурлар. Ва махдум эшонимизнинг иниси Ваисниёз ва Бобожон махдум ва мулло Муҳаммадназар саҳхоф ҳаммалари сиҳат ва саломт турурлар деб салом марқум бўлинди.

Ва яна махфий қолмасинким садоқат паноҳ муҳаббат огоҳ Салим махдум эшон жанобларига бу ким бизлар ҳамма Гурлан яронлари бирла ҳамиша дуои хайрингизда турурмиз. Сизга каромимиздин ҳам дуои хайрдин ўзга илтимосимиз йўқ турур, ал-дуои Авазмуҳаммад Қангли ва мулло Сафарниёз ва жаами муридкалон”.

Мазкур мактубнинг орқа тарафинда ал-дуои мулло Муҳаммадризо бечора-деб ёзилган.

Ана шу мактубдан кўринадики, Муҳаммад Салим охунд Бухорода фақат ўзи эмас, балким Гурлан беклигидан яна ёнида мулло Абдуллоҳ, мулло Саидмурод ва мактуб эгаси мулло Муҳаммадризолар билан бирга, бир вақтда таълим олишган. Бу вақтда Чор Россияси империясининг Марказий Осиё давлатларини босиб олиш вақтига тўғри келади. Дини, тили бир бўлсада, ўзга давлатда, яна Чор Россиясининг босқинчилик сиёсати вақтида таълим олиш, бу юртда истиқомат қилиш машаққатларини тушуниш қийин эмасдир.

Матюсуф Салимов тадқиқига кўра, Салимохунднинг Хоразмдан ташқаридаги фаолияти, милодий 1869 йилгача давом қилган. .

Салимохунднинг Бухородан Хоразмга қайтишига эса Қодирберган Низомиддинохунднинг ҳикоя қилишича, қуйидаги воқеа сабаб бўлган:

“Ана шу тарзда вақт ўтаверади ва Салиммахзум ҳам Бухоро ҳаётига кўникиб тақдир дея фаолиятини давом этдираверади. Бир куни Хива хони Ферузхон Бухоро амирлигига борганида, амир билан суҳбатда Ферузхонга вазир Хоразмдан бир иқтидорли йигит келиб Кўкалдош мадрасасида ишлаб юрганини айтади. Бу ҳол эртасига вазирнинг зиёфатида ҳам такрорланади. Унда ҳам Салиммахзумнинг билимли, донишмандлиги ҳақида сўзлаб беришади. Бироқ, Ферузхон зиёфатларда индамай қўяверади. Фақат, зиёфатдан сўнг дам олиш хонасига келганидагина ёнидаги амалдорларга Салиммахзумни топиб келтиришни буюради. Салиммахзум келгач иккови гаплашадилар. Ферузхонга Салиммахзумнинг феълу атвори, билими, фикрлаши маъқул бўлади. Шу боис унга Хивага олиб кетмоқчи эканлигини айтиб, 7 кун муҳлат беради. Салиммахзум “ўқитаётган талабаларим, билим берган домлаларим бор”, деб 10-15 кун муҳлат сўрайди. Аммо ҳукмдор Ферузхон қаътийлик билан 7 кун муҳлат беради. Шунингдек хон унга навкарбоши билан 12 навкар

ҳам қолдириб ўзи Хивага қайтади. Салиммахзум ҳам талабалар ва устозлари, мударрислар билан хайрлашиб навкарлар ҳамроҳлигида Амударё орқали қайиқда Хивага йўл олади. Йўлда Муҳаммад Салим охунд бетоб бўлиб қолади ва дарё ўртасидаги оролда ўтов тикиб, бир неча кун дам олиб даволангач яна йўлга чиқишади”.

Қодирберган ҳожи Низомиддин ўғлининг айтишича, бу вақтда Салиммахзумнинг Хоразмдан Бухорога чиқиб кетганига 20 йилча бўлган эди. Авлодларининг баъзи фикрларга кўра эса, Бухородаги ҳижрат 12 йил давом қилган.

Тарихчи Баҳром Ирзаевнинг фикрича, “бу воқеа 1860 йилларнинг сўнгги, Россия империяси Туркистон заминига ўзининг қуюқ пардасини тортган онлар”да содир бўлган.

Хивага борганидан кейин Ферузхон Салиммахзумга 2 кун муҳлат бериб Гурландаги қариндошларини кўриб, дийдорлашиб келишни топширади. Қариндошлари Салиммахзумни кўриб ҳайрон қолишади. Негаки Салиммахзумнинг Бухорога кетганига 20 йилча бўлган бўлса, одамлар у ҳақда ҳар хил гап тарқатишган, ҳатто ўлдига чиқаришган эди. Икки кун қариндошлари, жумладан аммаси ва жияни Юсуфбой билан дийдорлашган Салиммахзум уларнинг даврасидан чиқиб яна Хивага қайтади. Кейинчалик Юсуфбой Муҳаммад Салим охунднинг Гурлан беклигидаги ерларининг иш бошқарувчиси бўлиб фаолият кўрсатади.

Хоразмга келган Салиммахзумни Ферузхон Хива шахрига Раис қилиб тайинлайди. Хонлик даври лавозимларидан бўлган Раис, шариат қонун қоидалари, расм-русумлари ижросини назорат қилиб борган. Раислар яна болаларнинг ўз вақтида мактабга қатнаши ва бозорда савдогарларнинг харидорларни алдамаслиги учун тоштарозини текшириб ҳам борган.

Матюсуф Салимовнинг тадқиқотларига кўра, “қуйидаги тарихий хужжатга эътибор қаратсак:

“Тарихий ҳижрий икки юз тўқсон учда шабъон ойининг азъосинда (милодий 1876 август-сентябрь ойлари) эрдиким, назаримизда бу мазмун зоҳир бўлдиким, Омонқули охунд марҳумининг валид иршоди Адҳам махдум марҳуми вафотидан сўнгра махдум мазкурнинг ворислари ҳамки ва тамоми икки қитъа ерларин ким кўҳнадир. Гурлан мавзесинда, аввалги қитъаси тахминан, беш танобдирким, Хизрэли ёпи бўйинда Паҳлавон Маширф масжиди қавминдадир. Иккинчи қитъаси ҳам беш таноб бўлиб, Эшимжирон масжид қавминда, Қипчоқ ёпи бўйиндадир. Махдум марҳумининг масжидига вақф этиб берилгандур. Вақфномасинда тайин қилинғон эркан ва мазкур икки қитъа ернинг аввалги қитъасининг орқа тарафинда тахминан бир таноб ер ким Юсуф махдум марҳумининг муқафаси турур. Ва муқафот мазкуротнинг мутаваллиси вафот бўлгани жиҳатидин жами шароитларига халил етишиб масжидида намозга имом ва муаззин ва хатм калом шариф бўлмағони жиҳатидан Муҳаммад Салим охунднинг инсоф ва диёнати садиқ ва иймони равшан бўлганидин ва марҳумнинг саҳиҳ авлоди ва асадиқ ихфоди бўлғони учун вилоят қозиси била масжид мазкурнинг муқивафа мазкураларнинг ва вақфномаларин олиб ҳар нечук шарт ва шароити бўлса онга лойиқ амал қилиб ҳар бобда шарҳи шариф аҳкомини илгари тутғой, токи зоҳира дунё ва охират бўлиб, . . . бўлғай. Сураат вақфия бу эрдиким. . . .

Вақфнинг пастки қисмида иккита муҳр босилган.

Муҳрлар: Биринчи муҳр: Қози ул қузот Абдураҳим ибн қози Муҳаммадшариф эшон. 1295 –йил.

Иккинчи муҳр: Қози аскар Муҳаммадашриф охунд.

Матюсуф Салимов бу ҳужжатни қуйидагича шарҳлаб ўтади:

“Муҳаммад Салим охунд 1876 йил Гурлан беклигида Эшимжирон масжид қавмида мутаваллилик қилган ва шу масжид қавмида имомлик ҳам қилгани келиб чиқади. Бошқа бир томони борки, Хивада иш фаолияти билан

биргаликда бир қанча, айниқса ўзи туғилиб ўсган Гурлан беклигидаги қишлоқ ва овуллар масжидининг мутаваллиси қилиб тайинланган бўлиши мумкин.

Ҳижрий 1305 йилгача (милодий 1887-1888 йиллар) масжидларнинг мутаваллиси, Хива шаҳрининг муфтийси лавозимларида фаолият кўрсатган. 1305-1306 йилларда қозиаскар бўлиб хизмат қилган ва бу қисқа муддат давом қилган. Бунга мисол тариқасида тарихий ҳужжатни келтирамиз:

“Домла Муҳаммадшариф валад мулло Ортуқнинг инсоф ва диёнати ва салоҳияти маълум ва ҳувайдо бўлгани жиҳатидин Қўшқўприк ва Ойритом ва Қатағон ва Масъуд ва Янги ёп ва Ойронқўл мавзеидаги ўлтурумли қозиаскарга таллуқли жамоалар ўзбекия ва тожикия ва уларнинг мувалийларига ўз тарафимиздан ноиб қози қилиб тайинладик. Энди керакким жамоа мазкурлар нойиб мазкурни ўзларига нойиб қози қилиб, қадим дастурида иззат ва ҳурматин бажо қилиб, сукук ва сажатлари бўлса онга равя қилиб, никоҳ бокиралар бўлса, онинг изни била қилиб никоҳхонасин онга топширсунлар. Ва тақсими тарки ва онинг ибораси бўлса, мажлис қазоға келсинлар. Нойиб мазкур ҳам жамоа мазкуралар била нави маош қилсинким. Деб зуоқаъда ойининг учланчиси, сешанба куни хат битилди. 1306 йил (ҳижрий).

Муҳр: Қозиаскар домла Муҳаммад Салим охунд ибн Муҳаммад Саид.

1305-йил.

Бу тарихий ҳужжат лавозимга тайинлов ҳужжати бўлиб, қози аскар томонидан қишлоқ ва овулларга қози ноибликка тайинланилган.

Бу сингари ҳужжатлар Салимохунд сулоласининг Гурлан туманида яшовчи авлодларида анча бўлиб, тарихий мерос сифатида авайлаб сақланмоқда.

Матюсуф Салимов тадқиқотларига кўра, “демак юқорида келтирилган мисолларга хулоса қилсак, Муҳаммад

Салим охунд, 1886-1887 йиллар қисқа муддат хонликда қози аскар бўлиб фаолият кўрсатган. Қози аскар вазифаси қозикалоннинг ёрдамчиси сифатида иш олиб бориш билан биргаликда, унга тегишли ҳудудлардаги беклик, қишлоқ ва овуллардаги қозихона, никоҳ хоналарни назорат қилган ва ўзига беркитилган мадраса ва масжидларнинг ҳам мутаваллилик вазифасини бажарган. Қолаверса, бошқа мутавалли ишларини ҳам назорат қилиб турган. Яна ўзига тегишли ҳудудларда олди-сотди, қарздан воз кечиш, никоҳ, талоқ, мерос тақсимлаш, ер ва буюмларни, дастгоҳларни ижарага бериш ва бошқа турдаги шартномаларни расмийлаштириш ишлари билан шуғулланган. Яна деҳқончилик ерларни, ижарага олинган жиҳоз ва дастгоҳларнинг ижара пулларини, нақд пул кўринишдаги маблағни масжидларга, мадрасаларга ва мақбараларга вақф қилинган хужжатларни расмийлаштириб, нақд пул кўринишдаги пулларни масжид, мадраса, мақбарага вақф қилиш Марказий Осиё хонликларидан фақат Хива хонлигида мавжуд бўлган, бошқа хонликларда бу турдаги вақфномалар учрамайди” (“Инновация ва тараққиёт” журнали, 2024 йил, 4-сон, 19, 20-бетлар).

Тарих фанлари номзоди Комилжон Худойбергановнинг тадқиқ қилишича, “бекликлардаги, қишлоқ овуллардаги қозилар ҳар йили суҳбатдан ўтиб, яна қайта тайинланганлар. Агар суҳбатдан ўта олмаса, ўрнига бошқаси тайинланган. Қозикалонлар ва қозиаскарлар ҳар уч йилда бир маротаба суҳбатдан ўтказиб турилган”.

Матюсуф Салимовнинг изланишларига кўра, “Муҳаммад Салим охунд тарихий хужжатларда келтирилишича, ҳижрий 1305-1306 йиллар (милодий 1887-йил) ва яна 1315-1318-йиллар (милодий 1897-1900-йиллар) қозиаскар бўлиб фаолият кўрсатган. Ҳижрий 1307-1315-йиллар давомида эса муфтий вазифасида ишлаган. Бунга мисол тариқасида бир қанча тарихий хужжатни қисқача келтирсак:

Ҳижрий 1314-йил моҳи ражабнинг ўн биринда (милодий 1897 йил 6 декабрь) шанба куни Нурмуҳаммад Гурланли Паҳлавон Машариф масжид қавмидин валад Эрназар Шайх валад Шермуҳаммад Шайх, сотдим фақоҳат паноҳ домла Муҳаммад Салим муфти эшон валад Муҳаммад Саид махдумға, тахминан икки таноб ерини, маблағ тўқсон тилло, ҳар бири тўққиз танга. . .

Гувоҳлар: домла Худойберган, домла Собир, домла Яхшимурод котиб.

Муҳр: Қози аскар Муҳаммад Амин махдум ибн домла Раҳматуллоҳ охунд, 1308-йил.

Салимохунд ва Низомиддин охундларнинг кундаликларини тадқиқ қилган Матюсуф Салимовнинг изланишларига кўра, "1318-йил 5-моҳи рамазонда (милодий 1900 йил 27 декабрь) Хива хонлигининг қозикалони бўлиб тайинланади ва умрининг охиригача фаолият кўрсатади.

Қозикалонлик муҳринда қози-ул-қуззот домулло Муҳаммад Салим охунд бин Муҳаммад Саид охунд марҳуми 1318-йил деб ёзилган. Қозикалон Муҳаммад Салим охунд ўғли Низомиддин охунд кундалигида келтирилишича, ҳижрий 1334-йил раби-ул-сонийнинг 12-куни вафот қилган. Бу сана милодий 1916 йилнинг 17 февраль кунига тўғри келади. Бизгача етиб келган маълумотларга қараганда, 92, ёки 96 йил умр кўрганлиги келтириб ўтилади.

Тарихдан маълумки, олдинлари Хива хонлиги вақтидан то Хоразм Халқ Республикаси давригача йил ҳисоби, ҳужжатлар йил ва саналари ҳижрийда қайд қилинган. Шу билан биргаликда инсонларнинг умри ҳам ҳижрийда ҳисобланган. Агарки шуни эътиборга олсак, ҳижрийда 96 йил, тахминан 92-93 милодий йилга тўғри келади. Бу ҳижрий йил ҳисоби айрим тарих ва воқеаларни ёзиш, мактуб ёзишда 20 аснинг 60-70 йилларигача сақланиб қолган, ёки бўлмаса, ҳам ҳижрийда, ҳам милодийда саналар,

йиллар қайд қилинганлигини кўришимиз мумкин. Шунга асосланиб, Муҳаммад Салим охунд ҳижрийда 96 ёш умр кўрган бўлса, милодийда 92-93 йил умр кўрган бўлади. Агар ҳижрийда 92 йил умр кўрган бўлса, милодийда 89-90 йил умр кўрган бўлади. Демак, 89-90 йил умр кўрган бўлса, 1826, 1827 йилларда, 92-93 йил умр кўрган бўлса, 1823, 1824-йилларда туғилган бўлади. Шунга кўра, Муҳаммад Салимохунд милодий 1823-1827 йиллар туғилиб, 1916 йил 17 февралда вафот этган” (“Инновация ва тараққиёт” журнали, 2024 йил, 4-сон).

Табиийки, ўша даврда ва ҳаттоки ҳозирда ҳам Салимохунд сингари нуроний ёшга кириш ҳаммагаям насиб қилавермаган. Ана шу умрнинг суронли йилларида, ҳар кимнинг, агарки у юқори мартабали вазифада фаолият кўрсатсада, турли зиддиятли воқеалар, кимлар биландир тушунмовчиликлар бўлиши одатий ҳол. Бундай ҳолат табиийки, Салимохунднинг фаолиятида ҳам содир бўлган.

Ёшлигида Хивадаги мадрасада таҳсил олган Салимохунд сийратидаги адолатпарварлик хислатлари борлигидан, раис, қози аскар вазифаларида фаолият кўрсатган вақтларида, бу қадимий ҳудуд одамлари орасида тезда обрў эътибор қозонади. Ниҳоят ушбу масъулиятли вазифада(раис вазифасида) бир йил ишлаганидан сўнг хон томонидан таътилга рухсат олиб Гурланга келади. Гурланда 2-3 кун юргач, Юмуртов (Жумуртов, Юмритоғ) даги Жуманиёз Эшон деган уламоникига янада ўз билимларини ошириш учун боради. Эшонёп бўйидаги эшоннинг уйида бир оқшом бўлиб, ҳазрати эшонни зиёрат қилади. Эртасига Салимахзум уйига кетмоқчи бўлиб рухсат сўраганида:

- Жавобни мен бераман-дея Эшон, Салимахзумни олиб қолади. Шу тарзда яна илму урфон, турли шаърий масалалар бўйича сабоқ давом этдирилади ва саккиз кундан кейингина уйига кетишга рухсат беради. Салимахзум Гурланга келганида унинг изидан етиб

келган иккита отлик унинг ўзидан Салиммахзумнинг уйини сўрашади. Отлиқлар Салиммахсумнинг уйига келиб, аммаси, узоқроқ қариндоши билан гаплашиб “Эшонбува қизимни Салиммахсумга бераман деганди”-деб айтишади. Салиммахзум рози бўлгач, эртасига совчи юборишади. Ниҳоят бир ҳафтадан сўнг, уч хонали, отасидан қолган уйда Салиммахзумнинг тўйи бўлади. Келиннинг исми Солияжон эди.

Тўй ўтиб, урф-одатларнинг ҳаммаси қилиниб бўлгач, Салиммахзум рафиқаси билан Хивага йўл олишади. Муҳаммад Раҳимхон II уни яхши кутиб олади ва узоқ суҳбатлашишади. “Энди бир жонмас икки бўлибсиз”-дея Хиванинг қибла тарафига уй солишни буюради. Негаки, Салиммахзум ўтган бир йил ичида Хивада гарчи раис вазифасида бўлсада, бир ўзи яшаётгани учун ижарада турганди. Энди эса хоннинг айтган ҳудудида уй барпо қилишга киришади.

Қолаверса, хон унинг бир йиллик Раис вазифасидаги адолатона фаолиятдан келиб чиқиб, уни Хива хонлиги қози аскар, 1900 йилдан эса қозикалон қилиб тайинлайди. Шундан кейин уни Салиммахзум эмас, Муҳаммад Салимохун қозикалон деб аташа бошлашди.

Шу тахлит қозикалон Салимохун кўп йиллар фуқароларнинг арз даъволарини тинглаб адолатли қозикалон сифатида доврўқ қозонади. Муҳаммад Салимохун қозикалонлик фаолияти билан бирга, Хива мадрасаларидан бирида (авлодларининг хотирлашича Муҳаммад Раҳимхон-Ферузхон мадрасасида) мударрис сифатида ҳам талабаларга илму фандан сабоқ берган.

Баҳром Ирзаевнинг фикрича, “дастлабки пайтда сарой аҳли ва Хива аъёнлари зайхонадан чиққан одамдан қозикалон бўладими деган гапларни ҳам тарқатишади. Ўша даврларда Гурлан беклиги хонликнинг анча чекка ҳудудларидан бўлиб, дарё бўйида кўллар кўп, пастқам ерлар бўлганлиги учун пойтахтликлар уни зайхона (зах)

деб аташган. Бироқ Муҳаммад Салим ўзининг адолати, илму заковати билан қисқа муддатда элнинг эътиборини қозонади. Унинг таърифи ҳатто хонликнинг жуда узоқ чўлларида яшаган туркман сардорларига ҳам етиб боради. Шу тариқа Муҳаммад Салим охунд умрининг охирига қадар қисқа танаффуслар билан бўлсада хонликнинг қозикалони вазифасида фаолият кўрсатади.

1873 йил. Узоқ тайёргарликдан сўнг Россия империяси кўшини генерал Фон К. П. Кауфман қўмондонлигида катта замонавий кўшин билан хонлик ҳудудларига ҳужум уюштиради. Хориждан ҳеч бир ёрдам ололмаган Ферузхон тушкунликка тушиб пойтахтни тарк этади. Шундай бир вазиятда қози аскар Муҳаммад Салим охунд Ферузхон билан 3-4 соат давлатчиликнинг тақдири бўйича суҳбат қуришади. Натижада Ферузхон Туркистон генерал-губернатори Фон Кауфман билан учрашишга рози бўлади. Сўнгра улар биргаликда Фон Кауфман ҳузурига бориб музокара ўтказишади.

Шундан сўнггина хоннинг бошқа амалдорлари ҳам Фон Кауфман ёнига йўл олишади. Музокаралар олдида Муҳаммад Салим охундга душман орасида фаол бўлган бир кишининг афти-ангори иссиқ кўринади. Яхшилаб разм солиб унинг Бухоро мадрасасида ўзи билан бирга ўқиган татар миллатига мансуб талабалардан бири эканлигини эслайди. Сўнг уни ёнига чақириб, “тақсир сизни илм учун ўқиган деб ўйласам, сиз душманнинг бир айғоқчиси бўлган экансизда” деб дакки беради. Салимохун Ферузхон билан орага иймон ва исломни қўйиб бевосита Фон Кауфман билан 3-4 соатлик музокара олиб боради. Суҳбат асосан хонликнинг бошқаруви, қарам давлатнинг иқтисодий, ҳуқуқий аҳволи, мусулмонларнинг диний эркинлиги ҳақида бўлади.

Шундан сўнг Салимохун Ферузхонга учраб, унга тасалли беради ва вазиятни тўла тушунтириб, хонни генерал Фон

Кауфман билан музокарага кўндиради. Шу тариқа 1873 йил 12 августда Гандимиён шартномаси имзоланади.

Қодирберган ҳожи Низомиддин ўғли Салимохун билан Ферузхон ўртасида бўлган кичик бир зиддиятни гапириб бергани. Ушбу воқеани тарихчи Баҳром Ирзаев ҳам ўзининг фейсбукдаги саҳифасида қуйидагича ёритган: “Муҳаммад Салим охунд фаолияти вақтида бир мерос мулкни хоннинг ҳисобига ўтказиш учун хоннинг вакили муҳр бостириб тасдиқлатиш мақсадида қозихонага келади. Муҳаммад Салим охунд ҳужжатлар билан танишиб асло муҳр босмаслигини айтади. Шунда хон вакили хоннинг ўзи тайинлаганини шаъма қилади. Қозикалон у ҳолда ҳам муҳр босмаслигини айтиб қайтариб юборади. Вакил дарров хоннинг олдига бориб қайтариб юборганлигини етказди. Хон қаттиқ тайинлаб яна Муҳаммад Салим охунд қозикалон олдига юборади. Бироқ бу гал ҳам қозикалон муҳрини босмайди. Шундан сўнг Ферузхон қозикалонни чақириб “гашир гўттини бунга бос”(сабзининг таг қисми, яъни қозикалон муҳрини назарда тутиб) дея ҳукм қилади. Шунда Муҳаммад Салим охунд “ агар мени гашир гўтти учун сақлаб қўйган бўлсангиз олинг буни”, дея муҳрни (ҳижрий 1317 йилга оид қозикалонлик муҳрида “қозатул қози” дея ёзилган бўлиб, авлодларининг хотирлашича Муҳаммад Салимохуннинг учта муҳри бўлган) хоннинг олдига ташлаб чиқиб кетади.

Муҳаммад Салим охунд қозикалон бу масалада жуда қаттиқ турганлигининг сабаби, биринчидан кейинги вақтларда ким хоннинг фойдасига мулк қўшса унга ҳам маълум фоиз ажратилиши қоидаси киритилган, айрим очкўз қози ва мирзолар фойда илинжида меросхўри аниқланмаган мулкларни чуқур текширмасдан ҳам хонликнинг ҳисобига ўтказишга ҳаракат қилиб бошлаган эди. Иккинчидан қозикалон бу ҳужжатларда кўрсатилган кампирнинг бир қизи узоқроқ ҳудудга эрга тегиб кетган бўлсада, мулкка эгалик даъво қилиш ҳуқуқи борлигини

билар эди. Гурлан беклигидаги қози ва мирзолар уни билмасдан чол кампирдан қолган молу мулкни хоннинг фойдасига киритиш учун хужжат тўғирлаб, Хивага хоннинг олдига олиб боришганди.

Ана шу воқеа боис Хивада “қозикалон билан хон зиддиятга бориб, урушиб қолибди” деган гап жуда тез тарқалади. Воқеадан оддий Хива халқи қаттиқ ташвишга тушган бўлса, кечагина уйда хизмат қилиб, рўзғорига қарашиб, ўзини яқин тутган айрим кимсалар қозикалоннинг кўчасига ҳам кирмай қўйишади. Улар”кўчадан ўтсам уйи олдига борганимда уйдан қозикалон чиқиб қолса, салом берсам, буни айғоқчилар хонга етказса менинг ҳам бошим кетади”, деб кўрқишар эди.

Ана шундай вазият сабаб, Муҳаммад Салим охунд Хивадан Гурланга келиб, ундан Тахтакўпирга боради. Қорақум ҳазрат эшон номи билан машҳур уламога қўл бериб, эшонлик рутбасини қабул қилади. Қорақум Ҳазрат эшон Муҳаммад Салим охунд қозикалонга ўз ўғлини ўқитишни топшириб, иккинчи қаватдаги чордакда дарс беришини тайинлайди. Муҳаммад Салим “Сиздан юқорига чиқмайман”, деб узрини айтса, “шунда сизларни ҳеч ким безовта қилмайди” дейди. Орадан бир неча ойлар ўтганидан кейин Ҳазрат Қорақум эшон тонг билан уларнинг олдига чиқиб, “бугун бир хушxabар келишини” айтади.

Бунинг сабаби, Ферузхон ўғли Асфандиёр тўрага, “бориб, устозингни олиб кел”, деб буюрган экан. Устоз дейишига сабаб Асфандиёрга диний таълимни шахсан Муҳаммад Салим охунд қозикалоннинг ўзи берганлигида эди. Шу тарзда Тахтакўпир худудига келиб устозига учраган шахзода Асфандиёр рад жавобини олади. Бироқ Салимохунд Асфандиёрга-шогирдига хон тайинлаган бўлса ҳам бормаслигини айтади. Мулоқотдан хабардор бўлган ва вазиятни теран англаган Ҳазрат Қорақум эшон “Сиз

ҳукмдорга эмас, халққа, хонликка кераксиз”, дея дуои фотиҳа қилиб, Салимохундга шахзода билан кетишига рухсат беради.

Шу тарзда Муҳаммад Салимохунд қозикалон Хивага қайтаркан, Қўшқўпирнинг қумидан ўтганида, аксарият кўпсонли Хиваликлар уни кутиб олишга чиқиб турганини кўради. Ҳатто Дешонқалъа дарвозаси олдида хон ҳам пешвоз чиқиб турган эди. Хон қозикалондан ҳол аҳвол сўраб, эшонлик рутбаси билан муборакбод қилади ва қозикалонлик мансабида давом этишига рухсат беради. Негаки Салим охунд қозикалон вазифасидан кетгач тайинланган қозикалон кўп ўтмай бир зиёфатдан қайтиб, кечаси вафот этганди. Кейинги қозикалон ҳам мансабга тайинлаганидан сўнг бир ҳафта ўтмасдан ўзини билмай руҳий хасталикка чалинган эди.

Шу тариқа бир томондан халқ норозилигининг ортиб бориши, иккинчи томондан танланган инсонларнинг қозикалонликни давом этдира олмаганлиги сабаб, Ферузхон Асфандиёр тўрани 15-20 навкар билан Қорақум эшон Ҳазратникига юборишга мажбур қилганди. Шундан сўнг хон қозикалонга ортиқча буйруқ бермасликка, унинг ишларига аралашмасликка ҳаракат қилади. Муҳаммад Салим охунд қозикалон қанчалик банд бўлмасин, мадрасадаги мударрисликни ҳам давом этдиради. Талабаларга таълим беришдан узоқлашмади. Муҳаммад Салим охунд нажотни таълимда деб билганидан, келажак авлод тарбиясига ўз ҳиссасини қўшди.

Тарихдан маълумки, мустамлака Россиянинг Хоразмдаги маъмурларининг фитналари, қолаверса айрим амалдорларнинг адолатсизлиги сабаб, Хива шаҳри 20 аср бошида бир неча маротаба ёвмуд сардорларининг ҳужумига учрайди. Ана шундай вазиятда шаҳар ишғол қилинганида Хива халқи, аёл қизлар, болалар қозикалон яшайдиган кўчага кириб яширинишади. Бунинг сабаби, жанг олдида ёвмуд сардорлари ўз навкарларига

қозикалоннинг уйига, кўчасига кирмайсизлар дея буюришганди. Ёвмутлар Хивага ҳужум қилишганида кўплаб қимматли молу мулкларни, бир қанча одамларни, Хивадаги катта тўпни, ҳаттоки Ферузхоннинг энг яқин кишиларидан бирини ҳам ўзлари билан гаров сифатида олиб кетишганди.

Ана шундай вазиятда, қозикалон Салимохунд бир вазир билан Жунаидхон олдига боради. Ёвмуд сардори қозикалонни адолатпарварлиги учун катта ҳурмат билан кутиб олади. Музокарада қозикалон “аввал оддий Хива халқини, кейин ҳайит ва байрамларда тўп отиб халқни огоҳ этиш керак”, деб ўлжа олинган эски тўпни сўрайди. Жунаидхон қозикалоннинг сўзларини тинглаб, барча ўлжаларини Хивага талафотсиз қайтаради. Дарҳақиқат қозикалон хонликда адолатона фаолият юритиб, ноҳақ бировга зулм ўтказмади, мулкни талон-тарож этолмади. Ҳатто хонни ҳам бу масалада аямайдиган қозикалон даргоҳи хонлик халқининг адолат қўрғони рамзига айланиб қолди”.

Салимохунднинг обрўси, жамиятдаги мавқеи фақат хонлик ҳудудидагина эмас, кўшни минтақалар, ҳаттоки Қримда фаолият кўрсатаётган жадидлар лидери Исмоил Гаспралининг эътиборини тортган. Шу боис ҳам “Таржимон” газетасининг 1903 йил 21 мартдаги сонида “Муҳаммад Раҳимхон тахтга ўтирганига 40 йил бўлди, адолатли, улмоларни ҳимоя қилиб келди, араб ва форс тилларидан кўп китобларни туркийга таржима қилдирди, хаттотлик тараққий қилди, уламодан домулла Салим Охун ва қози калон машхур, мадрасаларда атрофдан келган талаба кўплиги ҳақида” мақола чоп этганди.

Қолаверса қозикалон Салимохунд хонликдаги энг муҳим амалда ўтиришига қарамай, худди ёшлик пайтларидагидай моҳирлик билан хаттотликни давом этдирган.

Муҳаммад Салимохунд қозикалон 90 ёшларидан ўтиб вафот этганида (ўша вақтда Хивани ёвмудлар қамал қилиб турган бўлади. Бироқ Қозикалоннинг вафот этганини эшитган ёвмудлар жанозага бораётганлар учун қамални тўхтатишган) уни халқ ва ҳукмдор Асфандиёрхон ҳурмат эътиром билан давлат амалдорлари, хўжалар дафн этиладиган, Дешон қалъадаги Шоҳи Мардон қабристонига дафн этишади. Қозикалон Муҳаммад Салимохунднинг вафоти этган сана 1916 йил февраль ойи эди.

2-БОБ. БОБООХУН САЛИМОВНИНГ ХОНЛИК ДАВРИДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, ҲУҚУҚИЙ ҲАОЛИЯТИ

2.1. Бобоохун Салимовнинг хонлик давридаги ижтимоий-сиёсий ҳаолияти.

Хива хони қозикалони Салимохуннинг энг катта фарзанди бўлган Муҳаммад Карим-яъни, Бобоохун Хоразм Россия империяси томонидан истило қилинганидан уч йил ўтиб-1877 йилда туғилган. Сулолага мансуб тадқиқотчи Матюсуф Салимовнинг фикрича, Бобоохунд Салимовнинг асл исми Муҳаммад Карим бўлиб, Бобоохунд куняси ҳисобланади. Негаки, унинг амаки боболари исми Муҳаммад Карим бўлган ва оилада шунга уни Бобоохунд дея аташган. Айрим тадқиқотчилар томонидан Бобоохунднинг асл исмини Муҳаммад Амин тарзида келтиришади. Исм билан боғлиқ воқеликка ойдинлик киритиш учун, аниқлик киритиш мақсадида, тарихий ҳужжат, адлия нозирлик гувоҳномасини кўриб чиқсак :

“Хоразм Республикаси томонидан ҳижрий 1339-йилда (милодий 1920-йил) Бобоохунд Салимовга берилган адлия нозирлик гувоҳнома икки варақ бўлиб, рус тилида ёзилган. Чап тарафинда ўзининг суратининг паст қисмида шахсий имзо ўрнига араб имлосида ўзбек тилинда қуйидагича ёзилган : “Муҳаммад Карим Бобоохунд бин (қози) Муҳаммад Салим марҳуми ал-Хоразмий”. Унинг пастки сатринда, нозирлар совети раиси деб Полвонниёзхожи Юсупов рус кирилл алифбесида қуйидагича имзо чеккан.



Агарки исмидаги “охун” ва “охунд” сўзларига келсак, форсий тилда “охунд” деб ёзилган, эски ўзбек тилида (туркий) “охун” деб ёзилган, яъни бизга “охун” тарзида кириб келган.

Айрим тадқиқотчилар, Бобоохун Салимовнинг таваллуд топган санасини 1874 йил деб келтиришади. Матюсуф Салимовнинг тадқиқотларига кўра, “бунга аниқлик келтириш мақсадида отаси қозикалон домла Муҳаммад Салим охунднинг кундалигига қарасак, ҳамма фарзандларининг туғилган вақтлари ва бошқа оиласига тегишли муҳим маълумотларни қайд қилиб борган. Шулар асосида қуйидагиларни келтириш мумкин:

“ Тарих ҳижрий минг ва икки юз ва тўқсон тўртда, мувофиқ сигир йили, ҳарият далил эрдиким, валодат фарзанд аржуманд Муҳаммад Карим воқеа бўлди, Жамадул сонийнинг йигирма олти, , ё йигирма еттинчиси, чоршанба кечаси, саҳар ҳангкоми эрди” деб келтирилган. Яна “ тарих

ҳижрат минг ва икки юз ва тўқсон тўртда Наврўзи олам раббиул аввалнинг тўртланчиси ё бешланчиси пайшанба куни воқеа бўлгон экан”тарзида ҳам қайд этилган хужжатда.

Бобоохунднинг туғилган йили ҳижрийда 1294-йилнинг жамдул соний ойининг 26-куни ёки 27-кунлари милодий 1877-йилнинг 8-июль, ёки 9-июль кунларига тўғри келади. Наврўз куни ҳижрий 1294-йилнинг рабиул аввалнинг 4-куни ёки 5-кунлари, милодий 1877-йилнинг 19-март, ёки 20-март кунларига тўғри келади. Бу саналарнинг орасидаги кунларни санаб, таққослаб кўрсак, ҳижрийда Наврўздан 110 кундан кейин туғилган. Милодийда 109 кундан кейин туғилганлиги келиб чиқади. Шунини ҳисобга олиб Бобоохунднинг туғилган санасини 1877 йил 8-июль куни десак бўлади.

Бобоохунд туғилган вақтда оиласи Хива шаҳридаги Нурилла бек масжид қавмидан ер сотиб олиб иморат қурган ва шу ҳудудда истиқомат қиларди. Отаси Муҳаммад Салим охунд у вақтда мадрасаларда мударрислик қилиш билан бирга хаттотлик ҳам қилар эди. Айрим маълумотларга кўра, Хива шаҳрининг раиси вазифасида ҳам фаолият кўрсатган. Шу билан бирга Гурлан беклигида ўзининг ота уйи, молу мулки ҳам бор эди. Отасининг Бухородан таълим олиб юртига келган (45 ёшлар атрофида милодий ва катта фарзанди Бобоохунд таваллуд йили 1877-йил эканини ҳисобга олсак) 1869-1876-йиллар оралиғида оила қурган бўлади.

Бобоохунднинг муҳтарама оналари Солияжон (Солиҳажон), Муҳаммад Паноҳ сўфининг ўғиллари Жуманиёз эшон қизлари бўлган. Жуманиёз эшон Хива мадрасаларида таълим олиб, тасаввуф йўлига кирган, ўз даврининг Нақшбандия таълимотининг йирик намоёндаларидан бири ва юзлаб шогирд етиштириб чиқарган уламо бўлган. Бобоохунднинг она томонидан боболари Жуманиёз эшон, ҳозирги Қорақалпоғистон

Республикасининг Амударё туманидаги Жумуриовул маҳалласида (олдинги Эшонқалъа қишлоғида) истиқомат қилган. Ҳар иккала шажара тарафдан шу тарзда илму маърифатли сулола вакили, издоши бўлган Бобоохун болалигидан илм олишга иштиёқ бўлиб вояга етган. Дастлабки сабоқни эса отасидан олган”.

Аввал оилада ота-онаси, кейин мактаб тарбиясини олган Бобоохун Хивадаги Муҳаммад Юсуф ясовулбоши мадрасасида таҳсил олади.

Матюсуф Салимовнинг тадқиқотларига кўра, “ ўн бир ёшда мадрасанинг бошланғич босқичини, яъни “дарси аввал илм” (мадрасаларда ўқиш уч босқичда бўлганлиги маълум. 1. “Адно”-қуйи босқич. Аввали илм. 2. “Авсат”-ўрта босқич. 3-“Аъло” ёки “олий” – юқори босқичдан иборат бўлган) “Аъло” босқичини ҳижрий 1314-йилдан 1323-йилларда (милодий 1897-1905 йиллар) тугатган. Бобоохунд Муҳаммад Юсуф ясовулбоши мадрасасининг юқори босқичида таҳсил олиш давомида, ўзи ҳам Хивадаги мадрасаларда толиби илмларга сабоқ бериб борган. Бунга оид отаси-Муҳаммад Салимохунднинг хотира кундалигидан қуйидагиларни келтириб ўтсак:

Ҳижрий 1307 йилда (милодий 1890 йил) мадраса олийдан мударрис ҳақи учун йигирма олти ботмон буғдой олдуқ, яна ўн ботмон буғдой олдуқ, яна Бобо учун ўн ботмон буғдой олдуқ, ва Жуманиёз учун ўн ботмон буғдой олдуқ, яна ўзимиз қирқ беш ботмон буғдой олдуқ. . . . ” дея келтирилади.

Шунингдек қозикалоннинг кундалигида яна “ ҳижрий 1327 йил (милодий 1909 йил) тарихинда Ясовулбоши ақонинг мадрасасидин мударрис ҳақи учун ўн олти ярим буғдой олдик”, дея қайд этилган.

Матюсуф Салимовнинг фикрларига кўра, қозикалон фарзандлари Хива шаҳри мадрасаларида таълимни тугатганидан кейин сўнгги таълимни отасидан олишган.

Бобоохунд сўнгги таълим 5-7 йилгача давом қилган. Бу оилавий анъана ҳисобланган.”.

Тарихдан маълумки, унинг ёшлиги ижтимоий сиёсий ҳаракатлар авж ола бошлаган XX асрнинг бошларига тўғри келганлиги боис, азалдан шижоатли ва журъатлилик умр сафардошига айланган бу инсон отаси ҳаёт пайтларида мадрасада мударрис, қози аскар, қозикалон ёрдамчиси сифатида фаолият кўрсатади.

Ўзида нафақат лавозимига хос юксак исломий эътиқод, балки оддий инсоний ғурур кучли бўлган Бобоохун фуқароларнинг арз-додини тинглаш, турли жанжал ва шикоятларни адолатона йўл билан ечишга ҳаракат қилади. Бироқ, феодал-монорхияга асосланган, бунинг устига мустамлака давлатда ижтимоий адолат борасида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас эди.

Қолаверса, баъзи руҳонийларнинг муттасиблиги, бир қатор шарқ тилларини билган, ўз даврининг маърифатпарвар илғор зиёлилари билан яқин маслакдош бўлиш Бобоохунни жамиятда илғор тараққийпарвар кучлар, яъни ўзларини “Ёш хиваликлар” дея номлаган жадинлар билан бирлашиб, ислоҳатлар ўтказишга ундади.

Тарих фанлари номзоди, доцент Неъматжон Полвонов тадқиқотларига кўра, “Ёш хиваликлар” ҳаракати 1904-1905 йилларда ҳамфикр маслакдошлар, 1910 йил бошларида манфаатлар гуруҳи сифатида шаклланган бўлса, 1917 йилда амалдорлар, маърифатли бойлар, зиёлиларнинг Хива хонига мухолифат бўлган сиёсий кучи, 1918 йилда эса расмий сиёсий партия сифатида намоён бўлди.

Жадидчилик ғоялари асосидаги “Ёш хиваликлар” ҳаракати (партияси) сафларида Бобоохун Салимовнинг яна Ҳусайнбек Матмуродов, Жуманиёз Бобониёзов, Полвонниёзхожи Юсупов, Бобожонбой Ёқубов, Жуманиёз Султонмуродов, Назир Шоликоров, Султонқори Жуманиёзов, Худойберган Девонов, Муҳаммадёрхўжа Абдуллаев, Отажон Абдоллов, Сафо Муғанний, Аваз Ўтар,

Бобожон Ёқубов, Ҳакимбой Жонмуҳаммедов, Муҳаммадёр ҳожи Абдуллаев, Отажон Жуманиёзов, Раҳмонберган Ёқубов, Муҳиддин Умаров, Мулла Жуманиёз Султонмуродов, Қурбонбой Жалойир, Худойберганбек Матниёзов, Давлатназар Қайроқ, Мурод Элтузаров, Мулла Матмурод, Мулла Абдулла Бердимуродов, Авазхўжа, Исомиддин эшон, Низомиддинохун, Собир Ёқубов, Бекжон Раҳмон, Ваис Раҳимий, Муҳаммад Юсуф Девонзода сингари турли ёш, турли соҳаларда фаолият кўрсатган сафдошлари бўлиб, улар хонликнинг турли ҳудудлардаги фаоллари бўлишган” (Полвонов Н. Т. “Хоразмдаги ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихи” (1900-1924), “Akademnasr”, Тошкент-2011;).

. Уларнинг сони дастлабки пайтда 40 нафарни ташкил этган. Кейинчалик эса Асфандиёрхон томонидан тазйиқ кучайгач, фаоллар Тошкент, Чоржўй, Тўрткўлга муҳожирликка кетишга мажбур бўлишади ва ўша ҳудуддаги Хоразмликларни партияга аъзо қилиш ҳисобига тарафдорлар сони кўпая бошлашади.

Дастлабки даврда ҳар пайшанба кунлари Хивадаги Қаландархонада, гоҳида Қоракўз масжидида, кўпинча эса Ҳусайнбек Матмуродов уйида йиғилишлар ўтказиб, дунёда кечаётган жараёнлар, хонликдаги вазиятни муҳокама қилиб туришган.

“Ёш хиваликлар” дунёқарашининг шаклланиши ва тадрижий ривожланишида хонликдаги мавжуд ижтимоий-сиёсий тузум, Усманийлар давлати, Эрон, Россия ва Туркистондаги сиёсий ўзгаришлар объектив шароит сифатида катта таъсир қилган. Шунингдек, Қрим ва бошқа ҳудудларда нашр этилиб турган жадин газеталари, хонликдаги жадин мактабларидаги Рамазон Сайдашев, Кабир Абдурашидов, Давид Бакиров, Мухтор Бакиров сингари ўқитувчилар, Усманийлар давлатидаги “Ёш турклар”нинг, Туркистон ва Бухородаги жадинларнинг, шунингдек Хоразмга сургун қилинган рус инқилобчилари,

солдат шўролари таъсири субъектив омил сифатида катта роль ўйнаган.

Жадидчилик ғоялари асосидаги ушбу ҳаракат “Ёш хиваликлар” партияси 1918 йил июнь ойида Хоразм аҳолиси манфаатларини ҳимоя қилувчи, ўз дастури ва ташкилий тузилмасига эга бўлган расмий сиёсий партия сифатида тўла шаклланади.

Ўз даврининг етук ҳуқуқшуноси сифатида Бобоохун Салимов жамиятда кечаётган жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида, Хоразм жадидларининг сиёсий лидерларидан бири даражасидаги шахсга айланганди.

Шунингдек, у жамиятда рўй бераётган салбий муносабатларни йўқотиш учун мудроқ ғурурни уйғотиш лозимлигини англаб етганди. Шу боис ҳам ўша даврдаги вазиятни чуқур англаган Бобоохун ушбу шеърини қоғозга туширганди:

*Хазон фаслида булбулдек,
Дил афғор ўлғон ўхшайдур.
Жаҳолат дардига барча
Гирифтор ўлғон ўхшайдур,
Сукут айлаб демас бу кун
Рост сўзни шайхулисломлар.
Халойиқ ичра бидъатлар,
Баддийдор ўлғон ўхшайдур...*

Қодирберган ҳожи Низомиддинохун ўғлининг отаси хотираларга таяниб айтишича, “Бобоохун икки йилча қозикалон ёрдамчиси бўлиб ишлаб Асфандиёрхон билан иш юритиш борасида зиддиятлар келиб чиққани учун истеъфога чиқади ва Гурланга келиб деҳқончилик билан шуғулланади. Бобоохуннинг айнан сарой амалдорлари олдида Асфандиёрхонга қозикалон ёрдамчиси мансабини ташлаб истеъфога чиқиб кетишини, мутассиб диндорлар ва сарой амалдорлари “хонга қарши чиқиш” дея тушунтиришга уринишади ва уни жазолашни Асфандиёрхондан илтимос қилишади.

Натижада кунлардан бирида Асфандиёрнинг навкарлари Гурлан беклигига келиб уни отмоқчи бўлганида қочишга муваффақ бўлади. Яна бир сафар навкарлар уни ушлаб Хивага олиб боришаётганда ҳозирги Қўшқўпир ҳудудидан қочиб Гурланга келади. Учинчи маротаба яна хон навкарлари уни ушлаб то Хивагача олиб борадилар. Бобоохун энди яхши инсонлар мадади билан Ичанқалъадан қочиб Амударё соҳилига яқин Хивадан анча олис-туркманлар ва қорақалпоқларга яқин мавзе-Жумуртоғдаги Эшонёп қишлоғига боради ва ўша ҳудудда тирикчилигини қилиб юради. Дўстлари ёрдамида оиласини, укаларини ҳам Эшонёп қишлоғига олиб боради”.

Бу вақтда Бобоохуннинг укаларидан Низомиддинохун Гурландаги уйларини ёвмудлар талаганини эшитиб Жунаидхон олдига боради. Негаки, Низомиддинохунга одамлар “уйларингни Жунаидхоннинг навкарлари талади” деб айтишганди. Ўша босқин пайтида ёвмудлар Гурландаги Иброҳим эшоннинг ҳам уйини талон тарож қилишгани ҳақида хабарлар тарқалган эди.

Жунаидхон бу вақтда Тахта ҳудудида қароргоҳ барпо қилган эди. Табиийки, Гурландан отда Тахтагача бориш Низомиддинохунга осон бўлмайди. Йўлда Жунаидхоннинг пистирмалари бўлиб, у Жунаидхон олдига кетаётганини айтиб, текширувлардан ўтгач, Тахтадаги қароргоҳга етиб боради.

Чодирда ўтирган Жунаидхон Салимохуннинг ўғли келганини унга айтишгандаёқ тезда Низомиддинохунни қабул қилади. Ҳол-аҳвол сўрашади. Воқеани эшитиб “Сиз нимага келганингизни биламан. Гурландаги уйларингни Исфандиёр Ушоқбекка талатган. Дунёхўр дунёхўрни топади” деган. Негаки, Ушоқбек ҳам туркман сардорларидан бўлиб, Асфандиёрхон билан ҳамкорлик қиларди. У Жунаидхон билан муҳолифатда эди.

“-Отамнинг айтишича, -дейди Қодирберган Низомиддинохун ўғли - Жунаидхоннинг махсиси ялтироқ

бўлиб, узун чакмон кийган, елкаси кенг, бақувват одам бўлган”.

Бу пайтда Жунаидхон ёнида Гурланнинг Бековулидан Юсуф эшон ҳам фаолият кўрсатаётганига 6 ойча бўлганди. Юсуф эшон Жунаидхонга ўзидан кўра Низомиддинохуннинг илмий салоҳияти юқорилигини айтади. Натижада Юсуф эшон Бековулга қайтгач, шаърий, фикҳий масалалар бўйича Жунаидхон Низомиддинохунга муурожаат қилиб турган.

Шу тариқа Бобоохун 1917 йилда “Ёш хиваликлар” Асфандиёрхонга нисбатан Хивада намойиш ўтказгунча Эшонёп қишлоғида деҳқончилик қилиб яшайди. Ўша йили у Хивадаги давлат ва жамиятда ислохотлар ўтказиш орқали ўзгариш яшашга интилаётган Полвонийезхожи Юсупов, Хусаинбек Матмуродовлар сафига қайтадан келиб қўшилади.

Бу пайтга келиб 1917 йилдаги чоризм пойтахтидаги феврал инқилобидан сўнг Асфандиёрхоннинг мустабидона сиёсати таъсири пасайганди. Баҳром Ирзаевнинг таъкидлашича, “Бобоохун уммат ва миллатни жаҳолатдан, маърифатсизликдан фаровонлик ва тараққиёт сари элтишга бел боғлайди. Гарчи, жадидчилик ҳаракатига хон, унинг таянган амалдорлари ва аксар мутаасиб диндорларнинг қаршилигини билгани ҳолда уларни қўллаб қувватлади. Боиси, Бобоохун Салимовга ўрта асрча одатлар устувор Хоразм хонлиги эмас, тараққий топган Ватан керак эди. Шу мақсадда ўз даврининг маърифатпарвар илғор зиёлилари билан яқин алоқада бўлди. Жамиятдаги илғор тараққийпарвар кучлар билан бирлашиб, хонни ислохот ўтказишга ундади”.

Давлат мукофоти лауреати, наққош уста Абдулла Болтаев ўз эсдаликларида ёзишича эса, “Бобоохун Салимов 1917 йил 5 апрелдаги Кўҳна Арк олдидаги намойишда Полвонийезхожи Юсупов, Назир Шоликоров, Хусаинбек

Матмуродов, Жуманиёз Султонмуродовлар билан бирга иштирок қилади”.

1917 йил феврал ойида империя марказида юз берган буржуа инқилобининг таъсири ўлароқ Хивада юз берган бу ҳодисада “Ёш хиваликлар” Асфандиёрхонга ўзларининг қарашлари акс этган манифестни топширадilar. Манифестдан феодал монархияга асосланган хонликни “Идораи маршрутия” орқали бошқариш каби демократик ислохотлар ўрин эгаллаганди.

Манифест эълон қилинган 5 апрель куни Ҳусайнбек Матмуродовнинг уйида “Ёш хиваликлар” ҳаракатининг мажлиси-давлатни бошқаришнинг янги усули-Идораи маршрутия тузилди. Нозирлар Кенгаши бошлиғи қилиб Ҳусайнбек Матмуродов, Мажлис (парламент) раиси қилиб эса Бобоохун Салимов сайланади. Биринчи даврада “Идораи Маршрутия”- вакиллар Кенгашидаги аъзолар сони 17 та эди. Кейинчалик аъзолар сони 23 кишига етди. Бобоохун Салимов воҳадаги реал вазият билан яхши таниш бўлганлигидан, унинг маслаҳати асосида туркман, қорақалпоқ ва қозоқларнинг вакиллари киритилиши натижасида аъзолар 49 кишини ташкил этди.

Полвониёзхожи Юсуповнинг “Хотиралари”га кўра, апрель ойидаги хурриятпарварлик ҳаракатида Бобоохуннинг роли катта бўлган. У “Ёш хиваликлар”дан иборат “Идораи маршрутия”-парламент фаолиятини ташкил қилиш, фуқаролар эркинлигига оид ислохотлар ўтказиш ташаббуслари билан чиқади. Бобоохун етук ҳуқуқшунос бўлганлигидан Хивадаги чор армияси командирлари, муттассиб диндорлар билан музокара, мунозараларда уларни мантиқли, диний ва дунёвий асосдаги савол-жавоблар билан енгиб чиқади.

Тарихчи Баҳром Ирзаевнинг фикрича, “хон хокимиятини чеклаб, давлат бошқарувини маълум даражада қўлга олган “Ёш хиваликлар” ҳаракати ўз олдларига йўл ва кўприклар қуриш, хонликнинг бутун

худудида янги усул мактабларини ташкил этувчи қўмита тузиш, сув тақсимотини ислоҳ этиш, мажбурий ишларни бекор қилиш, давлат маблағлари сарфланиши устидан назорат учун молия вазирлиги ташкил этиш, касалхоналар қуриш ва бошқа ўз даврининг долзарб вазифаларини ҳал этиш мақсадида амалий фаолиятга киришадилар. “Ёш хиваликлар” ҳукуматининг мамлакатни бошқаришда тажрибаси етишмади ва сайловлар ўтказиш, молия соҳаларида катта қийинчиликларга дуч келди. Муваққат ҳукумат ёрдам бериш ўрнига Хива хонлигида ўзгаришларни амалга оширишни таъқиқлаб қўяди ва аксинча, генерал Мирбадаловга “Ёш хиваликлар” ҳукуматининг хонлик бошқарувига оид ислоҳотларини қаттиқ назорат остига олишни топширади.

Асфандиёрхон “Ёш хиваликлар” ҳукуматини халқ орасида обрўсизлаштириш мақсадида ҳар ишни қилди. Ҳатто, туркман сардорларига турли инъомлар бериб, шаҳар ва қишлоқларга хужум қилишга ундайди. “Ёш хиваликлар” ҳукуматида талончиларга қарши курашиш учун қурол йўқ эди. Рус қўшинлари генерал Мирбадалов қўл остида эди. “Ёш хиваликлар” ҳукуматининг Тошкентга қурол-яроғ сўраб қилган мурожаати ҳам натижасиз тугайди.

1917 йил 23 майда Асфандиёрхон Жунаидхон билан тил бириктириб “Идораи маршрутӣя”-парламентни тугатади. Натижада ҳалокат хавф солган “Ёш хиваликлар”нинг айримлари Петро-Александровск, Тошкент, Чоржўй, Мари каби шаҳарларга қочиб, ҳаётини сақлаб қоладилар. 1917 йил июнь ойида хон тарафдори бўлган бир гуруҳ диндорлар ва амалдорлар пайтдан фойдаланиб, Кўҳна Арк яқинида “Ёш хиваликлар” ҳукуматига қарши намоийш уюштиради ва уларни “диндан қайтганлар” деб эълон қилади. Намоийш тамом бўлгандан сўнг мажлисининг фаол аъзоларидан 17 киши бош вазир Ҳусайинбек Матмуродов билан бирга қамоққа олинади.

1917 йил сентябрида Хивага келган Оренбург казак қўшинлари қўмондони полковник И. М. Зайцев кўмагида

Асфандиёрхон яна демократик ислоҳотларни чеклашга муваффақ бўлади. 1917 йил 21 ноябрда Муҳаммад Раҳимхон мадрасасида “Ёш хиваликлар”ни бутунлай йўқ қилишга ҳукм қилинади.

Натижада “Ёш хиваликлар”ҳаракати аъзолари Тўрткўлга қоча бошлашади. Ҳаракат етакчиларидан Паҳлавонниёз ҳожи Юсупов, Назир Шоликоровлар Тошкентга келиб, 1917 йил 30 декабрда Асфандиёрхон томонидан ҳибсга олинган дўстларини озод қилишда ёрдам сўраб Туркистон ХКСга, сўнг Туркистон МИКга мурожаат этади. “Ёш хиваликлар”ҳаракати раҳбарлари Полвонниёз ҳожи Юсупов ва Назир Шоликоровлар 1918 йил 10 январда Қўқонга бориб, Туркистон мухторияти ҳукуматидан ҳам ёрдам сўрайди. Бироқ бу пайтда Туркистон Мухториятининг ҳам фаолияти большевиклар таҳдиди боис хавф остида эди. Шу боис Туркистон Мухторияти ҳукумати ҳам ҳибсдаги “Ёш хиваликлар”ни озод этишини сўраб Асфандиёрхон номига телеграмма йўллайди холос...

Шу тарзда демократияга асосланган “Идораи-маршрутия”-парламентнинг фаолияти афсуски узоқ давом этмади. Муваққат ҳукуматнинг Хивадаги вакили генерал Мирбадалов ва муттасиб руҳонийларнинг, Асфандиёрхоннинг талаби билан “Идораи маршрутия” фаолияти тўхтатилади. Кўпчилик эса Чоржўй, Мари, Тошкент ва Тўрткўлга ўтиб кетишга мажбур бўлди” (“Хоразмнинг қозикалони бўлган зот”, Азон. уз. 21. 07. 2022 йил).

Қодирберган Низомаддинохун ўғлининг айтишича, Асфандиёрхоннинг таъқибу тазйиқидан сўнг “Бобоохун Хивадан қочиб Тўрткўлга, ундан эса Жумуртоғдаги Эшонёп қишлоғига боради ва олдингидек ўша ерда тирикчилигини қилиб юради”.

Бу орада, аниқроғи, 1919 йилнинг декабр ойида Туркистон совет қўшинларининг жанубий отряди И. Урядов қўмондонлигида, шимолий отряд эса, Н. Шайдаков

бошчилигида Амударёнинг чап соҳилига ўтиб, Хива хонлигига бостириб кирадилар. Кўрсатилган қаршиликларга қарамасдан большевиклар, 1920 йилнинг 1 февралда Хива хони Саид Абдуллахонни тахтдан туширадилар. Жунаидхон эса кучлар нисбати тенг бўлмаганлиги сабабли чекинишга мажбур бўлади.

2.2. Бобоохун Салимовнинг республика давридаги фаолияти.

1920 йил 1 февралда Хива хонлиги кўшинлари советларнинг қуролли зарбаларига дош беролмагач, хонлик тузуми ағдарилади ва муваққат инқилобий қўмита тузилади. Муваққат ҳукумат аъзолари муҳожирликдаги жаидлар- “Ёш хиваликлар”дан иборат эди.

Мулла Жуманиёз Султонмуродов муваққат ҳукумат раислигига тайинлангач, давлат бошқарувида хонлик даврида тажрибага эга бўлган ҳуқуқшунос Бобохун Салимовни ҳам ҳукумат аъзоси ва нозирликка таклиф қилади.

Бироқ Бобоохун Салимов ўзининг маслақдош дўсти Полвониёзхожи Юсупов бу пайтда Тошкентда бўлгани боис, у билан маслаҳатлашмагани учун бундай юқори лавозимни рад қилади. Ўшанда Полвониёзхожи Тошкентдан туриб Хивага-Бобоохунга мактуб йўллаб, ҳукумат аъзоси бўлса халқ учун фойдали ишлар қилиш лозимлигини таъкидлаб, бу “Ёш хиваликлар” учун ҳам айна муддао эканлигини айтгач, Бобоохун Салимов таклифга рози бўлади.

Натижада “кундалик масалаларни ҳал қилишда ташкил қилинган ҳайъат- 3 кишидан иборат бўлиб Мулла Жуманиёз Султонмуродов -Раис, Полёзхожи Юсупов ва Бобоохун Салимовлар унинг муовинлари эдилар” (Ўзбекистон миллий архиви, Р-71-фонд, 1-рўйхат, 1-дело, 4-11 варақлар).

Шунингдек, адлия нозирлиги қошида халқ суди ташкил қилиниб унинг раиси Олимжон Ақчурин эди, Кўчмамадхон

Сапаев ва Бобоохун Салимовлар суднинг аъзолари бўлишган. Халқ судига катта ваколат-олий жазога ҳукм қилиш ҳам берилганди. Шунингдек, халқ суди фуқароларнинг арз-додларини тинглаш каби қозикалоннинг ишларини давом эттирарди. Орадан икки ой ўтиб 27-30 апрель кунлари халқ қурултойи бўлиб ўтади ва ҳукумат таркиби сайланади.

Полвонниёзхожи Юсуповнинг хотираларига кўра, қурултой ўтказилаётган вақтда қуйидаги воқеа содир бўлган: “Махфий қолмасинким, ҳар қаъла ва вакил сайлаш учун кетган одамлар халққа воқеани тушунтириб, халқни ўз ихтиёри билан биринчи Қурултойга вакиллар сайлаб келдилар. Қурултойга келган вакилларни кутиб олиб зиёфат қилмоқни ихтиёрини биродар Жуманиёз Оллақулиевга топширдилар. Бир неча кунда тамоми вакиллар келиб бўлдилар. Андин сўнг 22 ланчи апрелда 1-Қурултой мажлиси очилиб, вакиллар мани бир овоздин президиумга раис қилиб сайладилар. Ман туриб вакил биродарларга раҳматлар айтиб, илтимос қилдим:

-Президиум раислигига бизлар билан Тошкентдин Хива экспедициясида член комиссия бўлиб Туркистон ҳукуматидин келган нўғай биродар Ризоаддин Шокировни сайлаб, мани шунга муовин қилсангизлар эркан, -деб. - Нечунким, ушбу биродаримиз Тошкентлик мусулмон биродарлари тарафидан келган, ҳам шунингдек кўп катта Қурултойларни ўтказган, ҳам бизларга келган меҳмон турур. Ҳам меним розилигим шунда турур, -дедим.

Вакил биродарлар маним илтимосимни қабул қилиб президиум раислигига биродар Шокировни, биринчи муовинлигига мани, иккинчи муовинлигига Бобоохунни сайлаб қўйдилар. Аъзолар Қўшмаматхон, Шомурод бахши, Ғуломали ва бошқаларни сайлаб тамом қилдилар ҳам ишга тутиндилар. Биродар Шоликаров туриб:

-Бул вақтгача зулм истибдодга эзилиб хонлардин, ҳам оларнинг қуйруқи бўлган золим сипоҳи-тўралардин ҳам Жунайидхон, ҳам онга қуйруқ бўлган бир қароқчи

туркманлардин кўрган хўрлик-зўрликларингиздан, Сизларнинг ичларингиздан хоннинг халққа қилиб турган зулм, жабру ситамларига тоқат қила билмай ҳижрат қилиб қочиб, Тошкентга бориб, Россия шўролар ҳукуматига зоритавалло қилиб, мундаги фақир камбағал халққа бўлиб турган зулм-жабрларни англатиб, шўролар ҳукуматидан ёрдам олиб золимларни йўқ қилиб, Сизлар учун ушбу ҳеч тамом бўлмайтурган озодликни олиб бермакка сабаб бўлдилар. Албатта Сиз муҳтарам вакиллар бу муҳожирларнинг қилган хизматини тақдир қилсангизлар керак, -деди.

Тамоми вакиллар қўл чопиб қарши олдилар. Ҳам эълон қилди:

-Ушбу биринчи қурултойларингизни Туркистон ҳукуматида ўтирган мусулмонлар тарафидан муборакбодлик қилурман, -деди Шоликаров. Яна қўл чопиб қарши олдилар.

-Ҳам кўп Қурултойларни фароғатчилик, осойишлик бирлан ўтказмакларингизни тилаб сўзимни тамом қилиб айтурман. Яшасин Хоразмнинг биринчи Қурултойи!, -деб сўзини тамом қилди яна Шоликаров.

Вакиллар кўп узоқ қўл чопиб қабул қилиб, раҳматлар ўқиб миннатдорчилик эълон қилдилар. Андин сўнг Олимжон Ақчурин сўзлади, ҳукуматнинг тутган йўлларини халққа англатди. Андин сўнг ҳар кимлар сўзладилар. Шунинг бирлан биринчи мажлис ёпилди. Вакиллар ўз манзилларига бориб, ноҳари қилиб истироҳат қилдилар. Кечада ҳам мажлис бўлди. Анда ҳам баъзи масалалар қаралиб ҳал бўлди. Ушбу тартиб Қурултой тўрт кун давом қилди. Товариш Измайлов ҳар мажлисда бўлур эрди. Шокиров, Ақчурин, ҳам Обидовлар Хоразм учун қонун асосини ҳозир қилдилар. Қонун асоси шундан иборат турур: Хоразм Россия шўроларига монанд бир халқ жумҳурияти турур деб ўрта йўл бирлан мамлакатнинг аҳволи руҳиясига мувофиқ қилиб қонун асосини тартиб қилган эрканлар. Шул қонун асосини ўқиб халққа тушунтирдилар. Вакиллар

бутун қабул қилдилар. Қонун асосида 15 адад нозир бўлмоғи керак эркан. Шунга номзод кўрсатиб овозга қўйдилар. Нозирлар шўросининг раислигига уч кишини кўрсатдилар: бири фақир турур, бири Бобоохун, бири Мулла Жуманиёз.

Махфий қолмасинким, партиянинг мақсади Мулла Жуманиёзни раисликка ўтказмак турур, халқ вакилларининг мақсади ё фақир ё Бобоохунни ўтказмак турур. Шунинг бирлан бизларни учаламизни ҳам мажлисдан чиқариб юбордилар. Қурултой вакиллари музокара қилиб қолдилар. Бизлар залга кириб ўтирдик. Бир неча сўз сўйлашиб ўтирган ҳамон биродар Мулла Жуманиёз айтди:

-Тақсир маним кўнглимга бир сўз келур, агар маъқул бўлса айтур эрдим, -деди.

Бобоохун эшон :

-Хўп айтинг, -деди.

Мулла Жуманиёз айтди:

-Бизлар халқ учун музокара қилиб турмоқи ҳожат эрмас турур. Ман таклиф қилурман, аввалдин инқилобчиларнинг бошлиқи Ҳожи афанди эрди. Ҳам Марказий инқилоб кўмитасида раис эрди. Бул киши яна нозирлар шўросига раис бўлсин, ман муовин бўлурман, сиз адлия нозири бўлинг.

Бобоохун айтди:

- Ман аввалдин айтурман, хўп яхши, -деб қабул қилди.

Ман айтдум:-Бобоохун эшон раис бўлсинлар, бизлар муовин бўлиб хизмат қилурмиз, -дедим.

Бобоохун Эшон айтдилар:

-Ман русча билмасман, фақат Ҳожи бобо бўлсин, маним адлия нозирлигим бўлур, -деди. . . .”

Шу тариқа давлат бошқарув тизимида катта тажрибага эга бўлган ҳуқуқшунос Бобоохун Салимов камтарлик қилади ва 1920 йил 30 апрелдаги 1-БутунХоразм халқ вакилларининг қурултойида, Хоразм Халқ Республикаси раиси бўлиб сайланиш имкониятидан ўз ихтиёри билан воз

кечади. Бироқ унинг давлатчиликдаги тажрибаси ва ҳуқуқшунослиги эътиборга олинади ва ҳукуматнинг адлия нозири қилиб сайланади.

Маълумки, Хоразмлик жадидлар хонлик давридаги истибдод ва чор амалдорларининг зулми туфайли, то 1920 йилгача Асфандиёрхон, Саид Абдуллахон ва чор истибдодига қарши фақат сиёсий кураш олиб боришганди. Яъни, бой мулкдор, савдогарлар тоифасидан чиқган “Ёш хиваликлар”нинг фаолияти асосан сиёсий курашларда кечганди.

Фақатгина 1910-1913 йилларда ислохотчи бош вазир Исломхўжанинг ташаббуси ва саъйи ҳаракати билан Кабир Абдурашидов, Давид Бакиров, Мухтор Бакиров сингари ўқитувчилар Хўжайли, Хонқа, Гурлан бекликларида янги усул-жадид мактаблари ташкил этишганди. Шунингдек Хивада Рамазон Сайдашев, Аҳмаджон Акаев сингари татар ўқитувчилари ҳам фаолият кўрсатишарди. Бироқ айнан “Ёш хиваликлар”нинг Туркистон, Фарғона водийсидаги сингари жадид мактаблари очишгани, Беҳбудий, Авлоний, Ибрат ва бошқалардек дарслик ёзишгани тўғрисида уларнинг айримлари хотираларида (П. Юсупов, Б. Салимов, Б. Жуманиёзов) ва архив ҳужжатларида бирон тарихий факт йўқ.

Шунингдек. Фарғона водийси ва Туркистоннинг бошқа ҳудудларидаги каби хонлик даврида биронта жадид матбуоти нашр этилмагани ҳам тарихий ҳақиқат. Тўғри улар дунё матбуотидан хабардор бўлишган. Тарихчи Баҳром Ирзаев таъкидлаганидек, “Ёш хиваликлар” фақат Россия матбуоти, “Таржимон”, “Вақт”, “Иттифоқ”, “Тараққий”, “Юлдуз” газеталари, “Шўро” журналлари билангина чекланган эмас. Улар Эрон, Афғонистон, Миср, шунингдек Истанбулда турк тилида нашр этилган “Ваҳдат”, Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳрида чоп этилган “Ҳабл ул-матн” ва бошқа нашрлар орқали ҳам жаҳонда юз бераётган ўзгаришлардан бохабар бўлаётган эдилар”. Яъни феодал монархияга асосланган хонлик истибдоди,

мустамлакачилар зулми шароитида, энг чеккадаги, темир йўл етиб келмаган, ишлаб чиқариш корхоналари деярлик бўлмаган (19 аср охири ва 20 аср бошларида ака-ука Крафтларнинг Янги Урганчда ёғ, Хонқа, Хива, Гурланда айрим бойларнинг кичик ҳажмли пахта корхонасигина фаолият кўрсатарди), шу туфайли иқтисод таназзулга юз тутган Хива хонлигида, жадид матбуоти, демакки театрнинг фаолият кўрсатиши учун вазият етилмаганди.

Бош вазир Исломхўжанинг бошқарув тузилмаси, ҳисобсиз ерларни ислоҳ қилиш, хонлик темир йўл келтириш, умуман давлатчилик борасидаги жадаллик билан кетаётган ислохотлари, афсуски 1913 йил августдаги суиқасддан кейин умуман тўхтаб қолади. Ана шу жараёнлар бевосита кўз ўнгида содир бўлган Полвонниёз ҳожи Юсупов, Бобоохун Салимов ва бошқа “Ёш хиваликлар” хонлик давридаги сиёсий курашларда тобланиб боришди. Гарчи улар Ҳусайинбек Матмуродов ҳамда бошқа сафдошларини йўқотишсада, хонлик истибоди ва мустамлакачиликка қарши курашда чекинишмади. Шу тариқа “Ёш хиваликлар” фақат хонлик тугатилиб Хоразм Халқ Республикаси фаолиятини бошлагачгина катта имкониятга эга бўлишди. Натижада ана шу имкониятдан фойдаланган ҳолдагина Хоразмда мактабларни ташкил қилиш, улар учун ҳам дарсликлар яратиш борасида саъй-ҳаракат бошлашди. Шу билан бирга айнан бой берилган имконият-ўз ғояларини халқ оммасига етказишда муҳим восита вазифасини бажарадиган матбуот, театр ҳам вужудга келди.

3-БОБ. БОБООХУН САЛИМОВНИНГ ХАЛҚАРО МИҚЁСДАГИ ФАОЛИЯТИ ВА АДАБИЙ МЕРОСИ.

3.1. Бобоохун Салимов делегация раҳбари ва дипломат

1920 йилнинг июнь-сентябр ойларида Хоразм Халқ Республикасининг Бобоохун Салимов бошчилигидаги делегация Кремлга дипломатик музокара учун боришганди. Музокара тўрт ойга чўзилганлигига масофанинг узоқлиги эмас, большевиклар раҳбариятининг ҳийла найранг билан иш тутиши, баъзи масалаларда юзага келган келишмовчиликлар, аммо Бобоохуннинг қаътияти сабабли амалга оширилган шартномани имзолаш эди.

Маълумки, 1920 йил 30 апрелдаги I-Бутун Хоразм қурултойида, Полёзхожи Юсупов бошчилигида нозирлар ХХР номидан РСФСРга бориб, Ленин бошлиқ большевиклар раҳбарияти билан музокара олиб бориш учун давлат делегациясини ташкил этишни энг асосий, долзарб масала қилиб қўйишади.

Натижада делегацияга раҳбар этиб етук ҳуқуқшунос, адлия нозирини Бобоохун Салимов сайланади. Жуманиёз Оллақулиев, Мулла Нурмуҳаммад, Мулла Ўроз, Матёқуб охун, Мулла Иброҳим, Мадримбой, Ших Муҳаммад, Мулла Ўроз Абдулла, Мулла Жуманиёзлардан иборат делегация шу тариқа 3 июнь куни Хивадан йўлга чиқади.

Бобоохун Салимовнинг “Кундаликлари”да ёзилишича, ” ҳижрий 1338 тарих ҳижрийда Хоразм халқ қурултойи иттифоқлари бирлан Русия шўролар ҳукуматининг маркази Масков шаҳрига қурултой тарафидин вакил бўлиб, шўролар ҳукуматини табрик қилиб, баъзи илтимослар қилмоқ учун биз фақирвакил Бобоохун ҳайъат раиси, Жуманиёз Оллоқулиев, Мулла Нурмуҳаммад, Мулла Ўрозлар ҳайъат аъзоликка сайланиб, Муҳаммад Ёқуб охун, Мулла Иброҳим ва Мадримбойлар раис хизматчиси, Ших Муҳаммад ва Мулла Ўрознинг одами Абдулла,

Жуманиёзнинг одами ва товариш Луткевич, товариш Измайлов тарафидин йўлбошчи қилиб мазкур тарихда моҳи шариф рамазоннинг 17-сида пайшанба куни йўлга чиқиб, Хонқага келиб, Оллаберганбой Гавдон ва Хонқа шўроси раиси Матёқуб хўжа истиқбол қилиб дарё лабига келтириб, ҳаммаларимизни қайиққа миндируб узотиб қолдилар.

Қайиқларимиз Шоҳобод ёпи ичидан дарёга чиққан вақтда кеч бўлиб, қоронғи тушган сабабли кемачиларимиз юра билмай ноилож бир қайирда ётиб жума куни эрта бирлан дарёдин ўтиб Беклибой Боякнинг жойига бориб роҳатланиб таом еб, пешин вақтдин сўнг чиқиб шаҳарда Жуманиёз Оллоқулиев уйига бориб асойиш қилиб таомдин сўнг дарё бўйига бориб пароходда первий класда жойлашдук. Пароход шанба куни йўлга равона бўлди. . . .”

Шу тарзда делегация вакиллари Амударёдан пароход орқали Чоржўйга, ундан Бухоро, Самарқанд орқали Тошкентга етиб боришади. Бобоохун Салимов Тошкентдалик пайтида у ердаги Ҳиндистонлик Мавловий Баракатилло, Истамбуллик Козимбей, Қошғарлик Иброҳим Афанди сингари шарқ давлатларининг консуллари билан учрашиб, дунёдаги вазият, шарқдаги сиёсат, Россиянинг таъсиру тазйиқи бўйича суҳбатлашадилар.

Эътиборлиси шундаки, Турккомиссиянинг В. Куйбишев, М. Фрунзе, Крижаницкий каби раҳбарлари Бобоохун Салимов билан Тошкентда ўтказган музокараларда, Хоразм Халқ Республикаси томонидан тасдиқланган делегация аъзоларини ўзгартиришни талаб қилишади. Бобоохуннинг хотираларида ёзилишича, “Жуманиёз Оллоқулиевни баъзи важлардин мандат бермай, бизларга йўлдош қилмоқдин олиб қолдилар”. Бунинг устига Жуманиёз Оллоқулиев ХХР делегацияси аъзоси бўлсада, Турккомиссия томонидан Тошкентда ҳибсга олиниб, то делегация Москвага кетгунча сўроқсиз турмада сақланади. Мақсад, ғоятда сиёсатдон, миллий кайфиятдаги арбобни Кремльга юбормаслик,

делегация аъзолари орасида тушкунликни юзага келтириш эди.

Шунингдек, делегацияга Турккомиссия томонидан яна 4 рус аскар ва таржимон Иброҳим Бурнашев қўшиб қўйилади. Хуллас, ХХР делегацияси катта қийинчиликлар билан 18 июль куни Москвага етиб келишади.

Гарчи делегация Москвада РСФСР ташқи ишлар вазири Г. Чичерин, ўринбосари Л. Карахан, шарқшунос олим ва жамоат арбоби А. Самойлович, Хоразмда фаолият кўрсатган Г. Бройдо каби арбоблар билан баҳамжиҳат ҳар иккала давлат ўртасидаги шартномаларни ишлаб чиқишга киришсаларда, иш олға силжийвермайди.

Хоразмда бўлиб ҳақиқий вазиятни кузатган, Бобоохун Салимовнинг дўсти Бройдо Кремлдагиларнинг ХХР делегациясига нисбатан шовинистик муносабатда бўлаётганини айтади. Бобоохуннинг хотирлашича, Бройдо бу борада шундай деган: “ Сизларнинг ишингиз шу кунгача тағйир бўлгани (юришмаганининг), шартноманинг имзо қилинмаётганининг сабаби, баъзи кишилар онга рози бўлмай мони (қарши) бўлиб турганлар. Хусусан товариш Измайлов Хоразмдин келгандин сўнг мазкур шартномаларингизни кўруб, дебдурким, бу шартномадаги сўзлар асло Хива халқи ва ҳукуматининг ёду-хаёлларида йўқ турур. Оларга бу тариқа кўп ҳуқуқ бермак лозим эрмас”, деган. Яъни делегацияни Ленин қабул қилишни ортга суриб, ташқи ишлар вазири Чичерин учрашувидан кейиноқ асосий мақсад бўлган ХХР суверинетити тўғрисидаги шартномани имзолашдан ўзини олиб қочади.

Делегация раҳбари Бобоохун Салимов музокара ўтказиш ва шартномани имзолатиш борасида Ленин, Троцкий каби большевик арбоблар билан учрашиш имконини тополмайди. Гарчи улар ҳар кун Кремль ва ташқи ишлар вазирлигида сарсон бўлсаларда, ортга қайтишни ўйламай, Ленин билан учраштиришни талаб қилишади. Бу борада делегацияга Бобоохуннинг дўсти Г, И.

Бройдо ёрдаб бериб Ленин билан учраштиришга ҳаракат қилади. У 1920 йил апрель-июль ойларида РСФСРнинг ХХР даги мухтор элчиси бўлиб ишлаган, воҳадаги кўплаб зиёлилар, хусусан Бобоохун билан дўстлашган, ҳатто унинг Гурландаги уйида меҳмон ҳам бўлганди.

Бироқ ХХРнинг иқтисодий, сиёсий, миллий хусусиятларини яхши билган Бройдо республика раҳбарларига ён босган дея айбланиб, шахсан Лениннинг кўрсатмасига кўра ишдан четлаштирилиб Москвага чақириб олинганди.

Хоразм делегациясининг Москвадалик пайтида шаҳардаги кўплаб сайилгоҳ, театр, концертларга бориши большевиклар томонидан атайин ташкиллаштирилади. Мақсад чекка бир худуддан келганларга гўё ўзларининг меъморчилигу маданиятини намойиш этиб, қудратини кўрсатиш ва уларни қойил қолдириш эди. Аммо делегация аъзолари учун биринчи галдаги мақсад сайру томоша эмас, Хоразм билан Россия ўртасида шартнома имзолаш бўлган. Шу боис улар Ленин билан учрашиш имкони бўлмаётган пайтларда, Москвадаги шарқ мамлакатларидан келган элчи, консул, ҳарбийлар билан суҳбатлашадилар.

Хусусан, Измирлик Назмий Содиқбей ва доктор Фуводбей, Бухоролик Мирза Маъди Хўжа додҳо, Татаристон жумхурраиси Саидалиев, Туркия ҳукумати хорижия нозири Жамол пошшо, Эронлик Мирсолиҳ Музаффарзодалар билан учрашиб суҳбат қурадилар.

Хоразм делегацияси Ленин билан учрашиб музокара олиб бориш чўзилаверган ўша кезларда, Петроградда, Бокуда бўлиб ўтган халқаро шарқ халқларининг конгрессида ҳам иштирок қилиб келадилар. Шарқ халқларининг ҳаёти ва ўша пайтдаги сиёсат муҳокама қилинган ҳар иккала конгрессда Бобоохун Салимов шарқ давлатларидан келган вакиллар, хусусан Хоразмлик Бекжон Раҳмон ва унинг сафдошлари билан фикрлашиб олади.

Бу орада Бройдонинг ҳатти ҳаракатлари билан Ленин ниҳоят хоразмликларни қисқа фурсатга қабул қиладиган бўлади. Ниҳоят 1920 йил 10 август жума куни Ленин Бобоохун Салимов, Мулла Ўроз ва Мулла Нурмуҳаммадни Кремльда қабул қилади. Кремль ходими Бурнашев ва Кельбер кузатувида Ленин хонасига кирган хоразмликлар ҳол аҳвол сўрашиб, воҳадаги вазият ҳақида сўзлаб берадилар. Бобоохун Ленинга қарата “келганимизга анча бўлди, то шу вақтгача бизлар сизга йўлиқа билмадук” дейди. Шунда Ленин ҳозир уруш кетиб турганини баҳона қилиб, “ мундин сўнгра ҳар вақт сизларга бировдин зулм ситам етишса дарҳол манинг хусусий ўзимга бир хат ёзиб билдиргайсизки, они дарҳол даф қилурман”, дея жавоб беради. Шу вақт хонадаги телефон жиринглаб, ким биландир гаплашгач, “ мани бир ишга чақирадурлар, афу қилингларким, яна ҳар вақт сўзлашмак кўнгилларингизга тушса албатта яна йўлуқурмиз” дейди.

Гўёки, хоразмлик вакиллар билан шунчаки ўтирган, бу иш эмасдек. Шу боис Бобоохун сиполик билан Ленинга “ Ишларимиз битса тезроқ кетмоқчимиз” дея ҳар иккала давлат ўртасида шартномани имзолашни унга эслатиб қўяди.

Ленин эса, Бобоохуннинг хотираларида ёзилишича, “ман ушбу кун сизларининг ишларингизни комиссияга айтурман. Албатта тез биткарурлар”, дея жавоб беради. Шу тарзда музокара бошланганига энди 20 дақиқа бўлганида Ленин ваъдани қуюқ қилиб, “иш” баҳона Бобоохунни ўзидан узоқлаштиришга ҳаракат қилади.

Лениннинг ваъдасига ишонган хоразмликлар бир ҳафтача яна сарсон бўлиб, РСФСР ташқи ишлар вазирлигига қатнайдилар. Имзоланажак шартномани муҳокама қилиб тайёр ҳолга келтиришади. 15 моддадан иборат иқтисодий алоқалар, 8 моддадан иборат ҳарбий ва сиёсий соҳалар бўйича шартнома тайёрланади.

Шартномаларда ҳар иккала давлатнинг тенг ҳуқуқлилиги ва манфаатлари ифодаланганди.

РСФСР ташқи ишлар вазири ўринбосари Л. Карахан Бобоохунга шартномаларнинг русча матни билан танишиб чиққанини, яна бир ҳафтадан кейин шартномани имзолаш мумкинлигини айтади. Лениннинг “тез” деган ваъдаси ҳуллас икки ҳафтагача чўзилади. Аммо яна ҳафта ўтадики, шартномани имзолаш бўйича аниқ фикр РСФСР ташқи ишлар маҳкамасида йўқ эди.

Бунинг устига Ленин томонидан уларга Москвадалик пайтида ҳамроҳ қилиб қўйилган кузатувчилар Хоразм делегациясини мазах қилиб устидан куладиган одат чиқаради. Бобоохун хотираларида бу ҳақда шундай ёзади: “Кельбер бирлан таржимонимиз Иброҳим Бурнашев камкам бизларни содда ва бечора кўруб беадобона сўзлари ва хойинона ҳаракатлари ҳаддин ошган жиҳатдин, оларнинг аҳволитидин товариш Бройдо бирлан товариш Янсонни огоҳ қилиб хизматларидин бекор этиб, Кельбернинг ўрнига Крашилов, Бурнашев ўринга Бакиевни тайин қилдурдик”.

Бу орада Лениннинг топшириғига кўра, А. Измайлов тайёр ҳолга келган, РСФСР ташқи ишлар маҳкамасида Г. Бройдо, Чичерин, Караханлар томонидан Бобоохун ҳамкорлигида тайёрланган шартномага илова қўшишни талаб қилади. Измайлов Бобоохунга РСФСР ташқи ишлар ишлар маҳкамаси комиссиясининг илова масаласида мажлисини ўтказишни айтади.

Хоразм делегацияси ўзларининг манфаатларига зид, Россия фойдаси учун тайёрланаётган илова ҳақидаги мажлисга бормай байкот эълон қиладилар. Бобоохунга маслакдош дўсти Бройдо шундай дейди: “Сизларнинг фойдангиз учун биринчи даражали муҳим ва даркор моддаларга илова қўшиб, Хоразм ҳақида фойдасиз, балки зарарли бўлгудек иш олиб бормоқчи улар. Нечук бўлса ҳам ғайратли бўлинг, ман ҳам кўлдин келган ёрдамни дариф қилмасман”.

Гарчи Бройдо ёрдам беришга интилсада, А. Самойлович, Л. Карахан каби РСФСР ташқи ишлар маҳкамаси ходимлари Бобоохун олдига Ленин топшириғига кўра тайёрлатилган иловани бериб уни имзолашни таклиф қиладилар.

Иловада, Бобоохуннинг хотираларида ёзилишича, “Хоразмдаги бутун почта ва телеграфлар Русия ҳукуматининг ихтиёрига қоладур. Хоразмнинг ҳозирда экилмай турган ерларидин русларнинг истифода (фойдаланмоқ) этмоқ ҳақи борлигини Хоразм ҳукумати тасдиқ қилади. Амударё аёқи, Орол денгизида балиқ овламоқ русларга махсусдир. Ариқларни қазмоқ ва тозодин ариқ ёрмоқ русларнинг тадбирлари ва ҳоҳлаганларга мувофиқ бўлур. Ва доғи Хоразм ҳукумати ўз еридин оташ араба йўли берур ва йўлнинг ҳар тарафидин бир чақиримлик ер ҳам берур” дейилганди.

Бобоохун фикрига кўра, “бу илова Хоразм ҳақинда генерал Кауфман ва Галкинлар ясаган шартномалардин минг мартаба ёмонроқ турур. Шу боис илованинг охиirroқларини қулоқ эшитса ҳам, кўнгул фаҳм этмай, курсига суяниб, молу-ҳайрон бўлибманки, иловалар ўқилиб тамом бўлгандин сўнг, ҳаммалари мани ёнимдин чиқиб кетганларини ҳам онгламай қолубман”.

Шундан кейин Бобоохун Ленин томонидан буюртма бўйича А. Самойлович тайёрлаган иловани имзоламаслигини айтади. Шунда Самойлович, “ман ёлғиз таржимон турурман, бошқа иш қўлимдан келмас, аммо не чора қилурман” дея ташқи ишлар вазирлигига мурожаат қилишни айтади.

Сўнгра Бобоохун Чичерин, Карахан каби рус дипломатлари билан музокара олиб бориб, Хоразм делегацияси иловани имзоламаслигини билдиради. Делегация раҳбари сифатида Бобоохун, “бизларнинг ишларимиз бул тариқа чувалашаверса, бизларга шартнома даркор эрмас”, дея Ленин билан учраштиришни талаб қилади.

Чичерин илова бўйича Караханга учрашиш кераклигини айтади. Карахан эса бетоблигини айтиб узр сўрайди. Шунда бюрократик тўсиқлар жонига теккан Бобоохун Чичериннинг ёрдамчиси Крашиловга, “товариш Ленин билан товариш Чичеринга телефон қилинг, ўзим ёнингизда турурман, то оларни кўрмагунча бизларни ишларимиз битгудек ўхшамайду” дейди. Крашилов эса телефон бузуқ дея баҳона топади. Икки ойдан бери тайёр шартномани имзолатолмай сарсон бўлаётган делегация охири РСФСР халқ комиссарлари кенгаши бош назоратчиси Бакиев олдига шундай шарт қўяди. Бобоохун унга шундай дегани унинг хотираларида қўйидагича келтирилади: “Ўзим югурмагунча, кишига инониб иш битмайду. Крашилов бизга айтадуки: “Ман Ленин бирлан Чичерин иккисига ҳам телефон бердим. Жавобида иккиси ҳам дедиларки, Хива вакиллари сўзларини Караханга айтсунлар. Карахан бизларга айтур деб Крашиловнинг бу сўзи Карахан бирлан маслаҳат айтилган сўздир. Ман бунга ишонмасман. Улуғлар ҳаргиз вакиллар сўзларини бизларга бевосита айтмасун демаслар, бу ёлғон турур. Бизнинг жойдаги телефонларни бузуқ дегани ҳам ёлғон турар. Бизларни товариш Ленинга йўлиқмоғимиз зиёда зарур ва лозим эркинини, то шул кунгача ҳеч бир ишларимизни битмай турганини айтуб қўйдик. Жавобида дедиким: ушбу сўзларингизни Ленинга билдирурман. Нима жавоб айтса яна сизларга айтурман деди”.

Аммо на Ленин, на Чичерин ҳар иккала давлат ўртасида имзоланажак шартнома ёнидан, Хоразм манфаатлари учун зид, Россия манфаати устун иловани олиб ташлашни истамасди.

Шундан сўнг Бобоохун Салимов Чичерин ва Караханга, агарда иловани имзолаган тақдирда, большевикларнинг шарқдаги сиёсати, хусусан Лениннинг Чор Россияси зулми остидаги Ўрта Осиё халқлари мустақилдир деган ғоясига

путур етажаги, шундан кейин большевиклар сиёсатига ҳеч ким ишонмаслигини батафсил тушунтиради.

Ана шундан сўнгина Ленин, Чичерин ва Карахан Хоразм манфаати учун зид бўлган иловани олиб ташлаб, шартномани имзолашга рози бўладилар.

Шу тариқа “ 1920 йил 13 сентябрда Кремльда РСФСР ва ХХР ўртасида шартнома имзоланади. Шартномани РСФСР томонидан ташқи ишлар вазири Г. В. Чичерин, ХХР номидан адлия вазири Бобоохун Салимов имзоладилар” (Ўзбекистон Миллий архиви, Р-71-фонд, 1 рўйхат, 6-дело, 128-129 варақлар).

Ушбу шартномага кўра, РСФСР ҳукумати ХХР мустақиллигини ва дахлсизлигини тан олди. Россия империяси даврида рус капиталистлари томонидан Хива хонлиги ҳудудида бунёд қилинган барча банклар, заводлар, фабрикалар, савдо корхоналари ва бошқа иншоотлар ХХР мулки деб тан олинади. Давлат чегараси деб, 1920 йил 13 сентябрдаги чегара тан олинди ва чегара белгилаб қўйиладиган бўлди. РСФСРда яшайдиган ХХРнинг фуқаролари, ХХРда яшайдиган РСФСР фуқароларининг ҳуқуқ ва бурчлари белгилаб олинади.

“Имзоланган шартнома 1920 йил 29 сентябрда РСФСР МИК сессиясида ва 1920 йил 26 октябрда ХХР нозирлар кенгашида тасдиқланади” (Ўзбекистон миллий архиви, Р-71 фонд, 1-рўйхат, 6-дело, 128-129 варақлар).

Ана шу тариқа икки ой давомида Бобоохун Салимов бошчилигидаги делегация Ленинни ўзларининг тайёрлаган ХХР мустақиллиги тўғрисидаги шартномани тан олдиришга мажбур қилади.

15 сентябр куни Бобоохун Салимов Москвада Анварпошшо билан учрашиб қўлга киритилган дипломатик ғалаба, бундан кейинги ХХРнинг сиёсати масаласида суҳбатлашадилар.

17 сентябр куни эса Хоразм делегацияси раҳбари Бобоохун Салимов Москвадаги ХХР элчилари ва ҳамроҳлари

билан ўзларининг ХХР мустақиллиги ҳақидаги шартномани РСФСР томонига имзолагани шарафига тантанали зиёфат берадилар. Ушбу тадбирда Туркия вакиллари Анварпошшо, Самийбек, Афғонистоннинг мухтор вакили Муҳаммад Муҳаммад Валихон, Доғистонлик Шамил афанди, Москвадаги мусулмонлар кенгаши раиси Султон Алиев ва бошқалар иштирок қилишади.

Ушбу тантанада Анварпошшо шундай нутқ сўзлайди: “биродар Бобоохун бу Осиё иқлимининг, хусусан Ислом мамлакатлари хароб ва беъэтибор бўлиб, аксари ерлари мусулмонларининг қўлидан кетуб турган бир вақтда сиз руслар бирлан бул тариқа мусулмонларга манфаатли аҳдномани Хоразм учун ясаганигиз бир улуғ қаҳрамонлик ва фавқулодда бўлибдурким, бул тариқа бошдан аёқ мусулмон фойдасига бўлган аҳдномани неча юз йиллардин буён ҳеч ислом мамлакати қила билган эрмасдур. Оллоҳ таоло бу ишингизни доимо муборак қилғай. Неча юз минг аскар кучи бирлан қилиб бўлмаган ишни, ёлғиз тил ва қалам кучи бирлан битказибсиз”.

Хуллас, тантанали тадбирдан кейин кўпга чўзилган, машаққатли сафар якун топади ва Бобоохун Салимов бошчилигидаги делегация РСФСРнинг, ХХР мустақиллигини тан олган шартномани олиб, Москва, Самара, Оренбург орқали октябрь ойида Хоразмга етиб келадилар.

3.2. Бобоохун Салимов фаолиятининг сўнгги даври

Бобоохун Салимов бошчилигидаги дипломатик миссия ўз мақсадларини тўлақонли бажариб, стратегик жиҳатдан муҳим шартномани имзолаганига қарамасдан, РСФСР томонидан турли таъсир чоралари кўриб борилади. Хусусан, ХХР мустақиллигини тан олдирган “Ёш хивалик”ларнинг амалга ошираётган фаолиятлари РСФСРнинг мухтор вакили М. Сафонов, Хоразмдаги Қизил

Армия қўшинларининг Хоразм иштирокиюн партияси раҳбарларига маъқул келмас, улар қоғозда тан олинган мустақилликни амалга оширишга тўсқинлик қилишарди.

Натижада 1921 йилнинг мартада бир гуруҳ коммунистлар ва қизил армия сиёсий ходимлари Полвонийезҳожи Юсупов ва сафдошларини бадном қилиб ишдан олишга интилдилар. Натижада улар ўз ниятларига эришадилар ҳам.

Вазият тақозоси боис Полвонийезҳожи Юсупов ва унинг ҳукумати аъзоси бўлган Бобоохун Салимов, Назар Шоликоров ҳамда бошқа сафдошлари қочиб яширинишга мажбур бўлдилар. Полвонийезҳожи Юсуповнинг “Хотиралари”га кўра, айнан 1921 йил мартадаги тўнтаришидан сўнг М. Сафонов ва унинг тарафдорлари “шул вақтда Гурланга Бобо Охун Эшонга бир неча милиция юборган эрканлар. Милициялар бориб, Бобо Охун Эшонни уйини мусодара қилиб, ўзини орестоват қилиб, олиб қайтганлар. Қўшқўприкка келгандин сўнг Бобо Охун Эшон таҳорат қилмоқчи бўлган. Шул вақтда милициялар отларини ёнига келганлар. Бобо Охун Эшон вақтни ғанимат топиб, қоронғу оқшомда бир тарафга қочиб кетган. Милициялар отларидин фарахат бўлгандин сўнг келиб, Бобо Охун Эшонни тамоми ҳар тарафларга югуруб, қараб ҳеч ердан топмай, йўлдош бўлиб келган Муролдбой Охунга кўп изо ва ҳақоратлар берганлар. Шунинг бирлан тонг отуб тамоми қалъа ва қишлоқларга отлиқ юриб, ҳеч бир асар топмай, қайтиб шаҳарга келиб маълум қилганлар. . . ”. Яъни Бобоохун Салимовни Гурландан олдириб уни Хивага келтириш бўйича М. Сафоновнинг саъйи-ҳаракатлари барбод бўлади.

Натижада Бобоохун Салимов яна ўзини ҳимояланишга, маълум бир муддат сиёсатдан чекинишга мажбур бўлади. Шу тарзда М. Сафоновнинг ва большевиклар таъсири, талаби билан ХХР ҳукумат нозирлари ҳам янгидан тайинланади, уларнинг кўпчилиги коммунистик

партиянинг аъзолари эди. РСФСРнинг Хоразмдаги мухтор вакили М. Сафанов, Пурхив бошлиғи-Х. Мусаев, Ш. Ҳасанов, Х. Ваисов каби қизил армиячилар эса ўзларини худди хонлик давридаги Чор Россияси амалдорларидек тутишар, шунинг учун ҳам “Ёш хиваликлар” ишларига доимо аралашиб туришарди.

Вазият шу даражага етадики, большевиклар халқаро ҳуқуқни бузиб, Бобоохун Салимов ва Г. В. Чичеринлар имзолаган РСФСР ва Хоразм ўртасидаги шартномани бузиб келишар ва бунинг яққол исботи 1921 йил 6 мартдаги машъум воқеа-ҳукумат тўнтариши эди. Большевикларнинг ўзларини чор амалдорларидек тутганлигини ХХР раҳбарларини “ўз вазифасини бажармаган” деган баҳона билан ҳатто 2 ойдан ўзгартириб турганлигидан ҳам билиш мумкин.

1921 йилнинг 6 мартдан сентябр ойигача бўлган қисқа муддат ичида Ж. Қўчқоров, М. Оллаберганов, М. Ибняминов ва яна М. Оллабергановлар ХХР ҳукуматини бошқардилар. Бундан ташқари қизил қўшин томонидан кўплаб нозирлар ҳам бир неча бор алмаштириб турилган.

1921 йилнинг сентябрида ХХР МИК раиси қилиб Отамахзумохун Муҳаммадраҳимовнинг тайинланиши эса ХХР фаолиятида ўзгариш ясади. У ҳукумат бошлиғи бўлгач, амалга оширган ишлар ҳатто большевиклар “дохий”сини ҳам чўчитиб қўйди. О. Муҳаммадраҳимов Москва топшириғига кўра ХХР фавқулодда комиссияси раиси бўлиб келган А. А. Иоффени ХХР ички ишларига аралашгани учун 24 соат ичида Хоразмдан чиқиб кетишни талаб қилиб ультиматум топширади.

Отамахзумохун Муҳаммадраҳимов шунингдек, 1921 йил 6 мартда номи бадном қилинган, большевиклар таъқиб туфайли яшириниб юрган шахсларни ХХР раҳбарлари сифатида ишга таклиф этади. Жумладан Бобоохун Салимовни ҳам. Тўрткўл, Юмритоғ ва туркманлар орасида

яшириниб юрган Бобоохун Салимов шундан сўнггина Хивага бориб яна сиёсий фаолиятга киришади.

ХХР МИК ҳайъатининг қарори билан дипломатик тажрибага эга бўлган Бобоохун энди Афғонистонга элчи қилиб тайинланади. Бироқ 1922 йил 5 февралдан ХХР ташқи сиёсатини РСФСР ҳукумати орқали олиб борилиши муносабати билан қўшни давлатлардаги элчилар қатори Бобоохун Салимов ҳам чақириб олинади. Энди у Хоразмда маориф ва маданият нозирлигида мактаблар учун янги ўқув қўлланмалари яратиш комиссиясининг раиси бўлиб ишлай бошлади. Полвонниёзхожи Юсуповнинг “Хотиралари”га кўра, у Москвага бориб Бройдо, Караханлар билан учрашади. Ўша суҳбатларда Бройдо, Карахан каби Бобоохун Салимовнинг дўстлари Полвонниёзхожидан уни сўраб суриштирадilar. Ўша суҳбатдан маълум бўлишича Бобоохун шу даврда Хивадаги мадрасада мударрислик фаолияти билан шуғулланган.

Бобоохун Салимов ушбу вазифада ишлаб туриб ўзи ҳам мактаблар учун “Алифбе” ва “Ўқиш” китобини яратади. Шунингдек маслакдош жадид биродари Мулла Бекчон Раҳмонов билан ҳамкорликда ўқув қўлланмалари ёзади. Айниқса унинг “Мактаб” сарлавҳали шеъри халқ маорифи учун сидқидилдан ишлаган жонкуярнинг ёрқин қиёфасини кўрсатади:

*Хушдур не бало ҳавойи мактаб,
Жон ўлса раво фидойи мактаб.
Мактаб демаки мадори илмдир,
То илм иладур бақойи мактаб,*

“Хоразм элин айлагай мунаввар мактаб” деб билган Бобоохун Салимовнинг давлат бошқарувидаги тажрибаси инобатга олинади ва 1923 йил бутун Хоразм аҳлининг IV қурултойида ХХР адлия нозирининг муовини, 1924 йил 26 мартдан ХХР адлия нозири вазифаларида фаолият кўрсатиб бошлайди. Шунингдек у 1924 йил 17 апрелдаги

руҳонийларнинг I-қурултойи чақирилиши ва ўтказилишига раҳбарлик қилди.

Полвонниёзхожи Юсуповнинг “Хотиралари”га кўра ушбу қурултой ташкил этилиши ва ўтказилишида Бройда фаоллик қилган. У Хивага келгач Бобоохунни Гурландаги уйдан Хивага чақиртириб айнан унга қурултойни юқори савияда ўтказилишига ишонч билдиради. Бройдонинг таклифи билан Полвонниёзхожи, Бобоохун ва Нуржон охун раҳбарлигидаги комиссия ташкил этилади ва уларнинг саъйи-ҳаракати билан қурултойга нафақат Хоразм, балки бошқа ҳудудлар, жумладан Бухоро ва туркман уруғларидан вакилларнинг иштироки таъминланади.

Афсуски, 1924 йил 22 ноябрдаги миллий давлат чегараланишидан кейин Бобоохун Салимов сиёсий фаолиятини тўхтатиб аввал Гурланда, кейин Юмуртоғ этагидаги, Эшонёп бўйидаги қишлоқда деҳқончилик билан шуғулланишга мажбур бўлади. . . .

Бу вақтда жамиятдаги онгли, фикрлаш тарзига эга бўлган инсонларни “халқ душмани” деб атай бошлаган давр бошланганди. Бобоохун Салимовнинг кўпгина таниш билишлари ҳам шу тарзда “халқ душмани”га чиқарилиб, қамоқхонага ташланади. У бир танишини ҳақлиги ва ҳеч қандай “халқ душмани” эмаслигини исботлаб Қипчоқдаги қамоқхонадан чиқаради.

1929 йил 10 майининг кунчиқар маҳали махсус Бобоохунни йўқ қилиш учун тузилган гуруҳ Юмуртоғдаги қишлоққа боради. Қодирберган Низомиддинохуннинг хотирлашича, “бемаҳалдаги отлар дупури ва ниҳоят эшикнинг қаттиқ тақиллаши Бобоохун ва унинг умр йўлдоши Шукуржон аяни безовта қилади. Долонда турган Бобоохун уларни кузатиб “ахир бу таниш йигитларку” дея ҳайрон бўлади. Бироқ уларнинг вазоҳатини кўриб қочмоқчи бўлади. Афсуски, уни тутиб отиб ўлдиришади. Ўғли Соатаддин қочиб бораётганида унга ҳам икки ўқ узишади. Шукурки, ўқ тегмайди. Бироқ, 1930-йиллар

қирғинидан қочиб қутулаолмай “халқ душмани” деб қамалади”.

Шу ўринда бизни кўп йиллардан бери бир савол ўйлантирарди: Бобоохун “ахир бу таниш йигитларку” дея таниган кимсалар кимлар бўлиши мумкин? Собик иттифоқ пайтида айтиб келинган “босмачилар”ми, ёхуд ГПУ(Давлат бош сиёсий бошқармаси) чиларми? ГПУчилар нега судсиз, сўроқсиз уйига бостириб келганича отиб ўлдиришди? “Босмачилар” деган тахмин ўз-ўзидан йўққа чиқади. Зеро, бу пайтга келиб Хоразм воҳасида совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат-“босмачилик” деярик тугатилган, чекка ҳудудлардагина айрим кўрбошиларнинг кичик гуруҳлари сақланган ва улар воҳада донг қозонган етук давлат арбобига суиқасд қилишга бизнингча ботинаолмас эди.

Демак, ГПУми?Маълумки, бу пайтда ушбу ташкилот такомиллашиб ўз иш услубига эга эди: қайсидир иш бўйича айбдор деб гумонланган шахс ҳудуддаги бўлимга чақиртирилар ва тергов ҳаракатлари олиб бориларди. Қолаверса Бобоохун 1924 йилдаги миллий чегараланишдан кейин умуман сиёсатдан чекинган ва ўз ерида тинчгина деҳқончилик қилиб келарди. Хуллас, бу савол, яъни Бобоохунни айнан уйига бориб ўлдиришдан қайси гуруҳ, кимсалар, ташкилот манфаатдор эди, деган савол мени тарихчи сифатида кўп йиллардирки ўйлантириб келади. Шундан келиб чиқиб гувоҳлар (турмуш ўртоғи Шукуржон ая, ўғли Соатадиннинг) кўрсатмалари, хотиралари, ёхуд биронта архив ҳужжати йўқ ёки топилмаган экан, савол меним назаримда жавобсиз бўлиб келар эди. . .

Шунга ўхшаш бир ҳолат: Бобоохуннинг сафдоши Бекжон Раҳмонов ҳам, айрим тарихчилар, хусусан профессор Олланазар Собировнинг (“Хоразм ҳақиқати” газетасининг 1992 йил 18, 27 февраль) мақоласида 1929 йил Амударёдаги кемада ўлдириб кетилгани ёзилади.

Агарки Бобоохуннинг ўтмишдаги сиёсий фаолияти, ёхуд Кремлдаги шижоати, қаътияти туфайли десак, орадан

9 йил ўтгач уни жисман ўлдиришга зарурат бормиди? Негаки Полвонниёз ҳожи Юсупов, Назир Шоликоров, Худойберган Девонов сингари Бобоохуннинг сафдошлари бу пайтда Хивада одатий турмуш тарзи билан ҳаёт кечиришарди. Шунингдек 1924 йилдаги миллий чегараланиш пайтида Хоразм манфаатлари учун қаътиятлилик билан курашган Султонқори Жуманиёзов, Қаландар Одинаевлар эса совет идора-ташкilotларида фаолият кўрсатишарди. Демак, Бобоохун Салимовни кимлар, нимага, қандай мақсадда ўлдиришганди???!!!

Ушбу саволга жавобни Салимохуннинг Гурлан туманида яшовчи авлодлари, шажаранинг вакиллари қуйидагича изоҳлашди:

-Бобоохун ўзига республика давридаги адлия нозири, Москвага боргандаги берилган дахлсизлик мандатини сақлаб қолган бўлиб, шу асосда 1928-29 йилларда аксилинқилобчиликда айбланиб ноҳақдан қамалган юртдошларини озодликка чиқарган эди. Табиийки Манғит, Қипчоқ ва округдаги ГПУчилар бу ҳақда ўзининг юқори идораларига маълум қилишади. Натижада юқори бошқарув тузилмаси, ишларига тўсқинлик қилаётган Бобоохунни йўқ қилишга буйруқ беришади. Натижада буйруқни ижро этиш учун тузилган гуруҳ 8 май куни (яъни суиқасддан бир кун олдин) Эшонёп бўйи қишлоғига бориб тунаб қолишади. Маҳаллий аҳоли кийимидаги (жумладан туркман либосидаги) қуролланган отлиқларнинг бедазорда ниманидир муҳокама қилишаётгани, тунни шу ерда ўтишаётганини қишлоқдаги айрим кишилар кўришган. Айнан ана шу гуруҳ эртасига бемаҳалда Бобоохун уйига бориб унга суиқасд қилишган. . .

Маълумки, Бобоохуннинг сафдошларидан Полвонниёз ҳожи Юсупов, Султонқори Жуманиёзовлар 1936 йилда хасталиги туфайли вафот этишади ва Хивага дафн қилинишади. Бироқ улар билан бир сафда, бир ғоя учун курашган Хоразмлик жадидлардан Худойберган Девонов,

Назир Шоликоров ва бошқалар “Катта террор”-1937 йилда “халқ душмани” сифатида қамалиб, 1938 йил 4 октябрда отиб ўлдирилган.

Агарки. . . агар тақдир Бобоохун Салимовга ҳам атиги 7 йил, Полвонниёз ҳожига 1 йил яшашни инъом қилганида, табиийки давр тўфонлари уларни ҳам ўз домига тортиб кетарди.

1929 йил 10 май. Бобоохун ҳаётининг сўнгги куни. . . .

Умр интиҳоси фожиали тугаган Бобоохун Салимовнинг ҳаёти тарихчи Жумабой Раҳимов ёзгандай “Чақмоқ каби чақнаб ўтди. У ғоят мушкул бир пайтда ҳақ ва ҳақиқат учун кураш йўлига кирди” ...

Жадид зиёлиси Бобоохун Салимовдан Ёқутжон, Ҳадияхон, Исомиддин, Соатаддин, Абдулла, Ҳамидулла, Шукурулла исмли фарзандлар ва энг асосийси яхши ном қолди ва сулола давомийлиги давом қилмоқда.

3.3. Бобоохун Салимов ва Бройдоларнинг дипломат ва маслакдош сифатидаги фаолиятлари

Хоразмда советлар ҳокимияти, хусусан унинг илк даврлари ҳақидаги истиқлол даври адабиётларида большевикларнинг юртимизда шовинистик сиёсат олиб борганлари, чунончи маҳаллий арбобларга нисбатан назар-писандсиз иш тутгани ҳақида сўз юритилади. Бу тўғри бўлиб, Хоразмда мустамлакачилик сиёсати юргизган Шайдаков, Шербаков, А. Иоффе, Элиава, Скалов, Сафонов каби большевикларга тегишлидир. Аммо ўзга миллат вакили бўла туриб, Хоразмдаги маҳаллий арбобларга ҳокимиятни тўла топширишни ёқлаган инсонлар ҳам бўлган. Шулардан бири Г. И. Бройдодир.

Григорий Исаакович 1883 йили Вильно шаҳрида туғилган ва мутахассислиги ҳуқуқшунос эди, Бройдо юридик соҳадаги меҳнат фаолиятини 1909 йилдан бошлаб Тошкентда адвокат ёрдамчиси сифатида бошлаганди. 1912

йилдан эса инқилобий ҳаракатларда иштирок этади. 1918 йили Туркистон АССР МИКнинг Москвадаги мухтор вакили, Шарқий Фронтдаги I-IV армияларнинг сиёсий комиссари, 1920 йил августигача эса Турккомиссиясида хизмат қилади.

Бройдо 1920 йил март ойида Турккомиссиянинг фавқулодда раҳбари сифатида бевосита Хива хонлигига келиб вазиятни ўрганади. Бройдо комиссияси таркибида Измаилов, Ризаиддин Шокиров, Миркомил Миршаропов, Жуманиёз Оллақулов кабилар бўлиб, улар хонликнинг турли жойларида бўлиш жараёнида ҳаққоний аҳволни ўрганишга ҳаракат қилишади. Бройдо Бобоохун билан танишиб, бевосита Гурланда ҳам бўлади. Бу ҳақда “Ёш хиваликлар” ҳаракати йўлбошчиси Полёзхожи Юсупов шундай ёзади: “Товариш Бройдо Гурлан устидан юрмакчи бўлганидан Бобо Охун эшон жавоб олиб бу улут меҳмонларга хизмат қилмоқ учун бурунроқ Гурланга кетди. (Яъни Хивадан Гурланга боради - У. Б.) Бориб халойиқни жам қилиб меҳмонларни шўролар ҳукумати тарафидин келганини, мақсудларини ҳаммага тушунтируб ҳамма асбобларини омода қилиб турди. Товариш Бройдо Гурланга бориб Бобо Охун Эшоннинг уйида бир оқшом бўлиб, жами Гурлан халқини жамлаб кўп яхши сўзлар ва насиҳатлар айтуб, бечора эзилган Гурлан халқини кўп хушвақт ва миннатдор қилиб Гурланда тозо бир мактаб очмоқ учун қарор қилиб Охун Эшонга топшириб ўтур кетди”.

Гарчи Бройдо Гурланда фақат бир кеча кундуз бўлишига қарамай, халқ билан учрашиб мавжуд вазиятни уларга тушунтиришга уринди. Ҳатто илму-маърифатга гурланликларни янги босқичда давом қилдириш ниятида мактаб ташкил қилиш ташаббускори ҳам бўлди.

Бройдо Хоразмдалиги пайтида Бобоохун Салимов билан дўстлашганидан унга “қурултой ўтгандин сўнг хоҳ-ноҳақ Московга боринг, Худо хоҳласа сизнинг бирлан кўришуб Хоразм учун кўп фойдали ишлар қилурмиз”, дея Хоразмдаги қисқа фаолиятини тугатиб Тошкентга кетади.

Хоразмда мухтор вакил сифатида қисқа муддат фаолият кўрсатган Бройдо бу ердаги вазият ҳақида ҳаққоний хулосалар чиқаради. Мана улардан қисқача сатрлар: “Туркистон мусулмонлари орқали Хива қўшинини ташкил этишга кўмак бериб, қисмларимизни иложи борича тезроқ олиб чиқиб кетиш керак”. “Рус ходимларини четлаштириб, ўрнини маҳаллий мусулмонларга бериш лозим...”.

Бройдога Хоразмда ҳамроҳлик қилган унинг маслакдоши И. Р. Фонштейн эса шундай ёзади: “Биз бу ерда кўрган нарсалар шунчалик даҳшатлики бунақасини ҳеч қаерда кўрмаганмиз. Ошкора ҳарбий талон-тарожликлар уюштирилган, қўлга тушган нарсалардан штаб раҳбарлари ўзларига кўпроқ улуш олиб қолиб, қолганини тақсимлашган. Хотинларни олиб кетишган, уларни асира сифатида сақлаб бозорларда ким ошди савдосида сотишган. Хива саройлари яксон этилган. Скалов буларнинг бошида туради ва у жинояткорона лоқайдлиги учун айбдордир...”.

Комиссия раҳбари Бройдо асира сифатида бозорларда сотилган қизларни озод қилдириб, уларни оилаларига қайтаришга эришади. Шунингдек, шу ва бошқа хотин-қизлардан иборат тикувчилик цехи ташкил этиб, уларга алоҳида жой ажраттириб беради.

Бройдо бундан ташқари 1920 йил февралида хонлик ағдарилгач ташкил этилган муваққат ҳукумат бирон иш қила билмаганини ҳам таъкидлаб ўтган. У шўро Россияси хонлик тузумини ағдаришда қандай роль ўйнаган бўлса, янги тузумни ўрнатишда ҳам шундай ёрдамини аямаслигини қайд қилади. Ҳамда маданият, маориф, ҳарбий, халқ хўжалиги, молия, олий муфаттиш, адлия, хорижия нозирликларини тузиш, уларнинг вазифаларини тушунтиришга ҳаракат қилади. Умуман олганда Г. И. Бройдо 1-Бутунхоразм қурултойини ўтказиш, республиканинг давлат тузилиши ва бошқарув лавозимлари қандай бўлиши ҳақидаги маслаҳатлари билан

ёш давлатнинг шаклланиши ва қад тиклашига катта ёрдам беради. Айнан унинг таклифи билан Полёзхожи Юсупов, Бобоохун Салимов, Бекжон Раҳмонов сингари ҳурриятпарвар ислохотчи “Ёш хиваликлар” Хоразм республикасининг ҳукумат раҳбарлиги ва нозирлигига тайинланишади.

Бройдо ана шу жаидлар билан бирга Хоразмда ўзларини чор генералларидек тутган мустамлакачилик кайфиятидаги қизил командирларни тартибга чақирди, айримларини жазолади ҳам. Хусусан унинг талаби билан Н. Шайдаков, В. Урядов сингари Хива хонлиги ҳудудига бостириб кирган, Хоразм республикаси шаклланишига халақит бераётган қизил командир, бошқа партия ва шўро ходимлари қамоққа олинади. Урядов 10 йилга, Шайдаков 2 йилга қамалади. Взвод командири Родионов эса Хоразмда талончилик қилгани учун 25 апрелда Бройдо талаби билан отиб ўлдирилади.

Бройдонинг таклифи ва ёрдами билан қисқа вақт ичида 8 та биринчи босқич мактаби, ўқитувчилар курси, сиёсий мактаб, маориф уйи, болалар боғчаси, киноматография, типография, қариялар, болалар уйи ташкил этилади. Халқ банки ташкил этилиб, РСФСР томонидан 40 млн рубл кредит берилади. Миллий пул чиқарила бошланади. 4 та кўприк қурилиши ва каналларни тозалаш ишлари бошлаб юборилади. Чоржўй-Хива телеграф алоқаси ишга туширилади. Хивада маҳаллий командирлар ташкил этиш учун Москвадан эмас, Тошкентдан 18 та мусулмон командирлар таклиф этилади. Шунингдек воҳада илк бора Бройдо таклифи билан Мулла Бекжон Раҳмоновдек Туркияда таълим олган Хивалик жаид муҳаррирлигида “Инқилоб куёши” газетаси 1920 йил март ойидан чоп этила бошланади.

Шу каби Бройдо 1920 йил 27-30 апрель кунлари ўтказилган 1-Бутунхоразм қурултойининг миллий руҳда ўтказилишига, давлат, ёш республиканинг мустақил

давлатчилиги учун курашадиган раҳбарлар ҳукумат таркибига киришига ҳаракат қилади. Айнан Бройдонинг таклифи билан Хоразм республикасининг конституцияси қабул қилиниб, унда кенг имкониятлар берилганди. Умуман олганда Г. И. Бройдо Хоразм Республикаси қад тиклашида катта хизматлар қилган давлат арбоби эди.

Афсуски, Бройдонинг Хоразмда бўлиб вазиятни тўғри баҳолагани Москвадаги шовинистларга ёқмайди ва уни мухтор вакилчиликдан четлаштириб, ўрнига Хоразмда жинояткорона шовинистик сиёсат юргизаётган Скаловни тайинлашади.

Бройдо кейинчалик Москвага ишга кетиб фақат назарий ишлар билангина шуғулланади. Гурланлик Бобоохун Салимов Хоразм делегацияси раҳбари сифатида РСФСР ҳукумати билан 1920 йил ёз ва куз фаслларида шартнома тузиш мақсадида Москвага борганида Бройдо билан учрашади. Қадрдон дўстини ҳурмат қиладиган Бройдо Бобоохун ва унинг делегацияси аъзоларини Москва, Петербургнинг диққатга сазовор жойлари билан таништиради. Бройдо Бобоохундан Хоразмдаги вазият, у ердаги дўстлари, Гурланда бўлганидаги халқ билан учрашувини эслаб дийдорлашадилар. Бобоохун Салимов ва делегация аъзолари қийин вазиятларга тушиб қолганларида уларга ёрдам беради.

Агарки Бройдонинг кейинги фаолиятига эътибор қаратсак, унинг ўз даври фарзанди сифатида қуйидаги вазифаларда ишлаганини кўрамиз.

1921-23 йилларда РСФСР миллатлар иши бўйича халқ комиссарининг ўринбосари бўлиб ишлайди. 1921 йилда Москвада ташкил этилган Шарқ меҳнаткашлари коммунистик университетининг ташкилотчиси ва ректори. 1925-1926 йилларда РКП(б), сўнгра ВКП(б)нинг матбуот бўйича бўлим мудирини ўринбосари, 1927-1930 йилларда Саратов университети ректори, Нижний-Волжск ўлкаси партия комитетининг тарғибот ташвиқот бўлими мудирини,

котиби, 1933-34 йилларда Тожикистон ССР Марказий Комитети биринчи котиби, 1934-36 йилларда РСФСР халқ таълими комиссари ўринбосари, 1936-38 йилларда ВКП(б) нашриёти директори, 1938-41 йилларда тиббиёт нашриёти мудири вазифаларида фаолият кўрсатган. 1941 йил августида “халқ душмани” дея қамоққа олинган ва партия сафидан чиқарилган. 1945 йилда 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1953 йил апрелида авф этилиб озодликка чиқарилган. 1956 йил 23 майда Москва шаҳрида вафот этган. Тарих ва миллий ҳудудлар бўйича кўплаб мақолалари ва асарлари нашр этилган.

Хулоса шуки, Бройдодек сиёсатчи ва ҳарбий раҳбар бошқа рус шовинистлари сингари Хоразмлик маҳаллий арбобларга бошқарувни ўзлари тўла эгаллашларига ишонди, уларга кўмак беришга уринди, ўз тақдирини ўзлари белгилаш назариясига ижобий ёндашди. Ҳатто гурланлик Бобоохун Салимов ва унинг ҳамроҳларига Москвадалик пайтида ҳам қўлидан келган ёрдамни аямади. Г. И. Бройдо(1884-1956) ва Хоразм, хоразмликлар мавзуси эса тарихда ўрганса арзийдиган мавзуга айланиб қолди.

3.4. Бобоохун Салимов ва Самойлович

Бройдо сингари Бобоохун Салимов ва бошқа жадидлар билан ҳамкорлик қилган, қўлидан келганича уларга ёрдам беришга интиланган шахс- шарқшунос Самойлович бўлган.

Маълумки, Россиялик шарқшунослар азалдан Ўрта Осиё, хусусан Хоразмга ғоят қизиқиб келганлар ва бу ҳудудлар олим ва сайёҳ, жосуслар учун тадқиқот, текшириш макони, манбаси бўлиб келган. Хусусан, 19 аср охири ва 20 аср бошларида ўлкамиз чор Россияси истибдодида бўлгани учун, аввалгига қараганда рус шарқшуносларининг Ўрта Осиёга келиб илмий ишлар қилиши осонлашди.

Бу борада В. Бартольд, П. Мелиоранский, В. Радлов, А. Диваев, Н. Остроумов, А. Кушкевич каби тадқиқотчилар фаоллик кўрсатиб Ўрта Осиёнинг турли соҳаларини қамраб олган кенг кўламдаги салмоқли ишларни амалга оширдилар. Улар орасида шарқшунос А. Самойловичнинг Хоразм фольклори борасида қилган ишлари катта аҳамиятга эга.

1880 йилда Нижний Новгородда туғилган Александр Самойлович шаҳарга келган Ўрта Осиёлик савдогарларнинг кўриниши, ўзини тутиши, гаплашиш оҳангларига мафтун бўлиб, шарқ халқлари ҳаёт тарзига қизиқиб қолади. Натижада ана шу қизиқиш уни Петербург университетининг шарқ тиллари факультети араб-форс-татар-турк тиллари бўлимида таҳсил олишга ундади.

Самойлович фақат назарий билимлар билангина қаноатланиб қолмай, бевосита шарққа, Ўрта Осиёга ташриф буюришга ҳам интилди. Ана шу интилиш сабаб, Александр Николаевич устози Мелиоранский топшириғига кўра 1902 йил Хива хонлигига келади. Етук шарқшунос сифатида танилган П. М. Мелиоранский туркий тилларни ўрганишда фольклор ва этнографик материаллардан қиёсий манба сифатида фойдаланишнинг аҳамиятини яхши билган. Шу боис шогирди гарчи махсус фольклоршунослик назариясига эга бўлмасада Самойловичга Хоразм халқ эртак, афсона ва ривоятларини ёзиб келишни уқтиради. Ана шу сабаб Самойлович бир умр Хоразмнинг мафтунлиги бўлиб қолди ва ўлка тарихи, адабиёти, санъати, фольклори бўйича яратган асарлари билан дунёга етук шарқшунос сифатидаям танилди.

Мелиоранский шогирди Александр Самойловичга, яна бир Россиялик машҳур шарқшунос Н. Ф. Катановнинг “Сибир ва Шарқий Туркистондан мактублар” асари билан танишиб чиқишни маслаҳат берганди. Негаки, Катанов Сибир ва Шарқий Туркистонда истиқмат қилувчи туркий халқларнинг урф-одатлари, маросимлари, ирим, туш

таъбирлари, халқ таъобати, уруғчилик муносабатлари, атамалари, амалий санъат, ҳунармандчиликги, уларнинг ўхшаш жиҳатларини кенг миқёсда таҳлил қилганди. Самойлович устози маслаҳатига амал қилиб, Катанов китоби билан танишибгина қолмай, шу асосда кейинчалик “Профессор Н. Ф. Катанов первый учений из абаканских турков”, (“Жизнь Бурятии”, 1924, №6) номли мақола ҳам ёзганди.

Хуллас, 1902 йилдаги Хоразм сафари ва турли бекликларда бўлиши асносида у Хоразм шеvasи, лаҳжалар орасидаги фарқ ва фольклорни ўрганишга алоҳида эътибор қаратди. Орадан бир оз вақт ўтиб у яна 1908 йил Хоразмга ташриф буюрди. Ҳар иккала сафари давомида Бобоохун Хивадаги мадрасада талабаларга сабоқ бераётган мударрис эди ва бу пайтда улар учрашгани тўғрисида маълумотлар сақланиб қолмаган.

Самойлович ушбу сафари пайтида Хива хони Муҳаммад Раҳимхон 2-Ферузхон билан учрашади. Самойлович олим сифатида Ферузхонни шундай тасвирлаб ўтганди: “Ҳозирда ҳукмдор бўлиб турган Сайид Муҳаммад Раҳим маърифатли шахсдир. У фан ва санъат ҳомийси ҳисобланиб, бу мамлакатни ўрганишимга астойдил ёрдам беришини изҳор қилди. Хива хони ҳатто ўзининг шахсий китоб хазинаси билан танишишимга ҳам рухсат берди. Мен унинг Арк ва Тозабоғдаги кутубхоналарида бўлдим. Туркий тилдаги қўлёзмаларга асосий эътиборимни қаратдим. Икки марта Тозабоғдаги хон босмахонасини кўздан кечирдим” (“Краткий отчёт о поездке в Ташкент и Бухару и в Хивинского ханства в 1908 году”, Известия Русского комитета для изучения Средней и Восточной Азии в историческом, археологическом, лингвистическом и этнографическом отношениях. №9. Санкт-Петербург, 1909, с-21.).

Шарқшунос олим, қолаверса табиатан китобга меҳр руҳида камол топган Александр Николаевич Самойлович,

Ферузхон саройидаги маданий муҳит, жумладан, хон кутубхонасидаги китоблар билан танишиб, Кўҳна Арк ва Тозабобдаги бевосита Ферузхоннинг махсус кутубхонасидаги китоб, қўлёзмалар билан танишиб чиқади. Самойловичнинг таъкидлашича, “Ферузхоннинг китобга, ундан нусха кўчиришга иштиёқи жунун даражасида бўлган. Ферузхон давлат бошқарувидан толиққан пайтларида, кутубхонага кириб, хаттотлар томонидан кўчирилган янги китобларни варақлашни яхши кўрган”.

Бу пайтда Ферузхоннинг энг севимли, асосий иккита кутубхонаси бўлиб, бириси қишки қароргоҳ-Кўҳна Арк ичкарасида, яна бириси ёзги қароргоҳ-шаҳар ташқарасидаги Тозабоб саройида жойлашганди. Ушбу кутубхоналарда китобларга оид каталоглар тузилган, китобларнинг муқоваларига уларнинг номлари битилган ёрлиқлар ёпиштирилган эди. Самойловичнинг таъкидлашича, “Ферузхоннинг қишки кутубхонаси Кўҳна Арkning ғарб томонидаги бинонинг юқори қаватида, чоғроққина хонада жойлашганди. Хонанинг шимол тараф деворида ёпиқ жавон, кунботар тарафида эса иккита ойнаванд эшикчали жавон турарди. Жавонларнинг бирида кичкинагина қўлёзма каталогда 500 та қўлёзма ва китобларнинг номи ҳамда рақамлари кўрсатилган. Кунботар тарафдаги жавонда эса тиббиётга оид кўплаб китоблар мавжуд. Орқадаги жавонда бўлса, тарихий, тасаввуфий ҳамда сиёсатга оид асарлар, ҳар хил қўлёзма ва босма китоблар бор эди. Китоблар асосан форс тилида, арабчиси камроқ. Туркий тилидаги адабиётлар эса чигатой туркийси, усмонли ҳамда қозоний –татар (нўғойча) эди” (А. Н. Самойлович “Хивинские придворные книгохранилища и книгопечатня”, Материали по среднеазиатско-турецкой литературе.).

1908 йилда Тозабобдаги Ферузхоннинг кутубхонасини кўришга муваффақ бўлган Самойловичнинг ёзишича, у ерда

ҳаммаси бўлиб 200 та атрофида босма ва қўлёзма китоблар мавжуд бўлган. Ҳар бир қўлёзманинг муқоваси четига оппоқ қоғозда ёрлиқча ёпиштирилган бўлиб, унга китоб номи, жилди ҳамда қўлёзма ва босма асар эканлиги, мавзуси, яъни наср ёхуд назмда битилганлиги қайд этилган. Самойловичнинг аниқлашича, Аркдаги кутубхонада каталог бўлгани ҳолда, Тозабобдаги кутубхонада каталог йўқ бўлган.

Александр Николаевич ўзининг “Хива саройи китоб асровхонаси ва тошбосмаси” номли тадқиқот ишида, ўша вақтда валиаҳд бўлган Асфандиёр тўра (кейинчалик-1910-1918 йилларда Хива хони) ва бош вазир Исломхўжалар билан учрашганлиги, уларнинг ҳам шахсий кутубхонаси мавжуд бўлганлиги, Самойлович шарқшунос олим ва сайёҳ сифатида ўша кутубхоналарда бўлганлигини таъкидлаб ўтади. Шунингдек, улар Самойловичга ҳаёти сифатида ноёб китобларни тухфа қилишганини миннатдорчилик билан қайд этади.

Маълумки, Ферузхон шоир ва мусиқашунос сифатида ўз саройига ижод ва илм аҳлини тўплаган, уларга етарлича шароит яратиб берганди. Ана шу шоирлар ижодини келгуси авлодга китоб ҳолида етказишни ният қилган ҳукмдор, “Мажмуаи шуарои Ферузшоҳий” номли баёз тuzдирганди. Самойловичнинг Хивага ташрифи, Ферузхон билан учрашуви ана шу баёзнинг тошбосмада чоп қилиниш арафасига тўғри келади. Шу боис Самойлович Ферузхон илтимосига кўра, ўттиздан ортиқ шоирлар ғазаллари киритилган тўпламга сўзбоши ёзади: (“Собрание 30 царских поэтов, сопутствующих Ферузу”. Хива, 1909 г, 1638 стр, (Записки восточного отделения императорского русского археологического общества. Том 19, 1909, с. 0198-0209.).

Хуллас, 1908 йилдаги хонликка сафари Самойлович ҳаётининг энг ёрқин саҳифаларидан бири бўлиб қолади.

Ўрта Осиёни тарихий, археологик, тилшунослик ҳамда этнографик жиҳатдан ўрганиш рус кўмитасининг 1908 йил 3 октябрда бўлиб ўтган йиғилишида Самойлович сафари ҳақида махсус маълумотнома тайёрлаб, унда “Хивалик ўзбеклар лаҳжаси ва оғзаки ижодини ўрганишга алоҳида эътибор берганлигини” қайд этиб ўтади. (СПБ 1908. IV / с. 22).

Ана шу сафариди турли бекликларда бўлиш асносида А. Н. Самойлович Гурланда ҳам бўлганди. У 1908 йил 19 июнда Раҳмонберган Оталиқнинг Хитой қишлоғидаги боғида бир оз дам олиб кечга яқин Гурланга етиб келади. Бу ҳақда у “Йўлда туркманлар овулини кўрдим. Гурлан округида (беклигида) асосан ўзбеклар истиқомат қилишар экан. Бу ерда ўзбек шеvasига доир кузатишларимни қайд этиб бордим ва у ерда қангли уруғидан бўлган бир эртақчининг нақлларини тингладим” (“Краткий отчет о поездке в Ташкент, Бухару и Хивинское ханство”, “Известия Русского комитета для из учения Среднейи Восточной Азии ... СПБ. 1909. 9. С. 24) дея ёзади юқоридаги маълумотида.

Бироқ Самойлович қангли уруғидан бўлган ўша гурланлик эртақчининг номини афсуски қайд этишни унутган. Буни шарқшуноснинг ўзи ҳам бир мақоласида афсусланиб эътироф этганди.

Ўша 1908 йил 20 июнь куни гурланлик эртақчи Самойловичга “Қирқ ёлғон” эртагининг икки хил вариантини айтиб беради. Натижада шарқшунос гурланлик эртақчидан эшитганларини қоғозга тушириб тарих мулкига айлантирдики, бу қувончлидир. Айнан ана шу эртақчи билан учрашувидан сўнг Самойлович Гурландаги сингари бошқа ҳудудлардаги эртақчилар эртақларини қиёсий типологик нуқтаи назардан ўрганишга киришди ва илмий ўрганишга, бошқа эртақлар билан таққослашга интилди.

Самойловичнинг Хоразмдаги ўша пайтда донг қозонган Суёв бахши (1850-1915) билан учрашуви, бошқа бахшилар

билан айтишувини кузатиши кейинчалик ана шу бахшиларнинг тарихда қолишига сабаб бўлди. Шарқшунос Самойлович Суёв бахшидан “Гўрўғли” достони бўйича бир қанча маълумотларни ёзиб олади. Шу каби Оташ, Нуржон ва Эшвой каби хонликда донг қозонган бахшилар, уларнинг репертуари ҳақида маълумот тўплаб, шулар асосида мақолалар ёзади.

Бундан ташқари Абулғозихоннинг “Шажараи турк”, “Шажараи тарокима” асарлари, уларнинг илмий аҳамиятини тадқиқ этиш билан шуғулланади. “Рус археология жамияти Шарқ бўлими илмий ишлар мажмуаси” нинг 19 жилдида “Қўрқут ва Гўрўғли” ҳақида афсона номли мақоласини чоп қилдириб, унда фақат Гўрўғли достони, уларнинг турли вариантларига тўхталибгина қолмай, Абулғозий асарлари, унинг шарқ тарихини ўрганишдаги аҳамияти масаласигаям тўхталиб ўтади.

Унинг эртак, афсона ва ривоятларни илмий жиҳатдан ўрганиб рус тилида нашр қилиши олимга доврुक келтирди. Рус жуғрофия жамияти этнография бўлимининг комиссияси аъзоси, жамият таъсис қилган “Живая старина” журнали таҳрир ҳайъатининг аъзоси бўлишига олиб келди.

У Хоразмда ёзиб олган эртак, афсона ва ривоятларни “Живая старина” журнали саҳифаларида мунтазам ёритиб борди. Хусусан журналнинг 1912 йил 2-4 сонларида Самойлович гурланлик қангли уруғидан бўлган кишидан эшитган “Қирқ ёлғон” эртагининг ўзбекча, туркманча ва қозоқча вариантлари ҳақидаги мақоласини чоп эттиради.

Умуман олганда шарқшунос А. Н. Самойловичнинг Хоразмда ёзиб олиб оммалаштирган “Қирқ ёлғон”, “Аннамурад бува”, “Полвон ота ва гуноҳкор аёл”, “Қалдирғоч билан илон”, “Пишиқ афсонаси”, “Лайлак билан булбул” каби кўплаб эртак, афсона ва ривоятлари ХХ аср бошларида русча журналда нашр этилиб ёзма манба

шаклини олди ва Хоразм халқ оғзаки ижодига оид тарихий силсила янада бойиди.

Унинг 1908 йил 27 майдан 7 июнгача Хивадан то Кўҳна Урганчга бўлган сафари айниқса тассуротларга бой бўлди. Бу ҳақда у ўз ҳисоботида шундай хотирлаб ўтганди: “ҳар гал бирорта манзилда тўхтаганимизда мен маҳаллий аҳолининг уруғ қабила таркиби тузилишига доир маълумотларни тўплашга, уларнинг шеvasига оид ўзига хосликларни илғаб олишга ҳаракат қилардим. Йўл-йўлакай турли туман уруғларга мансуб бахшилар кўшиғини тинглардим ва уларнинг репертуаридаги фарқларни аниқлардим.

Сафар давомида, Хива хонлигида яшовчи аҳолининг асосий қисми сўзлашадиган Хива сарт лаҳжасини ўрганишга доир ишларимни давом этдирдим. Эртас, ҳикоя, топишмоқ, ибора ва шевага хос сўзларни ёзиб олдим. Жой номлари, бозор ва касб-хунар номлари, ўсимлик ва жониворларнинг атамалари, уруғ-қабила, қавм-қариндошлик терминлари, эркак ва аёлларнинг исмлари, от ва ит номлари, олқиш, қарғиш ва сўкишларни ёзиб олдим. Маҳаллий аҳоли удумлари ва турмуш тарзини ўргандим”, дея кузатувларини баён қилади.

Ушбу сафари давомида Самойлович туркман -ларнинг тўйларини ҳам кузатган ва бу ҳақда ўз кузатувларини шундай қоғозга туширганди: “ туркманларнинг тўйларида томошабинлар от чоптириш, мерганликни кўриб бўлгач, бахши тинглаш, кураш ва бошқа томошаларни кўриш учун диаметри беш сажен келадиган айлана ҳосил қиладилар. Бу дашт учун оригинал характердаги ҳаётий амфитеатр бўлиб, биринчи қатордагилар чўкка тушиб ўтирадилар. Иккинчи қатордагилар тик турадилар. Учунчидагилар эса от устида ўтирадилар. Тўртинчи қатордагилар отлиқ, туяликлардан ташкил топган ҳолда бахшиларни куйлаб томоша қилишади”. (А.Н. Самойлович “Туркестанский развлечение”,

В кн: А. Н. Самойлович, Сочинения, том 2, СПб, 1909 г, стр 4.).

Александр Николаевич шу ва бошқа сафарлари, умуман шарқ халқлари тарихи, этнографияси, фольклорига бўлган меҳри сабаб, 1917 йилгача Петербург университетиде туркшунослик, шарқшуносликдан талабаларга сабоқ беради. Кўплаб шогирдлар етиштириш билан бирга, илмий асарлар яратади.

Бироқ, 1917 йилда...

Маълумки, 1917 йил октябридан сўнг, ҳокимиятга келган большевиклар сиёсати бўйича зиёлилар орасидаям турлича қарашлар юзага келди. Закий Валидий сингари машхур шарқшунос олдинга большевиклар билан ҳамкорлик қилган бўлса, кейинчалик уларга мухолифлик йўлига ўтди. Валидийнинг қадрдон дўсти Александр Самойлович эса то умрининг охиригача большевикларга содиқ қолди. Уларнинг шарқ бўйича сиёсатини амалга оширишга кўмаклашди. Бир неча бор Туркистонга ташриф буюрди. Аммо бу гал олдингидек фольклор намуналарини, тарихга оид битикларни ўрганиш учун эмас, сиёсий мақсадларда фаолият кўрсатди. Айнан ана шу сафарлари давомида Хоразмлик жадидлардан Полвонниёз ҳожи Юсупов, Бобоохун Салимовлар билан дўст тутинди, уларга ёрдам беришга интилди. Шунингдек Самойлович Ўрта Осиёга сафари давомида Бухорода ҳам бўлган эди.

Ана шу сафарларида, хусусан 1920 йил декабри ва 1921 йилда у Валидийнинг Бухорода яшириниб юрганини сезиб, дўсти Чўлпон ёрдамида Закий Валидий билан учрашишга интилди. Бироқ Валидий Самойловични “шўролар айғоқчиси” дея ундан қочар, учрашишни истамасди.

Орадан йиллар ўтиб, Валидий хорижга чиқиб кетишга мажбур бўлади. Бу орада Самойлович ҳам дунёга машхур шарқшунос эди ва шу боис у Туркияда ўтган халқаро анжуманда қатнашиш учун Анқарага боради. Табиийки,

дўсти Валидийни излаб у билан суҳбатлашишга интилади. Бу ҳақда Закий Валидий ўз хотираларида шундай ёзади:

“1925 йилда мен Германиядан Анқарага қайтдим. Бир мунча вақт ўтганидан сўнг у ерга машҳур турколог Самойлович Анқарага келган, мен билан учрашмоқчи эканлигини айтишди. Ҳозир Вақф Хонлари деб аталадиган жойга учрашув соатини белгиладим. Ўша куниёқ учрашдик. Бу киши билан подшо даврида жуда дўст бўлган эдик. Дўстлигимиз 1913 йилда туркман шоири Махтумқули ҳақида бир мақола эълон қилиш билан бошланганди.

У 1921 йилда ҳам мен билан учрашмоқчи бўлиб Бухорога келди. Самойловичнинг Бухорога келиши коммунистлар партияси буйруғи билан ташкил қилингани учун учрашишдан ўзимни тортган эдим. Ҳатто у Байишев деган авлодим билан бир хонада гаплашиб ўтирган вақтида ҳам мен иккинчи хонада бўлсам ҳам чиқиб кўришмаганман. Самойлович мен билан Чўлпон воситаси ёрдамида учрашмоқчи бўлди. Шунинг учун ҳатто шоир дўстим билан ҳам учрашмасликка ҳаракат қилдим.

Ҳозир кўришган вақтда ҳеч бир гап бўлмаганидай, эски қадрдонларча гаплашиб, Бухородаги воқеани ҳеч эсламади. Шунинг учун бу учрашув ҳам аввал белгиланган режалар бўйича бораяпти деган фикр келди менга. Фақат илмий масалалар тўғрисида сўз юритди, бажариши керак бўлган вазифанинг учини қачон чиқарар экан деб кутдим. Бир-икки кундан кейин яна учрашдик. Сўзлари Берлинда Крестинскийнинг сўзларига яқинлашганди.

-Сени жуда қадрлаймиз, хорижий мамлакатлардаги илмий саёҳатингни Россиядаги олим дўстларинг билан узмасдан давом қилдир. Фанлар Академиясида Бартольднинг ўрнини босадиган одамсан, фуқаролигингни алмаштирма, -деди.

Мен хотинимни олиб чиқиш тўғрисида гапирдим.

-Мен айтгандай қилсанг, унинг ҳам иложи бўлади, бўлмаса, рухсат бермаслар, -деди.

Қариндошим Абдулрауф менга анча қўлёзма асарларини, айниқса нўғайлар тарихи ҳақида ёзган асарини буюртма хат билан юборган бўлса ҳам, келмаганини айтдим.

-Буларнинг ҳаммаси ҳам сиёсатга боғлиқ, -деди.

Кейин кинога бордик, турли масалалар тўғрисида гаплашдик, фақат меним Туркистонда “босмачилик” ҳаракатларида раҳнамолик қилганлигим ҳақидаги воқеаларга яқинлашмади. Шу сабабли ҳам “бу ҳеч шубҳасиз мен билан қандайдир аввалдан белгиланган мақсадга мувофиқ “ гаплашяпти деган фикрни мустаҳкамлади. Аҳмад Оға ўғли унга меним Фанлар Академияси тузиш тўғрисида лойиҳа тақдим қилишимни гапирган экан, бу ҳақда жуда қизиқаётганлигини айтди. Туркияда фаннинг бир марказга тўпланишини, уларни уюшган ҳолда ўса бошлашини ҳеч ҳам ҳоҳламаслик, бу ишга русларни энг биринчи “ маслаҳатчи” қилишга ҳаракат қилиши аниқ эди.

-У қоғоздаги оддий ёзувгина, -деб гапни бошқа ёққа буришга уриндим. Лекин у қайтариб сўради. Мен унга:

-Бу маориф ваколатида кўрилган бир масала, уни яхши билмайман, -деб жавоб қайтардим.

Бу гаплардан кейин ҳам Туркия миллий тарбия вазирлигига Фанлар Академияси масаласида кўп марталаб ёздим, лекин бу масалага қарши чиққанларнинг русларга яқин бўлган сўл сиёсий доиралар эканлигини фақат кейинчалик “Турк энциклопедияси” ни чиқарувчи Авнибекдан билдим, чунки мазкур масалалар бўйича у билан фикрдош эдик.

Ким билади, балки Самойлович айғоқчи ҳам бўлмагандир. Большевиклар кейинчалик унинг ўзини ҳам ўлдирдиларку ахир. Лекин мен у билан бундан кейин гаплашишнинг аҳамияти йўқ деган хулосага келдим.

-Мен ҳозир Туркия фуқаросиман, Туркистондаги озодлик курашлари тарихини ёздим. Нима қилиш керак, эй эски дўстим, қадрли Александр Николаевич! Қандай қилиб

сиз Бухорода мени кузатиш сингари пасткаш йўлга кирдингиз? Василий Владимирович, Игнатий Юлиановичлар ҳам шу ишни қилармидилар?, - дедим.

Шу вақт оппоқ юзли Самойлович қип-қизариб кетди.

-Бу тухмат ёғдириш. Сени Бухорода қидирганимнинг сабаби, бу ерда кўришишим ҳам ҳеч кимнинг буйруғи остида бўлган нарса эмас, - деди.

Мен эса гапимни давом этдирдим.

-1922 йилда Москвадаги “Шарқ университети”да ва Фанлар академиясининг филология бўлимида Русия қўл остидаги туркий уруғлар учун рус алифбоси асосида 19 та адабий тил вужудга келтириш зарурлигини исбот қилувчи рус туркологлари орасида нима сиз йўқмидингиз? Албатта, ўрталарингизда, биргина лотин алифбосини қабул қилишни ёқлаб чиққан жасур ёш туркологлар ҳам бўлган, деб эшитдим. Аммо Шарқий туркийлар ўртасида умумий адабий тил вужудга келтиришга йўл қўймасликни истаганлар, уларнинг алифболарини фонетик асосида тузиб, тамомила мустақил тиллар вужудга келтиришга ундаганлар. Туркий қавмларнинг қисқа бир муддат ичида руслашиб, йўқолиб кетиши тўғрисида гапирганлар бугунги кунда тепага чиқишди. Буларнинг ҳаммасини Туркистондан Эронга чиқиб кетишдан икки кун олдин Ленинга йўллаган хатимда ҳам очиқ ёзган эдим. Ҳозир Туркиядаман, шу ерда қоламан...

Ҳозир эса у нафс балоси Русия ҳукмронлиги остида қолган бирорта миллатга ҳам яшаш ҳуқуқини бермаяжак. Севимли хотинимни бу ерга келишига рухсат этишларини сўраб Ленинга, Крестинскийга мурожаат қилдим, лекин, ундан меним юрагимни эзишда фойдаланажаклар.

Бу гапларни айтиб бўлгач, бошим бир айлангандай бўлди. Самойловичнинг ҳам кайфияти тамоман бузилган эди. Ажралишдик. Меҳмонхонага келишим биланоқ бу учрашувни батафсил ёзиб қўйдим. У билан бошқа учрашмадик. Бир йилдан кейин илмий чиқишлар қилиш

учун Истанбулга келган профессор Бартольднинг хотини менга:

-Сиз билан Анқарада гаплашган Александр Николаевичнинг кайфияти жуда ёмон эди. У сиёсий ишларга аралашиб катта хато қилди, -деди.

Албатта, булар Бартольднинг хотини ҳамда Закий Валидийнинг фикрлари. Табиийки, Валидийнинг ўзи ҳам сиёсатга аралашгани, большевикларга мухолифлик қилгани учун Самойловичдек зукко, етук шарқшуноздан хавфсираган, узоқроқ юришга ҳаракат қилган.

Валидий ҳатто Чўлпондан ҳам хавфсираб, 1921 йилда Бухорода ундан узоқда юришда ҳаракат қилган. Бу ҳақда у “Хотиралари”да шундай ёзади: “Харгушда яшаган вақтимда, Бухорода меним ихтиёримга бериб қўйилган ҳовлига ҳар икки кунда бориб турар эдим. Шоир Чўлпон доимо бу ерга келиб, мени кўришга ҳаракат қилди. Лекин, шоир зотининг оғзида гап турмайди, деган ўйда қабул қилмай, уйда йўқ денглар деб Чўлпонни жўнатиб юборардим. Албатта, бундан унинг жаҳли чиқарди. Бир куни у “эх, шу шоирлигим мени оғзи бўш ва ишонмайдиган қилмаганида, мен сиз билан кўришар эдим”, деган маънода бир шеър ёзиб қолдирибди. Кейинги гал келганида қабул қилдим.

-Эски дўстинг профессор Самойлович сени кўрмоқчи, бу унинг бир дўстлик туйғуси бўлса керак, -деди. Мен эса унга:

-Сендан қочишимнинг сабаби бирор сўз чиқмасин, деб кўрққанимдан, Самойлович меним дўстим, аммо советлар одамни қўлга олиш учун дўстидан ҳам, оиласидан ҳам фойдаланади. Самойлович бугунги кунда совет айғоқчисими ёки йўқми, қаёқдан биласан, -дедим.

Самойлович Бухорода бир неча кун бўлди. Мени ҳар хил дўстларим орқали кўришга ҳаракат қилди. Унинг ҳукумат топшириғини бажаришга уринаётганига ҳеч бир шубҳа қолмади. Аммо жонбозлик кўрсатишга қарамай, у қизилларга ёқмади”, дея хотирлаганди Валидий.

Аслида ҳар иккала олимнинг қарашларидаги фарқ туфайли келишмовчилик бўлгани аниқ. Қолаверса, Самойловичнинг 1917 йилдан сўнг большевиклар сиёсатини маъқул топиб, ташқи ишлар вазирлигида ишлагани, миллий республикалар бўйича шуғуллангани ҳам ҳақиқат. Аслида Валидий ҳам олдинига большевикларга хизмат қилган, нафақат Бошқирдистон республикаси раиси, балки Кремлда Ленин, Троцкий, Сталинлар билан ҳамкорликда ишлаганди. Гарчи у кейин Боку ва Хоразм, Бухоро, Туркистонга келиб “босмачилар”га ғоявий раҳнамолик қилишга урингани, кейин Туркияда яшаганига қарамай, у ерлардаям ўз қадрини топди деб бўлмайди. Валидий Самойловични “ большевикларга жонбозлик кўрсатишига қарамай, қизилларга ёқмади”, дейди. Бироқ унинг ўзиям Туркияда жонбозлик қилганига қарамай, ўша ердаги айрим раҳбарларга ёқмаганди.

Валидийнинг шогирди Тунжер Бойқаронинг у ҳақдаги китобида бу масала ҳам ёритиб ўтилган. Чунончи, 1932 йилнинг июлида Турк Тарихи Тадқиқ Жамияти ўтказган конгрессда Рашид Ғолиб, Садри Мақсудий сингари Валидий билан келишмовчилиги бўлган шахслар, унга турлича айблар қўйишди. Ана шу ва бошқа сабаблар боисидан Валидий 1932 йил 8 июлда Истанбул университетидан ишдан бўшаб, Австрияга кетишга қарор қилади. Шунингдек, Валидийнинг мухолифлари Турк жумҳурбошқони Ота Турк ўртасига ҳам совуқчилик муносабатлари солишади.

Венада докторлик диссертациясини мувафақиятли ёқлаган Валидий, Европада фашизмнинг кўлами кенгайганидан сўнг яна Туркияга қайтишга мажбур бўлади. Шу ниятда 1939 йилнинг 1 майида янги жумҳурбошқон Исмат Инону ва бошқа амалдорларга мактуб ёзиб, қайтишга ижозат сўрайди.

Бироқ бу гал ҳам у гарчи Истанбул университетига ишга қайтган, Назмия хонимга уylanган бўлсада, 1944 йил

15 майда “Турончилик номидан Туркияда советларга қарши ҳаракатда бўлганлик”да айбланиб қамоққа олинади. 15 ой ҳибсхонада беайб жабр чекади. Қамоқдан чиқиб яна илмий ишлар билан машғул бўлади. Кўплаб фундаментал асарлар яратиб, тарих илми юксалишига катта ҳисса қўшади. Шогирди Бойқаронинг ёзишича, “ Валидийда ҳеч бир тарихчида бўлмаган дунё шуҳрати бор эди; юртдан ташқарида, айниқса, шуҳрати катта эди. Ўлка ичида эса унинг ихтиёрига яна институт маоши ва идора имкони катта бўлган бир муассасани беришни истамасдилар. Натижада шундай институт қурилмади ва бундан фақат турк илмигина зиён кўрди”.

Бундан ташқари, “ 1960 йили 70 ёшида ҳам нафақага чиқмоқчи бўлди, аммо яна 25 йиллик иш стажи йиғолмади, етмаётган бир йил учун ёшига ўзгариш киритишга уринди. Агар шундай қилса таваллуди 1891 йил бўлар, 1961 йили ҳам ишласа, стажи 25 йилга чиқар эди. Лекин 1960 йил 27 май воқеаси муносабати билан университетлар қонуни янгилангани учун, Валидий ёши бир жойга бориб қолган бўлса-да, ишлашда давом этганди”.

Ҳа, Валидий шижоатли, интилувчан шахс, етук тарихчи олим эди. Шу билан бирга унинг эски дўсти А. Н. Самойлович ҳам ўз даврининг таниқли шарқшунос олимидир. Ҳа, ким биландир яхши, ким биландир ёмон муносабатда бўлгани, албатта ҳар бир шахснинг ўзига боғлиқ. Бироқ, тарихда Валидий Самойловичдан узоқлашган бўлса, Хоразмлик бошқа бир давлат арбоби, ХХР адлия нозири Бобоохун Салимов билан яқинлашган, Москвада дўст тутинган эди.

Маълумки, Бобоохун РСФСРга 1920 йил Ленин, Чичерин, Караханлар билан шартнома тузиш учун борган делегацияга раҳбарлик қилган. Бу пайтда ташқи ишлар вазирлигида ишлаётган шарқшунос Самойлович делегацияни кутиб олиш, уларга ҳамроҳлик қилиш билан шуғулланади. Айнан Самойловичнинг ХХР делегациясига

маъсул қилиб танланишига унинг ўзбек тилини билиши, илгари бир неча бор Хоразмда бўлгани сабаб эди.

Бу тўғрида Бобоохуннинг Кремлда бўлганига оид кундаликларида ёзилган. Унга кўра, Искандар Самойлович (Бобоохун кундалигида уни Искандар дея тилга олган), Хоразмликларни кутиб олиб, Ленин, Чичерин, Карахан, Бройдо каби Россиялик давлат арбоблари билан учрашувларини ташкиллаштирган, таржимонлик қилган. Шу каби иккала республика ўртасида имзоланажак шартномаларни тузиш, унга ўзгартириш киритиш каби масалалар бўйича ёрдам бериб турган. Шунингдек, Москвадаги Шарқ давлатлари элчилари бўлган, ёки Россияга келган Анвар пошшо, Назми Содиқбек, Жамол пошшо, Муҳаммад Валихон ва бошқалар билан ҳам учрашишларига шароит яратади, ўртада тилмочлик қилади. Бундан ташқари, ХХР делегациясини Москвадаги театр, истироҳат боғи, музей ва бошқа диққатга сазовор жойларини айлантириш, Петербургга бориб саёҳат қилиб келишларига ҳам бошчилик қилади.

Тарихдан маълумки, ХХРлик вакиллар ўз халқи манфаатлари асосида тузмоқчи бўлган шартномага, Хоразмда вакил бўлган Измайлов ва бошқа мустамлакачи шовинистлар таъсири билан баъзи иловалар киритилади. Бу иловалар ХХР манфаатига зид бўлиши мумкин эди. Ана шундай дамда, Кремл хонасида ўтирган Мулла Нурмуҳаммад, Мулла Ўрозлар саводсиз, сиёсатдан йироқ бўлганликларидан, фақат Бобоохунгина шижоатлилик билан иловаларни бекор қилиб, олдинги шартномани имзолатишга интилади. Ёнидаги ҳамроҳлари эса рус тилига умуман тушунмас, сиёсатдан беҳабар, шунчаки номигагина вакил эдилар. Шу боис улар Бобоохунга “сиз нима десангиз шу”, дея Кремлда ўтираверишади. Бобоохун кундалигида ана шу дамдаги Самойлович билан боғлиқ воқеани келтириб ўтади:

“Бир оз вақтдин сўнг мулла Ўрозни чақириб сўрадим:

-Бу шартнома ҳақида не фикрдасиз ва бу сўзларни фаҳм қила олдингизми?

Ул дедиким:

-Ман билмайман, сиз нима қилсангиз, бизлар ҳам они қилурмиз, -деди.

Ман дедим:

-Ондоқ бўлса, билингким, ман бу иловалар қўшилган шартномага ҳаргиз қўл қўймасман. Чунки ман Хоразмнинг ер-сувлари, ихтиёрини қўлларидан кетиб, қайтадин уларни асир ва мазлум қилмоққа асло рози бўлмасман, -деб иловаларни анга очиқ тушунтириб дедимким:

-Ман Караханнинг ёнида мажлис очилган вақтда ҳамма кучимни сарф этиб, иловаларнинг бутунлай бекор бўлмоғи учун ғайрат қилурман. Аммо сиз хусусан Мулла Нурмуҳаммад оғизларингизга маҳкам бўлинглар. Сизларнинг бир оғиз сўзингиз ҳамма меҳнатни зайи қилмасун, деб қопидан чиқсам, товариш Искандар Самойлович ҳамма сўзларимни тинглаб, қопида турган эркан. Дедимким,

-Ичкари киринг, сиздан пинҳон сўзимиз йўқ турур, -они киргазиб ўтиргизиб дедим:-эй биродар! Билурсизким, бизларнинг шартномамизни бошдин оёқ мазмуни Хоразм халқига ўз ҳуқуқини бермак ва Русиядан ёрдам олмоқ. Шартномада бошқа бир мамлакатга зарар бўлгудек ҳеч сўз йўқ турур!. Ва шундоқ бўлса ҳам бунинг маъқул бўлмай, бул тариқа иловалар қўшилганига ҳайрон турурман, -деб бир неча қаттиқ ва аччиқ сўзларни айтдимким, ани айтганимга сўнг пушаймон бўлдим. Ҳар нечук жавобида Искандар Самойлович ҳам қаҳрланиб дедиким:

-Биродар Бобоохун! Ман ёлғиз бир таржимон турурман, бошқа иш қўлимдан келмас, аммо не чора қилурман, вазифам бўлганлиги жиҳатидан бу иловаларни таржима қилиб сизга ўқиб эшитдирдим. Аммо Караханга мажлис бўлганда бу иловаларни сабабини айтиб, бир-бир рад

қилиб, норозилигингизни билдирурсиз, ман ҳам ёрдам қилурман, -деди.

Таом егандан сўнг мажлис вақти бўлиб, йўлга чиқдик. Искандар Самойлович дедиким:

-Бул кеча ҳаво жуда очиқ, юлдузлар яхши эркан.

Жавобида дедимким:

-Юлдузларнинг яхши ёмон эрканларини яна тўрт соатдан кейин, Караханнинг ёнидан чиққандин сўнг билурман, -дедим”.

Бобоохуннинг кундаликларида яна Самойлович билан боғлиқ қуйидаги воқеа ҳам келтириб ўтилади: “. . . . Шул вақтда ул мажлисдин бир-икки кун бурун товариш Искандар (Александр) Самойлович мусташҳад (илтимос қилиб сўраган-У. Б.) бўлгани важидин фақирни пароходда, оташ аравада машқ қилган бир ғазалини ёздириб олиб кетган эрди. Шеър бул турур:

*Рўзи шаб андар пароход сайри дарё мекунам,
Қудрати бори тоолоро томоша мекунам.*

*Мавотан гаштам ва сод ҳасрат ро орушти жудо,
Ва намедонам бидомон чикас мекунам.*

*То ба музлумон Хоразми шавам роҳатрасон,
Чун алиф қомат дариж афкори дута мекунам.*

*Халқи оламро мусовот аз зобони соз одил,
Гоҳ дар Тошканд ва гоҳ Маскав иншо мекунам.*

Ушбу шеърни товариш Искандар (Александр Самойлович) жиздани(чўнтаги-У. Б.)дин чиқариб, товариш Элиавага оҳисталик бирлан: билмадим қайси тариқада баён қилиб ўлтирганига товариш Чичеринни назари тушиб, сўрашиб, бизнинг шеъримиз эрканини билгандин сўнг ўқиб беришимизни ва товариш Искандарнинг таржима

қилғонини илтифот қилди. Товариш Чичерин ниҳоят хурсандлик изҳор этиб, дедиким: “ушбу шеърда ҳам Шарқнинг руҳи ҳам ҳозирги мувофиқ маънолари бор эркан. Бизлар Хоразмда сизлардек яхши кишилар борлигидан беҳабар эрдик. Алҳамдуллилоҳ, сизнинг шарофатингиз ва ғайратингиз орқали Хоразм халқи тез мақсудларига етса керак”, деди.

Жавобида ман: “илтифотингизга кўп ташаккурлар қилурман. Албатта сиз ҳам бизларни ишларимизни мумкин қадар тез биткариб, бизларни тез юртимизга қайтарсангиз иншоллоҳ тез мақсудига етарлар”, дедук. Жавобида кулиб, “албатта шундоқ бўлур, иншоллоҳ яна тезлик бирлан йўлиқишурмиз”, деганларидин сўнг қайтмоққа рухсат сўрадик. Ҳаммалари бизни узатиб, то дарвозагача чиқиб, автомобилга миндириб қолдилар. Якшанба куни товариш Искандар Самойлович бирлан хотини мадам Раиса ва ўғли, ва Туркия тарафларидин Измирли Назми Содиқбек ва Отаули, доктор Фуводбек ва яна бир турк аскари келиб, то кечгача олар бирлан суҳбат қилишуб узотдиққким, ғоятда фозил ва ҳузурдоқлик йигитлар эрканлар. Ҳаммалари ҳар турлук фаранг ва лисонларга ошно ва доно бўлиб, оламнинг ҳозирдаги анвойи сиёсатидин хабардор эрканлар. Назми Содиқбек ўтган муҳорабада Николай аскарларига асир бўлиб, Сибирия тарафларига юборилган эркан. Ҳозир юртларига қайтмоқ мақсади бирлан у тарафдаги асир биродари бул кишини вакил қилиб Москвага юборган эрканлар. Аммо доктор Фуводбек Бокудин турк вакили бўлиб келган эркан. Суҳбат сартопо, самиймона муҳаббатлар била итмомиға етиб, аскар таълими учун Хоразмга бир неча яхши забут юбормақчи бўлганларидин сўнг видошлашиб торқошдук.

Душанба куни товариш Искандар (Самойлович) келиб дедиким: “товариш Бройдодин эшитдим, айтган сўзларингиз ҳоҳлагандек бўлиб битар эрмиш. Съезд

ўтмоққа мавқуб бўлиб тургандир”, деб башорат бериб кетди...”

Ҳа, 1920 йил Кремлда Бобоохун ва Самойлович билан боғлиқ шундай воқеалар ҳам рўй берганди. Орадан бир йил ўтиб, 1921 йил 6 мартда Хивада давлат тўнтариши бўлиб, ХХР тепасидаги “Ёш хиваликлар”, хусусан Полёзхожи Юсупов, Бобоохун Салимовлар ҳокимиятдан четлаштирилади. Ана шу воқеалардан бир оз ўтиб, Москвадан Кобозев, Самойлович сингари ташқи ишлар комиссарлиги ходимлари Хивага келишади. Табиийки, Самойлович хонлик давридаям Хоразмда бўлган, воҳа ҳаётини, ўзбек тилини яхши билар, танишлариям кўп эди.

Полёзхожи Юсуповнинг “Хотиралари”да ёзилишича, Самойлович Хивадалиқ пайтида уни топиб учрашган, тўнтаришнинг фожиаси, унинг оқибатлари тўғрисида мулоқот қилишган. Шунингдек, Бобоохуннинг Гурланга кетиб ўз қишлоғида яшаётганидан ўкинган, унинг ХХР раҳбариятида ишлаши лозимлиги, уни Хивага чақириш кераклигини таъкидлаган.

Шу тариқа орадан вақт ўтиб Бобоохун яна Хивага келиб адлия нозирининг ўринбосари, Афғонистондаги консул ва бошқа вазифаларда то 1924 йилгача фаолият кўрсатади.

Ана шундай экан, Валидий қандай фикр билдиришидан, Самойловичнинг қайси сиёсатни қўллашидан қаътий назар, Александр Николаевич Самойлович (1880-1938) етук шарқшунос олим эди. У Россиядаги Розен (1849-1892), Аристов (1834-1882), Н. И. Караев (1850-1931), А. М. Позднеев (1851-1920), А. Е. Кримский (1871-1941), В. В. Бартольд (1869-1930), В. А. Богородицки (1857-1941), М. М. Хвостов (1872-1920), К. В. Харламович (1870-1932), Г. Н. Потанин (1835-1920) сингари осие халқлари тарихини тадқиқ қилган етук алломаларнинг издоши сифатида тарихда қолди ва қолажак. Самойловичнинг Хоразмга сафарлари, Бобоохун Салимов ва ХХР делегациясининг РСФСРга ташриф давомида Кремль маъмурияти, унда

Самойловичнинг иштироки мавзуси эса тарихчилар учун алоҳида тадқиқот мавзуси ҳисобланади.

3.5. Бобоохун Салимовнинг адабий мероси

19 аср охири ва 20 аср бошларидаги Хоразм адабий муҳити ҳақида Лаффасийнинг “Тазкира шуаро”, Бобожон Тарроҳ-Ходимнинг “Хоразм навозандалари” тазкиралари ва Нурмуҳаммад Қобуловнинг “Хоразм адабий муҳити” монографияларида “Ожиз”, “Бобо” тахаллуслари билан ижод қилган жадид шоири Бобоохун Салимовнинг ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси тўғрисида бирон маълумот берилмаган.

Бундан ташқари шу давр адабий муҳитидаги ижодкорларга бағишлаб яратилган илмий тадқиқот ишлари, шунингдек Муҳаммад Раҳимхон соний-Ферузхон ҳақида Давлатёр Раҳим, Шихназар Матрасул, Нусратилла Жумахўжалар ҳаммуаллифлигида яратилган иккала китобда ҳам шу давр ижодкорлари тўғрисида сўз юритилсада, Бобоохун Салимов ижодий фаолияти эътибордан четда қолган.

Ваҳоланки, Бобоохун Салимовнинг отаси қозикалон Салимохун 1900-1916 йилларда хонлик қозикалони бўлиб фаолият кўрсатишидан ташқари, унинг ўзи ҳам қози аскар, қозикалон ёрдамчиси, мадраса мударриси сифатида фаолият кўрсатган етук ҳуқуқшунос, шунингдек жадид тараққийпарварларининг “Ёш хиваликлар” ҳаракати лидерларидан эди.

Яъни, 19 аср охири ва 20 аср бошларидаги жараёнларда, хусусан Ферузхон даврида ота-фарзанд фаол иштирок этган, ҳаттоки 1905 йилда Салимохунд қозикалон томонидан ўз даврининг ҳуқуқий йўналишдаги мадрасаси ҳам барпо этилганди.

Қолаверса Салимохун қозикалон, ўғли Бобоохун ҳам ўз даврининг етук хаттоти сифатида хон саройидаги кўплаб

китобларни моҳирлик билан кўчирган иқтидор эгалари бўлишган.

Агарки, Бобоохуннинг адабий меросига келадиган бўлсак, эътироф этиш керакки, фидойи педагог ва тарихчи Жумабой Раҳимов Қорақалпоғистон республикаси Амударё туманидаги сулолага мансуб хонадонда асралаётган қўлёмалар орасидан иккита шеърини топган ва 1988 йилда чоп этилган “У Ленин билан учрашган эди” китобида нашр қилдирганди.

Бу иккала шеър қуйидагилар эди:

*Хазон фаслида булбулдек,
Дил афгор ўлғон ўхшайдур.
Жаҳолат дардига барча
Гирифтор ўлғон ўхшайдур,
Сукут айлаб демас бу кун
Рост сўзни шайхулисломлар.
Халойиқ ичра бидъатлар,
Баддийдор ўлғон ўхшайдур.*

МАКТАБ

*Хушдур не бало ҳавойи мактаб,
Жон ўлса раво фидойи мактаб.
Мактаб демаки мадори илмдир,
То илм иладур бақойи мактаб,
Рашк ўтига ўртамиш Эрамни,
Гулзори фараҳ фазойи мактаб
Анвойи илм маъданидир.
Ҳар гўшайи бир саройи мактаб.
Тан ўлғуси булбули баҳорда.
Тифлони ғазал саройи мактаб.
Ҳар кимда бор эрса жаҳл дарди
Даф айлагуси давойи мактаб
Гўдаклар адибу олим ўлмас.
То чекмагунча жафо мактаб,
Топмоқ тиласанг икки жаҳонни*

*Зинҳор бўл ошнойи мактаб,
Хоразм элин айлагай мунаввар,
Нури қамари саймойи мактаб,
Мингдан бирини тугатмас Ожиз
Юз йил деса ҳам санойи мактаб.*

Орадан йиллар ўтиб, ушбу сулолага мансуб Матюсуф Салимов томонидан, “Мактаб” шеъри унда сақланаётган қўлёзма асосида тўлиқ тикланди.

Шунингдек, ҳозирги ўзбек болалар адабиётида ўз ўрнига шоир, Бобоохун Салимовнинг иниси-Иноятохуннинг невараси-Содиқжон Иноятов ҳам “Гурлан ҳаёти газетасида Бобоохун ижодига доир мақола ёзиб, унинг шеърларидан айримларини келтириб ўтганди:

*Ожизо, шаҳри ичра ҳеч,
Ҳеч ким менга ғамхўр эмас,
Бош олиб саҳрога юргил
Бир мозори изладим.
Яъни узлат гулшанидан
Гул узори изладим. . .*

Ёки бошқа бир шеърида эса қуйидагича ёзган:

*Ожизо, зор кўнгиллар,
Бўлди хандон оқибат.
Бизларга зулм этганлар,
Бўлди яксон оқибат. . .*

Бундан ташқари, Бобоохун Салимовнинг Россияга дипломатик миссия раҳбари сифатида борган пайтда ёзган қўлёзма хотираларида, унинг форсийча шеър ёзганлиги ҳам қайд этилганди.

. Бу ҳақда шоир қуйидагича ёзади :”Шул вақтда ул мажлисдин бир-икки кун бурун товариш Искандар (Александр) Самойлович мусташҳад (илтимос қилиб сўраган-У. Б.) бўлгани важидин фақирни пароходда, оташ аравада машқ қилган бир ғазалини ёздириб олиб кетган эрди. Шеър бул турур:

Рўзи шаб андар пароход сайри дарё мекунам,
Қудрати бори тоолоро томоша мекунам,
Мавотан гаштам ва сод ҳасрат зо орушти жуда,
Ва наеданам бидомон чикас мекунам.
То бамузлумон хоразмий шавам роҳат расон,
Чун алиф қомат дариж афкори дута мекунам,
Халқи оламро мусовот оз зобони соз одил,
Го дар Тошканд ва го Маскав иншо мекунам.

Ушбу шеърни товариш Искандар (Александр Самойлович) жиздани(чўнтаги-У. Б.)дин чиқариб, товариш Элиавага оҳисталик бирлан: билмадим қайси тариқада баён қилиб ўлтирганига товариш Чичеринни назари тушиб, сўрашиб, бизнинг шеъримиз эрканини билгандин сўнг ўқиб беришимизни ва товариш Искандарнинг таржима қилғонини илтифот қилди. Товариш Чичерин ниҳоят хурсандлик изҳор этиб, дедиким: “ушбу шеърда ҳам Шарқнинг руҳи ҳам ҳозирги мувофиқ маънолари бор эркан. Бизлар Хоразмда сизлардек яхши кишилар борлигидан беҳабар эрдик. Алҳамдуллилоҳ, сизнинг шарофатингиз ва ғайратингиз орқали Хоразм халқи тез мақсудларига етса керак”, деди.

Ана шу маълумотдан Бобоохун Салимовнинг форс тилини билишдан ташқари, шеърлар ҳам ёзгани аён бўлганди.

Яқинда сулолага мансуб тадқиқотчи Матюсуф Салимов отаси Қодирберган Низомиддинохундан қолган шахсий архивни ўрганиш жараёнида(Низомиддинохун Бобоохуннинг укаси), Бобоохуннинг “Бобо” таҳаллуси билан ёзган форсий шеърларини топишга муваффақ бўлди.

Маълумки, Хоразм халқ республикаси даврида Бобоохун Салимов мактаблар учун дарслик, ўқув қўлланмалари яратиш комиссиясининг раиси ҳам бўлиб ишлаган. Ўз фаолияти давомида мактаблар учун “Алифбе” ва “Ўқиш” китобини ҳам яратган, ундан кўплаб шеърлар ҳам ўрин

олганди. Шунингдек маслакдош жаид бировари Бекжон Раҳмон билан ҳамкорликда ўқув қўлланмалари ёзади.

Демакки, ана шу дарслик ва қўлланмаларни ўрганиш натижасида Бобоохун Салимовнинг адабий мероси янада бойиб бориши, кўпгина шеърлари адабиёт мухлислари эътиборига етиб бориши мумкин.

Табиийки, Бобоохун Салимовнинг ҳозиргача маълум юқоридаги шеърларига эътибор қаратсак, унда жаид маърифатпарварлари сингари таълим мавзусига мурожаат қилингани, давр силсилалари, ижодида акс этганини кўриш мумкин.

Шулардан келиб чиққан ҳолда “Ожиз”, “Бобо” тахаллуслари билан ижод қилган жаид шоирининг адабий меросини тўплаш, ҳозиргача топилган туркий, форсий шеърларини таҳлил, тадқиқ қилиш ва кенг омма эътиборига ҳавола қилиш лозим.

Шунингдек биз томонимиздан таклиф этилаётган лойиҳа-“Жаид адабиёти антологияси” тайёрланса, табиийки унга Бобоохун Салимов ижодига оид шеърларни ҳам киритиш мумкин.

Умуман олганда ўрганишларни давом этдирган ҳолда “Жаид шоири Бобоохун Салимовнинг адабий мероси” мавзусида илмий тадқиқот ишини олиб боришни ҳам филологларга тавсия қилиб қоладик.

3.6. Охунлар шажараси ва уларнинг хонлик ҳамда совет давридаги тақдири

Ўз даврининг нуфузли уламиси ва шайх дея ҳам эътироф қилинган қозикалон Салимохуннинг Муҳаммад Карим (Бобоохун) дан кичик Имомаддин, Низомиддин, Иноятжон исмли ўғиллари ва Уллийжон, Саодатжон исмли иккита қизи бўлган.

Қозикалоннинг барча ўғиллари болалигидан юксак таълим олишгани боис, 11 ёшида мадрасанинг дарси аввал

босқичини тугатишган. Хивадаги мадрасаларда ўқиб охун унвонига эга бўлишган, Мадаминхон, Қозикалон мадрасаларида мударрис, охун бўлиб ишлаган. (Қозикалон авлодларининг хотирлашича, Низомиддинохун Хивадаги Қадам ясовулбошида мадрасасида ҳам фаолият кўрсатган) Афсуски, 1924 йилдан кейин дин ва диндорларни, умуман эркин фикрли кишиларни таъқиб қилиш бошланади. Нафақат мадрасаларнинг вақф ерлари, балки, бой-ўзига тўқ хонадонларнинг молу-мулк ерлари ҳам тортиб олинади. Хусусан, XX аср бошларида, Гурлан беклигида 30693 таноб ерлар Қушларбеги, Элтузар иноқ. Амир тўра, Худайназарбой, Бобожонбой сингари Қозикалон Салимохун ва унинг авлодларига ҳам қарашли эди.

1924 йилдан кейин эса Салимохун авлодларининг Хива, Қўшкўпир ва Гурландаги ерлари ҳам тортиб олинади. Фақатгина тирикчилик учун озгина ер қолдирилади. Негаки, 1929 йилда колхозлар тузила бошлангунча кўпчилик хонадонларда ерлар хусусий мулк сифатида сақланиб қолганди. Бироқ 1929 йилда Қозикалон авлодлари ерларини яшириб ҳисобга киритмай келди дея Имомаддинохун, Низомиддинохун, Иноятохун устидан суд ташкил қилинади. Уларга “ерларни ҳисобга киритмай яшириб келди” деган айб қўйилиб мавжуд 60 таноб ерлари тортиб олинади ва 3000 сўм жарима солинади.

Бу даврда фақат Гурланда Салимохун авлодларининг ерларидан бошқа яна кўплаб бой хонадонларнинг мол-мулклари ҳам тортиб олинади. 1929 йил 1 январгача бой хонадонлардан 1000 таноб ерлар, 55 от, 67 хўкиз, 14 туя, 58 чиғир, 39 арава, 21 хўроз, 13 жувоз, 40 ооч, 4771 пуд жўхори олиб қўйилади.

Ана шу воқеалар содир бўлган 1929 йилда Бобоохун ўлдирилгач, унинг инилари бошида ҳам қора кунлар бошланди.

Имомаддин, Низомиддин, Иноятохунлар оғасининг йил ошига Жумуртоғ этагидаги Эшонёп қишлоғига боришади.

Йил ошини ўтирган кунлари Авазхўжа исмли уламо зиёфат беради. Низомиддин Имомаддин оғасига “зиёфат мавриди эмас” деб Авазхўжанинг зиёфатига бормасликни ўтиниб сўрайди. Бироқ таклиф қилингани боис оғаси зиёфатга кетади. Ана шундай пайтда, намозшомдан сўнгроқ 10 отлиқ қишлоқга кириб келишади. Улар қишлоқдаги барча аҳолини бир жойга тўплаб, улар орасида эркаклар озлигини кўриб, қаерга кетганини сўрашади.

Низомиддин оғасини огоҳлантириш учун отлиқларга сездирмай қишлоқдан қочиб Дарёликдаги кўлдан Авазхўжаникига боради. Оғасига большевиклар келиб эркакларни тўплаётганини айтиб, қочишни таклиф қилади.

Бироқ Имомаддин “қазоси етган ўлади” дея зиёфатда қолишни маъқул кўради. Низомиддин эса энди Авазхўжанинг уйдан чиқмай турибоқ, отлиқлар келиб уйни ўраб олишади. Низомиддинохун уйнинг деразасидан (орқа тарафдан) қочиб кетади. Зиёфатдаги барча эркаклар сингари Имомаддинохунни ҳам большевиклар Тўрткўлга ҳайдаб кетишади. Шу-шу Имомаддин уйига қайтиб келмайди. Ундан Садраддин, Отамахсум, Зоҳид, Азизпошша исмли фарзандлар ёдгор бўлиб қолади.

Низомиддин эса гарчи хонлик даврида Қадам ясовулбоши, Мадаминхон, Қозикалон мадрасаларида мударрис, охун бўлиб ишлаган маърифатли уламо бўлсада, шўро даврида Қозикалоннинг фарзанди бўлгани учун умрбўйи таъқиблар остида яшайди. Гурланда, Хивадаги мактабларда муаллим бўлиб ишласада, гоҳ Гурланда, гоҳ Хивада тазйиққа олинган. Урганч, Хива турмаларида қамоққа ташлаб қўйилган. Аммо аниқ далиллар билан “халқ душмани” деб исботлаб берилмагач 3 кундан кўп ушлаб туролмай қўйиб юборишади. Бироқ 1938, 1942, 1948 йилларда ҳам маълум муддат яна асоссиз, ёлғон даъво айблар билан “халқ душмани” дея қамоқда сақлашади.

Ҳатто 1942 йили уни Тошкентга ҳам олиб кетмоқчи бўлишади. Бироқ, аниқ бир исботсиз айблар билан суткалаб

ушлаб тургач қамокдан бўшатиб юборишга мажбур бўлади. Негаки, Низомиддинохун ўзининг айбдор эмаслигини исботлаб беради. Уни “воҳада яшаманг” деб чиқариб юборишади. Шундан сўнг у то 1957 йилгача Жумуртоғдаги Эшонёп қишлоғида яшайди. Шу йили Гурланга кўчиб келади.

Афсуски, бу ерда яна уни тинч қўйишмайди. 1962 йилда уни “келиб чиқиши диндор” деган айблар билан яна таъқиб қилишади. У кўп йиллар Манғит, Дўрмон ҳудудларида қочиб яшириниб юрганида Мулла Карим, Рамат сўфи, Жумамурод боғбон, Исмоил, Юсуф, Яхшимурод ака сингари дўстлари унга ёрдам беришган.

Сталиннинг 1953 йилдаги вафотидан, шунингдек 1965 йиллардан кейингина Низомиддинохун ҳаётида таъқиб, тазйиқ йўқолиб, эркинлик даври бошланди. 1965 йилларда унга Хоразм давлат педагогика институтидан ишлаш таклифи тушганида, Низомиддинохун розилик бермайди ва Гурланда одатий турмуш тарзи билан ҳаёт кечиради.

Низомиддинохун 1970 йил 81 ёшида вафот этади. У рафиқаси Саодатжон она билан Қодирберган, Хуршидпошшо, Зайнаб, Хадича исмли фарзандларини камолга етказиб, сулола шажарасини давом қилдирган.

Салимохуннинг тўртинчи фарзанди Иноятохун бўлиб, у ҳам Хивадаги мадрасада таҳсил олган. Иноятохун хонлик даврида Хива мадрасасида, ХХР даврида муаллимлар тайёрлаш курсида таҳсил олиб, 1921 йил Хивада, 1922 йилдан Гурландаги “Намуна” мактабида ўқитувчилик қилган. Ўз даврининг энг илмли, маърифатли шахсларидан бўлган Иноятохун Салимохун ўғли кўп ўтмай, Хўжаниёз Худойбергановдан сўнг ана шу “Намуна” мактабининг мудирини (яъни директори) сифатида то 1930 йилларгача фаолият кўрсатади. Иккинчи жаҳон урушидан олдин уни ҳам “халқ душмани” деган сохта айб билан қамашган. Икки йил Тошкент турмасида ётган. Кейин Мурманскдаги ГУЛАГда маҳбусликни ўтайди. Уни Низомиддинохун ўзини

ҳеч кимга Иноятохуннинг оғаси эканини билдирмай, гўё дўсти сифатида кўриб келади. Қамоқ муддатини ўтаб келган Иноятохун касаллангани учун уруш даврида Гурланда вафот этади. Низомиддинохун ва Иноятохун ҳам Юмуртоғдаги “Саломатбува” қабристонига дафн қилинган. Иноятохун Адилпошша ая билан, Сирожиддин, Файзираҳмон исмли ўғилларини вояга етказишган.

Қозикалоннинг Уллижон исмли қизи эса Ферузхоннинг ўғли Ибодулла тўрага турмушга чиққан. Аммо туғиш пайтида вафот этади. Саодатжон исмли қизи эса турмушга чиқмай оға инилари фарзанди тарбияси билан шуғулланиб, 1944 йил 22 июнда вафот этади ва Саломатбува қабристонига дафн этилади.

Хива хонининг қозикалони Салимохун ва унинг охун авлодларининг долғали алғов-далғов йиллардаги, суронли ва қиронли давридаги тақдири шундан иборат. Албатта вақти келиб тарихчилар бу мавзуни давом этдиришади ва Салимоохун ҳамда авлодларининг Хоразм тарихида тутган ўрнини тўлақонли тадқиқ қилишади. Ижодкорлар томонидан эса бадиий асарлар, ҳужжатли ва бадиий киноасарлар яратилади.

ХУЛОСА

Ҳар бир даврда жамиятдаги воқеликлар, жараёнларни ҳаракатга келтирувчи шахслар бўлади. Хоразмда 19 аср охири ва 20 асрнинг биринчи чорагидаги жараёнларда ана шундай сиймолар, шахслар ва ўз даврининг лидерлари қаторида қозикалон Салимохун, шунингдек Бобоохун Салимовнинг катта ўрни, нуфузи бор эди.

Бундан ташқари Салимохундан ҳанузгача ва табиийки бундан кейин ҳам Хивага, Ичан қалъага кўрк бағишлаб турган, боқий турадиган Қозикалон мадрасасининг мерос бўлиб қолганлигидир.

Шулардан келиб чиққан ҳолда Салимохун ва унинг фарзандларисиз 19 аср охири ва 20 аср бошларидаги Хоразм тарихини тасаввур қилиш қийин. Хаттот, педагог, ҳуқуқшунос, давлат арбоби сифатида Салимохун ва унинг сулоласи фаолияти шу боис тадқиқ қилиниши ва уларнинг тарихда тутган мавқеи Ватан тарихидан муҳим ўрин олиши аниқ.

Афсуски, Жумабой Раҳимовнинг 1988 йилда яратган китоби, айрим дарслик ва қўлланмалардаги маълумотларни, шунингдек Умид Бекмуҳаммад, фидойи тарихчи Баҳром Ирзаев, Матюсуф Салимов, Сайёра Самандарнинг мақолаларини айтмаганда, шу пайтгача ушбу сулола, хусусан жадинлар лидерига бағишланган алоҳида тадқиқот иши юзага келмаганди.

Бизнинг олиб борган изланишларимиз натижасида ушбу монография яратилди ва жадин, давлат арбоби ва шоирга бағишланган илк мукамал асарлардан бири бўлди дея айта оламиз.

Бироқ шу билангина Салимохун, Бобоохун Салимов, умуман олганда ушбу сулолага оид барча тарихий ҳақиқатлар ойдинлашди дея айта олиш хато бўларди. Табиийки, изланишлар, тадқиқотлар натижасида

Салимохун, Бобоохунга оид яна кўплаб асарлар яратилаверади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда биз қуйидаги таклиф ва тавсияларни билдириб қолардик:

1. Қозикалон Муҳаммад Салимохунд фаолияти ва унинг Хоразм тарихида тутган ўрнига бағишланган алоҳида монография яратиш;

2. Қозикалон Салимохун ва Бобоохун Салимовлар ҳақида ҳужжатли фильмлар ишлаш;

3. Ушбу сулола яшаб ўтган Хива шаҳри, ва авлодлари истиқомат қилаётган Гурлан ва Қорақалпоғистоннинг Амударё туманида Салимохун ва унинг фарзандлари номини абадийлаштириш;

4. Бобоохун Салимовнинг нафақат Хоразм жадинчилик ҳаракати ва тарихда, балки халқаро миқёсда ҳам обрў эътибор қозонган лидер эканлигини инобатга олиб, 2027 йилдаги 150 йиллик қутлуғ санасини республика миқёсида нишонлаш ва илмий конференция ўтказиш;

5. “Салимохун ва Бобоохун Салимов изидан”номли Гурлан-Хива-Бухоро-Тошкент-Москва-Санкт-Петербург” йўналиш -ларида илмий экспедиция ташкил этиш ва ушбу шахсларга оид архив ҳужжатларини, қўлёзмаларни тадқиқ қилиш;

6. Бобоохун Салимовнинг “Ожиз”, “Бобо” тахаллуслари билан яратган туркий ва форсий шеърларини алоҳида китоб сифатида нашр қилиш;

7. Бобоохун Салимовнинг жадин сафдоши Бекжон Раҳмон билан ҳаммуаллифликда яратган “Алифбе”. “Ўқиш китоби”асарларини қайта нашр этиш ва республикадаги мактабларга қўлланма тарзида тавсия этиш;

8. “Жадин адабиёти антологияси”ни нашрга тайёрлаш ва унга Бобоохун Салимов ижлдига оид шеърларни киритиш;

9. “Жадин шоири Бобоохун Салимовнинг адабий мероси” мавзусида филологик тадқиқотлар олиб бориш;

10. “19 аср охири ва 20 аср боши Хива хонлиги давлат бошқарувида Қозикалон Муҳаммад Салимохуннинг тутган ўрни ва ҳаёти, фаолияти” мавзусида тарих фанидан тадқиқотлар олиб бориш;

11. “20 аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий, маърифий жараёнларда Бобоохун Салимовнинг ўрни ва ҳаёти, фаолияти” мавзусида тарих фанидан илмий тадқиқотлар олиб бориш;

Ўйлаймизки, ушбу таклиф ва тавсияларимиз эътиборга олинади ҳамда тарихда муҳим ўрин тутган жадид маърифатпарвари, давлат арбоби ва шоирнинг руҳлари шод бўлиб, Ватан тарихи, адабиётидан ўзига хос ўрин эгаллайди.

Бобоохун Салимов ўз даврининг маърифатли, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан энг нуфузли шахси бўлганидан, қолаверса сийратидаги инсоний адолатпарварлиги туфайли, жамиятда ҳам ижтимоий адолатни қарор топтиришга интиланган. Шу боис ўзи яшаб турган даврдаги барча жараёнларнинг фаол таъсирчан шахси эди.

Демак, 2027 йилда нишонланадиган Бобоохун Салимовнинг 150 йиллик қутлуғ тантанасига тайёргарлик ҳозирдан бошланиши ва бизнинг монографиямиз бу борадаги асарлардан бири сифатида тухфа бўлади деган ниятдамиз.

Бобоохун Салимовнинг делегация раҳбари пайтидаги кундаликлари

Бобоохун Салимов ҳаёти ва фаолиятини акс этдирувчи архив маълумотлари, ўша даврга оид замондошларининг мемуарлари, шажарасидаги шахсларнинг хотираларидан ташқари, ёзиб борган кундаликларидир. Афсуски, давр долғалари боис кундаликлар тўлиқ сақланмаган.

Фақатгина даврдоши ва маслакдоши бўлган Полвонниёзхожи Юсуповнинг мемуарида дўстининг РСФСРга бориб келишига оид хотиралари келтириб ўтилади. Хоразм делегацияси раҳбари сифатида ёзган ушбу хотираларда ўша даврдаги вазият акс этдирилган. Шунингдек хотиралар орқали Бобоохуннинг дипломат сифатида ғоятда маҳоратли стратегик шахс бўлганлигини англаш мумкин. Хотираларга ортиқча тавсия бериб ўтмай, ўша давр манзарасини яққол намоён қилиш учун Бобоохун Салимовнинг кундаликларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

1338 тарих ҳижрийда Хоразм халқ қурултойи иттифоқлари бирлан Русия шўролар ҳукуматининг маркази Москва шаҳрига қурултой тарафидин вакил бўлиб, шўролар ҳукуматини табрик қилиб, баъзи илтимослар қилмоқ учун биз фақирвакил Бобоохун ҳайъат раиси, Жуманиёз Оллоқулиев, Мулла Нурмуҳаммад, Мулла Ўрозлар ҳайъат аъзоликка сайланиб, Муҳаммад Ёқуб охун, Мулла Иброҳим ва Мадримбойлар раис хизматчиси, Ших Муҳаммад ва Мулла Ўрознинг одами Абдулла, Жуманиёзнинг одами ва товариш Луткевич, товариш Измайлов тарафидин йўлбошчи қилиб мазкур тарихда моҳи шариф рамазоннинг 17-сида пайшанба куни йўлга чиқиб, Хонқага келиб, Оллаберганбой Гавдон ва Хонқа шўроси раиси Матёқуб Хўжа истиқбол қилиб дарё лабига келтириб, ҳаммаларимизни қайиққа миндируб узотиб қолдилар. Қайиқларимиз Шоҳобод ёпи ичидан дарёга чиққан вақтда кеч бўлиб, қоронғи тушган сабабли кемачиларимиз

юра билмай ноилож бир қайирда ётиб жума куни эрта бирлан дарёдин ўтиб Беклибой Боякнинг жойига бориб роҳатланиб таом еб, пешин вақтдин сўнг чиқиб шаҳарда Жуманиёз Оллоқулиев уйига бориб асойиш қилиб таомдин сўнг дарё бўйига бориб пароходда первий класда жойлашдук.

Пароход шанба куни йўлга равона бўлди. Ўн киши ҳам багажларимиз учун 12, 5 минг манотга билет олдик. Баъзи нимарсалар учун бўлса керак пароход намозшомдан сўнг юриб Туямўйинга қўниб, якшанба куни эрта билан юриб кетди. Кумуштепада (ҳудуд номи-У. Б.) Оннахон дарё лабинда кўриниб, Мулла Нурмуҳаммад бизларнинг йўлдошимиз деган важидин қайиқ юбортириб пароходга олдурдик. Келиб қўлидаги шаҳодатнома хатни кўрсатди. Мазмуни Хоразм халқ шўролар ҳукумати Оннахонни Ғуломали тарафидин Москвага ҳайъат бирла ҳамроҳ бўлиб бормоққа Бобо Охуннинг ихтиёрига топширдук, дебтур. Биз ҳам қабул қилиб яхши келибсиз дедук. Кечқурун пароходда соз чалиниб бир неча рус йигит-қизлари ўйнамоққа машғул бўлди. Бизлар ҳам томошада ўлтуриб икки кунги саёҳатларимиз хушлик билан ўтди. Аммо Хивадин Тошкантга ўқимоққа чиққан талабалардин Муҳаммад Назар деган бириси келиб ўзларини ноиб раислари Худойберганбойдин шикоят қилди. Бизлар ҳаммаларни чақириб койиш ва насихат қилиб юбордук. Душанба куни пароход Дарғон тўқойига бориб етиб, сешанба куни Дарғон ёпи соқасида қўниб, чоршанба куни Даёхотундин ўтиб, Хива бирлан Бухоро ҳудудидаги Эшакробот деган ерга қўнди. Шул куни юқоридин баржа келиб пароходга нефт ёғи бериб, Тўрткўл тарафга ўтуб кетди. Пайшанба куни юриб Тошохирдин ўтуб, жума куни Илжиққа келиб ётди.

Махфий қолмасинким, Тўрткўл бирлан Чоржов (Чоржўй-У. Б.)нинг ўртаси 420 чақирим, яъни 527 парсах дейдилар. Сешанба куни юриб кўприк кўрингандин сўнг қўндик. Якшанба куни чош вақтина келиб етишдук. Шўролар ҳукумати аскарларидин бир бўлак аскар бир пиқа мутасаддиси бизларни истиқбол қилмоққа маъмур бўлиб,

дарё лабига келиб мазкур аскарлар командири пароходдаги хужрамизга кириб кўрушуб, расмий истиқболни бажо қилишгандин сўнг созандалар ташқарида хуррият маршларини чалиб аскарлар ҳам низом бирлан расми салом бирлан сафда туруб бизлар мунтазир эрканни хабар бергандин сўнг бизлар ҳам пароходдан тушуб аскарлар ва сайили истиқболга чиққан халқлар бирлан саломлашиб, кўрушуб турдук. Сўнгра товариш командир сўз бошлаб, дедиким:

-”Биз аскарлар Хоразм жумхуриятининг халқ қурултойи тарафдин биринчи келган Сиз вакилларни саломат келганингизни кўриб ниҳоят хурсанд ва шодмон бўлдук. Яшасин Русия шўролари бирлан Хоразм жумхуриятининг дўстлиги! Ура, . ура, ура!

Фақир анинг жавобини баланд овоз билан:

-Эҳ хурматли Қизил қаҳрамон биродарлар! Ман аввал Сизларга Хоразмнинг ҳам, камбағал фуқароларининг ҳам саломларини етказурман. Ассалому-алайкум, -дедим.

Мусулмонлар ва аскарлар баланд овоз бирлан “валеюкум ассалом” деб саломимизни олдилар ва яна дедиким:

-Эй биродарлар! Бизлар бечора Хива халқлари бир неча йиллардин бери зулмининг остинда поймол ва тарожу талон бўлиб золимларнинг, хусусан Жунаидхон деган муфсиднинг шумлигидан меҳнат кўрмаган зулм ва ситамларимиз қолмади. Алҳамдуллилоҳ ўтган қиш декабр ойинда “Ёш хиваликлар” қаҳрамон қизил аскарларнинг ёрдамлари билан муқаддас ватанимизни ул золимларнинг қўлларидин қутқариб, вилоятимизда жумхурият эълон қилдук. Шул сабабдин Хоразм халқи йиғилган биринчи қурултойда шўролар ҳукуматига миннатдорлик изҳор этиб, ушбу бошлаган адолатни ва тўғри маслакни табрик этмоқ ва олардин ҳар бир ишларимиз учун ёрдам сўрамоқ тўғрисида биз фақирларни вакил қилиб юбордилар. Бинобарин биз ҳам қаҳрамон аскарларни ушбу адолатли маслакларингизни ижроси учун кеча кундуз тинмай сизларнинг қилган саъйи ғайратларингиз бирлан табрик қилурмиз. Ва мундин сўнгра

Руссия шўролар ҳукумати бирлан Хоразм жумҳурияти кўлникўлга бериб дўстона ишлаб мақсудларига етишмакни Оллоҳ Таолодин режа қилурмиз. Яшасин бутун дунё камбағалларининг иттифоқи! Яшасин қаҳрамон қизил аскарлар! Битсин ва йўқ бўлсин золимлар! Ура, Ура, Ура!

Ушбу сўйланган нутқларни биродар Жуманиёз Оллақулов вақти бирлан таржимонлик қилиб турди. Ниҳоят яхши таассурот қолдиргандин сўнг биродар Жуманиёз Оллақулов бирлан товариш Луткевични мазкур аскарлар бирлан ҳамроҳ қилиб Девонабор шаҳрига жой тайёр қилиб фойтун арава келтирмоқ учун юбориб ўзларимиз пароходда қолдук. Ва бошқа йўловчилар ҳаммаси пароходдан тушиб ҳар тарафга тарқалиб кетгандин сўнг пароход ҳам тур ва мўриларни йиғиб, кўприкдин юқорига ўтиб турмоқчи бўлгани жиҳатдин бизларни ҳам пароходдан тушмагимиз мувофиқ кўрилиб, асбобларимизни пароходдан чиқариб пароход командири бирлан хўшлашиб турган вақтимизда Хива оқсоқоли Мадрим оқсоқол, Аваз Муҳаммад Божимон, Бухороли Аҳмаджон Йўлдошевлар келдилар. Бизларни фойтун арава бирлан саройга олиб кетдилар. Саройда асбобларимизни бир хужрада жойлаштириб, ўзларимиз ҳам Хивали биродарларимиз бирлан саройда бўлмоқни мувофиқ кўриб, руслар тайин қилган жойга бормай узримизни айтуб юбордук. Ҳамма фуқаролари келиб бизлар бирлан кўрушуб турди. Сапарбой Қутлимурод ўғли ўз саройида қўй сўйиб олий зиёфат қилди. Мазкур кунда ҳамма Чоржов аскарларининг улуғи Немедров бизларни кўрмоқ учун ўз ноиби бирлан келиб кўришди. Бир ярим соат мажлис қилиб суҳбат қилишдук. Товариш Немедров дедиким:

-Ман бу ердаги аскарларнинг улуғи ва Хива аҳволидин хабардор бўлиб турмоққа маъмур турурман. Бир неча кундин бери касал бўлиб, докторхонадин шул кун чиққанам учун Сизларнинг зиёфатингизга келмоққа кеч қолдим, албатта афу этурсизлар. Хоразм жумҳуриятининг биринчи келган вакиллариини саломатлик бирлан кўрганимга кўп шод турурман-деди.

Ман жавоб айтдум:-Шул касал ҳолингизга тасде чекиб ёдоварлик қилиб келганингизга самимий қалбдин ташаккур изҳор ва миннатдорлик қилурмиз, -дедум.

Шул вақт Жуманиёз (Оллақулиев-У. Б.) бизларни баён қилиб тақдим этди (яъни таништирди-У. Б.). Андин сўнг товариш Немедров манга мутаважи бўлиб бир дона папирос бериб дедиким:

-Ман Сизларнинг Хивани аввалги мартаба ҳурриятида қилган саъйи-ғайратларингизни ва камбағал мазлум фуқароларни асониш ва фароғати учун этган кўшишларингизни ва оқибат ёлғизлигингиз важидин бошқаролмай кўп ранжу машаққатларга қолганларингизни эшитиб эрдим. Балки Русия мамлакатада аскарлари улуғлар сизларни билурлар. Ватанингиз учун қилган ул хизматларингизни ҳар вақт тақдир қилурлар ва сизларни ҳар шаҳарга борганларингизда аскарлар истиқбол қилиб таъзим ва тақрим қилурлар. Россия шўролари бирлан Хоразм жумҳурияти ҳозирда иқтисодий жиҳатдин ҳар нечук машаққатларда қолган бўлса ҳам иншоллоҳ бу машаққатлар тезлик бирлан тамом бўлиб, яқин вақтларда саодат ва фароғатликка мойил бўлиб мақсудларига етишурлар, -деди.

Яна ман айтдум:

-Пароходда келуримизда бир жамоа Ҳазораспли кемачи, Хива фуқаролари арз қилдиким, Бухоро тобейидин ғалла олиб келур эдук, йўлда Бухоро маъмурлари бир мартаба закот олгандин сўнг Илжиқ деган мавзеда турган бир маъмур 8 халта (қоп) буғдойимизни ва 10 минг манотимизни олиб бизларга кўп ҳақорат берди ва яна Пиану деган мавзеда ўз кўзларимиз бирлан кўрдиким, бир неча тожиклар хивалиларнинг ғаллаларини ва бошқа ашёларини кемалардин чиқариб, ҳар тарафга паришон етиб ташлаб, савдогарларга сўкиб ҳақоратлар қилиб, савдогарлар ул золимлар кўлидин ожиз бўлиб ерлашиб ўлтурганларини, устига бизлар келиб етишдук. Олар бизларни пароходда кўриб йиғлашиб, бизларни қутқаринг деб қўл булғаб истимдод қилдилар. Энди Сиздин илтимос қилурмиз,

бизнинг Хива вилоятимиз ниҳоятда қимматчилик ва халқимиз талон-тарож бўлганини назарда тутиб, шунга ўхшаш ишларни бизнинг халқимизга мавонат қилсангиз эркан, -дедук.

Товариш Немедров айтди:

-Чоржов оқсоқолига буюринг, бундан сўнг агар Сизнинг халқингизга шунингдек бир зулм бўлса дарҳол манга келиб билдирсин. Ман Чоржовдаги Бухоро маъмури бирлан сўйлашиб онингдек зулмларни тўхтовсиз даф қилурман ва бундин сўнг юртингизга ҳар нави ашёлар юбормоққа сайъи ва ғайрат қилурман-деди.

Сўнгра мажлис тамом бўлди. Ул кишини узатгандин сўнг Девонабор шаҳрини сайл қилмоққа чиқдук. Кўрсак шаҳарнинг аксари иморати кирпичдан, кўчалари кенг, сўнг чиққан расмга мувофиқ бўлуб, Русиянинг Тошкент темир йўлини биринчи станцияларидан эркан. Шул кунларда Эрон тарафига уч мартаба от аравага тўлиб аскар кетиб турган эркан. Сешанба куни тонг отгандин сўнг ўт арава бирлан Бухорога қараб чиқиб, аввал Фороб станциясига, ондин Якка тут, ондин Мурғоб, ондин Қиём, вақтидин аввалроқ Когон станциясига бордук. Ушбу станциялар ораси 25 чақиримдин ҳам зиёдроқ эркан. Когонга боргандин сўнг Русия шўролар вакилининг аскарлари бошлиғи Якубов келиб бизлар бирлан кўришиб, хурсандлик изҳор қилиб, ул вакил турган сафархонани даъват қилиб бизларни автомобилга мундириб олиб кетдилар. Сафаратхонага яқинлашганимизда ғоятда мамнун ҳаммалари Қизил мовут кийган бир пирқа аскарлар соз бирлан чиқиб, истиқбол қилиб сафаратхона қописига борган вақтимизда сапёрларнинг раиси истиболимизга келди. Ҳалимлик, хушгўйлик бирлан бизларни келганимизга ўзининг хурсандлигини изҳор этиб, вилоятимизда инқилоб ясаб, халқ ҳокимиятимизни ташкил этганимизни табрик этди.

Ман дағи жавобимда, мазкур ҳуррият ва инқилоб уч-тўрт адад “Ёш хиваликлар” кўлиндан келмас эрди, балки буни бизлар шўролар ҳукуматининг қаҳрамон қизил

аскарларининг мавонати(ёрдами-У. Б.) бирлан қилдук. Бинобарин бизнинг мазлум ва меҳнаткаш халқимиз биринчи қурултойларида биз фақир бирлан Жуманиёз Оллақуловни ўзбеклар тарафидин сайлаб, Мулла Ўроз, Мулла Нурмуҳаммадларни ёвмутлар тарафидин сайлаб юбордилар. Русия шўролар ҳукуматига ва қаҳрамон қизил аскарларига мазкур ёрдамлари учун изҳору ташаккур, миннатдорлик билдириб, илтимос қилмоқ учун юбордилар. Биз фақир ҳам кичик Хива ҳукуматини вакиллари Русия шўролар ҳукуматига кўнглимиздаги муҳаббатимиздин бошқа қўлимизда ҳеч ҳадямиз бўлмади. Албатта афу қилурсиз, деб умид этамиз. Жавобинда дедиким:

-Ҳозирги вақтларда ҳады, бойликнинг ҳеч эътибори йўқ турур. Балким они ҳеч ким хўшламай айб ва қабоҳат санайтурлар. Бул вақтда мўътабар Хоразм халқининг ўз манфаатларини ўзлари англаб бошқа ислом мамлакатларидин аввалроқ Хоразмда инқилоб ясаб, халқ ҳокимиятини ташкил қилурлар. Бошида Хоразм мамлакатада Сизнингдек очик фикрли, хурриятпарвар зотлар топилур, деб ўйламаган эрдук. Алҳамдуллилоҳ Сизни кўриб Хоразм хурриятининг девори маҳкам ва инқилобининг девори мустаҳкам эканлигига ишончимиз комил бўлиб, чин кўнгилдан ишондук. Москвага борганигизда Сизнинг бу тариқа сўзларингизни эшитуб, Хоразм юртига ҳар турлик мавонат ёрдам кўрсатсалар керак.

Сўнгра икки соат таом еб кетмагимизни таклиф қилиб, бир неча мартаба узр айтуб, кетмакчи бўлсак ҳам жавоб бермадилар. Ноилож ўлтурдик. Шул вақтда Когондаги “Ёш бухороликлар” жамиятининг раиси бир неча аъзолари бирлан келиб кўрушуб ва танишиб бизларни муборакбод қилиб кўп дўстона маслаҳатлар ва кенгашлар баён қилдилар. Сўнгра Бухоро инқилоби тўғрисида бизлардин ёрдам сўради. Биз жавоб бериб дедиким:

-Биз ғоятда эзилган халқимиз. Иншоллоҳ ишларимиз комил бўлуб, аскаримизни қувватли қилсак мазлум халқларнинг тараққий саодатига ёрдам қулурмиз. , -деб

баъзи Хоразм савдогарларига Бухоро маъмурлари тарафидин ҳамиша нолайиқ ҳаракатлар воқъе бўлуб ҳаттоки, Хоразм тебъеинда Чандирқиёт деган мавзеидин Арслонбой деган бир йигит Хоразм шўролар жумҳуриятидин Масковга маъмурият ишлари тўғрисида Хоразмнинг Чоржовдаги маъмурларига хат олиб йўлда келурида Чоржов тобъеидин Хўжақаъла деган ерда они ўлдуриб, отнинг оёғига боғлаб ташлабдурлар. Мазкур Арслонбой “Ёш хиваликлар” кўмиталарида аъзо бўлгани важидин унинг жасадини Чоржовга келтириб моҳи рамазонда жаноза ўқиб дафн қилдилар. Бизнингча уни молини олмоқ учун ўлдирган эрмас, чунки ондақ бўлса отини ҳам олмоқ керак эрди. Балким Бухоро истибодлари ҳурриятпарвар инқилобчи деб баъзи сиёсий фикрларга биноан ўлдурган бўлса керак, - дедук.

Шўролар ҳукуматининг сиёсий вакили дедиким:

-Биз онинг ўлиб кетаверганига албатта рози эрмасмиз. Хотиржам бўлинг. Онинг қотилини излаб топиб тегишли жазосини берурмиз.

Таомдин сўнг яна улар залга чиқиб мажлис жойи тузилиб ғоятда карами суҳбат ва дўстона улфат ва муҳаббатдин кўл сиқишиб хайрибод қилдук. Маскавдин қайтишда яна кўришмоқ ваъдаси бирлан жавоб бериб ҳаммалари бизларни автомобилга миндуриб бир неча аскар бирлан то ватанларимиз турган жойга қадар узотиб келдилар. Андин сўнг биз фақир аскарларга мутаважжи бўлиб мухтасар бир нутқ қилдук. Олар “урра” деб қичқирдилар. Бод бу ерга келган улуғлар учун алоҳида видолашиб қайтардук. Шул вақтдин сўнг аробамиз юрмакка бошлаб Куйик мазор деган станцияга келиб, ондин ўтуб Қизилтепа, Малик, Кармана, Зиёаддин, Зирабулоқ, Горний, Каттақўрғон, Жумабозор станцияларидин ўтуб, Самарқандга шул ойнинг аввалинда ойди рамазон куни қиём вақтида келдук.

Махфий қолмасинким, Бухоро ҳудудида буғдойлар пишиб ўриб юрган эканлар. Аммо бағоят камоб эркан ва станциялари ҳам ўтган йилдаги фасодда тожиклар тарафдин

ўтланиб хароб этилгани жиҳатидин аксари дарҳол нимарсалар топилмайди. Аммо Россия худудининг ибтидоси Каттақўрғондин бошлаб сувлар фаравон ва ободонлик бўлиб, бизлар ўтган қишлоқларда буғдойлари комилан пишган эрмас ва лекин буғдой деҳқончиликлари ниҳоятсиз кўп бўлиб, ҳатто ерларнинг каноридаги дашт ва майдонларга ёмғир суви бирлан шул қадар ёзлик ва арпани тоғларнинг бошига ва пастларига кўп экибдурларким, ҳадди паёни йўқтурур. Даштларида лола ва бахмал гуллар худруй ҳолда кўкариб очилиб ётибтурур. Самарқанд шаҳари ниҳоятда обод ва улуғ бўлуб, кенг ва тўғри кўчаларнинг ҳар икки тарафиндаги солмалардин фарвон сувлар оқиб, бўйидаги баланд қомат дарахтлари кўчаларни ҳамиша қуёш ҳароратидин эмин сақлар эркан. Ул тарафларда мева ва ғалла кўп арзон эркан. Гурунч, кишмишга ўхшаш харажатларни Самарқанддин олиб, Хўжа Аҳрор розияллоҳу анҳуни зиёрат қилиб, шул кеча Тошкандин бизлар махсус келган биринчи класс вагонга кўчиб, онда истиқомат қилиб жума куни тонг отган вақтларинда аравамиз юриб кетди. Самарқанддин чиқиб Ростoa станциясига келиб, ондин Куропаткин, ондин Мелбутники, ондин Жиззах, ондин Ломакина, Черняев станциясига аср вақтиндан аввалроқ келиб, Тошкантга шанба кундуз боргани мувофиқ кўрилгани сабабдин, ушбу оқшом аравамиз станцияда тўхтади. Маълум бўлсинким, Қўқон, Андижон, Марғилон тарафларга кетатурғон йўллар ҳам мазкур Черняев станциясидин айрилур. Моҳи шаввоннинг учланчи куни Тошкантга келиб тўхтаган ҳамон аскар бошлиқлари ҳар турлик қўмиталарнинг раислари, Қашғар вакили, Афғон вакилининг ноиби биродар Юсуп Иброҳимовлар келиб вагонимизга кириб истиқбол қилиб кўришуб танишгандин сўнг бирга вагондин тушуб шул жойда бир пирқа аскарлар музикачилар бирлан соз чалиб, низом этиб истиқбол қилдилар. Вақтни мубарадасига мувофиқ мухтасар нутқ қилиб мустақилларга ташаккурлар изҳор қилгандин сўнгра ушбу улуғлар бирлан бизлар учун Туркистон жумҳурияти тарафдин омода этилган жойга келиб

икки соатлар ўлтургандин сўнг Хоразм вакиллари учун ясалғон олий мажлисга даъват қилиб, автомобилга миндуриб олиб бордилар. Мажлисга киргандин сўнг Тошкантининг ҳамма рус, мусулмон улуғлари, Тошкандаги ҳар бир қўмита ва жамиятларнинг раислари, Афғонистондин келган генерал ва уламолар ва Ҳиндистонли Мавлавий Баракатилло ва Истамбулли Козимбек, Қашқарнинг Тошкантидаги оқсоқоли Иброҳим афанди, Бухоро охуни Мирбобо ва бошқа ҳамма аҳли мажлис бирла кўришуб тонишгандин сўнг фақирни мажлиснинг биринчи даража ўринларидин Тошкантининг мусулмон жамиятининг раиси ва амири лашкар Фрунзеларнинг ўртоларидин жой кўргазиб ўлтурғиздилар. Бошқа аъзоларимиз Бухоро консули қаторида ўлтурди. Ибтидо мажлис раиси ўрнидан туруб дедиким:

-Биродарлар! Ушбу мажлис бизларнинг биринчи даражада шодиёна мажлисимиз турур. Чунким, бизлар Хоразм халқ шўролар жумҳурияти вакиллари биринчи маротаба бул мажлисда ўз қаторимизда кўрадурмиз. Яшасин Туркистон жумҳурияти! Яшасин бизларнинг биродаримиз бўлган Хоразм халқ жумҳурияти!

Андин сўнг мусулмон улуғларидин бир нечалари самимий, дўстона нутқлар сўзладилар. Сўнгра фақир ўрнимдан туруб, дедимким:

-Эй ҳурматли биродарлар! Ман Сизларга Хоразмнинг камбағал ва меҳнаткаш халқларининг чин кўнгилдин саломларин тақдим этаман. Ва доғи Хоразмда инқилоб бўлиб мазлум халқнинг ҳур ва озод яшамоқларига биринчи сабаб бўлган Русия Қизил аскарининг ёрдами ва мавонати бўлган жиҳатидин, қаҳрамон қизил аскарлар бирлан Сиз биродарларимизга изҳору ташаккур ва миннатдорлик қилурман. Бизларни то шу кунгача бир-биримизни жуда қилиб қўлидин келгунча саъйи этиб бизларни бир-биримизни танимаслик ҳолига туширган жаҳонгирларнинг мусулмонлар ҳақинда тутгон золимона сиёсатидур. Масалан, инглизлар Афғонларни бизнинг бирлан муносабат қилдирмас эрдилар. Шунингдек, Русия императори Николай

бизларни Афғонистон ва бошқа бир мамлакат бирлан муносиб муштаракларимизни музокара қилишни қаътияман қилғон эрди. Алҳамдуллилоҳ ул золимларнинг чангалидин қутилиб, бу мажлиси Олийда неча юз йиллардин бери жудо тушган биродаримиз бирлан мулоқат муяссар бўлганига самимий қалбдин хурсанд бўлиб, биз мазлумларни ўзларига камина биродари эътибор этиб, очиқ юз билан қабул қилғонлари учун ташаккурлар қилурмиз.

Сўнгра Русия улуғларидин бир нечалари дўстона ва мушфиқона нутқлар сўзлаб, таомдин сўнг, аҳли мажлиснинг икки маротаба суратини олгандин сўнг, мажлис тамом бўлиб, ҳар ким ўз жойига тарқалиб, бизлар ҳам ўз ўринларимизга келиб, якшанба куни ўлка кўмитаси маҳкамасига даъват қилиб, ҳайъат аъзоси Матёқуб Охунлар бирлан бордук. Ушбу мажлисда Тошканти улуғларидин бошқа киши йўқ эркан. Ушбу хос мажлисда Хоразмнинг ҳар турли аҳволияти ва инқилобнинг нетариқа бўлгани ва Хоразм халқини инқилобга нечук назария билан қарагани, Бухоро ва Афғонистон бирлан муносабатимизни ва мунга ўхшаш ҳар турли саволлар сўраб, таъқиқ ва тафтишлар қилиб, кўп радди бадаллар бўлиб, бизлардин қофъий ва вофъий жавоблар эшитгандин сўнг охир оқибати ўзларининг Хоразм жумҳурияти бирлан самимий биродар ва қўлларидин келган ва мувозанатларини бермакларига қарор бериб, бир неча жамиятларнинг раислари бизларни ўз маҳакамаларига даъват қилиб, бизлар ҳам қабул қилгандин сўнг аҳли мажлис хайрибод қилишиб, ҳар ким ўз жойларига қайтуб келдук.

Душанба куни сайлга чиқиб, Тошканти мусулмон жамияти аъзоларидин бизларни меҳмондорлигимиз учун тайин қилиб қўйган хорижия ҳайъати аъзоси товариш Крижановцкий раҳбарлик қилиб, аввал Симбир телеграф станциясига олиб бориб эрди. Телеграф мудирини келиб кўришуб сайил қилдириб, тўрт темир минорасидин 145 арчин баландлик бир минорасига чиқмоқчи бўлиб бир неча юз қадам юқори чиқсак ҳам интиҳосига етолмай қайтиб тушиб, машина хоналарини сайил этиб юрганда кўп эҳтиёт қилиб бормак

керак. Нима учунким, агар бир нимарсаларга кишининг бир узвий тегиб қолса дарҳол кишини ҳалок қилур. Бу тариқадаким электр тўқининг қуввати бирлан билатўқни ёқиб кўмир қилур, булутдаги йилдирим ургандек, деди. Ва яна айтдиким, Сизнинг Хоразмга ҳам бир дона симсиз телеграф бериб юбордук. Мундин сўнг Сизлар ҳам симли телеграф харажатидин қутилурсизлар, деди.

Бизлар ташаккур эълон қилдук. Андин сўнг ул ердан автомобилга миниб оташ арава машиналарини ва вагонларини ясайтургон темир дўконига бориб тамоша қилдиким, ул дўконда у минг амло хизмат қилур эркан. Онинг ажойиботларидин томоша қилгандин сўнг қайтиб нўмеримизда ондак истироҳат қилиб шаҳар кўчаларини автомобил бирлан то хуфтонгача сайл қилдирдилар. Сешанба куни Қошғар консули ва оқсоқоли келиб суҳбат қилиб кетдилар. Ушбу вақт хорижия комиссаридин даъват хати келиб, бориб бир неча соат сўзлашиб, хусусия мажлис қилиб яқиндан танишмоқ учун чақирганини, Русиянинг ҳар вақт Хоразм жумҳуриятига ёрдам бермакка ҳозир эрканини баён этиб, яна бир неча муҳим маслаҳат ва кенгашлар берди. Сўнгра қайтиб келиб кечда от ўйинига олиб бориб томоша қилдирдилар. Чоршанба куни қози Абдулвоҳид Махсум уйларига чақириб, зиёфат қилдилар.

Шул куни хорижия комиссаридин киши келиб, Чоржав тобеидин Хўжақаъла деган мавзеда ўлдурулган Хоразмли Арслонбойни Бухоро амиридин сўрашмоқ учун онинг аҳволитин ёзиб олиб кетдилар. Москвадаги Русия хорижия комиссари Хоразм вакиллариға салом айтиб юборганини ва оларнинг тезлик бирлан Москвага келмакларига орзуманд эрканини хабар бердилар. Пайшанба куни Тошкент Ижроия кўмитасига даъват қилиниб, бир оз суҳбат қилишгандин сўнг баъзи музокаралар учун яна бир кун келмак ваъдаси бирлан қайтиб нўмиримизга келгандин сўнг Москвадин келган Турккомиссиясига даъват қилиниб, намози шомдин сўнг у ерга бордук. Ҳайъат раиси Хоразм вакиллари учун муфассал

бир табрик нутқи сўйлаб, сўнгра фақирга тутаважи бўлиб дедиким:

-Бизлар Сиз биродарларимизни таслия бериб бул ерга чақирганимиздин мақсадимиз Сизлар бирлан хусусий сўзлашиб, тонишмоқ ва доғи ўзларимизнинг маҳкамамизда халқ учун нима ишлар ишлаб ўлтурганимизни Сизларга ҳам кўргузмакдур.

Фақир дедиким:-Дунёда ҳамма халқдин кўпроқ эзилган ва зулм кўрган Шарқ мусулмонларидир. Ушбу Шарқда ҳуррият ва инқилобни мустаҳкам қилмоқ мақсади бирлан Тошкентга келган бу ҳайъатнинг мажлислари муборак мажлис бўлгани жиҳатидин ихлос бирлан табрик қилиб, биз Хоразм вакилларига бу муборак мажлисга келмак муяссар бўлгани сабабдин ўзларимизни бахтиёр санармиз. Ва доғи бу улуғ мажлисни тартибли ва адолатли ишларини кўриб, фойдалансинлар, деб бизларни чақирганларингиз учун ташаккур, - деб сўзимни тамом қилдим.

Сўнгра ишларни қарамоққа бошладилар. Биринчи ҳукуматга хизмат қилиб юрганларга қарзихасанага пул бериб, ёрдам қилмоқ, иккиланчи, Еттисув вилоятида экилган кўкнорни ҳукумат ўз кўлига олиб қўймоқ, учинчи, беузр вазифасини тарк этган маъмурларга жазо бермак. Ушбу ишларни кўп мунозаралар билан ҳал қилганларини таржимон калима-калима билдиргандин сўнг мажлис тамом бўлди. Таом уйига бориб зиёфат қилдилар. Раиси мажлис, дўстона бир нутқ сўзлаб, фақир ҳам бир жавоб нутқи сўзлаб, оларни ғоятда мамнун қолдириб тарқашдик.

Шанба куни мазкур комиссияга яна чақирилиб, Хоразм ишлари тўғрисида музокара бўлиб, бизлар Туркистон жумҳуриятидин даркор нарсаларимизни сўраган докладларимизни бердук. Ушбу докладда сўралган нарсалар: икки полк пиёда аскар, бир суворий отли аскар, жами тахминан 10 минг пиёда аскар, бир суворий отли аскар, жами тахминан 10 минг аскар бўлур. Шунга кифоя қилгидек милтиқ ва пулемётлар, тўплар, бомбалар, ўқлар ва 20 қизил офицерлар деб сўраган нимарсаларимизни бизлар

Москавдин қайтмасдин бурун бир қисмини Хоразмга юбормоқ керак, дедук. Ва дори, бир миллион арчин чит, 50 минг пуд лампа ёғи, 50 минг пуд қора ёғ, 2 дона аэроплан, бир дона матбуа, 14 муаллим эрди.

Ушбу докладимизни жавобида айтдиларким, ” мазкур талабларингизни қабул қилдук, сизлар Москавдин қайтмасдин аввал 1000 (минг) милтиқ, 4 тўп, 10 пулемётни Хоразмга юборурмиз. Ва лекин ҳозир бизда матбуа йўқ турур. Бинобарин ул тўғрида мазур тутарсиз. Аммо аэроплан ўзимизга зиёда зарур турур. Они музокара қилурмиз. Сизларга бергудек имкони бўлса берурмиз. 400 минг арчин читни Хоразмга пахта бирлан мувазза қилмоқ учун юбордик. Ўзимизда ҳам чит оз турур. Бинобарин, қолган чит, чайник, коса, елим кавушларни Москавдин сўрарсиз. Бошқаларни битказурмиз, хотиржам бўлинг, дедилар. Кўп ташаккур қилдук.

Махфий қолмасинким, Тошкандек жаннат атоси шаҳри турган муддатимизда ҳар кеча бир ўйин ва ҳар кунда бир ажойиб хонанинг меҳмондоримиз. Товариш Крижановцкий ҳукумат номидан томоша қилдирур эрдиким, ўйнаган хунармандларнинг хунарларини, кўрилган махлуқларнинг ажойиботларини бирин-кетин баён қилмоқ бу кичик рисолага сиғмайтур.

Тошкандек шаҳри янги шаҳар ва эски шаҳар номлари билан икки бўлак бўлиб, эски шаҳарда мусулмонлар туриб, 400 масжиди бор эркан. Янги шаҳарда руслар бўлиб, бир дона нўғай масжиди бор эркан. Сўйчин тоғларидин оқиб келган Чирчиқ номли бир дарё Тошкандин юқори йироқда 3-4 адад шохоларга (ирмоқларга) айрилиб Солор ва Анҳор деган ариқлари ва яна бир неча кичик шохолари Тошканднинг ичидин ўтар эркан. Сувлари ғоятда фаравон, ширин бўлур эркан. Якшанба куни мулла Жуманиёз Оллоқуловнинг Хоразм вакиллигидан озод қилинганига Хивадин Полвонниёз Ҳожи (Хоразм Халқ Республикаси ҳукумати раиси-У. Б) ва Шокировдин (РСФСРнинг Хоразмдаги мухтор вакили-У. Б.) телеграмм келган важидин, онинг кўлиндаги мандатларини

талаб қилиб олиб, душанба куни хорижия комиссари ўрнида турган товариш Ғойибовга бул сўзни билдирганимизда, ул айтдиким:

-Ҳамроҳларингиздин Луткевич ҳам бу ерда қолиб, онинг ўрнига товариш Володя, иккинчи Крашев, учинчи Бауманларни Сизга йўлдош қилдилар. Бауман афғон вакилларининг ҳам Москвага борганида йўлбошчиси эрди. Булар Сизга яхши хизмат қилиб хушвақт қилсалар керак. Ва доғи Сизнинг Москвага боргунча харжингиз ҳам бул ердан берилур. Ва яна мандатлар берилур. Бул хизматларнинг ҳаммасини Бауман битказур. Сиз хотиржам бўлинг, -деди.

Сешанба куни Турккомиссияга бориб Туркистон банкасидин ҳайъатнинг харажати учун Хоразм жумҳуриятидин берилган хатга мувофиқ 2 миллион сўм ақча қарзга олдик. Бу маблағларнинг ярим миллионини нақд бериб, қолган бир ярим миллионини Москвадин олмоқимизга хат бердилар. Мазкур кунда аэроплан станциясига бориб аэропланларни учириб томоша қилдирдилар. Ва яна ўзларининг бизларга берган яроғлари учун хат бердилар. Йўлларда улуғлар бизларга ҳар бир ишларимиз тўғрисида ёрдам қилиб, амин ва фароғат юрмакимиз учун бир мандат бердилар. Буларни олгандин сўнг Крайком маҳкамасига бориб, маҳкама раиси биродар Турсунхўжаевдин Хоразм жумҳуриятидаги назоратлари, ҳар бир ишларни тўғрилиқ ва адолат бирлан юритмакка ёрдам ва мавованат қилгудек тўрт мусулмон инспектори, яъни раҳбарларни товариш Измайловга ёрдамчи сўрадик. Қабул қилиб юбормоқчи бўлдилар. Ҳар бир маҳкамага борганимизда товариш Измайлов Хоразмдаги Нозирлар аҳволини вақти бирлан кўп сўрадилар. "Кўп яхшилар" деб жавоб бердук. "Ва лекин иш билгудек кишиларимиз оз турур. Албатта бул ердин адолатли мусулмон ёрдамчилари борсалар яхши бўлур эрди", дедук. "Иншоллоҳ Хоразм учун ҳар нима даркор бўлса берурмиз", дедилар.

Яна маориф комиссарига бориб Хоразм учун 10-ибтидоий мактаб муаллими ва икки гимнастика ва бир санъат ва бир

шеър ўқимоқ муаллимлари сўрадик. Қабул қилиб, шул жумладин Шорасул Зуннун, иккинчиси Абдулвоис, учинчи Арслон, тўртинчи Ҳусин қори, бешинчи Шокировларни маъмуриятдин вакил қилиб юбормак учун хат ёздилар. Ва яна хорижия комиссари чоршанба куни бизларни Москвага узатмоқчи бўлиб бизлар учун муяйн бўлиб турган икки вагонимиз ёнига яна бир ошхона вагонни банд қилиб, тўрт қоровул аскар бирлан икки вагон хизматкори тайин қилдилар. Ва яна биродар Жуманиёз Оллоқуловни баъзи важлардин мандат бермай бизларга йўлдош қилмоқдин олиб қолдилар. Товариш Бауман, товариш Володя, товариш Крашиловни ёнимизга қўшиб, Тошкент ижроия қўмитаси раиси биродар Басиров таржимонлик қилмоқ учун Иброҳим Бурнашевни ҳамроҳ қилди. Шунинг бирлан чоршанба куни Тошкентдин чиқиб, Маскавга равона бўлдук.

(Шу ўринда Бобоохун Салимовнинг кундаликларига илова сифатида, ХХР ҳукумати раиси Полёзхожи Юсуповнинг ҳам кундаликларида келтирилган, нима сабабдан рус тилини биладиган дипломат Жуманиёз Оллоқулиевнинг Кремлдаги музокараларга юборилмай, Тошкентга боргач ваколатлари бекор қилингани тўғрисидаги фикрларини келтириб ўтсак. Полёзхожи Юсуповнинг фикрича, “бир куни Хивага хорижий комиссариятидин Хива сафаротхонасига телеграм келиб қолган. Мазмуни шул тариқадаким, Хоразм нозирлар шўросидин сўраб, Жуманиёз Оллақуловни Москвага юбормай Тошкентда қолдирмоқ ҳақида. Биродар Жуманиёз Оллақулов спекулция қилиб, мол олиб бормоқчи, деб айбланган. Биродар Шокиров (РСФСРнинг Хоразмдаги мухтор вакили-У. Б.)ушбу телеграммани эълон қилди. Нозирлар шўросида мажлис бўлиб, қарор қилдилар. Биродар Жуманиёз Оллақулиевни қўлидин шаҳодатномани олиб, Тошкентда қолдирилсин, деб. Бобоохунга ҳам, хорижия комиссарига ҳам телеграмма юборилди. Телеграмм боргандин сўнг Бобоохун буюрилган хизматни биткариб, Москвага кетган. Биродар Оллақуловни хорижия комиссариятининг особий отдели (Туркистон республикасининг ташқи ишлар

комиссарлигининг махсус бўлими-У. Б.) га буйуриб, арестоват қилдирган. Шунинг бирлан биродар Оллақулов бесўроқ ҳибсда ётди.

Махфий қолмасинким, савдо вакили Шоликоров (ХХРнинг вакили назир Шоликоров-У. Б.) Тошкентда эрди. Хивадин телеграм юбордук. Жуманиёз Оллақуловни ишлари бирлан бунда юборинг, бунда суд бўлур, деб. Шоликоров тегишли ерлардин сўрашиб Оллақуловни ҳибсдан чиқариб олган. Хивага телеграмм юборди: биродар Жуманиёзни ўзим бирлан олиб борурман, деб”. Яъни ўтқир дипломат Жуманиёз Оллоқулиевни РСФСРнинг Хоразмдаги мухтор вакили Шокиров атайин Москвага юбормай, уюштирилган чақув туфайли Тошкентда тўхтатиб, ХХР қурултойи берган мандатини олдиртиради. Кейинчалик “Оллоқулиев спекуляция учун Москвага бораяпти” деган чақув ёлғон экани исботланади-У. Б.). Энди яна Бобоохуннинг кундаликларига назар ташласак.

“ Москвага равона бўлдик. Йўлда юриб, Чилга деган станцияга келган вақтда тақдири илаҳи поездлар бир-бирига тўқнашиб, бизларни поездимиз яна бир қатордаги уч вагонни уриб йўлдан чиқариб, пара-пара қилиб турур. Оллоҳ таолонинг карами бирлан минган отарга ҳеч офат етишмай, ҳатто бизлар уйқудан уйғонамиз. Ушбу ҳодисани уйқудан тургандин сўнг эшитдук. Чилгадин чиқиб Сариоғоч станциясига бориб, онда икки соат тўхтадик. Мазкур Орис (шаҳри) станциясидан бир шохо йўл Авлиёотага кетган важидин, ушбу ерда баъзи вагонларни алмаширар эрканлар. Ҳазрати Хўжа Аҳмад Яссавийнинг қабри муборакларини узоқдан кўриб, дуои-фотиҳа қилдук. Бориб зиёрат қилмоққа фурсат бўлмаганлиги важидин станцияда бировларни топиб, минг манат садақа бериб, фотиҳа олдук. Шул вақтда товариш Ленин томонидан Туркистон ишларини таҳқиқ ва тафтиш қилмоқ учун юборилган “Қизил Шарқ” поезди, номи ғоятда маъзин ва маъсун ҳайъатнинг бир аъзоси Султонбек деган бизнинг вагонимизга келиб, бизларнинг раисимиз товариш Сафаров жаноблари сизларни кўрмак учун чақирур, деди.

Бинобарин биз фақир ва Мулла Ўроз, Мулла Нурмуҳаммад ҳамда Оннахонлар бирлан бориб кўришуб, ҳар тарафдин сўзлашиб ўлтурганда раис афанди дедиким, “бизлар бу ишга кўп таассуб қилурмизким, Шарқ халқи бурунги Николай замонларинда Русиядан кўп зулм кўрганлари важидин ҳанузгача бизларга ишонч ва эътимад қутқармоқ ва ҳукуматларини яхши йўлга қўймоқ учун Маскавдин келиб эрдук. Туркистон ҳукуматинда “большевик” номи остинда зулм қилиб юрган бир неча кишининг жазосини бердук. Ва лекин баъзи сабаблардин Хоразмга бора билмай Чоржавдин қайтдук”, деди. Биз жавобинда дедук :

-Албатта шул борган мамлакатларингиз қаторида Хоразмга ҳам бормоқ зарур эрди. Аднойи мартаба у тўрт одам ўзларингиздин юборсангиз бизларни инқилобимизни маҳкамлашмоғи учун кўп ёрдам бўлур эрди. Хоразмда тоза инқилоб қилиб, маҳкамлашмай турган бир вақтда товариш Бройдо бориб, кўп ёрдам қилиб кетди. Энди ничик иш бўлса ҳам ўтган иш ўтубдур. Бизлар Хоразм халқининг юборган вакиллари турурмиз. Бизларни ишларимизга Москвада ёрдам қилсангиз ҳам Хоразмга борганингизни ўрнини тутғусидир, -дедук.

Айтди: “Сизни кўриб кўп хурсанд бўлдим. Сизга ҳар қандай ёрдам қилмоққа омада турурман. Ва бошқаларни ҳам ёрдамга далолат қилгумдир. Ҳозирда йўлдаги ҳолингиз яхшими, манга айтинг?! Албатта нуқсонни бўлса дарҳол акмал (яхшиламоқ-У. Б.) қилурман, -деб бизларга ўз вагонига зиёфат қилмоқчи бўлди. Бизлар узр айтиб, жавоб олиб вагонимизга қайтиб келган вақтимизда Сафаров жаноблари ҳам орозаи-зиёрат учун бизнинг вагонимизга келиб, ғоятда қизғин суҳбат бошланиб, Хоразм аҳволларини яхши тақрир(мақсадини оғзаки англатиб-У. Б) қилиб, раис афандининг муҳаббат ва илтифотини Хоразмга жалб қилган вақтда, афсуским, поездимиз звонок чалиб, юрмакка бошлагани жиҳатидин ноилож ўрнидан туриб, ҳарна зарур ишларингиз бўлса манга телеграм билан билдиринг”, деб таржимонимиз Бурнашевга Москвадаги баъзи улуғларга

бизга ёрдам беришлари учун хат ҳам ёзиб берди. Хайриобод (хайрлашдик) қилишдук. Сўнгра вагонимиз кечаси бирлан бориб, Туркистон станциясидан Совудон, ондин Бешариқ, ондин Оққум, ондин Янгиқўрғон, ондин Қуёнариқ, ондин жума куни эрта бирлан Чили деган станцияга етишдук. Масофаси Тошкандин 394 чақирим эркан. Чилидан чиқиб Боқча Қум, андин Тўғай, андин Сувли тепа, андин Бирғози, андин Оқмачит, андин Қораўзак, андин Терангузик, андин Яланғоч, андин Қора кетган, андин Қизилтом, андин Жусали, андин Бойхўжа, андин Мойлибош, андин Қубик, андин шанба куни азон бирлан Қозоли станциясига келдук. (Афсуски, Бобоохун юқоридаги жой номлари ўз шеvasидан ёзганлигидан уларнинг бугунги аниқ номини аниқлаш имкони бўлмади. Бизнинг шу ва кейинги келтирилган топонимик масканлар ҳозирги Қозоғистон ҳудудида жойлашган-У. Б.) Тошкандин 814 чақирим эркан. Андин ўтуб Бекбавли, андин қамишли бош, андин Саёқ, андин Оролск море лабинда Олтиқудуққа келдук, масофаси Тошкандин 914 чақирим эркан. Андин ўтуб Бекбавли, андин Саксавул, андин Чўқ сув, андин Қорачиқот, андин Тўқиз, андин Жайлан, андин Кўкмўлла, якшанба куни пешинда Чолқорга келдук. Масофаси 1137 чақиримдур. Мазкур якшанба куни оташ аробамиз тоғу-баланд қирлардан ошиб ўтмоқда кўп машаққат чекиб тўхталгани жиҳатидан кўп йўл юрабилмади.

Махфий қолмасинким, ушбу шанба ва якшанба кунларида саратон мавсуминда ҳамиша ҳаво булут бўлиб икки-уч даъфа ёмғир кўп ёғди ва Орол денгизидан ўтгандин сўнг ҳар ерда ўтга ёнғон жойлар, вагонлар кўриниб, сўрашганимизда рус ҳамроҳларимиз “ ўтган йил большевиклар билан отлиқ казаклар маҳорабасида отлиқ казаклар ўт берганлар”, деб жавоб бердилар.

Чалқор станциясидан чиқиб Авлиян, андин Салоний, андин Қовулжаҳар, андин Қораёғинди, андин Заризу, андин Моровадир, андин Қирғиз, андин шавол ойининг 19 ланчисида душанба куни чош вақтинда Рейимбойга келдук.

Кеча совуқдин тўнгиб, уйғониб қиш либосларимизни топиб кийдук. Масофаси 1302 чақирим эркан. Андин ўтиб Қўрдуқ, андин ўтиб Изимат, андин Чулўн Қорақамиш, андин Бештомоқ, андин Оқтепага етишдук. 1482 чақирим эркан.

Махфий қолмасинким, мазкур куни булут йўқ эрди, қуёш чиқиб, ҳаво ёзга ўхшаб ҳар тарафда деҳқончиликлар кўринмоққа бошлади. Тўпозонкадин Оқтепага келгунча станциялардаги руслар кўкартирган 3-4 дона жигилдак ва тўронғудан ўзга асло деҳқончилик асари кўринмаган эрди. Оқтепадан чиқиб, Крайли, андин Қоратўрғай, андин Мартур, андин Пойсинк, андин Сорочин, андин Оқбулоқ, андин Чочран, андин Элтиск, андин Маҳобати, андин Тўпризли, андин Манбовий, андин чоршанба куни намози асир вақтида Оренбург шахрига келдук. Масофати Тошкандин 1734 чақиримдур. Тахминан 220 фарсах бўлгусидир. Борган оқшом вагонларимиз Оренбургда тўхтаб, 22-синда пайшанба куни юриб кетди. Соқмор деган дарёдин ўтиб, Персунский, андин Қороғоли, андин Сирт, андин Перевольский, андин Ново-Церковский, андин Камелбовка, андин Сарачинский, андин Николаевский, андин Увал, андин Трубетский, андин Покромний, андин Умакрепский, андин Бузолок, андин Елжанка, андин Култепа, андин Лессес, андин Некрек, андин Немченко, андин Меролхўпка, андин Бегатав, андин Қўйлиқ, андин Крачовка, андин Тарастенко, андин Спиридоновка, андин Кинель станцияларидир. Тошкандин 2090 чақирим эркан.

Машҳур Самара шахрига келдук. Бир улуғ шаҳар эркан. Милтиқ, тўп ўқи чиқарадиган заводлари бор эрканким, қутиларга солинган ҳар турли ўқлари ҳар ерларда уйиб қўйибдилар. Ушбу ердин биз товариш Бройдога телеграм бердук. Йўлбошчиларимиз ҳам бошқа лозим ерларга телеграм бердилар. Ҳанузгача эриб тамом бўлмаган қорлар кўринди. Ушбу Самара губернасида буғдой ва картошка зирори ниҳоятда кўп экилиб, бу йил буғдойлари яхши бўлган эркан. Аммо Оренбург атрофлари буғдойига ушбу йил чигиртка ва бошқа офатлар етишиб яхши бўлмаган эркан.

Аммо Самарадин Масковгача 948 чақирим, Клиндин 1000 чақирим бўлиб, жума куни Самарадин бир неча станция ўткандин сўнг Итил дарёсининг 14 равоқли темир кўпригидан ўтуб уч-тўрт станция юргандин сўнг губерния маркази бўлган Сизрань шаҳрига шанба куни келдук.

Махфий қолмасинким, Тошкандин ўтгандин сўнг то Оренбурггача аксари дашти-биёбон бўлиб, дарахтзорлик оз эрди. Оренбургдин ўтгандин сўнг кам-кам дарахт ва тўғойлар ва ободончилик кўпайиб, Самара атрофлари кўп тўғай ва деҳқончилик бўлур эркан. Ҳар ерда экилган оқ буғдой ва сули буғдойлар бирлан ҳосили бир неча чақиримларга боради. Хусусан тоғларнинг бошига кўп экибтурларким, зироат ва дарахт экилмаган тоғ йўқ турур. Аммо ҳавоси ҳамиша салқин ва майин бўлиб аксари кунлар булут бўлур эркан. Тарвуз, бодринг, кади(қовоқ) ни кўп экар эканлар. Ва қизил тут ва олма, қоралган деган мевали дарахтлари бордур. Тутларидин едик, ул қадар лаззати йўқдур. Аммо Сизрань деган шаҳарда 225 манатга бир қадоқ чиқ олиб едук, кўп ширин ва лаззатли эркан. Сизрандин Пенза губернаси худудида Суда отли бир дарёдин ўтдук. Ушбу губернада мусулмонлардин Мишар деган жамоа кўп бўлуб, ниҳоят қашшоқ бўлур эрканлар. Ҳаммаларининг оёқларида якандин тўқилган кавушлар бўлуб, кўрган одамлардин нон сўраб безор қилурлар. Андин сўнг Ўрзиев деган катта станцияга келдук. Бунда ҳам бир неча мусулмон уйлари бор эркан. Халқи мишар эркан. Олти адад масжидлари бор эркан. Бир қадоқ тузга бир қадоқ ёғни кўп ялвариб рағбат бирлан маоваза қилурлар. Аммо қазоқ оқчадин 50 сўмга бир юмurtқа (тухум)ни истирна бирлан берурлар. Ал ҳосил шанба ва якшанба кунлари кеча-кундуз юриб, кўп станциялардин ўтуб, шавволнинг 26-да душанба эрта бирлан Сания отли дарёдин ўтиб, Сувсабу деган станцияга етишдук. Бу уездда олти овул татар мусулмонлари бор эрканлар. Мундин бир неча станция ўткандин сўнг мазкур кунда Брония отли дарёнинг кўпригидин ўтдук. Сўнгра Ока деган дарёнинг канаридан (қирғоғидан) бир соат миқдори дарёни яқалаб юридик. Ичинда бир неча пароходлар

юрар эркан. Ва яна ушбу дарёни машин бирлан қозиб юрган эрканлар. Оташ арава юрган йўлнинг бир тарафи мазкур дарё бўлиб, яна бир тарафи тоғ эрканким, ул тоғнинг бошлари ва канаралари (қирғоқлари) олма бор тўқайлари бўлиб, ҳадди поёни йўқ турур. Сешанба куни тонг отгандин сўнг йўлнинг икки тарафида сарви дарахтнинг тўғайларидин то Москвага боргунча юрдук. Бул тўғойларнинг ичинда ғоятда мазийн (бекор ётган, кимсасиз-У. Б.) олий иморатлар кўп кўринди. Сўраганимизда айтдиларким, “бул жойлар Москва халқларининг ёзда бўлатурган жойлари турур. Бул жойларни халқ кирайга (ижарага-У. Б.) тутиб ёз вақтларида 2-3 ой бўлурлар”.

Мазкур кунда қиём вақтида Маскавга доҳил бўлдук. Икки-уч соат миқдори вагонимизда тавақуб қилганимиздин сўнг хорижия комиссари тарафидин товариш Каратав бирлан Конев вагонга келиб истиқбол қилиб, ҳамма асбобларимиз Валхонка деган кўчада Киназавер отли бизлар учун тайин қилинган жойга олдириб, ўзларимизни ҳам автомобиль бирлан Шашина (олти қаватли) жойнинг иккиланчи қотинда (қаватида) ҳар икки кишига бир уй (хона) бериб, ҳамма даркорли асбоблар ва ходимларни тайин қилиб бизларни жойлаштирдилар. Сўнгра товариш Бройдонинг Масковда бор эрканини эшитиб телефон орқали сўйлашганимизда, “дарҳол бунда келсинлар”, деган важидин Мулла Ўроз, Мулла Нурмуҳаммад, таржимон Иброҳим афандиларни бирга олиб товариш Бройдонинг жойига бориб, анинг бирлан кўрушуб бироз суҳбатдин сўнгра бизлар бирлан ҳамроҳ бўлиб, бизларни жойимизга келди. Лекин йўлдин юборган телеграммамиз келмаган эркан. Таом еб лозим бўлган ишларимиз тўғрисида маслаҳат қилишуб, бир неча соатлардан сўнг ўз жойига қайтди. Шавволнинг 28-чиси чоршанба куни хорижия комиссариятидан мўътабар кишилардин шарқ ишларининг мутахассиси, файласуф товариш Искандар (Александр) Самойлович (шарқшунос А. Самойлович 1905-08 йиллари Хива хонлигида бўлган олим бўлиб, ўзбек тилини яхши биларди-У. Б.) бизлардин йўл

ташвишларин ва ўзга ахборотларини сўрашиб, баъзин қусурлар учун узр айтиб, хорижия комиссари товариш Чичериннинг ул кишини Хоразм вакиллари хизматига тайин қилиб, қўлига берган мандатини кўрсатди. Ва бир неча соатлар Хоразм аҳволларини, онинг ҳозирги вақтдаги ҳукуматини ва тозо бўлган инқилобий Бухоро бирлан муносаби ҳақида сўзлашиб, эшитган ҳар бир сўзини дафтарга ёзиб, дедиким, “Эртанг соат учда хорижия комиссари ноиби товариш Караханнинг (Бобоохун уни шевада Қарахон дея ёзган-У. Б.) олдига борурсиз. Борганда суҳбат ушбу ишлар ҳақида бўлса керак. Биринчи -Русия шўролар ҳукуматининг ташаккури ва табриги, иккинчи-Хоразм шўролар ҳукуматининг Русия шўролари бирлан сиёсий иттифоқ ва мундин сўнг Русия шўролар ҳукуматининг Хоразм жумҳуриятига назар қилишини ва онинг ҳақида тутажак йўлини тайин қилиб, Хоразм учун бир хат олмоқ. Учинчи-икки ҳукумат ўртасинда тижорат иттифоқи ясамоқ, тўртинчи-Россия шўролар ҳукуматидин ёрдам сўрамоқ, бешинчи -Бухоро бирлан муносабат ҳақида фикрлашмоқ”. Мазкур мажлисда ушбу беш иш ҳақида сўз олиб, шуни тайёрлашни қарор қилғонимиздан сўнг у жавоб олиб қайтди.

Ул кетгандин сўнг товариш Бройдо келиб кўп вақтлар онинг бирлан сўйлашиб, они яна Хивага олиб кетмоқни хорижия комиссаридин илтимос қилмоқни тайинлашиб тарқашдук. Пайшанба куни соат учда хорижия коммисариятига бориб ўлтуриб, ондоқ муддат ўтгандин сўнг, хорижия комиссарининг шарқ маориф шўъбаси мудирини товариш Вознесенский бир неча Россия улуғлари бирлан келиб, кўришуб ўлтургандин сўнг дедиким:” биз муҳтарам Хоразм вакиллари кўргандин кўп хурсанд бўлдук. Хоразм мамлакати ҳамма Шарқ халқидин илгари инқилоб ясаб, золим хонларнинг зулмидан қутулганини табрик қилурмиз”, деди.

Фақир ўз жавобида дедимким: “ биз Хоразм халқ шўролар жумҳуриятининг комил ҳуқуқли вакиллари бирланчи Хоразмнинг камбағал ва меҳнаткаш халқларини чин

кўнгилдан Русия шўролар ҳукуматига айтиб, юборган саломини етказурмиз. Иккиланчи, бизнинг Осиё иқлимидаги баъзий хонларнинг халққа зулм-ситамлари Оврўпа императорларининг зулм-ситамларидин бир неча мартаба ортиқ эрди. Бинобарин Осиё жумласидин бўлган бизларнинг Хоразм халқи хонлар зулмидан қутулмоқни кўп истаб, уларнинг табиатлари инқилобга ҳамиша мойил бўлгани жиҳатидан 1335-ҳижрий йили (1917 йил) бизлар Исфандиёр хондин хуррият олиб мажлисий олий-“Идораи Маршрутия” ташкил қилган эрдик. Ва лекин ул вақтда бизларга ёрдамчи оз бўлиб, золим Николай тарафдин борган генераллар Исфандиёрхонга ёрдамчи бўлиб, бизларни олган хурриятимизни хароб этиб, кўпчилик хурриятпарварларимизни ўлтурдилар. Аммо бу мартабадаги инқилобимизни қизил аскарлар бизларга ёрдамчи бўлиб, хон Жунаид ва Исфандиёрхонларнинг зулмидан бутунлай қутқариб Хоразмда шўролар ҳукумати ташкил қилиб, халқимиз биринчи қурултойда Русия қизил аскарларига ташаккур баён қилмоқ, онинг бирлан дўстлигимизни баён этурмиз”, дедук.

Товариш Вознесенский дедиким:” Русия ҳукумати бирлан дўстлигингиз тарихий бўлажак”. Ман дедимким: “бурунги золим Николай ҳукумати бизларни гоҳо кўрқитиб, гоҳо алдаб фириб бериб, ўз айтганини бизларга қилдирур эрди. Ҳозирги шўролар ҳукумати албатта онингдек бўлмаса керак. Бизнинг манфаатимизни доимо назарда тутажагига ишонурмиз. Бинобарин бизлар мамлакатимиз истиқлолини муҳофаза қилмоқ бирлан ўзларимизни зарур етишмасдек ҳар бир ишларда Русия шўролар ҳукумати бирлан сиёсий иттифоқда яшамоқни истармиз”.

У ўз жавобинда дедиким: ”Хоразмнинг айрим жумхурият, мустақил алоҳида бир мамлакат эрканини бизлар Оврўпа давлатларига ҳам эълон қилдук. Сиз ондин хотиржам бўлингким, Хоразм алоҳида мустақил мамлакатдир”, деди.

Фақир 48 йилдин бери кўлимиздан кетган истиқлолимиз ҳозир қайтадан бери кўлимизга кириб Маскавдаги марказ

улуғлари они тасдиқ қилганига ва тасдиққа фақирнинг сабаб бўлганига ниҳоят хурсанд бўлиб, оллохтаолонинг даргоҳига кўп шукурлар қилдим. Сўнгра товариш Вознесенский дедиким: “бизларнинг бу мажлисимиз ғайри расмий суратда бир маслаҳат ва танишув мажлиси турур. Иншоллоҳ улуғ мажлислар бундин сўнг бўлур. Бизлар Сизлар бирлан Николай замонларидагидек тантана ва дабдаба бирлан йўлиқишиб, сўйлашмоқчи эрмасмиз. Балки биродардек муомила қилишмоқчимиз. Бизлар Хоразм инқилобига ғоятда зўр даража аҳамият бериб, онга эътибор қилурмиз. Чунки Хоразм халқи Шарқда қилмоқимиз бўлган матлуб инқилобни Шарқ халқидин илгари бошлади”, деди. Ман жавобида аввал ташаккур қилиб сўнгра дедим: “Хоразм Шарқ вилоятларининг кичкина бир мамлакати бўлса ҳам инқилоб ҳақинда ҳаммадин илгари ҳаракат қилиб биринчи сафга ўтди. Ва ҳаммадин бурун Русия шўролар ҳукуматининг кейнгига эргашиб, Русия шўролар ҳукуматини ўзининг улуғ биродари деб таниди. Бинобарин умид қиламизким, албатта Русия шўролар ҳукумати ҳам Хоразмни ўзининг кичик биродари билиб, ҳар ишларида ёрдам қилиб, тезликда они маданий мамлакатлар қаторида қилса эркан”, дедук.

Сўнгра яна, “Хоразм мамлакатига шўролар Русияси ёрдам бериб турса Хоразм мамлакати ҳам маданий миллатлар қаторига кирса Шарқ инқилоби учун албатта зарурдир. Хоразмда инқилобий аскар қувватли бўлса Бухоро, Эрон ва Афғонистон Ҳиндистон инқилобларига ҳам кўп фойда келтирса керак. Ва доғи иқтисодий жиҳатдин ҳам Хоразмда пахта, қорақўл ва бошқа ҳар турлик матолар кўп бўлиб Русияга ҳам фойдаси етишажак”, дедук.

Жавобида товариш Вознесенский дедиким: “Сизларга ёрдам бермакнинг тариқа ва чораларини бу кунларда бизлар музокара қилишиб юрибмиз. Бизлар Хоразмнинг ҳамма тарафдин тижорат муносабатини кесишиб қолганини эътиборга олиб ва ҳам ҳозирги вақтда ҳеч бир тарафдин мол ва бошқа нимарса олабилмаганини билиб ёрдам этмоқ нияти бирлан Хоразмга бир ҳайъат юбормоқчи турурмиз. Шул

хайъат даркор нимарсаларини олиб Сизлар бирлан биргалашиб борса албатта халқингиз кўп хурсанд бўлажакдур. Бу юборажак нимарсалар Сизлар бирлан борганда халққа намуна, ҳадия бўлиб кўринажак”, деди.

Биз дедикким: “албатта Русия шўролар ҳукуматининг бизлар бирлан Хивага тижорат ҳайъатини юборганини бизнинг халқимизга ничук назар билан қараганини билдирур. Ва Хоразм халқи Русиянинг рост муҳаббатли назари борлигини билиб кўп хурсанд бўлажаклар. Чунки халқимиз мол, тижорат ва иқтисод жиҳатдин кўп қисилмоқдадир. Аввалларда бизлар Русиядин ҳам Бухородин мол олиб турмоқда эрдик. Муҳораба сабабдин Русия мамлакати оғир ҳолга қолиб, ондин Хоразмга мол келмади. Бухоро ҳам Хоразмда инқилоб бўлгандин сўнг бизларга кор этиб, ҳеч мол бермай, муносабатни бутунлай кесди. Бул воқеадин сўнг бизлар мол олишимизни билмай ҳайрон бўлиб Бухорога тижорат тўғрисида элчи юбормакни бир мартаба маслаҳат ҳам қилишдук. Ва лекин оқибат қарор қилдикки бу ишни шўролар ҳукумати бирлан маслаҳатлашиб қилойлук. Бухоро ҳукумати бирлан муносабатимизни Русия ҳукумати тузиб берса ҳам эҳтимоли бор турур”, деб элчи юбормоқни тарк қилдук. Шул вақтларда бизнинг қаттиқ эҳтиёжда турган вақтимизни ғанимат билиб инглиз жосуслари ҳаракат қилиб, бизларга эшитдирдиларким, “Хоразм халқи бизнинг тарафдоримиз бўлсалар вилоятларини дарҳол олтин ва тижорат моли бирлан тўлдирурмиз”, деб. Молларни кўрсатиб бизнинг кўзимизни қиздирмоқ учун Хивага инглиз молининг намуналари ҳам келди. Ва лекин бизлар буларга ҳеч илтифот қилмадик. Балки Русия шўролар ҳукуматининг бизлар бу бобларда тўғри йўл кўрсатмоғига ишонган важидин бу иш ҳақинда ҳам онинг бирлан маслаҳат қилмоққа қарор бердук. Чунки инглизлар беражак бўлган олтин, молларининг баробаринда қайтадин устимизга Исфандиёрхон ва хон Жунайидларни ўлтурғизиби, бизларни яна золимларга қул қилажаки маълум турур”, дедум.

Жавобида товариш Вознесенский дедиким: “ҳозир Москвада бир Япониядин бошқа ҳамма мамлакатлар вакиллари йиғилгандур. Буларнинг ичинда англиз вакиллари борлигини Сизлар билурсизлар. Бизнинг Николайнинг англизлардин бир миқдор қарзи бор эди. Инглиз вакиллари бурунларда шул қарзни бизлардин олмоқни талаб қилиб юрур эрдилар. Ҳозир биз олардин бошқа турлук сўз эшитаяпмизким, айтадурлар: “Сиз агар Шарқдаги сиёсатингизни бериб Шарққа инқилоб киритишмакдин воз кечсангизлар мазкур қарзни Сиздан талаб қилмаймиз”, дерлар. Буларнинг бундоқ деганининг сабаби шулдирким, то шул кунгача англизлар фириб била ҳамма Осиё иқлимани ўз қўллари остида тутиб, оларни ўзларига қул қилиб, ул мазлумларни қонларини ичмакда эрдилар. Ҳозир Шарқда инқилоб бошланмоғи бирлан оларнинг бул манфаатлари зарарига қаради. Мундин бир йил муқаддам англизлар Эронга ҳам олтин тўлдирмоқ бирлан ваъда қилган эрдилар. Оқибат маълум бўлдики, англизлар ул олтинларни беваж бермас эрканлар. Балким онинг остинда кўп офат бор эркан. Шунга далил: ҳозир кунда эронликлар англизларнинг зулмига чидай билмай инқилоб қилмоққа бошладилар. Туркия ва шимолий Ҳиндистонда ҳам ҳозир инқилоб бошланди. Бугун-эртанг Ҳиндистоннинг жами ерларида ҳам инқилоб чироғи ёнажак. Ал ҳосил англизларнинг Шарқ ҳақидаги саволларига бул тариқа жавоб айтамиким: бизнинг шўролар ҳукуматининг онаси-инқилоб бўлиб, бу ҳукумат инқилобдин туғилди. Бинобарин қайси бир ерда инқилоб бўлса, биз онга ёрдам қилмоқни зарур ва лозим деб билурмиз. Чунки ҳеч бир мамлакатда инқилоб бўлмаган суратда бизнинг дунёда яшаяжамиз мушкул бўлажак дермиз”, деди.

Биз жавоб бердик: “бизларнинг эътиқодимизга кўра ҳамма Шарқда тез вақтда инқилоб бўлажак. Чунки бизлар Осиё иқлимида турган Шарқий халқ бўлганимиз жиҳатидин халқнинг табиатини яхши билурмиким, алар дунёда ҳаммадин кўпроқ зулм кўрган халқдир. Бинобарин алар

Руссия шўролар ҳукуматининг мазлумларга чин ёрдамчи ва золимлардин қутқарувчи эканини била олсалар, дарҳол анга эргашиб, инқилоб ясаб, зулмдин қутулмоқ истажакларига ҳеч шак-шубҳа йўқ турур. Ҳозирда шўролар ҳукуматининг ушбу хурриятпарварлик маслаки, зулм қоронғусида қолган Шарқ дунёсида улуғ лампадек равшанлик еткурмакка бошлади. Шул ёқтини кўрган Шарқ халқи албатта қоронғуликдин қутулиб, ул лампанинг атрофига жамлашаяжак”, дедук.

Бунга жавобан товариш Вознесенский дедиким: “ албатта шундоқ бўлса керак. Айни сизлар ҳозирги кунда иқболингизни ёрлиғи бирлан учланчи байналминалнинг иккиланчи мажлисига тўғри келдингиз, бу албатта бир зўр ғанимат турур. Чунки мунда дунёдаги ҳамма мамлакатлардин вакиллар бўлажак. Ҳозир Япониядин ўзга ҳамма юртлардин вакиллар келдилар. Энди Сизлар ушбу Шарқ вакиллари бирлан сўзлашиб, бир-бирларингизни фикрларингизни билажаксизлар. Эндики вақтда вакилларнинг маслак фикрлари шулки, ҳозирги кунда кўҳна тартибда зиноканчилик (яшамоқлик-У. Б.) қилмоқ ярамайду, деб ҳаммалари бу кўҳна тартибларга тагийир (барҳам-У. Б.) бериб, тоза тартиблар ясамоқ ниятида турадурлар. Ва доғи ушбу зиноканчиликни ижтимоий шўролар асосида кўрмоқ тарафдоридурлар. Бул тартиб бойларга оғир кўринур. Чунки ул вақтда мулк ва бойлик танҳо уларни қўлида турмас, балки меҳнаткашлар қўлига ўтажак. Шунга кўра ижтимоий инқилобнинг душманлари кўп бўлажак”, деди.

Жавобида биз айтдиким: “Шарқ халқи оғир зулмдан озод бўлиши лозим турур. Чунки оларнинг золимлардин кўрган зулм ва қаттиқ ҳақоратларини Оврўпада ҳеч халқ кўрган эмас”, дедук.

Товариш Вознесенский дедиким: “биз ҳам Шарқ халқини шул тариқа мазлумларини билганимиз жиҳатидан оларга ёрдамчи бўлажакмиз. Хусусан инқилоб ясаб, хонлар зулмидин озод бўлган Хоразм жумҳуриятига ёрдам қилмоқни ўзига фарз деб билурмиз”.

Жавобида биз дедук: “Сиз бизнинг улуғ биродаримиз манзаласида(даражасида-У. Б.) бўлганингиз сўнг, албатта кичик биродарингизга ёрдам беришингиз лозим бўлса керак”.

Ул айтди: “ балки бизлар Хоразмга она ўз боласига қарагандай муҳаббат бирлан қараймиз”.

Ман айтдим: “бизларга биринчи даражали муҳим ёрдам аскарларимизни тезлик бирлан ташкил қилмоқким, мунинг инқилоб учун ҳам фойдаси кўп бўлур. Чунки Хоразм Шарқнинг ўрта ерида бўлганлигидин Бухоро, Афғонистон ҳатто Ҳиндистон инқилобларига таъсири бўлажак. Иккиланчи, маориф ишларимиз учун ҳам ёрдам керакким, бурунги хонларимиз илм ва ҳунарни мамлакатимизда шойиъ қилмоққа сайъи этмаганлар. Аксарлари ўз нафсини ва роҳатини излаганлар. Бинобарин биз халқдин дин илмидин ўзга илм-ҳунар йўқ каби, оздур”.

Товариш Вознесенский дедиким: “Бизлар бу хусусда ҳам ёрдам етказурмиз. Хоразмга юборажак ҳайъатларимиз матбаа ва ҳунар китоблари олиб борурлар. Шунинг бирлан халқ тезликда ҳар ишнинг ҳақиқатини билажак”, деди.

Ва яна бир тариқа муҳим, даркор сўзларни сўйлашгандин сўнг жавоб олиб ўз жойларимизга қайтуб кетдук. Моҳи зулқаъданинг биринчи жума куни хабар келдиким, “эртанг соат уч яримда хорижия комиссари товариш Чичерин бирлан мулоқат қилишурсизлар”, деб. Сўнгра товариш куни Бройдо келиб замон онинг бирлан суҳбат қилишгандин сўнгра ул дедиким: “ ман ҳозир хорижия комиссарига бориб эртанг бўлажак мажлис ҳақинда музокара қилиб қўярман”, деб кетди. Сўнгра шанба куни хорижия маҳкамасидин маъмурлар келиб бизнинг домла Ўроз, мулла Нурмуҳаммад, ва Оннахон, Муҳаммад Ёқуб охун, Муҳаммад Раҳимбой, Иброҳим Бурнашевларни автомобилга миндириб Чичериннинг жойига олиб бордиларким, ғоятда улуғ ва ҳар тарафида анвойи суратлар ва ҳар турлук нақшлар бирлан зийнатланиб, оқ мрамардин бино этилган иморат эркан. Дарвозасидин кириб биринчи зинага қадам қўйган вақтимизда хорижия

комиссариятидаги шарқ шўъба мудирлари товариш Вознесенский табассум бирлан истиқбол қилиб, кўрушуб, йўл бошлаб, бир неча жойлардин ўтуб ғоятда улуғ ва ҳайбатли бир саройга кирдук. Товариш Чичериннинг ноиблари товариш Карахан ва товариш Бройдо ва яна улуғлардин товариш Илья ҳаммалари бирлан кўришуб, таржимонимиз биродар Бурнашев оларни бизларга, бизларни оларга таъриф қилиб тоништирди. Ва таъриф қилди. Сўнгра товариш Чичерин шул оёқ устинда турган ҳолда сўзга бошлаб дедиким: "биринчи даражадаги дўстимиз Хоразм мамлакатининг биринчи вакиллари саломатлик бирлан кўрганимга ниҳоят даражада хурсанд бўлуб, сиз ҳурматли биродарларни кўрмак давлатига муяссар бўлганим жиҳатидан ўзимни бағоят бахтиёр санайтурман. Хоразмнинг ушбу инқилоби бизлар учун ғоятда қадрли ва муҳимдир. Чунки ул Шарқда бошланган биринчи инқилобдир. Ул инқилобдин Хоразмнинг тараққий ва саодати учун кўп фойдалар тегса керак. Шул жиҳатдин ман Хоразмни ва унинг халқини табрик қилурман", деди.

Фақир жавобида дедиким: " сиз ҳурматлининг биз каминаларга бул тариқа илтифотларингиз учун кўп ташаккур қилурмиз ва доғи Хоразм камбағал халқларининг чин кўнгилдин айтиб юборган саломларини сизга етурурмиз. ва яна бизларнинг бурунги инқилобимизда Николайнинг Хивага юборган генераллари Исфандиёрхонга тарафдорлик қилиб, бизларни ясаган инқилобимизни бузган эрдилар. Аммо бу мартабадаги важидин золимларни бутун томиридин кўпориб вилоятимизда жумҳурият эълон қилиб, ҳуррият давлатига етишдук. Бинобарин, халқимиз биринчи қурултойида бизларни қизил аскарга ташаккур қилмоқ учун вакил қилиб юбордилар. Шул сабабдин бизлар қилган ёрдамлари жиҳатдин Русия қизил аскарларга миннатдорлигимизни изҳор қилиб, Русия шўролар жумҳуриятини ушбу тутган маслаки бирла табрик қилурмиз", дедук.

Сўнгра товариш Чичерин кўп вақт оёқ устинда туриб чарчагансиз, ўлтуринг деб таклиф қилгани жиҳатидин ҳаммаларимиз кириб курсида ўлтурдик. Сўнгра товариш Чичерин йўлнинг ҳорғинчилиги ва ташвишларидин сўради.

Дедикким: “алҳамдуллилоҳ Русия шўролар ҳукуматининг ёрдами билан то Москвага келгунча ҳеч бир вақтин ташвиш етишмади. Кўп фориғбонлик (хотиржамлик-У. Б.) билан келдук. Андоқ йўлнинг ҳорғинчилиги бўлса ҳам дўстларни саломат кўргандин сўнг хушвақтлиги билан хотирадин чиқиб кетди”.

Сўнгра дедиким: “Москваинг ажойиботи кўп турур. Албатта, уларни кўрмак орзуйинг бор”, деди. Ман дедимким: “рост фаҳм қилурсиз, орзуйимиз кўпдир ва лекин танҳо томошо учун ҳам эрмас, балки кўрган нарсаларимиздин ибрат олиб, даркор ва лозимлари бўлса вилоятимизда ижод этмоқ учун кўрмакни истармиз”, дедук.

Сўнгра мушфиқона(меҳрибонлик, марҳамат билан-У. Б.) дедиким: “Сизни бу мартабайи тассали бериб чақирганимиз зарурий ишлар музокараси учун эрмас, балки ҳарчанд фурсатимиз бўлмаса ҳам Сизнинг билан кўришуб ва тонишиб, дўстлик муҳаббати ила бироз сўйлашмоқ учун чақирган эрдук. Бинобарин, яна бир саройда омода қилинган жой зиёфатга бориб чой ичайлик”, деб товариш Чичерин ўрнидан туриб бошлаб ҳаммаларимизни жой тайёр қилинган саройга бориб зиёфатда ўлтурдук. Сўнгра товариш Чичерин яна сўз бошлаб Москвадаги истиқоматларимизни тариқаларини ва ҳеч бир нимарсага эҳтиёжимиз бори-йўқини, кўнгилларимизни қисилган ёки хушми эрканини сўраб қофи ва шофи жавоблар эшитгандин сўнг товариш Карахан “Хоразмдаги инқилоб душманлари бутунлай йўқ бўлдими ёки ҳануз ҳам бор турурми”, деб сўради.

Биз жавобда хон Жунайиднинг аҳволатини баён қилиб, “бизлар кетганда Хиванинг жанубидаги қумда қочиб юрган эрди. Бизлар кетгандин сўнг келиб, Хива аскарлари билан урушиб, ўғли ва ўзи жароҳатли бўлиб қочибди, деб эшитдук. Ҳақиқат ҳолини билаолмадук”, деб жавоб бердим.

Сўнгра Бухоро бирлан инқилобдан бурунги ва ҳозирдаги муносабатларимизни сўради. Жавобида:” инқилобдан аввал муносабатимиз кўп дўстона эрди. Инқилобдин сўнг ҳеч муносабат қолмади. Ҳозир бир-биримизга душман назари бирлан қарашиб ўлтурмиз”, дедим. Яна сўрадиларким, ”Хивадаги бўлган аскарлар халққа динлари важидин ва ё бошқа важди ташвиш ва озор еткурурларми?”.

Жавобида дедим: “Русия аскарлари Скалов ва Шайдаковлар бирлан тозо ўтган вақтларида халққа ташвиш ва озор бердилар. Аммо товариш Бройдо бориб кетгандин сўнг ул ташвишлар йўқ бўлиб, ҳозирда кўп фароғатлик турур”, дедим.

Сўнгра мулла Ўроз бирлан мулла Нурмуҳаммаддин сўрадиким, “ўзбеклар бирлан туркманлар орасинда адолат ва ихтилоф борми?”.

Олар жавоб бердилар”, ҳозир ҳеч ихтилоф йўқ турур. Ҳамма Амударёдин сув ичган халқ бир отанинг боласидек бўлиб ўлтурубмиз”, дедилар.

Андин сўнгра сўрадиким:”инқилобдин олдин ихтилоф борми эрдимиу?”, жавобида “бор эрди”, дедилар. ”Қондорлик, бир-бирларини ўлдурмоқ ва молини ўғирламоқ кўп бўлур эрди” дедилар. Шу вақтда ул мажлисдин бир-икки кун бурун товариш Искандар (Александр) Самойлович мустаҳқад (илтимос қилиб сўраган-У. Б.) бўлгани важидин фақирни пароходда, оташ аравада машқ қилган бир ғазалини ёздириб олиб кетган эрди. Шеър бул турур:

Рўзи шаб андар пароход сайри дарё мекунам,
Қудрати бори тоолоро томоша мекунам,
Мавотан гаштам ва сод ҳасрат зо орушти жуда,
Ва наеданам бидомон чикас мекунам.
То бамузлумон хоразмий шавам роҳат расон,
Чун алиф қомат дариж афкори дута мекунам,
Халқи оламро мусовот оз зобони соз одил,
Го дар Тошканд ва го Маскав иншо мекунам.

Ушбу шеърни товариш Искандар (Александр Самойлович) жиздани(чўнтаги-У. Б.)дин чиқариб, товариш

Элиавага оҳисталик бирлан: билмадим қайси тариқада баён қилиб ўлтирганига товариш Чичеринни назари тушиб, сўрашиб, бизнинг шеъримиз эрканини билгандин сўнг ўқиб беришимизни ва товариш Искандарнинг таржима қилғонини илтифот қилди. Товариш Чичерин ниҳоят хурсандлик изҳор этиб, дедиким: “ушбу шеърда ҳам Шарқнинг руҳи ҳам ҳозирги мувофиқ маънолари бор эркан. Бизлар Хоразмда сизлардек яхши кишилар борлигидан беҳабар эрдик. Алҳамдуллилоҳ, сизнинг шарофатингиз ва ғайратингиз орқали Хоразм халқи тез мақсудларига етса керак”, деди.

Жавобида ман: “илтифотингизга кўп ташаккурлар қилурман. Албатта сиз ҳам бизларни ишларимизни мумкин қадар тез биткариб, бизларни тез юртимизга қайтарсангиз иншоллоҳ тез мақсудига етарлар”, дедук. Жавобида кулиб, “албатта шундоқ бўлур, иншоллоҳ яна тезлик бирлан йўлиқишурмиз”, деганларидин сўнг қайтмоққа рухсат сўрадик. Ҳаммалари бизни узатиб, то дарвозагача чиқиб, автомобилга миндириб қолдилар. Якшанба куни товариш Искандар Самойлович бирлан хотини мадам Раиса ва ўғли, ва Туркия тарафларидин Измирли Назми Содиқбек ва отаули, доктор Фуводбек ва яна бир турк аскар келиб, то кечгача олар бирлан суҳбат қилишуб узотдиққким, ғоятда фозил ва ҳузурдоқлик йигитлар эрканлар. Ҳаммалари ҳар турлук фаранг ва лисонларга ошно ва доно бўлиб, оламнинг ҳозирдаги анвойи сиёсатидин хабардор эрканлар. Назми Содиқбек ўтган муҳорабада Николай аскарларига асир бўлиб, Сибиря тарафларига юборилган эркан. Ҳозир юртларига қайтмоқ мақсади бирлан у тарафдаги асир биродари бул кишини вакил қилиб Москвага юборган эрканлар. Аммо доктор Фуводбек Бокудин турк вакили бўлиб келган эркан. Суҳбат сартопо, самиймона муҳаббатлар била итмомиға етиб, аскар таълими учун Хоразмга бир неча яхши забут юбормақчи бўлганларидин сўнг видолашиб торқошдук.

Душанба куни товариш Искандар (Самойлович) келиб дедиким: “товариш Бройдодин эшитдим, айтган сўзларингиз

хоҳлагандек бўлиб битар эрмиш. Съезд ўтмоққа мавқуб бўлиб тургандир”, деб башорат бериб кетди.

Мазкур куни товариш Кельбер раҳбар бўлиб музейхона саройига олиб бориб, ул куни бир қисмини сайр сўнгги куни тақвирот (мақсадни оғзаки англлатмоқ-У. Б.) қисмини қилиб, кечда чоршанба оқшоми театр томошасига бориб қайтдук. Чоршанба куни улуғ музейхонага товариш Искандар (Самойлович) йўлдош бориб, улар суратларини томоша қилиб, итмомига етказаолмай қайтдук. Мазкур кунда Бухоро амири вакилларининг келганларини эшитдиким, исмлари бу турур: Биринчи-Мирзо Маъди Хўжа додхоҳботи; иккинчи-Наврўзбий-саркарда; учунчи-Хўжа Мирзо тўқсабо; бешинчи Жўрабек Хўжа тўқсабо; олтинчи-Ҳабиббуло Хўжа мирохўр. Пайшанба куни товариш Кельбер келиб автомобил бирлан театр томошасига олиб борди. Театрда товариш Бройдо бирлан йўлиқиб, ул дедиким: байналминал съездда Сизларнинг ўрнингизни Бухоро амирининг вакиллари бирлан бир ерда қилмоқчи эрдилар. Маслаҳат била Хоразм шўролар ҳукумати жумҳурият бўлиб бизга дўст ва давлатҳо бўлгани важидин онинг вакилларини ажнабийлар қаторида авло турур, деб қарор қилдилар”, деди. Ман ташаккур қилдим. Сўнгра товариш Кельбер дедиким:”товариш Вознесенский Петроградга борганда ондаги ишчилар вакиллари кўрмакни орзу қилиб Вознесенскийдин илтимос қилибдурлар. Ул киши ҳам Сизларни тарғиб қилиб Петроградга юбормоқни ваъда қилибдур. Аммо ихтиёр сизларнинг ўзларингизда турур. Аммо борганингиз яхши бўлур”, деди. Жавобида айтдим: “бизларнинг кўз тикканимиз ишларимизни битмаки турур. Ҳозир битган ишимиз бўлмагани жиҳатидин кўнглимиз кўп хижолатда турур. Агар ишларимиз битса ё битмаги тайинланса, ондин сўнг сайил қилсак лойиқ бўлур”, дедук.

Ва дағи Татаристон жумҳурияти раиси биродар Саидалиев яна бир маъмури бирлан келиб кўп вақт ўлтуриб таом еб, Хоразмга мактаб китоблари ва муаллим ва офицерлар юбориб ёрдам қилмоқни ваъда қилиб кетди.

Мазкур кунда газета мухбири келиб Хоразм ахборотларини сўраб ёзиб кетди. Ва яна турк зобити Назми Содиқбек ва турк вакили аъзоларидан Иброҳим афандилар келиб турк ҳайъати раиси ва тозо туркхукуматининг хорижия нозири Жамол пошшонинг Хоразм вакилларини кўрмак орзуси борлигини айтиб, бизлар ҳам келсалар кўп яхши мамнун бўлур эрдук, деб жавоб айтганимиздан сўнг қайтиб кетдилар.

Моҳи зулқаъданинг саккизида жума куни бизларни сайил учун Петроградга бормоқимиз хорижия комиссари ёнида тайинланган хабарни эшитдук. Мазкур кунда Хоразм учун ёрдам сўраган докладларимизни товариш Искандар (Самойлович) бирлан хорижия комиссарига топширдик. Ва доғи алҳамдуллоҳ Россия шўролар ҳукуматининг ҳар куни бир даража зиёда бўлиб ўтган сешанба куни хабар келдимким, ” шул кундин эътиборан Хоразм ҳайъатининг ҳар нима харжи бўлса Русия шўролар ҳукумати ҳисобига берилур”, дедилар. Ва доғи дедиларким, “44 йил умрингиз Хоразмда ўтган эркан, бир йил умрингизни Москвада дўстлар бирлан ўтказмайсизми? Шунинг учун ул қадар қистонманг. Иншоллоҳ ҳамма ишларингиз тезлик била кўнглингиздагидек битиб юртингизга соғ-саломат борурсиз” деб дилдорлик қилдилар.

Сешанба куни пешиндин бурунроқ биз ва мулла Муҳаммад Ёқуб, Мулла Ўроз, Мулла Нурмуҳаммад, Оннахон ва Бурнашев, товариш Кельбер, товариш Крашиловга автомобил келиб, Петроградга сайил этмоқ учун вокзалга бориб, соат 9 да Тошкандин миниб келган ўз вагонимизда йўлга равона бўлдук. Маскавдин Петроградгача 611 чақирим эркан. Петроградга телеграмм юбордук. Москвадин чиқиб Кериков, андин Келин деган станцияга бориб, андин аксар станцияларда ҳеч тўхтамай, баъзиларида 2-3 минут тўхтаб, кечаси бирлан юриб, якшанба куни Петроградга доҳил бўлдук. Вокзалда тўхтаган вақтимизда Русия хорижия комиссарининг Петрограддаги вакили келиб кўрушуб, биз ва Мулла Ўроз, Мулла Нурмуҳаммад, Оннахон ва Бурнашевларни автомобилга миндириб ажнабий мамлакат ҳукуматларидан

келган меҳмонлар турмоқ учун омода қилинган “Байналминал” (Интернационал) отли бир олий иморатга тушируб аввал тамохонага бориб таом еб, чой ичкандин сўнг бизлар учун тайин этилган жойга олиб бориб, ҳар кишига ҳамма асбоблар омода бир уй бердилар.

Ушбу Петроград шаҳри тозо иморатли бўлиб, кўчалари Маскав кўчаларидек эгри бўлмай ниҳоят сузу-сойи тўғри эркан. Бизлар тушган кўчани олтин ва бриллиантлар бирлан назим бўлган рус ибодатхонасига нисбат бериб Искаовский площад деб атар эрканлар. Андоқ истироҳат қилгандин сўнг Нева дарёсидин ўтиб мусулмонларнинг масжидига бордук. Самирулла Ахтанов шул масжидга муаззин эркан. Машҳур Мусабеков имом бўлиб, ул ҳозир Петроградда йўқ эркан. Муаззин афанди бирлан масжиднинг ҳамма ерларини томошо қилдикким, биноти мармар тошдин бўлиб дарвозаси олдидаги ровоқ ва пештоқи ва икки минорасининг муазанасидин-юқориси ва улуғ гумбази қадимий ислом иморатлари тарзида кўк ранг бирлан нақш этилиб, пиширилган ғиштдин ясалгандир. Масжиднинг иморати икки қабаот бўлуб, юқори қаботида хотинлар намоз ўймоғи учун алоҳида жой тайин қилинган эркан. Муаззинга жомъе шарифнинг ичинда бир аёти калима ўқитиб дуо қилгандин сўнг чиқиб, автомобилга миниб императорлар замонидаги генераллардин бирисининг жойига бордикким, Петрограднинг биринчи покиза жойларидин бўлуб, ҳозирда халқнинг ожиз ва бечораларини истиқомат қилмоқлари учун тайин этилган эркан. Бизлар борганимизда хуррият шеърлари ўқиб бизларни истиқбол этиб, борганимизга ташаккур қилдилар. Ҳамма жойларни сайл этиб, қилган зиёфатлари изҳори қилиб, видолашиб, бўлгандин сўнг қайтганимизда яна ҳаммалари узотиб жойларнинг олдида чиқиб хуррият шеърларини ўқиб турдилар. Бизлар ҳам хурсандлик изҳори қилиб, видолашиб, Нева дарёси ёқасидин юриб императорлар ва улуғ бойларнинг махсус сайргоҳ тўқойлари ичиндан ўтиб, Болтиқ денгизи канорига чиқиб, пароходларни тамошо қилиб, бир замон истироҳатдин сўнг

қайтиб жойларимизга келиб, таом еб, қайтадин театрға кетдук. Йўлда ниҳоятсиз ёмғир ёғди. Ва лекин бурундин сув йўллари омода ҳам кўчалари тош ва тахта бирлан париш этилгани жиҳатидан ҳеч ерда бир қатра сув қолмай, бемалол театрға бориб, томошо тамом бўлгандин сўнг кун ботган вақтда жойимизга қайтиб келдук. Душанба куни Петроград хорижия вакили товариш Ерошин ва Михайловлар бирлан музейхоналарни сайр қилмоқчи бўлуб, автомобил бирлан бориб бир улуғ музейхонага бориб томошо қилдук. Қумирсқадин бошлаб, то фил ва карк деган махлуқларгача, дунёда нима махлуқ бўлса мажмуи анда турур. Ҳатто Нух алайҳиссалом тўфонидан сўнг насли минқарз (инқироз) бўлиб, ҳеч бир китобларда номи эшитилмаган баъзи улуғ махлуқларнинг жасадлари ер остидан топилиб, мазкур музейхонада қўйилган эрканким, қозоқ жамоасининг қора уйдан ҳам улуғроқ турур. Ва доғи ҳозирги замондаги ўтпараст халқларнинг кўп турли бутлари бордирким, анвойи суратда турурлар. Андин чиқиб, бир темир заводига бордикким, Николай замонида онда 14 минг киши ишлар эркан. Ҳозир 4 минг киши хизмат қилур эрмиш. Бу заводнинг шўъбалари кўп бўлганлиги важидин ҳаммасини сайр қилмоққа вақтимиз мусаида қилмай, маҳариба асбоби ясайдиган жойларни сайр қилиб, баъзилари ҳар дақиқада 40 маротаба отилур. Бир улуғ тўплар кўрдук. Узуни 28 арчин келиб, ўқининг оғирлиги 32 пуд келур. Отганда 25 чақирим ерга борур эркан. Тўпнинг ўзининг оғирлиги беш пуд келур эркан.

Сўнгра кўп хориган жиҳатдин жойимизга қайтиб келиб, таом еб сешанба кунида бўлажак улуғ съездга етишмак учун тўхтовсиз қайтсинлар деб бизларга Москвадаги хорижия комиссаридан телеграмм келгани сабабдин дарҳол мазкур кунда вокзалга келиб, тайёр турган вагонларимизга миниб Москвага равона бўлдук. Москвага келиб тўғри бурунги подшоларнинг Кремль отлиқ арklarининг олдида барпо қилинган улуғ мажлисига келиб бизлар учун тайинланган ўринда ўлтурдик.

Расмий кеча ижро қилиниб беш ярим соатгача олдимиздан аскарлар ва ҳар турли маҳораба асбоблари ва сайр халқлар алам ва турлари бирла ўтиб улуғларга таъзим қилув эрдилар. Мажлис тамом бўлгандин сўнг товариш Бройдо бирлан жойларимизга бориб, таом еб, истироҳат қилиб тарқашдик. Зулқаъданинг ўнланчисида чоршанба куни автомобил билан ҳукумат жойидин бизлар учун тайинланган товариш Кельберни йўлбошчи қилиб томошага кетдик. Бир олий жойга бориб, Германия вакиллари ёнидаги бир хонага ўлтириб томошага машғул бўлдикким, тозодин аксариси икки ойликда олинган эркак ва қиз аскарлар мунтазам тартиб била кўп турлик хунарлар кўрсатдиларки, оларни бир-бир таҳрир қилмоққа рисола қанчайиш бермайди. Мазкур томоша тамом бўлгандан сўнг қайтиб келиб, кун ботган вақтларида съезднинг умумий зиёфатига бордикким, бир улуғ жойнинг ичинда тахминан икки мингга қадар эркак ва хотинлар жам бўлиб, кўп мамлакатнинг вакиллари бор эркан. Ҳатто муҳит денгизи ичидаги Жову деган мусулмон мамлакати элчилари ҳам бор экан. Бу мажлисда турк вакили Фуводбек ва америка сайёҳи ва товариш Искандар (Самойлович) ва товариш Бройдо ва яна икки озод турк вакиллари бирлан ҳамсуҳбат бўлдук. Кўп турлук таомлар чекилиб, эркак ва қизлар рақс қилиб, ўйнаб ва соз чалиниб, тонг отмоққа яқин вақтларда мажлис тамом бўлгандин сўнг ҳаммамиз қайтиб жойларимизга келдук. Ушбу мажлисда товариш Бройдо дедиким: “эртанг сиз хорижия комиссарининг ноибиди товариш Қараханга борурсиз. Онда сизларнинг ишларингиз учун маслаҳат мажлиси ясаб, мажлиснинг раёсатини ўзим қилурман”, деди. Пайшанба куни товариш Қарахоннинг зарурий ишлари бўлиб, бул мажлис бўлмай қолди. Ва доғи чоршанба куни Искандар турк ҳайъатлари бирлан кўшулуб Туркияга кетурман, деб бизлардин рухсат олди. Ва яна пайшанба куни товариш Крашилов “овулимга бориб ота-онамни кўриб тез келурман” дея кетди. Жума куни хорижия комиссариятидан фойтун келиб биз, Мулла Ўроз, Мулла Нурмуҳаммад, Бурнашевлар

бирлан Шарқ шўъба мудирини товариш Вознесенскийнинг ўрнига тозо тайинланган товариш Янсиннинг маҳкамасига бориб кўрушуб тозо мансабни муборакбод қилгандин сўнг, ул бориб товариш Қарахан бирлан йўлиқиб жавоб олиб келгандин сўнг, бирга Қараханнинг маҳкамасига бориб кўрушуб ўлтурдик.

-Бизлар Сизларни юртарингизга тез қайтмоқни орзу қилганингизни билиб, Сизларни берган илтимосларингизни қараб, бул тўғрида бир комиссия ясамоққа қарор қилдук. Онинг аъзолари Сизлар ва товариш Бройдо ва товариш Янсин ва ҳарбий комиссариятдин бир киши ҳамда Сизларни ишларингизга таауллуқли комиссариятдин ҳам аъзолар бўлурлар. Лозим бўлса бизлар ҳам борурмиз, шул комиссияда. Ҳамма ишларингиз қаралиб, битиб тез қайтарсизлар, -деди.

Жавобида дедук: -Бизлар юртимиздан бул тарафга кетган вақтда хон Жунайиднинг писқи-пасоди бир тараф бўлгани йўқ эрди. Юртимиздин то шу кунгача ҳеч хабар ва телеграмм олабилмадик. Шул жиҳатдин қистанганимиз рост турур, - дедук.

Сўнгра хорижия комиссариятига уч-тўрт кун бурун Хоразм учун ҳар турли нимарсалар сўраб берган илтимосномамизни қўлига олиб, дедиким:

-Бул хатда сўралган нимарсаларингиз албатта берилур, деб умид қилурман. Ва сўралган ҳарбий мутахассислар ва табиблар ўзларингиз бирлан кетса ҳам мумкиндир. Ва лекин товариш Бройдонинг кетмагини билолмадим. Анинг ихтиёри манда эрмас. Ҳукуматга айтурман, агар юборса кўп яхши бўлур, -деди.

Шу вақтда мажлисга товариш Бройдо ҳам келиб ўлтурди. Жавобида дедиким:-товариш Бройдонинг Хоразмга бормоғи танҳо Хоразм халқининг манфаати учун ҳам эрмасдур. Балки Русия шўролар ҳукуматига ҳам манфаати бор турур. Чунки бурунги мартабада товариш Бройдо Хивага боргандин аввали бизнинг халқимиз шўролар ҳукуматининг қайси маслакда эрканидин огоҳ эрмас эрдилар. Балки Қизил

аскарларнинг Хивага кирганини бир зўрлик деб фаҳм қилур эрдилар. Бройдо боргандин сўнг шўролар ҳукумати ишчилар ва фуқаролар тарафдори эрканини ва ҳеч халқнинг мамлакати ва динига тажовуз қилмаяжagini билиб, халқимиз Русия шўролар ҳукуматига меҳр ва муҳаббат қила бошладилар. Ва лекин товариш Бройдо Хивада оз вақт тўхтаб бошлаган ишларини ҳаммасини нотаом ҳолда қолдирди. Яна бир оз вақт суҳбат қилиб зарурий сўзларимизни айтгандин сўнг комиссия қилмоққа қарор беришиб, жавоб олиб жойларимизга қайтдук.

Шанба куни уйқудин турсак бизларни сайр қилдирмоқ учун Николайдин қолган икки файтун келган эркан. Дарҳол оларни миниб, тирик ҳайвонот боғига бориб, пашшадин то филгача, жаҳонда неча минг турлик ҳайвонот бўлса, ҳаммасини кўриб бўлгандин сўнг, ажойиботхона мудирини ўлик ҳайвонот жасадларини ҳам кўрмакимизни илтимос қилиб, файтун бирлан онга бориб, сайри-томоша қилганимиздан сўнг, қайтиб жойларимизга келдук. Ушбу ҳайвонот боғларидаги кўрган кўп ажойиботларимиз озгинаси шулдирким, бир кичик оқ ранг товус кўрдук. Қуйруғининг узунлиги беш аршин келади. Яна кичикроқ итдек махлуқ кўрдикким, киндикининг тўшигини мушт сиғгудек миқдор улуғ бўлиб, қорни ичида бир халтадек холи жой бор турур. Музейхона мудирини дедиким, “бу махлуқнинг баччаси таваллуд қилгандин сўнг қирқ ҳафта ўтгунча ҳоҳлаган вақтда онасининг киндикин тўшигидан мазкур жойга кириб, яна ҳоҳлаган вақтда чиқар”, деди.

Мазкур махлуқнинг баъзиларининг боши онасининг киндикини тўшигидан чиқиб турганларини кўрдук. Яна баъзи қушларни кўрдукким, ҳар бири бир қарич келгудек икки жундики бордир. Ва баъзи илонлар кўрдук, тўрт оёғи бордур. Баъзи илонлар кўрдук болардин ҳам йўғонроқ бўлиб, 8-9 аршин қадар узундир. Яна мудир бир кичик махлуқни кўрсатиб айтди: бул махлуқ инсонни кўрса, ғоятда сассиқ сийдигини сочиб юборадур, агар либосга тегса, бир йилгача бадбўйлиги кетмайдур. Агар баданга тегса, дарҳол ул кишини

ақлидин бегона этиб, мажнун қиладур. Ва доғи штраус деган қушни кўрдук. Маймунларнинг анвойи 100 турлукдин ҳам зиёд экан. Шернинг 10 навидин зиёдроғини кўрдук. Сўнгра қиём вақтидин сўнг, маъсул комиссияни барпо қилмоқ учун хабар келиб, бизлар ҳам товариш Кельбер бирлан хорижий комиссариятнинг хусусий меҳмонхона жойига бордук. Янсинлар бизларга мунтазир бўлиб ўлтургон эрканлар. Бориб ўлтиргандин сўнг товариш Бройдо сўз бошлаб дедиким:

-Ушбу мажлиснинг аъзолари Сиз уч вакил ва бизлардин манинг бирлан товариш Янсин дахил бўлиб мажмуа аъзолар беш киши бўлурмиз. Товариш Искандар (Самойлович) саркотиб, ва Кельбер унга муовин ва Бурнашев мутаржим бўлур. Энди маслаҳат бирла орамиздан биримизни раис қилмоқ керак. Аммо манинг фикримча бу мажлис дўстона бир мажлис бўлгандин сўнг раиснинг қайсиларимиздин бўлганини эътибори йўқ турур, -деди.

Шул вақтда бизларга қараб дедиким:-Балким раис ўзларингиз бўлмоқни истарсиз. Агар ондоқ бўлса раис сизлардин бўлсин.

Жавобида дедиким: -Товариш Бройдо то шу кунгача Хоразмнинг ҳар бир ишларида бизларга яхши йўлбошчилик қилиб келди. Мажлисда ҳам яна ўзи йўлбошчи ва раис бўлса албатта Хоразмнинг хайрият ва манфаатига иш қилурмиз, - дедук.

Шунинг бирлан товариш Бройдонинг раислиги муқаррар бўлиб, онинг Хоразм ишлари ҳақинда ясаган тартибномалари ўқилиб ишга бошланди. Бул тариқадаким мукаддаий дунёда кичик ва ожиз халқларнинг ҳаммасини ўзларининг манфаати учун зулм остида эзиб келган жаҳонгирлар маслаки бирлан муқобила ва кураш қилмоқ мақсудларини ўзларига раҳбар тутиб, ижтимоий шўролар жумҳурияти бирлан Хоразм халқ шўролар жумҳуриятини ўз ихтиёри бирлан иттифоқнинг таъсиси учун акт иттифоқ қилмоқ ва онинг учун музокара айламакка қарор бериб, ушбу ишга ўз вакилларини тайин қилдилар.

Русия шўролар жумхурияти тарафидин Григорий Исакович Бройдо ва Янсин Якоб, Хоразм Халқ Шўролар Жумхурияти тарафидин Бобоохун Муҳаммад Салимўғли, Мулла Ўроз хўжа Муҳаммадўғли, Мулла Нурмуҳаммад Бобо ўғли-булар ўзларининг ваколатномаларини бир-бирларига кўрсатиб, мувофиқ топган ҳолларда тубанда ёзилган моддаларни муқаррар қилиб онга рози бўдилар:

Бирланчи модда: Собиқ Хива хонлиги ва онинг ишчи халқларидин ҳамиша зулм била истифода этиб ўтган Русия чор ҳукуматининг мустамлака сиёсатидин ҳозирги Русия шўролар ҳукумати бутунлай кечганлигига биноан, Хоразм халқ шўролар жумхуриятининг бундан сўнг даҳилан ва хорижан мустақил ва айрим мамлакат эрканини қаътиян тасдиқ этиб, онинг истиқлолини қабул қилиб, Россия ишчиларининг бу мужавалаларидин мақсадлари бўлган шиорларини вужудга келтирмоқ учун Русия ҳукумати тарафидин Хива хонлигида муқаррар қилинган жами ҳуқуқларидан бутунлай кечадур. Хива хонлигидаги меҳнаткаш халқлар ва ослан айрилмоқ тилаганларини эътиборга олиб, Хоразм қурултойи иттифоқ бирлан Хива хонлиги деган исмни ташлаб, мамлакатларга Хоразм халқ шўролар жумхурияти деб ном қўйганларини Русия шўролар жумхурияти ҳам назар эътиборига олиб, мундин сўнг Хива хонлигига Хоразм халқ шўролар жумхурияти деб ном қўймоқни ўзига лозим кўрадур.

Иккиланчи модданинг мазмунига мувофиқ Русия шўролар жумхурияти бурунги Русия ҳукумати, оларнинг ташкилотлари бирлан Хива хонлиги ҳукумати орасида акт қилинган ҳар турлук маҳайданома ва иттифоқномаларни бутунлай маҳв, беътибор бўлди, деб санайдур.

Учланчи модда. Ҳар турлик ерлар, сувлар ва шаҳар ерлари, бинолар, заводлар, фабрикалар ва ҳам Хоразм халқ шўролар жумхуриятининг ичинда бўлган телеграф муассаларидек ҳа мулк ҳуқуқи, ҳа истифода ва ижара ҳақи била Русия ҳукумати ва онинг ташкилотларининг тасарруфида бўладиган жами амвал ғайри мулкларини Русия

шўролар жумҳурияти Хоразм халқ шўролар жумҳуриятига топширади.

Тўртланчи модда. Хива хонлиги ва унинг халқи тарафидин хусусий Русия тобеларига ва ширкат муассасаларига бериладиган ер ва сув халқлари тўғрисида қилинган ҳар турлук ер хатлари ва маохида ва шартномаларини Русия шўролари жумҳурияти маҳв бўлди, деб санайди.

Бешланчи модда. Русиянинг ҳар бир тобелари ва ёки ширкатларининг тасарруфида бўлатурган банка, фабрика ва тижоратхоналаридек дасмояли муассасалар ва бу муассасаларнинг тасарруфида бўладиган хоналар, ерлар ва асбоблардек амволларни Русия шўролар жумҳурияти Хоразм халқ шўролар жумҳуриятининг мулки деб санайди.

Олтиланчи модда. Ариқлар ва пасту-баландлар каби сув йўли муассасаларини тозодин ясамоқ ёки бошқа бир ўриндин қилмоқ, агар ҳукуматнинг бириси тарафиндаги сув йўллариининг бичими ва ё сув йўли лойиҳаларининг тадбирига боғли бўлса икки тарафдин баробар ташкил этилган мухталиф мироб ҳайъати восита бирлан ижро қилинадур. Башартики икки тарафнинг фойдаси тенг бўлиб, санойи мақсадларига мувофиқ бўлса.

Еттиланчи модда. Йўллар, телеграфлар ва бошқа собит ноқлиялардин истифода шартлари махсус маохида (шартнома) бирлан муқаррар қилинади.

Ушбу маохидалар икки тарафга ҳам фойдали ва зойи мақсадларга мувофиқ асосда бино қилинур.

Саккизиланчи модда. Русия ва Хоразм жумҳуриятлари орасинда давлат ҳудудларини бу кундаги суратда қабул қилинур.

Тўққизиланчи модда. 1872 милодий тарихиндин то шу кунгача Хоразмнинг мулки ижзоларидин Русия мамлакатига қўшилган ерларнинг меҳнаткаш халқларидин ғайри мажбурий суратда сўралмоқ шарти бирлан, агар оларнинг аскарлари қабул қилсалар, ул ерлар ва халқлари Хоразм халқ

шўролар жумхуриятининг ичига кириб бурунгидек Хоразмнинг жузви (маълум бир қисми) бўладурлар.

Ўнланчи модда. Тўққизинчи модда суратга чиққан суратда ушбу маохиза қилгучи икки тараф орасинда давлат ҳудудларини билфеъл чизмоқ ва сарҳад нишонларини бирча қўймоқликни икки тарафдин баробар ташкил этилган муъталиф ижро қилса керак. Ва ушбу ҳайъат бул ҳудудларни жузвият сарҳад нишонларини қўйган вақтда миллий ва иқтисодий аломатларини эътибор қилатурлар. Ҳам бақадр имкон ва табиий ҳудудларни риоя қилурлар. Агар ҳудуд чизиғи ободон эл ва қаъла қишлоқ устидан келса, оларни бўлакламай бутун ҳолда бир давлатни ичига киргизилса керак. Агар ҳудуд кўл ва дарёликдан ўтар бўлса шунинг ўртасидин ўтадур.

Ўн бирланчи модда. Ҳудудда бўлган дарё, ариқ ва кўлларда кемачилик, балиқчилик ва гузармонлик тўғрисида икки тарафнинг ҳуқуқлари тенг ва баробар бўлиб, мазкур ҳуқуқларини икки тарафдин олаий савия ташкил этилган ҳайъат тайин қилади. Ушбу ҳайъат чақириладур икки тарафнинг қайси бириси талаб қилса ҳам.

Ўн иккиланчи модда. Ҳозирги вақтда Русия шўролар жумхурияти ичиндаги ерлар Хоразм шўролар жумхурияти ичига киргандин сўнг аввалда ҳудудда бўлган сув йўллари фақат 9-моддага биноан бир давлат ичинда бўлсалар ҳам ўн биринчи моддага биноан мухталиф ҳайъат тарафидин тузилган асосларга қараб умумий кемачилик ҳуқуқлари икки тараф учун сақланади.

Ўн учланчи модда. Хоразм халқ шўролар жумхуриятининг қонун асосларига биноан Хоразм ва ё Русия ва жаҳон инқилобига вафодорлик изҳор этган кишилар чет мамлакатларга тобе бўлса ҳам оларга сиёсий ҳуқуқ бериладур. Ушбу моддани эътиборга олиб Русия шўролар жумхурияти ҳам Русия мамлакати ичида иш қилиб юрувчи Хоразм тобеларига ҳам сиёсий ҳуқуқ беради. Агар ул кишилар ишчи тоифасининг бир бўлагидин бўлса ёки ўзга кишининг кучи бирлан фойдаланмай турган деҳқон бўлса ва

доғи Хоразм халқ шўролар жумҳурияти ҳам ўз тарафидин Русия тобеларига сиёсий ҳуқуқ бермоқни Русия жумҳурияти тарафидин Хоразм тобелари хусусида бергандек ўзига лозим кўрадур.

Ўн тўртланчи модда. 9-моддага биноан Хоразм халқ шўролар жумҳуриятининг ичига ҳозирги вақтда Хива фуқароси орасида бўлмаган халқлар туратурган ерлар кирган тақдирда шул халқларга Русия шўролар жумҳуриятининг ушоқ ва кичик миллатлар ҳақиндаги қонунини Хоразм халқ шўролар жумҳурияти тарафидин нашр этилур.

Ўн бешланчи модда. Хоразм тобелари Русияда ва Русия тобелари Хоразмда асли мутавафин фуқароли ҳуқуқлари ва маданият ва ҳуррият ҳуқуқлари била баробар фойдаланурлар. Ҳам мазкур икки мамлакатнинг қайси бирини тупроғида истиқомат қилсалар, шул мамлакатнинг буйруқ ва қонунларига итоат қилурлар.

Агар Хоразм фуқароси Русияда ва ё Русия фуқароси Хоразмда вафот қилса онинг қолган моли-мулки маъмурлар тарафидин ул мутавафининг асли мамлакат жойидин ўлтурган вакилига топширилур. Чунким ул моли-мулкнинг иши мазкур мутавафининг жумҳуриятидаги қонунларига мувофиқ ҳал қилинса керак.

Ўн олтиланчи модда. Санойи ва зиройи ва маданий ва ўзга ҳар турлик ташкилотлар тўғрисида ҳақлари Хоразм халқ шўролар жумҳурияти шўро жумҳурияти бўлмаган ҳеч бир ҳукуматга бермас ва бермасликка ваъда қиладур.

Ўн еттиланчи модда. Жаҳон меҳнаткашларининг ғолиб бўлмоқларини назарда тутиб ҳамма шўролар жумҳуриятларининг ўз ароларида ҳамиша маҳкам биродарлик иттифоқи лозим эрканлигини билиб, бу икки муохид давлат ҳам тубанда айтилажак ваъда ва қарорларни қилмоқни лозим топадир.

Бирланчи. Ваъда қилгувчи икки тарафнинг бир-бирига ёки бошқа бир шўролар жумҳуриятига муқобила қилмоқ ва кураш очмоқ мақсадини кўз олдида тутган ҳар бир ҳукумат ва ташкилот ва жамиятларга, ҳам хусусий одамларнинг

жамлашиб иттифоқлашмоқ ва турмоқларига рухсат бермаслар. Ва шунинг учун ўзларининг тупроқларида шундоғ ҳукуматлар ва ташкилотлар ёки жамиятлар тарафидин аскар йиғнамоқ ҳам оларнинг вакиллари ҳам маъмурлари турмоқни ман этадурлар.

Иккиланчи қарор. Шул маохид давлатларга зоҳиран ва ботинан кураш очув фикрида бўлгучиларни оларга қарши истимол қилатурғон ҳар бир нимарсаларни ўз тупроқларининг баъзий ерларида сақламоқ ё мамлакатлар устиндин ўтказмоқларини ман қилурлар.

Учланчи қарор. Бир-бирисига қўлидан келган қадар ёрдам бериб турмоқ ва шунинг баробарида ҳар бир тарафдин истиқлол ва ҳурриятларни сақламоқ учун бир-бирларига аскар ва бошқа қўлидан келган ҳар бир нимарсалар бирлан ёрдам қилурлар.

Ўн саккизланчи модда. 17-чи моддада кўрсатилган вазифага мувофиқ икки жумҳуриятнинг истиқлол ва ҳурриятини муҳофаза қилмоқ мақсадини биткарини ҳосил этгувчи қувватларни ҳозирламоқ учун ва ҳам умумий раҳбарлик ясамоқ учун икки тараф биргалашиб ҳарбий ва сиёсий аҳднома боғлайди.

Ўн тўққизланчи модда. Бугунги Русия ҳукуматлари ва ҳам оларнинг ходимлари бўлган Хива хонлари ҳамиша халқни ўқимоқ ва ёзмоқни ўргатмай ҳам оларнинг жаҳолати бирлан курашиб жоҳил ҳолда қолган халқни маданиятга еткармоқ қўлидан келган меҳнаткашларнинг вазифаси эрканлигини эътироф этиб Русия шўролар ҳукумати Хоразмга муаллимлар ва мутахассислар ва мактаб китоблари ва адабиёт китоблари, матбуа ишлари ташкил қилув бирлан ёрдам этмоқни ўз устига вазифа қилиб оладур.

Йигирманчи модда. Иттифоқ ва биродарлик нияти бирлан Русия шўролар ҳукумати жумҳурияти Хоразм халқ шўролар жумҳуриятига ёрдам ва маовуният тариқасида 500 миллион цент қоғоз оқча берадур.

Йигирма биринчи модда. Ҳар икки тарафнинг тараққий ва маъмуриятини лозим кўрганлик жиҳатидин икки

жумҳуриятнинг эмди қилатурган иқтисодий аҳдномалардаги асосларга мувофиқ Русия шўролар жумҳурияти Хоразм халқ шўролар жумҳуриятига бирланчи усточилик асбоблари ва ҳар турлук ўзга нарсалар ва фабрикалар бермоқ бирлан ёрдам қилади.

Йигирма иккиланчи модда. Хоразмдан чиққан хом моллар бирлан Русиянинг фабрика моларини мобавула қилинур. Ва бу ҳисоб бирлан икки тарафнинг моллари учун ҳам асли тадорлик қилганда сарф этилган қиммати ва баҳосини олиб, зиёда пайдо олмас. Ушбу мобавула икки жумҳуриятнинг ҳукуматлари орасида ҳар бирлари ўз тарафларидин тайин қилинган ташкилотлар восттаси бирлан ижро қилинур. Хусусий касблар ва сатин бирлан бўлмас. Русия ҳукумати Хоразм меҳнаткаш халқларига санойй мактаблар ва раҳбарлар ва кооператив курслар очмоқ бирлан ёрдам қиладур. Русия шўролар жумҳурияти бирлан Хоразм халқ шўролар жумҳурияти бир-бирларига ўз вкилларини юборадурлар.

Йигирма учланчи модда. Ушбу маохиданомани (шартномани) расмий суратда икки жумҳуриятнинг тасдиқ қилмоқлари керак бўлур.

Йигирма тўртланчи модда. Ушбу моахиданома рус ва ўзбек тилларида ёзилган бўлиб, иккиласининг ҳам эътибори тенг бўлур. Ушбу шартноманинг баъзи моддалари ҳақида кўп музокаралар бўлиб, оқибат икки тарафнинг манфаатига мувофиқ, баъзи ислоҳ ва тағйирлар бермак бирлан қабул этилди. Шунинг бирлан шанба куни мажлис тамом бўлди.

Иккиланчи мажлис бўлмоқ кунини муқаррар қилиб тарқашдук. Якшанба куни ҳукуматдин фййтун келиб, тасвиротхонага олиб кетди. Бориб дунёдаги ҳар бир мамлакатларга тауллуқли анвойи суратларни тамоша қилиб, қайтиб келгандин сўнг товариш Бройдонинг ҳам таклиф қилиндик. Ул келиб ўлтурган вақтда Мулла Ўроз ва Мулла Нурмуҳаммадлар бирлан орамизда яхши ихтилоф бўлиб, оқибат товариш Бройдо катхудолик қилиб низони мунтақид қилгандин сўнг қайтадан тўпбозлик ўйинини томошасига

товариш Бройдо бирлан ҳаммамиз бориб намози аср вақтларида қайтиб келдук. Сўнг Искандар (Самойлович) келиб Туркия ҳайъатининг раиси Анатолийнинг хорижия нозири Бекир Самибекнинг бизларни кўрмакликни орзу қилганини айтиб, душанба куни эрта бирлан онга бориб, турк вакилларини зиёрат қилиб, кўп замон суҳбат қилгандин сўнг кетмакка рухсат талаб қилдик.

Жавобида дедиларким, "бизлар бу тарафгача кетган вақтда вилоятимизнинг тўрт тарафидин душман ҳужум қилиб, халқимиз кўп оғир аҳволда қолганлиги жиҳатидин, гарчи ноумидлик мартабасида бўлмасак ҳам кўп ғамгинлик ғалаба қилур эрди. Алҳамдуллилоҳ сиздек қон-қариндошларимизни кўриб ва сизларни мамлакатларингизни мустақил ва имтиёзад отиқаларни ёрду қилганларингизни эшитиб ва Россия ҳукуматининг муҳаббатини кўриб, ул ғамларимиз йўқ бўлди. Агар вақтларингиз мусаида қилса яна бир оз вақт ўлтурсангиз сўйласак деб орзу қиламиз. ва лекин сизлар учун таомларимиз бўлмагани учун кўп шикаста хатир турурмиз. Агар ўз юртимиз бўлса эрди, албатта зиёфатлар қилур эрдик", деб изҳор тассуф қилдилар.

Жавобида фақир дедиким: " агар лутфу карам юзасидан биз фақирларнинг кулбасига ташрифи қадам қилсангиз, боки мусахабатни ул ерда қилсак, кўп хурсанд бўлур эрдик", дедук.

Ҳаммалари хушвақтлик бирлан қабул қилдилар. Бизлар жавоб олиб, аввалроқ келиб оларга фойтун юбориб, мунтазир бўлиб турдик. Меҳмонлар келдилар. Турк хорижия нозири Бакир Самибек афанди мўйсафид киши ёнида беш нафар аъзоларига олий зиёфат қилиб, бир неча тур таомлар чекиб, 3-4 соатлик мусахибадин сўнг, яна тез йўлиқишмоқ учун ваъдаси бирлан видолашиб қайтдилар. Бизлар ҳам меҳмонларни узотгандин сўнг учланчи байналминалнинг иккиланчи улуғ мажлисидин бизларни таклиф этилиб, онга кетдук. Ва лекин мажлисга кирмакимиз сешанба куни фойтун келиб, жами дунё вакиллари бўлган мазкур улуғ мажлисга бориб, Москва йирик қаъласининг олий саройлари

жумласидин саҳна тахминан ярим таноп чиққидек тиллакор бир саройдаким, зийнати кўзни хира қилур.

Аҳли мажлис орасида биз: Мулла Ўроз, Мулла Нурмуҳаммад, Бурнашев ва Кельбер ўлтурдик. кўрдикким, бир вакил минбарда сўзлаб турган эркан. Ондок фурсатдин сўнг йўлда келуримизда йўлиқишуб тонишган Шарқ ҳайъатининг раиси товариш Сафаров келиб, кўришуб ҳол сўрашгандин сўнг дедиким: “ ман ҳам Сизнинг бирлан ҳамсоя бўлдим. Тошкентда Турккомиссияда Куйбишев ўрнига мансуб бўлиб ман агар рухсат берсангиз, дарҳол бориб минбарда сўзламакингизга рухсат олурман”, деди.

Жавобида хўп ташаккур қилдук. Ул кетиб мажлис раисига айтиб бизларга дарҳол минбарга келсун деб хабар келди. Таржимонимиз Бурнашев бирлан иккимиз бориб тургандин сўнг Россия улуғлари минбарга чиқиб сўзламакни бизга таклиф қилдилар. Дарҳол минбарга чиқиб вакиллар тарафига мутаважжи бўлиб сўз бошламоқчи бўлган вақтимизда жами дунё вакиллари ушбу улуғ мажлисда бирламчи мартаба мусулмон вакилини сўзламоқчи бўлганини тадбиқ қилиб дўстона олқишлаб чапакларини қоқмоққа бошладилар. Садоларидин улуғ гумбаз ларзага келди. Ман фақир баланд овоз бирлан дедим:

-Эй ҳурматли азиз биродарлар! Биз Хоразмдаги меҳнаткаш деҳқонлар ва ишчиларнинг чин кўнглидан айтган саломларини Сизларга етказурмиз. Ва доғи ушбу учланчи байналминалнинг иккиланчи мажлиси ҳамма дунё меҳнаткашлари иттифоқининг бир намуна ва нишонасидур. Бинобарин Сиз азиз биродарларни бу олий мажлисларингиз бирлан табрик этиб, яхши кунда бул ерда ҳозир бўлмоқ муяссар бўлгани важидин ўзларимизни ҳам масъуд ва бахтиёр санаймиз. Эй биродарлар! Биз Хоразмнинг мазлум меҳнаткашлари Оврўпа капиталистлари замонида оларнинг императорлар мажлисларининг сиёсий ва иқтисодий зулмларининг остида эзилиб поймол бўлган эрдук. Чунким олар бизнингдек кичик миллатларни зиндонларда сақлаб ҳурриятни фақат бойларгагина берур эрдилар. Ҳозир

шўролар ҳукуматининг оёққа босиб устимиздаги хон Жунайид каби золимларнинг қўлидин қутилиб вилоятимизда мустақил шўролар жумҳуриятини эълон қилдук. Биз чин кўнгилдин ишонурмизким, Россия шўролар ҳукумати тозо уйғонмакка бошлаган шарқнинг ёрдами бирлан бутун дунё мазлумларини ва капиталистлар қўлидин тез вақтда қутқазажак. Яшасин бутун дунё меҳнаткашларининг иттифоқи! Яшасин Хоразм халқ шўролар ҳукумати!

Мажлис тамом бўлгандин сўнг коммунист фирқасининг марказий қўмитасига бориб саркотиб товариш Красницкий бирлан йўлиқиб дедиким: “товариш Бройдонинг бу ердаги иши ва хизмати кўп бўлгани жиҳатидин Сизлар бирлан Хивага кетабилмас. Жума куни ё шанба куни Сизлар бирлан товариш Ленин ва товариш Троцкий бирлан йўлиқсангиз керак. Товариш Бройдони олардин ҳам сўраб кўрсангиз бўлур”, дегандин сўнг қайтиб жойларимизга келиб чоршанба куни хабар келиб иқтисодий комисариятнинг бошлиғи товариш Риковнинг маҳкамасига бориб, онинг бирлан кўришуб Хоразм жумҳурияти меҳнаткашларининг салом ва табрикларини айтдук. Ул хушнудлик изҳор этиб, дедиким:

-Бизларда ҳозир бир тозо фикр пайдо бўлгандурким, Туркистон ва Хоразмнинг сувсиз ерларини суғориб обод қилмоқ. Албатта Хоразм жумҳуриятидин умид қилурмизким, бу ишларда ёрдам қилсин ва Оврўпалиларнинг Шарқ халқи ҳақиндаги маслаки то ҳозиргача шулдирким, оларни ҳамол қилиб ишлатиб, роҳатини ўзлари кўрмак. Масалан, Сиз Хоразм халқи пахта экиб, ул пахтанинг роҳатини ўзгалар кўрадур. Бизнинг мақсадимиз бул ториқа зулумларни йўқ қилиб, ҳар халқ ўз меҳнатларининг роҳатини ҳам ўзи кўрсин дермуз. Шунинг учун Сизларга ҳар турлук завод-фабрикалар бериб, ўз мамлакатларимизни ҳар бир эҳтиёжи ўзидин биткудек қилмоқчимиз, -деди.

Биз ташаккур қилиб дедиким:” аввалги вақтлардагидек жабру зулм бўлмаса албатта ёрдам қилмоққа тайёр турурмиз. Аммо биз халқ тижорат амвалини Русия бирлан Бухородин

олур эрдук. Жаҳон маҳорабаси бошлангандин сўнг Русиядан бизга мол бормади. ва доғи вилоятимизда инқилоб бўлгандин сўнг Бухоролилар ҳам мол бермай халқимиз кўп оғир аҳволда қолди. Шул жиҳатдин Сиздин илтимосимиз бизларга шул тўғрида ёрдам қилиб сўраган тижорат молларимизни бизга берсангиз эркан, -дедук.

Ул айтдиким, “бул иш ҳақинда Сизларнинг комиссиянгизга биз ҳам бир одам вакил юбориб онинг маслаҳати бирлан тижорат керак нарсаларингизни биткарурмиз. Ман сиз ҳурматли меҳмонларни чин кўнгилдан дўст тутиб раҳмат айтурман” дегандин сўнг жавоб олиб қайтдук.

Пайшанба куни фойтун келиб электрический станцияси ва телефон машиналарини сайил қилдук.

Жума куни товариш Лениннинг бизлар бирлан кўришмоқчи бўлганини хабари келиб, биз ва Мулла Ўроз ва Мулла Нурмуҳаммад, Бурнашевлар ва Кельбер фойтун бирлан Кремль саройига бориб машинойи зинада ўлтуриб учланчи қабатда товариш Ленин турган жойга чиқиб девонхонасида ўлтурдиким, бир неча адад қиз хадималар бор эркан. Ва жойларнинг ҳаммаси фақирона тартибда, ҳеч зиёдати зинат ва такаллиф қилинмаган турур. Чорак соат ўлтургандин сўнг бир ходима келиб товариш Лениннинг ёнига таклиф қилди. Бориб кирсак танҳо ўзи ўлтурган эркан. Бизларга назари тушган ҳамон қопининг ёнига келиб бизлар бирлан ғоятда меҳрибон лутф ва табассум бирлан кўрушуб, ўлтурмоғимизга курсилар кўрсатиб, бизларни ўлтурғизиб, сўнгра ўзи ўлтурди. Ва доғи сўзга бошлаб дедиким:

-Ман Сизларни саломатлик била кўрганимга кўп хушвақт ва хурсанд турурман. Хусусан Хоразм Шарқда ҳаммадин бурун ўз мамлакатида инқилоб ясаб золимлар қўлидин қутилиб, ўз кунларини кўрмакчи бўлғонларига ул биродарларимиздин кўп мамнун ва миннатдор турурман, - деди.

Шул вақтда олиб борган бир дона сарпой чопонимиз бор эрди. Дарҳол они фақир ўз қўлим бирлан устига кийдирдим. Дедиким:

-Бул Хоразмда тикилган турурми?, -деб.

Ман дедиким: -“Бул сарпой фақир меҳнаткашларнинг ўз қўллари бирлан ишлаб Қурултойда ёдгорлик учун Сизга тайин қилган эрдилар.

Ниҳоят хурсандлик изҳор этиб бир оз вақт кийиб ўлтурди. Сўнгра чиқариб қўймоқ учун рухсат сўраганида ман айтдиким: “нақадар кўп вақт бизларнинг сарпойимизни кийиб ўлтурсангиз ул қадар хушвақт бўлурмиз”, дедим.

Бинобарин то мажлис тарқалгунча кийиб ўлтурди. Бизлар кетганимизда ҳам устида кийиб қолди. Сўнгра фақир Хоразмнинг ҳамма меҳнаткаш халқлари ва нозирлари саломларини айтиб олар тарафидин табрик қилдим. Жавобда миннатдорлик била дедиким:

-Вилоятингизда инқилоб бўлган вақтда ё ондин бурун ё сўнг руслар тарафидин ҳеч қандай жабр-зулум кўрдингизларми?

Жавобда дедиким: -Ҳеч бир жабр кўрмадик, хон Жунайид каби золимлардин қутулмоғимиз ҳақинда кўп ёрдам қилдилар. Лекин баъзи аскарлар баъзи халқларни талаб зулм этиб юрган эди. Товариш Бройдо бориб оларнинг танбе ва жазоларини бергандин сўнг ҳаммаси йўқ бўлиб, ниҳоятсиз фароғатлик бўлди. Ва доғи коммунистик фирқасининг мусулмонларга дин жиҳатидин яқинлашганларига ишорат қилиб дедиким, бизларнинг пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ўз асрларида фақирларнинг тарафдори ва оларни дўст тутгувчи эрканлар. Ҳозирда Сизнинг ишчи ва пролетариат, яъни фақирлар ҳукуматини ташкил этиб оларнинг тарафдори бўлганимизни бизнинг фақир халқларимиз эшитиб Сизни кўп дўст тутодурлар.

Жавобда товариш Ленин изҳор хурсандлик қилиб дедиким: -Ман Хоразм халқларини кўп дўст тутганим жиҳатидин оларга ҳар тарафлама ёрдам қилмоқчи турурман.

Ҳозирда Туркистонга муаллим ва мутахассислар кетарлар. Олар Хоразмга бориб тез вақтда ишларингизни йўлга солсалар керак. Сизлар Комиссарларга хат ёзиб ҳар тўғрида даркор нимасаларингизни сўранглар. Ман оларга айтурман. Тезлик бирлан Сизларни ишларингизни битказиб қайтарсинлар.

Жавобида бизлар ташаккур қилиб, бизнинг халқимиз қурултойларда бизларга деган эрдилар: “Сизлар Москвага бориб бизларни мамлакатимизни холи бул тариқа ожиз ва ёрдамга муҳтож эрканимизни товариш Ленинга айтинг, албатта ул биз ожизу мазлум меҳнаткашларни бул тариқа паришон ҳолда қолганимизни билсалар тезлик бирлан бизларга ёрдам етказсалар керак”, деб эрдилар. Ва лекин бизларни Москвага келганимизга 25 кун бўлди, то шу вақтгача бизлар Сизга йўлиқа билмадук.

Жавобида дедиким: -Ҳозир бизда бир неча ерларда маҳораба бўлиб, андин сўнг Хоразмга ҳар жиҳатдин кўп ёрдам бериб тез вақтда ғоятда мукамал қилсак керак. Ва доғи мундин сўнгра ҳар вақт Сизларга бировдин зулм-ситам етишса дарҳол манинг хусусий ўзимга ўзингиз бир хат ёзиб билдиргайсизки, они дарҳол даф қилурман, -деди.

Шул вақтда телефоннинг жанги қоқилди. Қулоқини телефонга тутиб сўзлашгандин сўнг дедиким:

-Мани бир ишга чақирадурлар, афу қилингларким, яна ҳар вақт сўзлашмак кўнгилларингизга тушса, албатта яна йўлукурмиз, -деди.

Жавобида айтдиким: -Бизларнинг сўзлашмак ҳамиша кўнглимизга тушадур ва лекин бизларнинг вилоятимизда пасод ҳанузгача бутунлай тамом бўлмагани важидин ёдимизга тушса кўп қистанурмиз. Шул сабабдин ишларимиз битса тезроқ юртимизга қайтиб меҳнаткаш ва фақир халқларимизга Сизнинг ушбу этган лутфу-карам ва айтган яхши сўзларингизни еткурсак оларнинг кўнгиллари хушнуд бўлиб, вилоятимизнинг тинч-фароғат яшамоғига боис бўлур эрди, деб ўйлаймиз.

Жавобида дедиким: -Ман ушбу кун Сизларнинг ишларингизни комиссияга айтурман, албатта тез биткарурлар. Бройдонинг бул ерда ҳам иши кўпдур. Агар мумкин бўлса они ҳам қўшиб юборурман, -деди.

Шул вақт бизлар ўрнимиздан туриб видолашиб кетмакчи бўлдук. Ленин фақирга дедиким:

-Хоразмдаги меҳнаткаш фақир биродарларимга саломимни айтгайсиз.

Сўнгра хўшлашиб чиқдук. Шанба куни жами дунё вакиллари конференциянинг охириги мажлисига бизларни таклиф қилиб хабар келди. Биз ва Мулла Ўроз ва мулла Нурмуҳаммад, таржимон Бурнашев ва Кельбер Москвавинг улуғ театрхонасида ясалган мажлисга бордук.

Ярим танобдан ҳам улуғроқ бир гумбазда эрканким, ҳамма деворлар тилла билан нақш этилиб, гумбазнинг чор атрофи ҳам гумбазнинг ичига мутаважа бўлган олти қават равоқли хужралар турур. Ҳамма деворларга ипак бахмал тутилиб, ичида бахмал курсилар қўйилган турур. Мазкур гумбазнинг ичида, равоқларида хужайраларида халқлар тўлгандин сўнг инглиз ишчи халқи тарафидин келган вакил сўзламоққа рухсат олиб, ўртага чиққан вақтда улуғлиги бўйрадек тўққиз адад ойнани онга мутаважжи қилдиларким, мазкур ойналардин офтоб нуриддек оқ нур пайдо бўлиб, гумбазнинг ичини ул миқдор мунаввар қилдиким аввалдин ёниб турган икки минг ададга қараб электрик лампалар офтобга муқобил қилинган чарағдек нурсиз бўлиб қолдилар. Таажжуби тафовут қилиб бўлмас эрди. Мазкур вакил ҳозирдаги инглиз ҳукумати золимлигини ва ўзларининг Русия шўролар ҳукуматига тарафдорликлари ҳақинда ярим соатга қадар сўзлаб, они бир таржимон рус тилида таржима қилгандин сўнг, немис ишчиларининг вакили сўйлаб, андин сўнг товариш Троцкий бир ярим соатга қадар сўйлаб, андин сўнг яна бир рус улуғи сўйлади. Шундан кейин нутқлар тамом бўлди. Ҳар бир вакил сўйламакка чиққан вақтда мазкур офтобларни тозодин тўлдириб, онга мутаважжи қилиб, фотографчилар ул вакилнинг суратини олар эрдилар.

Бир вақт бизларнинг ҳам суратларимизни олмоқчи бўлиб, бизларни ўлтурган жойимиз иккиланчи қаботга мазкур тўққиз адад офтобни мутаважжи қилдиларким, оқ рангли нурнинг ғалабасидин кўзларингиз ҳеч нимани кўра, ҳеч нимани билмас эрди. Мажлис тамом бўлгандин сўнг қайтиб жойларимизга келиб, якшанба куни театр ва сурат томошасига бориб, душанба куни аэроплан қуратурган заводларни, самбо отлиқ бир япон бизларни ўзи бирлан олиб кетиб, сайил-томоша қилдирди. Мазкур куни бориб то намозшомгача аэропланларни учуриб томоша кўрсатдилар. Аэропланларнинг мудури дедиким: “Агар Хоразм учун аэроплан олур бўлсангиз ўзим Хоразмга олиб бориб берар эрдим. Ва яна аэроплан таҳлили учун бола берсангиз бу ерда ўзим ўргатур эрдим”, деди.

Сешанба куни зулқаъданинг 29-сида товариш Бройдонинг ёнига бориб ўз ишларимиз тўғрисида маслаҳатлашиб кечда Москвавинг Бульвар отлиқ сайилгоҳига бориб томоша қилдук. Аксар ерларда Москва халқи, хусусан хотин-қизлар бизларнинг бошларимизга кийган телпақларимизни кўруб таажжуб қолур эрдилар. Ва лекин бизларни кўнгилларидин дўст тутиб, сўйлашмакни кўп истаб тил билмаган жиҳатдин мутахайил бўлиб турганларини уларнинг аъзоларидин билиниб турур эрди.

Чоршанба куни хорижия комиссариятига бориб товариш Бройдо ва товариш Янсин бир еча тижорат мутахассислари жамлашиб Русия мамлакати бирла Хоразмнинг тижорат қилмоқи ҳақинда музокара бўлиб, мазкур икки давлат ўртасинда тижорат иттифоқномаси тузмакка қарор қилиб, 14 моддадин муташаккил тижорат аҳдномаси маъсуд қилинди. Пайшанба куни маориф комиссариятидин икки маъмур келуб, Хоразм маорифи ҳақинда сўйлашиб бизларга муаллим ва китоб, матбуа асбоблар ёрдам қилмоқчи бўлиб кетдилар.

Мазкур кунда кечда театрга бориб, кеча пиёда қайтганимизда кўп ёмғир ёғиб машаққатлар бирлан жойимизга келдук.

Жума куни Эрондаги Мирза Кучакхоннинг Русияга юборган вакиллари бизларни Русия комиссарларига восита қилмоқчи бўлиб ўз ишларини тадрижи учун ёрдам сўраб келдилар. Бирининг оди Хушанг, яна бирининг оди Мирсолих Музаффарзода. Эрон шоҳи Аҳмадшоҳнинг Русияда тургувчи консули бирлан келиб, 2-3 соат мусафаба қилишуб, оларга дилдорлик қилиб, ёрдам ваъда этиб, таом еганларидин сўнг хўшлашиб кетдилар. Сўнгра хорижия комиссарига бориб ҳарбий ишларимиз ҳақинда музокара қилиб, бир ҳарбий иттифоқнома 5 моддадин муташаккил масуда қилиб қайтдук. Мундин сўнг то бир ҳафтагача ҳар кун комиссариятга бориб мазкур умумий иттифоқнома тижорат шартномаси ва ҳарбий шартномаларни моддама-модда музокара қилиб, кўп мукаллама ва тортишмалар била зулҳидда ойининг бешинчи пайшанба куни тамом қилдук.

Тижорат аҳдномаси ушбу 15 моддадин муташаккил турур: Муқаддима Русия қадриятини социалистик шўролар жумҳурияти бирлан Хоразм халқ шўролар жумҳурияти орасинда тижорат ва мубодалави амвол таъсиси учун ушбу шартлар аҳд этиладур:

Биринчи шарт. Икки жумҳурият орасинда мубодавлаи (айрибошлаш-У. Б.) амвол (мол, ашё –У. Б.) оларнинг хорижий мамлакатлар бирлан тижоратларни бошқаргувчи ташкилотларнинг воситаси бирлан ижро қилинур.

Иккинчи шарт. Русия шўролар ҳукумати мавжуд амволга муҳтожлиги Хоразм халқ шўролар жумҳурияти ўз ҳукуматидаги тижорат шўъбасининг воситаси бирлан Русия хорижий тижорат комиссарлигига маълум қилиб, ҳар йилда мазкур икки ҳукумат орасинда этилажак тижорат мубодавлавий амвол учун махсус бир тартибнома ёзилур. Русия шўролар жумҳурияти ҳам ўз мамлакатидаги халқларга мавжуд амволни тақсим қилгандаги вилоятда кўп ва озлигини ва ўзининг онга на қадар муҳтожлигини назар эътиборга олгандин сўнг Хоразм халқ шўролар жумҳуриятига берадур.

Учланчи шарт. Икки моаха бир-бирларига билфеъл бир-бирларига ёрдам қилмоқ асосини эътибор этиб, Хоразм шўролар жумҳурияти ўз вилоятига лозим бўлган миқдордин зиёда ҳамма хом тижорат аволини ўзи ихтиёр қилган суратда Русия шўролар жумҳурияти бирлан мабовала қиладур. Ва доғи Русия жумҳуриятига лозим бўлган хом амволни йиғнаб ҳозирлайдурғон бир тижорат ташкилоти таъсис қиладур. Ва ҳам икки жумҳурият орасинда ясалган аҳдномада ҳозирланмоғи лозим. Тайин этилган ҳам амволни чет мамлакатларга мабовала қилмоқни фақат ҳукуматнинг мазкур ташкилоти воситаси бирлан ижро қилинур. Ихтор: ушбу аҳднома пахта ва пахтадин ишланган нимарсалар, тери, юнг ва йўрунжа (беда-У. Б.) тухумини ҳам амвол санайдур.

Тўртинчи шарт. Тижорат аволини ҳозирлайдиган ташкилот таъсиси учун ва амволни ҳозирламоқ ишини бажо келтирмоқ учун лозим бўлган тижорат мутахассислари ва йўл бошчиларни Хоразм ҳукумати талаб қилган суратда Русия жумҳурияти бермоқни ваъда қиладур.

Бешланчи шарт. Русия жумҳуриятининг хорижий тижорат комиссарияти бирлан Хоразм халқ шўролар жумҳуриятининг хорижий тижорат ташкилотчиси орасинда иттифоқ бирлан тайин этилган қоғоз оқча ва амволни Хоразм жумҳуриятига ҳам амвол йиғиштирмоқ иши учун лозим бўлган аввалроқ берадур.

Олтинчи шарт. Хоразмда Русия шўролар жумҳуриятининг қоғоз оқчаларни Хоразм оқчаси бирлан юрмаги муқаррар қилинур. Русия шўролар оқчасининг қийматини муқтазойи вақтига мувофиқлиги бир муддат учун мухталиф ҳайъат тайин қилур.

Еттиланчи шарт. Русия хорижий тижорат коммисарияти бирла Хоразм жумҳуриятининг тижорат ташкилотлари иттифоқлашиб икки жумҳурияти ўртасинда бўлган ҳар бир йилдаги мубовала амволнинг ҳисобларини биткариб тамом қилмоқ учун амвол баҳолари тайин қилинур. Бу тариқа ким учун деҳқонларнинг меҳнат ҳақлари ва харажатлари ҳисобга

мувофиқ бир баҳо ва қиймат этилур. Зиёдат фойда тажриж этмас.

Саккизланчи шарт. Мубовала учун Хоразмга келтирилган Русия амволини Хоразмда ҳозирланган хом-амволга олиштурганда Русиянинг меҳнат ҳақисига назаран қўйилган баҳо эътибор этилур. Ва доғи Хоразм жумхуриятининг тижорат ташкилотлари Русия амволини меҳнат ҳақисига назарида қўйилган баҳога мувофиқ қўлларига олгандин сўнг халқлар бирлан ҳам амволга алмаштирмоқчи бўлганида юзда ўн беш даража ортиқ баҳо олсалар бўлур. Ўзларининг ҳар турли харажатлари учун ва лекин ондин зиёда баҳо бирлан сотмоқлари мутлақо жойиз эрмас турур.

Тўққизланчи шарт. Хом амволни истеъмол ва тадорик қиладурган халқлар бирлан Хоразм тижорат ташкилотининг мубодалави амвол қилмоғи ва деҳқонлар жамияти ва хунармандлар жамияти ва кооператив ва қишлоқ жамиятлари воситаси бирлан ижро қилинур. Ва лекин савдогарлар ва меҳнаткашлар ва олиб сотарлар ва даллоллар мазкур ишларга қатнаша билмайдилар.

Ўнланчи шарт. Русиядин Хоразмга ва Хоразмдин Русияга келадургон амволдин икки ҳукумат ҳам ҳеч бож ва закот олмайдулар.

Ўн бирланчи шарт. Амволнинг бузулмоғи ёки йўқ бўлмоғидек ҳар турлук офат ва зиёнлар Русия хорижий тижорат комиссариятининг вакиллари ва Хоразм тижорат ташкилотининг қайси бирлари қўлига мазкур амволни олган вақтда воқе бўлса, шул вақтдин бошлаб мазкур қўлида тутган кишилар тўлайдулар. Иқдор: Хоразмдин олатургон хом ва ўзга амволни Русия тижорат хорижия комиссарининг вакиллари олатурлар. Ҳар йил учун ёзилган иқтисодий тартибномада тайин этилган Хоразм мамлакати ҳудудининг ичкарасидаги вакиллар оладурлар. Ўзларининг истиқоматгоҳида ёки мамлакатлари ҳудудига энг яқин бир ерда.

Ўн иккиланчи шарт. Мазкур икки маохид давлат бир-бирларига бермакка ҳозирлайтургон ҳар турлик амволни

сақламоқ учун ўз мамлакатларида бир-бирисига омборхоналар ва карвон саройлар берадурлар.

Ўн учланчи шарт. Русия хорижий тижорат комиссарияти ва Хоразм хорижий тижорат ташкилоти орасинда иттифоқ бирлан бир икки тарафга бирдек бўладургон тартибда ҳар йилги кирадургон ва чиқарадурган ҳамма хом ва ўзга амволни икки адад дафтарга ёзилиб сақланур.

Ўн тўртланчи шарт. Ҳар йилнинг охирида икки маохид тарафининг орасинда бўлган мубодалави амволнинг ҳисобини биткарилиб тамом этиладур. Агар ҳисобнинг натижасида бир тараф яна бир тарафдин қарздор бўлса, ул қарзни оқча бирлан адо этилур. Ихтор: агар икки тараф ҳам рози бўлган тақдирда ўтган йилнинг қарзини энди келтурган йилнинг ҳисобини ичига киргизмак ҳам жойиздур.

Ўн бешланчи шарт. Ушбу аҳднома рус ва ўзбек тилларида ёзилуб икки тилдаги бу аҳдноманинг эътибори баробардур.

Ҳарбий аҳдноманинг сурати ибораси ушбу турур: Муқаддима. Русия федератив социалистик шўролар жумҳурияти билан Хоразм халқ шўролар жумҳурияти орасинда ёзилган умумий аҳдноманинг 18-ланчи моддасининг табини ва тафсили ҳақинда ушбу ҳарбий ва сиёсий шартнома ёзилур:

Биринчи шарт. Русия шўролар жумҳурияти ва Хоразм халқ жумҳурияти бир-бирларига ваъда қиладурлар бул тариқаки. Жаҳонгир душман кучлари бирлан ва ҳам маҳаллий аксил инқилобий жамиятлар ва қўшинлари бирлан умумий кураш вақтида бир-бирларимизга ёрдам этармиз.

Иккиланчи шарт. Русия шўролар жумҳурияти бирлан ёки Хоразм халқ шўролар жумҳурияти бирлан Хоразмга ҳудуддош ва ҳамсоя бўлган бир чет мамлакат орасинда бир-бирига хо аскар бирлан ва хо ҳарбий асбоблар ва ўзга нимарсалар бирлан ёрдам қилмоқни ваъда қиладурлар.

Учланчи шарт. Хоразм халқ шўролар жумҳуриятида Хоразм бирлан Қизил урдуси ташкил этилади. Ва Русия шўролар жумҳурияти ушбу урдунинг ташкили ҳақинда бу

урду учун лозим бўлган ҳар турлук қурол ва яроғ ва ўзга нимарсаларнинг тадорики тўғрисида кенг ёрдам берадур.

Тўртланчи шарт. Хоразм қизил урдусини ташкил қилиш учун Русия шўролар жумҳурияти аввал бошлаб лозим бўлган миқдорда ўзининг ҳарбий муаллимларини юборади. Мунинг бирлан баравар Хоразм қизил урдуси учун Хоразмнинг ўз халқи кишиларидин ҳарбий муаллимларнинг таълим ва тадрисини ва бу урду учун лозим бўлган аскар ва қурол ва ўзига нимарсаларнинг тадорикига махсус бир ташкилот таъсисини Россия шўролар жумҳурияти ўз аҳдисига оладур. Ва Хоразм Қизил урдусининг муҳтожлигига қараб ҳарбий асбоблар бирлан ёрдам қиладур.

Бешланчи шарт. Икки жумҳурият вакилларида Хоразмда мухталиф бир ҳарбий ҳайъат ташкил этилуб ушбу ҳайъат Хоразм қизил урдуси учун ҳар турлук нимарсалар тадорикининг тартиби ҳақида лозим суратда саъйи ва эҳтимом қилиб ҳарбий асбобларнинг лозим бўлган миқдорини ва онинг тадорикининг тартибини таҳқиқ ва тафтиш этадур.

Олтиланчи шарт. Мазкур икки ҳукумат биргалашиб яна бир душман бирлан урушган тақдирда Хоразм ҳукумати бирлан Русия инқилоб шўроси орасинда иттифоқ бирлан икки аскар учун умум бир қўмондонлик тайин қилинур.

Еттиланчи шарт. Ушбу шартнома икки маохид жумҳуриятнинг ҳукуматлари тарафидин тасдиқ этиладур.

Саккизланчи шарт. Ушбу шартнома рус ва ўзбек тилларида ёзилиб, икки тилда ёзилган икки шартноманинг эътибори тенг ва баробар бўлур. Мазкур уч аҳдноманинг муколамасига бир ҳафта қадар машғул бўлиб юрганимизда бўлган ҳадисларнинг муҳимроғи шултурирким, бир куни телеграмхонадин телефон бирлан чақирлган хабар келиб, телеграмхонага таржимон Бурнашев бирлан бордукким, Довудов отли бир киши Самара шаҳридин телеграм бирлан айтадурким, Сизлар Русияга кетганингиздан сўнг Хоразмда бир аксил инқилобий фасад қўзғолиб, бир неча аксил ҳаракатчилар бурунги Саид Абдуллахонни қайтадин Хоразм

хони қилмоқчи бўлганларидин Хоразм ҳукумати дарҳол хабар топиб бир неча кишиларни бизларнинг ёрдамимиз билан тутуб, Хива аскарларидин ўн бир адад қоровул билан манга қўшуб Русияга юборган эрдилар. Ман оларни Тошкентга келтуриб, ондин Самарага юбордилар. Ҳозир биз Самарада ул маҳбусларни Самара ҳукуматига топшира билмадик. Эмди Сиздин сўрармизким, оларни Москвага олиб бормоқ лозим турур ё Самарада қолурларми? Мазкур маҳбусларнинг исмлари шулдурур: Саид Абдуллахон, Саид Абдулла тўра, Раҳматулла тўра, Саидтўра-Саид Абдуллахоннинг ўғиллари ва иноқ Муҳаммадёр тўра Мадраҳим хон (Муҳаммад Раҳимхон соний-Ферузхоннинг ўғли-У. Б.) ўғли ва Носир тўра, Абдурасул тўра, Мадийёр тўра ўғиллари, Ибодулла тўра Мадраҳимхон (Ферузхоннинг ўғли) ўғли, Матёқуб тўра Матюсуф тўра ўғли, Матриза тўра, Абдрим Боққолов.

Буларнинг бир неча ададлари уламолардин қози калон Ҳикматулло охун, Одамохун Ортиқохун ўғли ва Обуд аълам Эшонлар турур. Ва баъзиларининг исми телеграммга яхши тўғри тушмагани сабабдин у қадар очиқ билинмай турур. Бул тўғрида биз ҳукумат билан сўзлашиб Давудга жавоб бердикким, Москвадаги марказ ҳукуматидин олар ҳақинда тез вақтда буйруқ борса керак. Сиз ҳам шул буйруққа мунтазир бўлиб турурсиз. Буйруқ боргандин сўнг онга мувофиқ иш қилурсизлар, дедук.

Мазкур пайшанба куни Истанбулдаги машҳур Анвар пошшо Москвага келди, деб турк зобити Назми Содиқбек хабар берди. Ва доғи дедиким, агар ул кишига мулоқот қилмоқ истасангиз ўзим тайин вақтини Сизга билдирурман, деб кетиб бизларга хабар юбордиким, дарҳол келсинлар, деб. Бизлар ҳам айтган вақтда бориб Анвар пошшони зиёрат қилдук. Тахминан бир ярим соат мусоҳаба қилиб, жавоб олиб жойларимизга келдук

. Жума куни кечда товариш Карахандин хусусий суратда танҳо ўзимиз билан мулоқот қилишмоқ учун хабар келди. Биз доғи Хивада тикилган бир сарпой олиб бориб,

ишларимиз ҳақида бир оз вақт мусоҳаба қилишдук. Сўнгра кетар вақтимизда бизларни ишларимизни биткариб юртимизга тезроқ қайтармоқларини илтимос қилганимизда, дедиким:

-Душанба ё сешанба кунларида аҳдномаларга қўл қўйиб муҳр босилур. Сўнгра ишларингизни битканидур. Бир ҳафта ичинда қайтарсиз. Аҳдномаларингизни русча нусхаларини ўқиб кўрдим. Кўп мувофиқ бўлибдур. Агар баъзи даркор сўзлар яна қолган бўлса, билдирсангиз аҳднома ёзармиз, - деди.

Биз дедиким:

-Товариш Бройдо албатта эҳтиётлават қилгандур. Агар яна лозим зарур сўз бўлиб ёдимизга тушса Сизга билдирурмиз, -деб жавоб олиб қайтдук.

Шанба куни бир турк келиб Анвар пошшонинг бизларни кўрмакка келмоқчи бўлган хабарни айтуб кетгандин бир оз вақт ўтгач, Анвар пошшо ёнида бир адад турк зобутлари бирлан келиб, тахминан уч соат миқдорда суҳбат қилишгандин сўнг жавоб олиб қайтди. Бизлар ҳам Москвадаги неча-неча улуғ мамлакатларни ичидин биз фақирларни ёдоворлик қилиб келгани учун миннатдорчилик ва хурсандлик кўргузуб олий зиёфат қилиб кетар вақтида Хоразмдин ёдгор учун икки дона қоракўл тери бериб узотдук. Ниҳоятсиз мамнун бўлиб кетди. Ва доғи тижорат комиссариятидин хабар келди. Биз Мулла Ўроз ва Мулла Нурмуҳаммад ва Бурнашевлар бирлан бирга бордук. Тижорат комиссарининг муовини бирлан бир неча тижорат мутахассислари бор эркан. Мажлис очилиб муовини сўзга бошлаб дедиким:

-Хоразмга мубодала учун мол юборганимизда Сизнинг мубодала қилгудек не миқдор хом моларингиз бор турур. Ва доғи молни Хоразмда кимга топширирурмиз ва ким бирлан мубодала қилурмиз. Ва доғи икки тарафнинг молларига қайси нарх бирлан баҳо қўйурмиз.

Маҳорабадин бурунги нархдин баҳо қўйилурми? Шуларнинг тайин жавобини эшитмоқчимиз, -деди.

Жавобида айтдукким:-Хоразмда бурундин ётган пахтамиз бор турур. Аммо не миқдор эркини билмасмиз. Чунким бизлар тижорат мутахассиси эрмасмиз. Ва доғи бу йилги йўрунжа тухуми ҳам ҳозир тайёр бўлган бўлса керак. Сизлар олиб борган молларингизни Хоразм халқ шўролар ҳукуматига топшириб, онинг бирлан муобдала қилурсиз ва молларнинг нарҳини ҳам мундин мол олиб борган тижорат ҳайъати ҳукуматимиз бирлан тайин қилганларига мувофиқ кўрилурур. Чунким бизлар онинг аҳли бўлмаганимиз важидин нарҳини ҳам билмасмиз. Шул қадар маълумот бера билурмизким, Хоразм мамлакати Русия шўролар ҳукуматига инонганидан бошқа ҳеч мамлакатдин мол талаб қилмади. Ва Бухоро ҳукумати ҳам инқилобдин сўнг бизларга мол бермади. Шул сабабдин Хоразм халқи жуда оғир аҳволда қолди. Бинобарин мумкин қадар тезлик бирлан тижорат амволини кўпроқ олиб бормоқларингизни тавоқи қилурмиз. Хом мол ҳам бақодирҳол топилурур. Етишмагани бўлса тижорат аҳдномасига мувофиқ ё оқча берармиз ё бошқа чорасини маслаҳат бирлан қилурмиз, -дедук.

Ўзлари бироз музокара қилишгандин сўнг жавоб қилдиларким:

- Бизлар ҳозирда зарар кўрсак ҳам Хоразмга бақодиримкон етишгудек мол юборурмиз. Чунким онин оғир ҳолга қолгани бизларга ҳам зарардир. Бинобарин, оларни бул оғир ҳолдин қутқармоққа ғайрат қилиб тезлик бирлан мол юборомуз. Лекин Амударёнинг музлари тугамасдин бурун олар ҳам ғайрат қилиб бор пахталарни Чоржавга чиқариб тайёрламоқлари даркор. Молни шу Чоржавга олишурмиз. Сиз ҳам шуни телеграм бирлан билдуринг, - дедилар.

Биз дедикким:-Яхши, бизларнинг фикримизга кўра Хоразмга мол олиб кетажак ҳайъат мол дафтарларини ўзлари бирлан олиб тезроқ кетсунлар. Хоразмга олар тезроқ борсалар хом молнинг тезроқ Чоржавга чиқмоғига бойис бўлурур, деб ўйлайман. Чунки бу кунларда телеграммларга ҳам ул қадар эътимол этиб бўлмайдурур. Бизлар ишларимиз

хақинда уч мартаба телеграм юбордук, ҳанузгача бир жавоб келмади, -дедук.

Оларга ҳам сўзимиз маъқул бўлиб :

- Не тариқа моллар Хоразмга керак?, -дея сўрадилар.

Бизлар айтдук, улар ёздилар.

-Беш миллион арчин ҳар турлик товар, беш вагон қанд, 10 вагон шакар, бир вагон қоғоз, уч вагон қора-қизил нах (ип), тикиш машини учун игна ва ноҳ, беш вагон чойник коса, товоқ ва лампа шиша асбоблари, ўн вагон темир-пўлат, беш вагон усталик темир-пўлатдин ясалган ҳар турлик асбоблар, 50 минг пуд лампа ёғи, 50 минг пуд қора ёғ ва доғи пахта учун канап ва сим ўрайдиган ушоқ асбоблар. Агар Русияда кўпроқ мол топилса мазкурларни кўпроқ юборилса яхши бўлур, - дедук.

Яна ёдга тушса айтуб юбормакчи бўлиб тарқашдик. Ва доғи маориф комиссариатга бориб, Хоразм маорифи ҳақинда музакара қилишуб, ул дедиким:

-Хоразм маорифи учун албатта бир турлук ёрдам юборурмиз. Хоразм учун даркор нарсаларни эртанг ёнингизга икки мутахассис юборурмиз, шуларнинг қўлига ёзиб берурсиз. Албатта мумкин қадар бор нарсаларни Хоразмга юборурмиз, -дегандин сўнг жавоб олиб қайтдук.

Сўнгги куни шул айтган кишилари келиб, оларга шул нарсаларни ёзиб бердук, ибтидоий мактаб учун мусулмон муаллимлари ва дарул муаллима учун муаллимлар, , ҳунар ва санъат муаллимлари, болалар учун мактаб китоблари ва ҳикоятлар, бир матбуага кифоя қилгудек ҳарфлари бирлан қоғоз, қаламдек ёзув асбоблари ва театр асбоблари, кино тўғараги қаторлари, фан суратлари, хариталари, буларнинг баъзиларини товариш Бройдо ёздуруб юборди.

Ҳарбий комиссариат муовинига ушбуларни ёзиб талаб қилдук: 20 минг дона милтиқ, уч миллион патрон, 10 дона тезотар тўп, 3 минг бомба, 3 минг зобитлар қиличи, 20 пулемёт, 50 адад мусулмон офицер ва тўпчилар. Ҳарбий муовини дедиким:

-Бизлар сизнинг ташкил этилажак аскарларингизга ҳар турлук ёрдам бериб ҳамма лозимларни битказмакка мутасадди бўлдук. Сизларга керак нарсалар бу ёзилгандин кўп бўлса, эҳтимол ҳаммасини берармиз. Тез вақтда юборилса манфаатлироқ бўлур, деб фикр қилурмиз, -дедук.

Жавобида дедиким:

-Албатта Хоразмга тез вақтда ҳарбий ҳайъатлар, арбоблар ва мутахассислар юборилур, -деди.

Моҳи зулҳижжанинг ўн саккизинда душанба куни хабзи сахат комиссарига бориб, онинг бирлан йўлуқуб ушбуларни юбормакка илтимос қилдук:

-2доктор, 2 хотунлар доктури, 4 фельдшер, бир кўз доктори, бир тиш доктори, касалхона учун кифоя қилгудек дори ва кароват ва либосдек асбоблар.

Комиссар жавобида дедиким:

-Ҳозирда мазкур нимарсалар озлик қилиб ўзимизга ҳам етишмайди.

Биз дедиким:

-Бизлар бу ерда ҳам доктор асбоблари озлигини билуб фақат Хиванинг ўзи учун сўраб турибмиз. Агар кифоя қилгудек миқдорни сўраганимизда Хоразмнинг 23 қаъласида 23 шўроси бор турур. Оларнинг ҳар бирига бир докторхона, унинг жами асбоблари зарур ва лозим турур. Хоразм ҳам шўролар жумҳурияти бўлгани жиҳатидан Сизларга баравар мартабасида турур. Оларнинг касалларини докторсиз турганини нечук кўрасиз?, -деганимиздин кейин:

-Бул доктор асбобларини ўзингиз бирлан олиб кетмакликни лозим кўрасиз? -деди.

Жавобида дедиким:

-Агар биз бирлан борса яхши бўлур. Чунким касаллар учун бир соат аввал боргани манфаатли турур.

Жавобида дедиким:

-Андоқ бўлса сиз ўз тарафингиздин бир одам тайин қилинг. Биз онга доктор ва асбобларини тайёр қилиб топшиурмиз. Сиз бирлан бирга Хоразмга кетсунлар, -деди.

Биз ҳам шул хизмат учун товариш Крашиловни тайин қилиб жойимизга қайтдук. Сешанба куни хорижия комиссари тарафидин тайин қилинган ходимимиз Кельбер бирлан таржимонимиз Иброҳим Бурнашевларнинг кам-кам бизларни содда ва бечора кўруб беадабона сўзлари ва хойинона аҳволитидин товариш Бройдо бирлан товариш Янсинни огоҳ қилиб хизматларидин бекор этиб, Кельбернинг ўрнига Крашилов, Бурнашев ўрнига Бакиевни тайин қилдук.

Москавда 1920 йил 25 август милоди туруп Қуръон байрами бўлиб, биродар Анвар пошшони ва Эрон Кучукхон вакили Мирзо Гушангларни жойларига боруб уларни муборакбодлик қилдук ва доғи Афғонистон вакили Муҳаммад Валихон бизларнинг жойларимизга келуб айиди муборакбодлик қилуб кетдилар. Мазкур куни Москавдаги жами мусулмонлар жамлашиб байрам мажлиси қилмоқлари учун шўролар ҳукуматидин изн бўлуб мазкур мажлисга бизлар ҳам таклиф этилуб бордикким, Москав шаҳрининг татарларга махсус кўчасида бир олий иморат мажлиси ясалган эркан. Кавказиядаги машҳур шайх Шомилнинг ахтиқи Шомил афанди мажлисининг мартиби бўлуб, жами мусулмонлари ва мусулмон мамлакатидин келган ҳамма вакиллари ва сайил улуғлари бор эрканлар. Бизлар бориб, созандалар бир оз соз чалғандин сўнг ҳаммаларимизни бир майдонга чиқаруб суратларимизни олдилар. Бухоро вакилларига кўп интизорлик чекиб, кечроқ келдилар. Сўнгра сойиби зиёфатлар тарафидин ҳурматли меҳмонларнинг бир табрик нутқи сўзланиб, аҳли мажлисдин Москавдаги мусулмон бюроси раиси татар Султон Алиевни мазкур мажлисининг раёсатига илтимос қилиб, аҳли мажлис қабул қилгандин сўнг раис мазкур мажлисни очиб бир нутқ сўйлаб, Ислом қаҳрамони Анвар пошшони Москавга қадамини табрик қилди.

Анвар пошшо ҳам жавобда ташаккурона бир нутқ сўйлаб, сўнгра турк вакилларининг райиси Бақир Сомибек бир нутқ сўйлаб, нутқинда Оврўпа давлатлари, хусусан инглизларнинг ислом оламига, Туркия давлатига ҳозирги

вақтда қилиб турган зулм-ситамланини баён этиб, муниг чораси жами муслмонлар иттифоқлашмоқларида эрканини айтди. Сўнгра яна бир турк вакили Шарқ муслмонлари ҳақинда кўп муассир бир нутқ сўйлади. Шул вақтда ҳамроҳимиз Искандар Самойлович бизга дедиким:

-Шарқда бирламчи шўро жумҳурияти Хоразмдир. Эмди албатта Сизнинг бир нутқ сўйламакинги лозим турур. Мани ўзим раис афандининг рухсатини олурман, -деди.

Ман ҳарчанд нутқ сўйламак учун тайёрланган эрмасман, ҳафсалам ҳам йўқ турур. Мажлис кўп улуғ турур, дунёнинг тўрт тарафидин кишилар кўп йиғилган, деб узр айтсам ҳам қабул қилмай, бориб бизни сўйламакимиз учун рухсат олди. ноилож ўртага чиқиб дедимким:

-Эй ҳурматли азиз биродарлар! Ман сизларга аввал Хоразмнинг эзилган мазлум меҳнаткашларининг самимий қалбдин айтуб юборган ташаккур саломларини таблиғ этарман. Сания биз Хоразмнинг мазлум халқлари муддати эллик йилдан бери золим Николай ҳукуматининг қўли остинда эзилуб, улар бизларни инсон қаторида санамай сойир ҳайвонот каби ишлатуб ва қуллардек хизмат қилдуриб, ўзлари завқ-сафо сурур эрдилар. То шу кунгача қаро кунларда ётганимизда ҳеч ким бизлардин хабар олабилмади ва бизларга марҳамат қўлини чўзиб биродарлар на ҳолдасизлар, деб аҳволимизни сўраган киши бўлмади. Ўзимиз ёндук, ўзимиз қовурилдик ва талон-тарож бўлдук. Ҳар турлук жабру-жафолар кўрдук. Аммо бизни қутқоргудек ҳеч бир ёрдамчи бўлмади. Магар шул куни Русия шўролар ҳукумати қўлимиздин тутиб айтадурким: йиқилган ўрнингдан турғул, ўз ерингга ўзинг эга турурсан. Санинг дини дунёнгга ҳеч ким даҳил ва таҳриз қила билмас, дер.

Эй биродарлар! Биз мазлум Хоразм халқи бу тариқа одилона ва марҳаматли сўзларни нега шўролар ҳукуматидин эшитаётимиз. Бизга ваъда қиладурким ҳар вақт Сизларга қўлимиздин келган ҳар бир нимарсамиз бирлан ёрдам қилмоққа тайёр ва омада туруримиз, деб. Бинобарин, ман камина биродарларингиз айтадурманким, бу шўролар

ҳукумати ислом оламининг бул тариқа ожиз қолган вақтида марҳамат қўлини бизларга узотадур. Бинобарин, албатта манинг ўз ноқис фикримга назаран Русия шўролар ҳукумати бирлан иттифоқ этуб қўлни-қўлга тутушуб ишламак лозим турур. Чунки ҳаммаларингиз биласузларким онинг тутган маслаки ҳозирда бани башарнинг дин айирмасига қарамай мазлумларни золимлардин қутқармоқ турур!

Яшасин Русия шўролар ҳукумати! Яшасин ислом оламининг иттифоқи! Яшасин Хоразмнинг меҳнаткашлари!

Мундин сўнг Озарбайжон вакили бир нутқ айтуб, сўнгра қозоқ вакили, сўнгра Қрим вакили, сўнгра Эрон вакили, сўнгра Бакир Самибек иккиламчи мартаба бир нутқ сўзлади. Сўнгра Афғонистон вакили Муҳаммад Валихон вазири мухтор бир нутқ сўзлади. Аммо Бухоро вакилларининг ҳеч бир садоси чиқмади. Ҳатто Бакир Самибек иккиламчи нутқининг охирида ушбу ҳадиси шариф ўқуб ва таржима қилгандин сўнгра дедиким: албатта ҳадиси шарифда яна неча турлик ҳикмат нуқталар бўлса керак. Бу улуғ мажлисда мадани илм бўлган Бухорои шарифнинг вакиллари ҳам ўлтуриб турурлар. Оларнинг ҳам баён этмаклари лозим турур. Чўх илтимос этарам деб, Бухоро вакилларини нутққа тарғиб қилсак ҳам олар гоҳ қизариб, гоҳ сарғайиб тубан қараб ўлтурмоқдин ўзга ишлари бўлмади. Сўнгра яна бир неча кишилар нутқ сўзлагандин ҳамма аҳли ислом бирлашиб Русия шўролар жумҳурияти бирлан иттифоқ бўлмоққа қарор бериб тарқалишдилар.

Пайшанба куни эрта бирлан Афғонистон вакилларига бориб, ҳайитларини табрик қилдук. Бизлардин сўнг татар имоми бирлан Қўқон хони Худоёрхоннинг ўғли борди. Тахминан бир ярим соатча орамизда самимиёна ва биродарона суҳбатдин сўнг Муҳаммад Валихон сўрадиким:

-Хоразмда Афғонистон сағири қўймайсизми?

Жавобида дедиким:

-Шул вақтгача Хоразмнинг аҳволи ва мартабаси маълум эрмас эрди. Алҳамдуллилоҳ эмди иттифоқ ва маслаҳат бирлан иш кўрилса, Сизнинг Хоразмда бизнинг

Афғонистонда вакилимиз турса бўлур, -деб ризолашиб қайтдук.

Жойимизга келгандин сўнг Хоразмдаги Русия фавқулдда вакили товариш Измайлов келиб Хоразмдаги ҳамма биродарларимизни саломларини ва бошқа воқеаларни баён этгандин сўнг, дедиким:

-Тошкент Туркистон жумхуриятининг сизларга ёрдам тариқасида бермакчи бўлиб ваъда қилган ҳамма ҳарбий асбобларини зиёдароқ қилуб ўз назаримизда Хоразмга узатиб, бул тарафга келдум, -деди.

Сўнгра яна дедиким: Юборган нимарсалар ушбулар турур: 1200 бешотар милтиқ, 180000дона ўқ, 12 нафар пулемёт, 90 минг дона пулемёт ўқи, 400 қилич, 200 найза, 200 от эгари, 4 аскарый бел, ва яна 20 адад зобитлар тезлик бирлан Хоразмга кетуб халқдин 1200 адад (нафар) миллий аскар олиб, таълим бермакчи турурлар. Аммо сўралган ҳам тўпчилар тайин бўлгандин ҳамон юбормакчи бўлдилар, -деди.

Жума куни маскавдаги иккиланчи татар маҳалласи масжидининг мутаваллилари улуғ зиёфат ясаб, ҳамма мусулмон вакилларини чақириб, борганимиздин сўнг мажлисга Қримли идрис афандини раис қилиб тайинладилар.

Ҳар кунги тартибда бир неча киши нутқ сўзлаганидан сўнг, фақирни ҳам сўйламакини таклиф қилдилар. Ва кўп илхож ва валжаж беридилар. Фақир нутқ даркор бўлуридин беҳабар қолиб, мутлақо ҳозирланмаганимни узр қилиб қутулдим. Сўнгра сабабини англадимким, ўтган мажлисда сўзланган нутқларни Москав газеталари таҳрир этиб, жами нутқларнинг ичидин фақирнинг нутқи билан турк Юсуп Камолбекнинг нутқи биринчи даража нутқ деб бизнинг нутқимизни кўп таъриф ва сташи қилган эрмишлар. Ва доғи бу мажлисда ҳеч маънолик сўз айта билмай аҳли мажлисни дилгир қилди.

Шанба куни эрта бирлан автомобил келиб, Москав шаҳри атрофидаги тўғай ва боғларга сайр қилиб, кечда “Большой

театр” деган бир театр томошасига бориб келдук. Якшанба куни автомобил келиб Москвавинг жами кўчаларини сайр қилдируб, қайтар вақтида яна бир театр томошасига бориб келгандин сўнг, икки қозоқ биродар бириси Семиплатинсклик Ҳамза деган, яна бири Тошконт хорижия комиссариятида хизмат қилувчи Хўжа Аҳмад отли келиб, сўзни ислом динидин юритуб, минкирона баъзи беҳуда саволлар сўраб, жавобини эшитганларидан сўнг оларни мунингдек сўзлардин ман этиб, диний исломнинг тўғри ва ҳаққоният сўзларини айтганимиздин сўнг бир нави ислоҳга келдилар.

Ва доғи биздин баъзи ҳукуматга тааллуқли сўзларни эшитмакчи эрканлар. Айтмоқ мумкин эмас деганимиздан сўнг, жавоб олиб кетдилар. Душанба куни товариш Янсиннинг ёнига бориб, ишларимизни тезроқ битирмоғи ва товариш Троцкий бирлан йўлишмоқ тўғрисида маслаҳат қилишуб қайтдук. Сешанба куни Русия ҳукумати тарафидин қоғоз-қаламдин ушоқ асбоблар берилди. Ҳайиди қурбон куни ҳам келган ҳаммаларимизга бир қатор либос ва ҳар кимга бир этук ва бир белбоғлик ва Иброҳим Абдулла ва Шейхи Муҳаммадларнинг ҳар қайсисига бир шиша атир суви, қолган 6 кишининг ҳар биримизга 6 шиша атир суви, бир чамадон асбоблари бирлан ва бир олти отар тўппонча 14 дона ўқи бирлан инъом қилдилар. Ва сўнгги куни яна бир шишадин атир суви ва ҳар биримизга бир дастрўмол ҳам бердилар. Пайшанба куни тиш оғриғига муфтало бўлиб доғи кўйдирмоқ бирлан, алҳамдуллилоҳ, сиҳат топиб, жума куни кечда театр томошасига бордук.

Сешанба куни хорижия комиссариятига бориб, товариш Янсиндин ишларимизни биткаруб, бизларни тезроқ Хоразмга юборишни илтимос қилдук. Шул мажлисда товариш Янсиндин Бухорода инқилоб бўлиб, Бухоро амирининг қочканини ва “Ёш Бухоролилар”ни шаҳарга келиб мутасарриф бўлганини эшитуб, бир-биримизни табрик қилдук.

Шанба куни биз бирлан Хоразмга кетмакчи докторлардин иккилари келиб, олар бирлан озуқа ва йўл харжи ва Хоразмдаги докторхона тўғрисида мусаҳиба қилиб узотдук.

Якшанба куни автомобил бирлан Маскав кўчаларини сайр қилдурдилар. Ва доғи татар мактабининг талабалари “Ишлаб топдим” номли 3-пардалик бир театр қилмоқчи бўлиб, бизларни ҳам анга таклиф этиб, хабар юборганлари жиҳатидин, бориб томоша қилиб қайтганимизда мазкур талабаларга 2 минг манат ойнома бердук. Ва доғи Афғон вакили мухтор Муҳаммад Валихон пиёдалиги жиҳатидин бизларни автомобилимизга миниб қайтуб, йўлда келурда сешанба куни бизнинг жойимизга келмакчи эрканлигини баён қилди. Биз ҳам ташаккур қилиб, хўшлашиб тарқашдук.

Душанба куни товариш Чичеринга йўлиқишмакчи бўлиб телефон бердук. Сешанба куни 12 дан икки соат ўтган вақтларда Муҳаммад Валихон 4 киши бирлан келиб, оларга олий зиёфат қилдук. Ва доғи икки ҳукумат исломия орасинда муносабат ва дўстона алоқа барпо қилмоқ ҳақинда самиймона ва муҳибона суҳбатдин сўнг рухсат олиб қайтдилар. Ва доғи булардин андоқ муддат аввал товариш Бройдо келиб, шартномаларимиз тўғрисида сўз очиб дедиким:

-Сизларни ишларингиз то шу кунгача тағйир топиб имзо қилинмай турганининг сабаби, баъзи кишилар онга рози бўлмай, мони бўлиб турганлар. Хусусан товариш Измайлов Хоразмдин келгандин сўнг мазкур шартномаларингизни кўруб, дебдурким, ” бу шартномадаги сўзлар асло Хива халқи ва ҳукуматининг ёду-хаёлларида йўқ турур. Оларга бу тариқа кўп ҳуқуқ бермак лозим эрмас. Бу тариқа муҳим ҳуқуқлар ва ёрдамларни талаб қилмоқни Хоразм вакилларининг ўзлари топиб юргандур”, деган. Шул жиҳатдин ишларингиз яна тағйир топди. Мани чақириб, бул тўғрида маслаҳат сўраганларида дедимкимб

-Бу шартномалар икки тараф вакилларидин ташкил этилган комиссиянинг музокараси бирлан битиб тамом

бўлгандир. Музокара қилиб мазкур комиссиянинг битқарган ишига тағйир бермак мумкин эрмас, деб қаҳрланиб, иккиланчи мажлисларига бормадук. Эмди фикр қилурманки, олар баъзи сизларнинг пайдонгиз учун биринчи даража муҳим ва даркор моддаларнинг сўнгига бир неча сўзлар илова қилиб, мазкур моддаларни амалдин қолдируб, Хоразм ҳақинда пайдосиз, балки зарарли бўлгудек ҳолга туширсалар эҳтимол ҳосили касан ишларингиз бир оз оғирдур. Нечук бўлса ҳам ғайратли бўлинг, ман ҳам кўлдин келган ёрдамни тариғ қилмасман, -деб кетди.

Шул вақтда товариш Искандар (Самойлович) ёзилган шартномалар бирлан русча масуда этилган бир оз хатлар келтуриб дедиким:

-Бугун ишларингиз тўғрисида музокара учун соат 9: 30 да товариш Караханга борурсиз. Ушбу хатлар шартномани комиссариятлар вакиллари музокара қилишганда баъзи моддаларга қўшилган иловаларнинг масвадаси эркан.

Карахан дедиким:

-Буларни турк тилига таржима қилиб биродар Бобоохунга эшитдурғон яхши. Муни тушуниб билуб, бунда келсинким, шуларни шартнома моддаларига илова қилиб қўшилгандин сўнг, имзо қилинур деб.

Оларни таржима қилиб, бир-бир ўқиб, биз Мулла Ўроз, Мулла Нурмуҳаммад ва Мулла Матёқуб шерикларига эшиттирдукким, биринчи илованинг мазмуни будурким: Хоразмдаги бутун почта ва телеграфлар Русия ҳукуматининг ихтиёрига қоладур. Иккиланчи илова. Хоразмни ҳозирда экилмай турган ерларидин русларнинг истифода этмак ҳақи борлигини Хоразм ҳукумати тасдиқ қилади. Учланчи илова. Амударё оёқи, Орол денгизида балиқ овламоқ русларга махсусдир. Ва доғи 16-ланчи моддани умумий шартномадин бутунлай олиб ташлаб, ўрнига холис рус манфаати бўлган бир модда киргизилибдур. Ва доғи тўртланчи модда. Ариқларни қазмоқ ва тозодин ариқ ёрмоқ русларнинг тадбирлари : хохлаганларига мувофиқ бўлур. Ва доғи Хоразм ҳукумати ўз еридин оташ араба йўли берур ва йўлнинг ҳар

тарафидин бир чақиримлик ер ҳам берилур. Ва тижорат ахдномасидаги Хоразм оқчаларини Россия банклари олсун деган сўз ҳам бекор турур. Йигирманчи моддада айтилган Русия ёрдам учун бермакчи бўлган оқча ҳам қарзга бериладур. Ва яна заводлар ҳақида комиссия юборилур. Ва яна бир неча мазкур мазмунда сўзлар бордурким, агар бу сўзлар шартномага киритилса, Хоразм ҳақида генерал Кауфман ва Галкинлар ясаган шартномалардин минг мартаба ёмонроқ бўлгудек турур. Буларни товариш Искандар (Самойлович) ўқиб эшитмакка бошлаганимиздин манга ул қадар бехарлик ва кам хусалалик ариз бўлдики, иловаларнинг охиirroқларини қулоқ эшитса ҳам, кўнгил фаҳм эта билмай курсига суяниб, лолу-ҳайрон бўлибманким, иловалар ўқилуб тамом бўлгандин сўнг, ҳаммалари мани ёнимдан чиқиб кетганларини ҳам онгламай қолубман. Ҳар турлук фикрларга кетуб, ҳозирда Хоразм халқининг нодонлиги ва бугунгидек ишларда наф ва зарарларини билмаганликлари ва ўзимнинг Хоразмда орқамдин суягудек кишим йўқлиги ва бу ердаги ҳамроҳларнинг ҳеч ишга ярамаганликлари ва неча мажлисларда зарари етишганлиги, 50 кун ғайрат этиб, Хоразм манфаати учун ясалган шартноманинг бул тариқа бўлиб бузулғони, ал ҳосил бул ғурбат ва мусофирликда ёлғиз бошимга бу қадар оғир юклар тушгани ёдимга тушуб, қаттиқ хафа бўлиб, гиря ариз бўлди.

Бир оз вақтдин сўнг мулла Ўрозни чақириб сўрадим:

-Бу шартнома ҳақида не фикрдасиз ва бу сўзларни фаҳм қила олдингизми?

Ул дедиким: -Ман билмайман, сиз нима қилсангиз, бизлар ҳам они қилурмиз, -деди.

Ман дедим: -Ондоқ бўлса билингким, ман бу иловаларга қўшилган шартномага ҳаргиз қўл қўймасман. Чунки ман Хоразмнинг ер-сувлари ихтиёрини қўлларидин кетуб, қайтадин уларни асир ва мазлум қилмоққа асло рози бўлмасман, -деб иловаларни анга очиқ тушунтириб, дедимким:-ман Караханнинг ёнида мажлис очилган вақтда ҳамма кучимни сарф этиб, иловаларнинг бутунлай бекор

бўлмоғи учун ғайрат қилурман. Аммо сиз хусусан Мулла Нурмуҳаммад оғизларингизга маҳкам бўлинглар. Сизларнинг бир оғиз бузуқ сўзингиз ҳамма меҳнатни зайи қилмасун, деб қопидин чиқсам товариш Искандар Самойлович ҳамма сўзларимни тинглаб, қопида турган экан. Дедимким:

-Ичкари киринг, сиздин пинҳон сўзимиз йўқ турур.

Они киргузиб, ўлтуриб дедим:

-Эй биродар билурсизларким, бизларнинг шартномамизни бошдин оёқ мазмуни Хоразм халқига ўз ҳуқуқини бермак ва Россиядин ёрдам олмоқ. Шартномада бошқа бир мамлакатга зарар бўлгудек ҳеч сўз йўқ турур! Ва шундоғ бўлса ҳам бунинг маъқул бўлмай, бул тариқа иловалар қўшилганига ҳайрон турурман, - деб они айтганимга сўнг пушаймон бўлдум.

Ҳар нечук жавобида биродар Искандар ҳеч қорланиб (жаҳли чиқиб-У. Б.) дедиким:

-Биродар Бобо охун ман ёлғиз таржимон турурман, бошқа иш қўлимдан келмас, аммо не чора қилурман, вазифам бўлганлиги жиҳатидан бу иловаларни таржима қилиб, сизга ўқуб эшиттирдим. Аммо Караханга мажлис бўлганда норозилигингизни билдирарсиз, ман ҳам ёрдам қилурман, - деди.

Таом егандин сўнг, мажлис вақти бўлуб, йўлга чиқдук. Искандар дедиким:

-Бул кеча ҳаво жуда очик, юлдузлар яхши эркан.

Жавобида дедимким:

-Юлдузларнинг яхши ёмон эрканларини яна тўрт соатдин кейин, Караханнинг ёнидин чиққандин сўнг билурман, - дедим.

Девонхонада андак ўлтургандин сўнг, Карахан келуб кўрушуб ўлтуруб, дўстона суръатда муҳаббат ва табассум бирлан бизларнинг аҳволотларимизни сўради. Карахан баланд қомат ва хушсурат киши бўлган сабабидин онинг оҳисталик ва доналик била сўйлаган сўзлари салийга ғоятда муассир эрди. Жавобида бизлар ташаккур қилдук ва доғи бизларнинг ишларимизни тағйир топган сабабларини

мазурат тариқасида баён этди. Жавобида бундин сўнг тезроқ битказсангиз ҳам кўп хушвақт бўлурмиз, дедук. Сўнгра Бухорода бўлган тоза инқилоб бирлан бизларни табрик этиб, бу инқилоб Хоразмга ҳам фойдаси кўп, деди. Жавобида ташаккур қилгандин сўнг, ул кишини ҳам табрик этиб инқилоб хабарини эшитган куни комиссариятга келиб, товариш Янсинни табрик этиб кетганимизни баён этдук. Ва яна дедиким, Бухорода инқилоб бўлмай амир ўтирганини Хоразмга зарари ҳамма ердин кўпроқ эрканини аввалда ҳам товариш Караханга айтуб эрдук. Шул вақт товариш Искандар русча тил бирлан иловаларни бизга эшиттирганини ва бизларнинг анга бутунлай норози эрканимизни баён этди. Товариш Карахан дедиким:

-Бошқа комиссариятлар шартномаларингизни кўриб бир неча иловалар қўшмоқчи бўлган эрканлар, ман кўруб рози бўлмадим. Биродар Бобоохуннинг ҳам бул тўғрида фикрини эшитмакчи бўлиб чақирдим-деб бизга қараб манга:-фикрингизни очиқ ва равшан қилиб айтинг, -деди.

Жавобида дедимки:-Биз бир томондан Хоразм вакили бўлсак, иккинчи томондан шўролар жумҳуриятининг бир аъзоси турурмиз. Бинобарин, ҳоҳ Хоразм жумҳурияти ва ҳоҳ Русия шўролар ҳукумати бўлсин, оларнинг дунёда обрўли бўлмоғини ва хайриятини истармиз. Чунки бизнинг бундин сўнг Русия бирлан фойда ва зараримиз бирлашган жиҳатдин агар Русияга бир офат етишса, албатта Хоразмга ҳам етишур. Шул сабабдин ман шўро ҳукуматининг бир узвий бўлаги сифатим бирлан айтурман: агар мазкур иловалар бизнинг шартномамизга қўшилуб, ҳамма ерларга эълон этилуб тарқатулса, Русия шўролар ҳукумати Шарқ мамлакатлари халқлари олдида ҳеч обрўй топа билмас, деб ўйларман. Балки Шарқнинг Русия шўролар жумҳуриятига бурунгидек андек муҳаббатлари бўлса ул ҳам йўқ бўлса керак. Чунки, ушбу иловаларни Шарқнинг бир ёш боласи кўрса ҳам билурким, бу шартноманинг Николай вақтида кичик мамлакатлар бирлан ясаган шартномалардин ҳеч фарқи йўқ турур. Балки Хоразм ҳақинда бурунгидек ёмонроқ бўлур. Бинобарин биз вакиллар

шўро ҳукуматларининг Шарқ халқи ҳузурида эътибордин тушганини яхши кўрмаганимиз важидин бу иловаларга ҳаргиз розибўла олмасмиз”, дедук.

Сўнгра мазкур иловаларни товариш Искандар Самойлович ўқиб, товариш Карахан бирлан муколама қилишуб, ҳар иловани турлук далил бирлан рад қилдим. Баъзилари Караханга таъсир қилиб, кулар эрди. Сўнгра Хоразмдин келган 14 адад маҳбуслар ҳақида сўз очилиб дедиким:

-Оларни турмага солинмай алоҳида бир жойда қўйилгани яхши кўринур. Чунки оларнинг ичинда гуноҳи озроқлари бўлса ҳам эҳтимол турур.

Жавобда товариш Карахан табассум бирлан дедиким:

-Бизларнинг ўз буржуй ва генералларимиз учун тайин бўлган жой бор турур. Шунда қўйсак бўлмасми? Чунки олар ҳам бизнинг буржуйлардин ортиқ эрмаслар, -деди.

Сўнгра яна дедиким:

-Хивадан келган 2 адад аскар ва командир Давудовга таом ва либос, Хивага қайтуб боргунча кифоя қилгудек оқча ҳам лозимдур, -дедук.

Товариш Карахан оларни ҳам қабул этиб, анжамга келтирмакни товариш Янсинга буйурди, “шартномага пайшанба куни имзо қилурмиз”, деди.

Сўнгра рухсат олиб чиқиб товариш Бройдо уйига таклиф қилгани жиҳатдин, онинг уйига бордук. Мажлисда бўлган сўзларни нақл қилдук. Эшитуб вақти хуш бўлди.

Чоршанба куни автомобил келиб, Москва шаҳри атрофларини сайир қилдук. Пайшанба куни товариш Карахандин хабар келдиким, “жума куни кечда хорижия комиссариятига Хоразм ҳақинда бўлажак мажлисга келурсиз”, деб. Сўнгра товариш Бройдонинг жойига бориб, ишларимиз тўғрисида сўйлашдук. Товариш Бройдо дедиким:

-Сизларнинг ишларингиз иштирокиюн пирқаси қўмитасининг ёрдами бирлан битса керак. Ондин ўзга битмайдур. Ман қўмита аъзоларига бўлган гапни айтдум. Олар аввалги шартномани иловасиз биткармакка мутассади

турурлар. Шул суратда ишларингиз яна бир ҳафтада битса эҳтимол, -деди.

Бизлар ғоятда хафа бўлиб дедикким:

-Бизларнинг ишларимиз бул тариқа битмай чувалашаберса, бизларга шартнома даркор эрмас. Товариш Лениндин кетмак учун жавоб олганимиз яхши турур, -деб яна театрга кетдук.

Жума куни товариш Бройдодин хабар келдиким, “ ман комитет аъзоларига яна йўлуқуб ишларни пухта қилдим. Бобоохун маҳкам бўлиб, илова қўшилган шартномага қўл қўймасун”, дебдур. Мазкур куни кечда Карахан ёнига кетмакчи бўлиб турган вақтимизда телефон келдиким, “бугун Карахан касал бўлиб қолди, мажлис йўқтур. Эртага мажлис бўлар бўлмаслигини ўзимиз билдирурмиз”, деб. Ишларимизнинг бу тариқа бўлиб, яна битмаганига ҳайрон бўлиб, Крашиловни чақируб, дедимким:

-Сиз эртанг озонда товариш Ленин бирлан товариш Чичеринга телефон беринг, ўзим ёнингизда турурман, то оларни кўрмагунча бизларни ишларимиз битгудек ўхшамайдур.

Крашилов дедикким:

-Сиз мани ёнимда турмоғингиз ҳожат эрмас. ўзим кўнглингиздагидан ҳам зиёда қилиб сўйлашурман, -деди.

Сешанба куни келиб, озонда дедикким:

-Бу жойдаги телефонлар ҳаммаси бузуқ турур. хорижия комиссариятига бориб, ондаги телефон бирлан сўйлашурман, -деди. Билдикким, Крашилов фикр қилгандин сўнг, Карахандин қўрқмоққа бошлади. Чунки бул телефон онинг устидин ариза бергандек бўлур. Бинобарин комиссариятга бориб, Карахандин жавоб олгандин сўнг телефон бермакчидур. Унинг бу мақсади бизга маълум бўлгани важидин сўзни жавобида ман ҳеч нима демадим. Ул кетгандин сўнг товариш Искандарни ёнимга олиб, комиссариятга боруб, Караханнынг саркотибига айтдумким, товариш Карахандин сўраб, бизга мажлисни қайси соатда бўлажакини билиб беринг. агар мажлис бўлмаса айтинг, агар

шартномамизнинг битгудек эҳтимоли бўлмаса, бизларга юртимизга қайтмоққа рухсат берсунларким, бизларга шартнома даркор эрмас.

Ҳосили сўзимиз шулким, бизларни мундин сўнг яна интизорлик чекиб етгудек ҳолимиз қолгани йўқ турур. Москвага келганимизга ҳозир икки ой бўлди.

Секретарь ҳафсаламизни ниҳоясиз қочганини билиб, ҳар турлук узрлар айтуб, ондоқ товақиф қилинг, дарҳол сизга тайин хабарни билдирурман, деб югуриб кетди. Бир оздин сўнг келиб, дедиким:

-Ҳозир Карахан комиссарлар мажлисида эркан сиздин илтимос қилурманким, ман ўзим Карахан келган ҳамон, тайин жавобини билиб, сизга телефон бирлан эълон қилурман, - деди.

Жавобида дедиким: -Ман ўзим тайин хабарни ўз қулоғим бирлан эшитмагунча кетмасман. Агар кетсам ҳам ўрнимга Искандарни қўйиб кетарман, ул билиб борсин, деб.

Товариш Искандарни қўйиб конторга келиб Бакиевга дедимким: -Ўзим югурмагунча, кишига инониб иш битмайдур.

Крашилов бизга айтадурким: -Ман Ленин бирлан Чичерин иккисига ҳам телефон бердим. Жавобида иккиси ҳам дедиларким, Хива вакиллари сўзларини Караханга айтсунлар. Карахан бизларга айтур.

Крашиловнинг бу сўзи Карахан бирлан маслаҳат айтилган сўздир. Ман бунга инонмасман. Улуғлар ҳаргиз вакиллар сўзларини бизларга бевосита айтмасун демаслар, бу ёлғон турур. Сан юргил, иккимиз телефон берурмиз, ман сўзларман, сан таржима қилурсан, деб аввал товариш Ленинга телефон бериб, онинг саркотиби бирлан сўйлашиб, бизларни товариш Ленинга йўлиқмоғимиз зиёда зарур ва лозим эрканини, то шул кунгача ҳеч бир ишларимизни битмай турганини айтуб қўйдук.

Жавобида дедиким: -Ушбу сўзларингизни Ленинга билдирурман. Нима жавоб айтса яна сизларга айтурман, - деди.

Сўнгра товариш Чичеринга дарҳол телефон бердук. Иттифоқо товариш Чичерин телефон бошида эркан. Сўзларимизга жавобан дедиким:

-5-10 минутга ушбу сўзларингизни жавобини айтурман, - деди.

Ондоқ вақт ўтгандин сўнг Карахандин жавоб келдиким:

-Соат 2да мажлисга келсунлар-деб.

Дедимким: -Телефонларни натижаси билинди.

Сўнгра соат 2да комиссариятга боруб, Караханни маҳкамасига кирдук. Кирдуким, товариш Чичерин ҳам шул ерга келиб бизларга мунтазир бўлиб турган эркан. Кўрушуб ўлтурмоқ ҳамон товариш Чичерин сўз бошлаб дедиким:

-Биродар Бобоохун шартномаларингизга душанба куни қўл қўйиб, биткариб берурмиз. Сешанба куни кетарсизми?- деди.

Жавобида дедимким: -Ишларимиз битса албатта кетармиз. Эй биродар! Русияда адолатли шўролар ҳукумати барпо бўлгандин сўнг, бизнинг Хоразм халқи ҳам бу маслакни ҳоҳлаб, ҳукуматларини жумҳурият қилиб, бизларни бул тарафга юбордилар ва дедиларким:

-Эмди Русияда бизнингдек кичик ва ожиз миллатларнинг сўзларини эшитуб, қабул қилур вақти бўлди. Сиз вакиллар бориб, рус биродарларимизни ушбу адолатли ҳукумат ва маслакларни билан табрик қилиб, Николай Хоразм халқидин ғазаб этиб олган ҳуқуқларини қайтариб олиб, яна турлук нуқсонларимиз учун ёрдам сўранг, дедилар. Аммо бизлар келиб, шул тўғрида шартнома қилиб, икки ойдин бери ғайрат қилурмиз, лекин билмадим, не сабабдин ушбу шартномага қўл қўймайдурлар. Шул жиҳатдин сизни ҳам ўзларимизга ёрдамчи қилмоқ учун, Сизга телефон бирлан айтуб, ташвиш бердук, албатта афу этарсиз, -дедук.

Жавобида дедиларким:

-Сизнинг ушбу сўзларингизни эътиборга олиб, мазкур иловаларни қолдирдук, душанба куни шартномаларингизга қўл қўйиб берурмиз, -деди.

Жавобида ташаккур қилдук. Сўнгра : -Яна бошқа ишингиз борми?, -деб сўради.

Дедук:-Хоразмдин келган маҳбуслар йўлиқуб, оларнинг аҳволини сўраб билмоқ, адлия нозири бўлганимиз жиҳатидин бизга лозим бўлурми ёки бўлмасми? Они Карахан бирлан маслаҳат қилмоқчи эрдук.

Жавобида дедиким:

-Ҳозирда сизнинг қўлингизда ҳеч материалларингиз бўлмаган сабабдин албатта олар сизга ҳеч гуноҳларини иқрор қилмаслар. Шундоқ бўлса ҳам бориб, ўз кўзингиз бирлан кўриб, ётган жойлари ва таомларини билмакингиз керак бўлур. Токим Хоразмдаги аксил ҳаракатчилар бизларни хон ва уламоларимизни Русияга олиб кетиб, палондек қилдилар, демасинлар.

Жавобида дедиким: -Андоқ бўлса товариш Искандар бирлан бориб, ҳар нима сўзлари бўлса сизга билдирурмиз, - дедук.

Сўнгра рухсат олиб, қайтмоқчи бўлиб, кўришган вақтимиз товариш Чичеринни қўлини ушлаб дедимким:- Биродар Хоразмнинг эзилган мазлум халқларига раҳм қилингким, оларни 50 йилдан бери Николай ҳукумати гоҳ кўрқузуб, гоҳ фириб бериб, алдаб талаган. Учланчи, Жунайидлар талаганлар. Агар сизларнинг ёрдамингиз бирлан тез вақтда оёққа боссалар, Русия мамлакати учун ҳам кўп фойдалари тегсалар керак, -дедук.

Жавобида товариш Чичерин дедиким:-Шул сабабдин оларга истиқлол бериб, асирликдин қутқармоқчи турурмиз. Умид қилурманким, Хоразмдаги мазлум биродарларимиз тез вақтда бу жабру жафоларни унутиб ёқти дунёга чиқсалар керак, -деди.

Сўнгра Карахан бирлан кўришган вақтда дедимким:- Биродар бизларни ишларимизни тахир қилманг. Албатта ушбу душанба куни тамом бўлсун.

Жавобида дедиким:

--Эмди тайин билингким, душанбадин кейинга қолдирмасмиз, -деди.

Сўнгра жавоб олиб қайтиб жойимизга кетдук. Якшанба куни ўтиб, душанба куни соат 2 да биз, Мулла Ўроз ва Мулла Нурмуҳаммад, товариш Искандар ва Крашилов бирлан бирлан маҳбусларга бориб кўриб, оларни даркор нимарсаларини ва сўзларини ёзиб қайтдук. Кеч соат 2да Караханнинг маҳкамасида товариш Чичерин бирлан мажлис қилиб умумий ҳарбий ва тижорат масалалари бўйича уч аҳдномаларга Русия ҳукумати тарафидин хорижия комиссари товариш Чичерин ва онинг бирланчи муовини Карахан, Бройдо бирлан Янсиннинг ўрнига вакил бўлиб имзо қўйдилар.

Хоразм жумҳурияти тарафидин адлия ноziри ва Хоразм вакили биз фақир Бобохун, хорижия ноziри Мулла Ўроз ва Мулла Нурмуҳаммадлар имзо қўйдук.

Алҳамдуллилоҳ, аксари моддалари Хоразм манфаати учун бўлган бу уч аҳдномани қўлга олмоқ учун муддати 62 кун кечаю кундуз тинмай саъйи меҳнат қилиб, неча мартабалар улуғ монийлар пайдо бўлиб, мазкур аҳднома бўлмай турган ҳолга борган вақтларида ғам-ғуссадин ҳалокат даражасига етуб, чеккан меҳнатларимиз зойи бўлмай ишимиз битиб, мақсудга етканимиз учун Олло таолога шукурлар қилдук. Сўнгра шўролар жумҳуриятидин миннатдорлик изҳор этуб, бир нутқ сўзладук.

Жавобида товариш Чичерин, Россия шўролар ҳукуматининг ҳар вақтда ҳам кичик биродари бўлган Хоразмга яхши назар бирлан қараб, онинг тараққиёт ва саодати учун қўлдан келган ҳар бир ёрдамини дариф тутажагини изҳор этди. Сўнгра ушбу яхши соатнинг ёдгори учун Хоразм маҳбусларидан Обид охун ва Саид Абдулла тўрани озод қилмоққа рухсат берилди. Ва доғи, чоршанба куни соат 3да аҳдномаларга муҳр босмоққа муқаррар қилиб тарқашдук. Чоршанба куни хабар келиб, хорижия комиссариютига бордук. Махсус муҳр босувчи келиб, икки нусха қилиб ёзилган ўзбекча ва русча аҳдномани икки нусхасини ҳар бирини бир муқовага банд қилуб, яна русча ва ўзбекча ёзилган ҳарбий иттифоқнома ҳар қайсисини бир

жилдга банд этиб, ўз муҳрлари бирлан бизнинг муҳримизни назарларимизда сўрғич бирлан босиб, икки қизил жилд ичиндаги уч адад мазкур аҳдномани бизга бериб, яна икки кўк ранг қоғоз-қалам муқова ичидаги уч аҳдномани ўзлари олдилар. Шул вақтда товариш Искандар тафахур қилиб, дедиким:

-Бу аҳномалар кўп муборак бўлғусидир. Чунки Маскавга сизларнинг келганингизга шул кун 63 кун тўлуб бу аҳномаларни 63 кун саъйи ғайрат қилуб битказибсизларким, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом динини 63 йилда камолга еткарган эрди, -деди.

Жавобида кўп ташаккурлар қилуб, дедиким:

-Биродар кўп яхши фикр қилдингиз, яна бир сўз бордурким, бу аҳномага чоршанба куни муҳр босилди. Ислом халқи буни ҳам муборак санаб, яхши кўрдилар.

Ва яна комиссарият маъмурлари маслаҳат қилдилар: жума куни Хоразм вакиллари жами Шарқ мусулмон вакилларини чақирсин, -деб.

Шул вақт товариш Измайлов келуб, аҳдномани кўруб, хайрон бўлуб турди. Киноя тариқасида дедимким:

-Товариш Измайлов аҳномаларингиз ҳеч иловасиз тамом этилуб, муҳр босилди. Албатта сиз ҳам ёрдам қилгансиз.

Жавобида муртад бўлуб, дедиким:

-Ман билмайман, эшитуб эрдимким, ул киши Хоразмдин келуб, Караханга йўлиқуб, Хоразмга бунингдек ҳуқуқлар бермак лозим эрмас, деб аҳномаларимизни бузулмоққа кўп саъйи ғайрат қилган эрканлар. Онинг шул сўзларининг таъсири ва зараридин мақбул бўлмай, аҳномадин туширулиб, ул масала мужмал ҳолда қолди. Ул бобда ҳарчанд саъйи ғайрат қилсак ҳам фойда этмади.

Пайшанба куни бирланчи улуғ театрга Маскавдаги аксари улуғлар боруб, бизларга ҳам ҳукуматдин амр бўлиб, бориб Анварпошшо бирлан бир ложада ўлтуриб, томоша қилиб қайтдук. Жума куни соат беш яримда юртимизга қайтмоқ учун рухсат олиб, видолашиб қайтмоққа хорижий

комиссариятга товариш Караханга боруб, кўп вақт дўстона мусахабат қилгандин сўнг товариш Чичерин келди. Олуб борган бир сарпой ва белбоғ, икки ғолича (гилам) ва уч қорақўл териларни тақдим этуб, сарпойни ўз қўлимиз бирлан товариш Чичеринга тақдим этуб, сарпойни ўз қўлимиз бирлан товариш Чичеринга кийдирдук. Жавобида товариш Чичерин кўп ташшакурлар қилди. Сўнгра дедиким:

-Хурматли биродаримиз Хоразм жумҳурияти мундин сўнг тез вақтда шўролар ҳукуматининг белини қуввати бўлур, деб умид қилурман. Сизнинг мажлисларда айтган яхши сўзларингиз ҳар вақтда манинг кўзимни олдига сизни кўрсатур. Умид қилурманким, манинг ушбу шахсий дўстлигимни хотирангиздан чиқармассиз, манинг чин мухаббат бирлан айтган ҳароратли саломимни Хоразмдаги ишчи ва фуқароларга айтгайсиз, , -деди.

Шул вақт товариш Карахан дедиким:

-Хоразмдаги газета ва тозо китоблар ва ҳар бир аҳволни хусусий суратда манга билдиринг. Биз доғи муҳим ҳолларни сизга билдириб турурмиз. Чунки биз беғороғ дўстлармиз. Яхши кунларда хушлик бирлан яна йўлиқамиз, -деб кўрушуб хайрибод қилдук.

Шул вақт товариш Карахан мандин ядгор деб уч вакилга олтин соат, Мулла Матёқуб шерикка кумуш соат тилла занжири бирлан инъом қилди.

Жавоб олиб жойимизга келсак, Хоразм истиқлоли учун берилмоғи учун зарур бўлган зиёфатга таклиф этилган меҳмонлар келмакка бошладилар. Туркия вакилларида ислом қаҳрамони машҳур Анварпошшо ва самийбек, яна 4 та турк зобитлари ҳам Афғонистон вакили мухтор Муҳаммад Валихон Русиядаги консули ва таржимони бирлан, Русия шўролари жумҳурияти тарафидин Шарқ бўлими мудирини товариш Янсин, рус уламиси товариш Искандар ва товариш Бройдо, ҳамда Доғистонда ўтган машҳур шайх Шомилнинг ахтиқи (невараси) Шамил афанди, бир неча докторлар ва Русия хонимлари, Москвадаги мусулмон мажлисининг раиси Султонгалиев бир неча йўлдошлари бирлан келган эрдилар.

Бу мажлисда Русия ҳукумати биз вакиллар номига турлик лазиз таомлар омода қилдурган эрди.

Келган биродарларнинг ҳар бири алоҳида Хоразмнинг тоза истиқлолини табрик этуб, аҳдноманинг мазмунини сўраб, ниҳоят хурсандликларидан қайта-қайта табрик қилур эдилар. Хусусан Анварпошшо бирлан Муҳаммад Валихон ғоятда маасир бўлиб, мутаважжи бўлиб дедиларким:

-Биродар Бобоохун бул Осиё иқлимнинг, хусусан Ислом мамлакатлари хароб ва беъэтибор бўлиб, аксари ерлари мусулмонларнинг кўлидан кетуб турган бир вақтда Сиз руслар бирлан бул тариқа мусулмонларга манфаатли аҳнома Хоразм учун ясаганингиз бир улуғ қаҳрамонлик ва фавқулодда бўлибдурким, бул тариқа бошдан оёқ мусулмон фойдасига бўлган аҳномани неча юз йиллардин буён ҳеч ислом мамлакати қила билган эрмасдур. Неча юз минг аскар кучи бирлан битказибсиз. Оллоҳ таоло бу ишингизни доимо муборак қилгай. Сизнинг бу яхши хизматингизни умуман мусулмонлар, хусусан Хоразм халқи қадрини билуб, албатта қиёматгача тарихларда яхшилик бирлан ёд этарлар, -деб неча-неча мартабалар табрик қилурлар.

Ва доғи илтимос қилдуларким, аҳномани бир киши ўртага чиқиб баланд овоз бирлан ўқисин. Токим ҳаммалар эшитуб, мазуз ва хушвақт бўлсинлар, дедилар. Бинобарин, рус мусташарифи товариш Искандар аҳномани моддама-модда ўқиди. Турк ва Афғон биродарлар фақирнинг ҳақинда гоҳ сўзлашиб, бу каби сиёсатчи киши Хоразм даштидин нечук пайдо бўлган. Албатта бу улуғ вилоятларда ўқиган бўлса керак, дер эдилар. Ва гоҳи русларнинг мунигдек аҳномага рози бўлганига ҳайрон бўлур эдилар. Оқибат биздан илтимос қилдиларким, “биродар Бобоохун шул аҳномани турк ва афғон китобларига дарҳол ёзсинларким, бу аҳнома бизлар учун кўп муҳимдир”, дедилар. Биз ҳам рухсат бердук, . Дарҳол ёзиб олдилар. Шул вақт руслар меҳмонларни таом учун устал бошига таклиф этуб, устал ўртасидаги креслода ўлтургизиб, бир тарафимизда афғон вакили Муҳаммад Валихон, яна бир тарафимизда Анварпошшони келтуриб ўтқаздилар. Ҳамма

меҳмонлар ўз ўринларида ўлтургандин сўнг рус маъмурларининг илтимоси бирлан фақир бир нутқ ирода қилдим, бул тариқадиким:

-Ҳурматли азиз биродарлар! Биз мустақил Хоразм мамлакатининг вакиллари биринчи даражада маъсуд ва бахтиёр бўлган турур. Чунки 50 йилдан бери золим Кауфманлар тарафидин забт этилган истиқлолимизни қайтаруб, қўлимизга олган бу яхши кунимизда жами улуғ мусулмон мамлакатининг ҳурматли вакиллари Русия шўролар ҳукуматининг улуғ маъмурлари бирлан бир устал бошида ғоятда самимий ва дўстона муҳаббат бирлан суҳбат қилуб ўлтурганимизни кўрармиз.

Биродарлар! Биз золим Николай ва бойлар, Жунайидларнинг зулми бирлан эзилуб, дунёда яшамоқдин ноумид бўлган бир вақтларимизда Русия шўролар ҳукумати бизга мададкор бўлди. Яшасин Хоразм бирлан Русия иттифоқи! Яшасин ҳамма мусулмон ва Русия иттифоқи! Яшасин Хоразм аҳдномасини яхши равишда битмакига саъйи ҳаракат этган товариш Чичерин, Карахан ва Бройдо!-деб нутқни тамом қилгандин сўнг, товариш Исқандар Самойлович рус биродарлар фаҳм этмаги учун мани сўзимни русча тилга таржима қилди. Ҳаммалари узоқ вақт қўл чопиб (қарсақлар чалиб) турдилар. Сўнгра товариш Бройдо узун бир нутқ ирода қилуб, мажлис тамом бўлди.

1339 тарихий ҳижрий муҳаррам ойининг бешланчи кунда хорижий комиссариятига товариш Янсиннинг маҳкамасига боруб, Хоразмга юбормакчи бўлган хатларни ва ўзимизга берилган иноятномани олуб, видолашиб жойимизга келсак, товариш Ленин ўзининг автомобилени бизларни оташ арабага олуб бермоқ учун юборган эркан. Онга миниб, товариш Бройдонинг ёнига келуб, онинг бирлан хатларни олуб, видолашиб, намози аср вақтинда вокзалга келуб вагонларимизга жойлашдук. Ва доғи Хоразм учун тайин топган ёрдамларни ҳукуматдин олуб, Хоразмга юбормак учун Бройдо ва Янсиннинг маслаҳати бирлан Бройдонинг ҳамшираси куёви товариш Левинни вакил

қилган эрдук. Ул бизларни узатиб, вагонга келуб онга княз дворецда то Хоразмдин вакил келгунча истиқомат қилиб турмоқ учун хат бердук. Сўнгра душанба куни тонг отган вақтларда ўтли Бусали деган станцияга келди. Чоршанба оқшоми Самара шаҳрига келдук. Андин юриб, Ўрунбург (Оренбург)га келуб, бир соат тургандин сўнг йўлга чиқиб, сешанба куни кун ботгандин кейин Қозонлига келдук.

Махфий қолмасинким, Тошкант бирлан Маскавнинг масофаси 3090 чақирим эркан. Тошкантдин Чоржавга 679 чақирим, Чоржавдин Хивагача 420 чақирим. Маскавдин Хоразмгача 4189 чақирим бўлғусидир. Мазкур масофа ҳар 8 чақирим бир фарсах ҳисоби бирлан 523 фарсахдин бир чақирим зиёда бўлур. Қозонлидан мазкур кечда чиқиб, душанба куни тонг отган вақтда Тошкантга келдук. Тошкантда биродар Назирбой Шоликоров, Исмоилбойларни кўрдукким, олар Хоразмдин тижорат вакиллиги бирлан келуб, бизларнинг Тошкантга бурунги келганда тушган “Регина” номли жойимизда турган эрканлар. Бизларни ўз жойларида зиёфат қилуб, сийладилар. Жуманиёз Оллақулов ҳам бор эркан.

Махфий қолмасинким, биродар Жуманиёзни бизлар Москвага кетгандин сўнг баъзи бир бекор сўзлар бирлан ҳибс қилуб олиб қолган эрдилар. Назир Шоликоров келуб, Хоразм ҳукуматининг телеграмм бирлан сўраган важидин тегишли жойларга мурожаат қилуб ҳибсдин халос қилган эрканлар. Мазкур кунда Тошкант хорижия комиссари товариш Гопнернинг маҳкамасига боруб, кўришуб, Хоразм нозирлари бирлан телеграм ва оғиз билан сўйлашмакни илтимос қилдук. Жавобида дедиким:

-Бул кун кечда маҳкамада сизга зиёфат қилурмиз. Шул зиёфатга келганингизда ҳамма лозим бўлган ишларни маслаҳатлашармиз, -- деб рухсат берди.

Кечда Мулла Ўроз ва Мулла Нурмуҳаммад, Назир Шоликоровлар бирлан зиёфатга бордук.

Маскавда қилинган аҳдноларимизни бизлардин сўраб, эшитуб илтимос қилдиким, “мазкур аҳдномани манга эртанг

берсангиз, ман ҳам ёзиб олсам яхши бўлур эрди. Чунким, бизлар учун ҳам аҳднома ниҳоятсиз муҳим турур. Ва доғи нечук бўлса ҳам сиз бир-икки кун қистаманг, Туркистонда яқин вақтларда сайлов бўлиб, ҳамма комиссарлар тозадин сайланадурлар. Олар сизни таништурмоқ учун олий зиёфат ташкил қилмоқчи турурмиз. Ул зиёфат тоза комиссарлар бирлан сўйлашиб ва фикр олишуб, ондин сўнг Бухорога боруб, “Ёш бухороликлар”нинг инқилобини табрик этиб, ондин чиқиб вилоятимизга кетарсиз”, деди Гопнер.

Агарчи бир неча мартаба узр айтиб, тез рухсат олмоқчи бўлсак ҳам қабул қилмай мазкур зиёфатга бўлмоғимизни илтимос қилгани жиҳатидин ноилож жума кунигача товаққуф қилмоқчи бўлдик. Ва доғи Хоразм аҳволотидин сўз бўлуб, Хоразм ҳукумати Қўшмаматхонни баъзи жиноятлар сабабидин отиб ўлдуруб, Бахши деган ёвмутни ҳибс қилганини эшитдук. Ва доғи, жума оқшоми мазкур зиёфатга бизларни олиб бормоқ учун икки адад автомобил келиб, биз ва Мулла Ўроз ва Нурмуҳаммад ва Тажаддин Бекиев ва Крашилов ва Гиржанскийларни бир автомобилга миндуриб Мулла Муҳаммад Ёқуб ва Мадрахимбой, Қози Абдулвоҳидларни бир автомобилга миндуриб, йўлда кетуб борганимизда яна бир автомобил бизларга муқобил келиб, иккиси ғоятда шиддат бирлан уруб, ҳар иккисининг ҳам бир неча узувлари пора-пора бўлуб, шофёр-автомобилчилар ерга сарнуйон бўлиб йиқилдилар. Аммо Оллоҳ Таоллоҳнинг лутфукарами бирлан бизларга ҳеч зарар етишмай ушбу ёмон таҳликадин омон қутулдик. Дарҳол бизларни бошқа автомобилга миндуриб олуб кетдилар.

Зиёфатда Тошкантининг ҳамма комиссарлари, Афғон ва Ҳинд вакиллари бор эркан. Ҳаммалари жам бўлгандин сўнг ТуркЦИК маҳкама раиси биродар Назир Тўра (Тўрақулов-У. Б.) мажлисни очиб, бир нутқ сўзладиким, “хурматли биродаримиз, Хоразм жумҳуриятининг вакиллари биродар Бобохуннинг тахт раясотида бундин бир неча ойлар муқаддам Туркистонга келиб, бизлар бирлан кўришуб, шўролар ҳукуматларининг маркази Москва шаҳрига ўтиб

кетган эрдилар. Москвага бориб, товариш Ленин бирлан йўлиқуб, Русия шўролар ҳукумати бирлан аҳднома қилуб, Русиядин кўп турлук ёрдамлар олиб, ниҳоятсиз хурсандликлар бирлан қайтуб Тошкентга келибтурлар. Мазкур биродаримиз Хоразм вакилларининг шарафига қилинган бу зиёфатда мазкур биродарларимизнинг соғ-саломатлик била шод ва хурсанд бўлуб, Хоразм мамлакатини мустақил мамлакат қилуб келганларини Туркистон жумҳурияти номидан чин ихлос бирлан табрик қилуб, ушбу мажлисни очарман”, деб сўзини тамом қилди.

Хорижия комиссари товариш Гопнер узун бир нутқ сўзлаб, нутқида биз фақирни Шарқ мусулмонлари учун биринчи даражали фойдомон бир аҳднома боғлаганимизга кўп таҳсин ва офаринлар айтуб “ ушбу аҳднома Русия шўролар жумҳуриятининг шарқ мусулмонларига не тариқа яхши назар бирлан қараганини билдиргувчи бир шоҳид одилдур”, деб сўзини тамом қилди.

Сўнгра фақир бир нутқ сўзлаб оларга самимий қалбидин ташаккуримизни баён этиб, сўнгра Русия шўролар жумҳуриятининг Хоразмга берган истиқлоли ҳақиқий ва фойдаманд бир истиқлол бўлиб, инглиз ва французларнинг баъзий бир мамлакатларга сиёсий ҳийла ва найранглар мулоҳазаси била бахш этган истиқлолларидек мазру ёлғон истиқлол эрмаслигини кўп далиллар бирлан сўзладим.

Фақирнинг сўзлари таъсир қилиб мажлис қатнашчилари кўп вақт қўл чолиб (қарсак чалиб) турдилар. Сўнгра Ҳиндистон вакиллари Хоразм истиқлолини табрик этиб узун ва самимий бир нутқ ирода қилди.

Фақир онинг жавобида ҳам бир нутқ сўзлаб, чин кўнгилдин ташаккуримизни баён этиб, инглиз золимлари қўлидин тез вақтда Ҳиндистонни ҳам қутқариб улуғ мамлакатда Ҳиндистон мусулмон биродарларимиз бирлан олий зиёфатларда дўстона нутқлар сўйлаганимизни кўрмак орзусида эканимизни билдурдим.

Ҳинд вакиллари нутқимизни эшитуб, ниҳоятсиз ихлос бирлан қўл чолиб (қарсак чалишиб) олқишлар эдилар.

Сўнгра мажлис тамом бўлгандин сўнг жавоб олиб қайтдик. Аммо Назирбой, Исмоилбойлар дедиларким, ” бизлар сиздин бир-икки кун олдин Самарқандга бориб, баъзий савдо ишларимизни битказиб турурмиз. Сиз боргандин сўнг бирга қўшулуб Бухорога бориб ондин бирга кетармиз”, деб жавоб олиб Самарқандга кетдилар.

Бизлар доғи маҳрам ойининг ўн тўққизланчисида кечда поездга миниб Тошкандин ҳаракат қилдик.

Махфий қолмасинким, кетмасдин бир соат бурун Мулла Ўроз ва Мулла Нурмуҳаммадлар келуб дедиларким:

-Бизга жавоб беринг, бизлар Тошкандда қолурмиз, -деб.

Биз дедук:-Нечун қолурсизлар?

Жавобида дедиларким:

-Баъзий ушоқ савдоларимиз бор турур.

Биз дедикким:

-Ростини айтинглари, ё Қўшмамадхонни ўлдурилган важидин юртга бормоққа хавф қилиб айтасизларми?

Жавобида:

-Ростини айтсак шундоқ турур. Агар Чоржавга борганимиздин сўнг юртнинг фароғат аҳволини билдурсангиз изингиздин етишурмиз, -дедилар.

Биз дедикким:

-Сизлар агар хавф этиб қолмоқчи бўлсангизлар, Чоржавда қолурсизлар. Бу ерда қолманглари, -деб турган вақтимизда товариш Бакиев бир хат келтуриб, дедикким:

-Бу хатни товариш Гопнер бериб юборди. Мазмуни : Мулла Ўроз ва Мулла нурмуҳаммад ўз нўмерида қолсун, деган турур.

-Биз буларни олиб кетмакчи эрдик. Тошканд ҳукумати қолсун деган бўлса бошқа сўзимиз йўқ албатта, қолодурлар, - дедук.

Сўнг Бакиев оларнинг асбоблари бирлан “Регина”га жойлаштириб, хорижия комиссарига топшируб келди. Душанба кунига келуб Когон станциясида биродар Назирбой ва Исмоилбойлар бирлан йўлуқуб ҳаммаларимиз қўшулуб вагонларимиз бирлан Бухоро дарвозаси олдидаги вокзалга

келуб тушдик. Шул вақт Бухоронинг муваққат раиси, жумхурият хорижия нозири биродар Файзулла Хўжаев тарафидин кишилар келиб, бизларни фййтунларга миндируб Бухоро шаҳаридаги хорижия нозирага олиб бордилар. Унда бориб, биродар Файзулла Хўжаевни кўриб Бухоро инқилобини табрик қилдук. Неча ўн ташаккур қилиб Бухорода бир неча кун тўхтамоқимизни илтимос қилди. Ва дедиким:

-Бир-икки кунларга Бухоро халқини йиғиб қурултой қилмоқчи турурмиз. Сизларнинг ҳам ушбу қурултойда бўлмоғингизни орзу қилурмиз, -деди.

Жавобида биз дедиким:-Бизларни мамлакатимиздан чиққанимизга кўп вақтлар бўлди. Бинобарин, юртимизга тезроқ бормоқни истармиз. Лекин Сизнинг илтимосингиз вазидин икки-уч кун Бухорода турурмиз, -дедук.

Жавобида :-Албатта турганингиз яхши, Шул орада Тошкантига кетган Русия вакили Куйбишев ҳам қайтуб келса керак. Они ҳам кўрарсизлар, -деганидан сўнг жавоб олиб чиқиб, бизлар учун тайин қилинган жойга бордук.

Шул вақт Хоразмдин келуб, сўнгра кетабилмай Бухорода ётган бир неча Хоразм савдогарлари келиб кўришуб дедиларким:

-Бизларга Бухоро улуғлари қайтмоққа рухсат бермаганлари сабабдин кўп вақтдан бери бунда ётибмиз. Эмди бизларга рухсат олиб бериб Хоразмга қайтарсангиз эркан, -дедилар.

Жавобида:

-Назирбой бирлан маслаҳатлашиб ишларингиз учун саъйи қилурмиз, -дедук.

Шул вақт биродар Файзулла Хўжа бизларни ўлтурғон жойимизга зиёфат расми бирлан келуб олий зиёфат қилди. Бизлар Бухоро телеграмхонасинин оғизма-оғиз сўзлашмакни Файзулла Хўжага айтдук. Дарҳол киши юбориб, русча соат бешда телеграммани сўйлашмакка тайин билдирди. Зиёфат тамом бўлгандин сўнг жавоб олиб вокзалга қайтуб, вагонларимизга келуб турсак Баҳовуддин дарвозасида кўп

иморатлар инқилоб вақтиндаги мухорабада тўп бирлан урулиб хароб бўлган эркан. Шаҳарда киши ҳам ғоят бирлан кўринур. Тахминан аксари шаҳар халқлари қочиб, ҳанузгача келган эмаслар.

Бир оз вақтдин сўнг Назирбой, Исмоилбой, Крошилов ва Бакиевлар бирлан телеграмхонага бориб, Хоразм нозирлар раиси Полёз Ҳожи Юсуповни чақирдук. Олар мулла Бекчон, мулла Муҳаммаджон Абдалов ва Ҳасановлар бирлан келуб, телеграм(телефон) бирлан сўйлашмакка бошлаб, Москвадаги акт қилинган аҳдноларимизни, Мулла Ўроз ва Мулла Нурмуҳаммадларнинг Тошкантда қолганликларини ўзларимиз 2 одам, доктор ва дорулар, икки комендантлар бирлан тез вақтда Хоразмга боржакимизни айтуб оларни яхши истиқбол қилмоқларини илтимос қилдук. Олар ҳам бу қилган хизматларимизни ниҳот хушвақт бўлганликларини билдуриб, “тез вақтда келишингизга мунтазирмиз”, дедилар. Ва доғи юртнинг баъзи аҳволотларини айтдилар. Сўнгра Назирбой ўз тижоратини сўзлади. Ондин хўшлашиб келиб, вокзалда ётдук. Назирбойлар саройга зиёфатга кетдилар.

Чоршанба куни Ситораи Моҳи-Хоссадаги қурултойга бориб, Хоразм нозирлар шўроси раисининг телеграмм орқали айтган саломини Файзулла Хўжага айтдук. Ва доғи Файзулла Хўжаевдин қайтмоғимиз учун рухсат сўрадук. Рухсат бериб, ўзи ҳам кечда вагонимизга бормоқчи бўлди. Ва лекин машғулоти кўплигидан кела билмади. Бизлар ҳам Чоржавга қараб кетдук. Назирбойлар бизларни узатиб бирга келдилар.

Жума куни Чоржавдин пароходга тушиб равона бўлдук. Бир ҳафтада Дарғонга келдук. Ондин жўнаб кетдук. Йўлда бир пароходга Хоразмдин ёвмут маҳбусларидин 280 одамни юборган эрканлар. Йўлда нофармонлик қилган 16 адад ёвмутни устиндаги қоровуллар отиб ўлдурган эрканлар. Мазкур Самарқанд пароходи 5 соат миқдори тавақиб қилиб, бизларнинг баржамиздин ёғ олиб, Чоржавга ўтиб кетди. Бизлар сешанба куни юриб, якшанба куни сафар ойининг бешланчисида номозшом вақтида Тўрткўл шаҳрига келиб бўлдук. Оллоҳумма барака лаҳазал қудуқ(қадамларингиз

муборак). Шу вақтда товариш Крошиловни Тўрткўл шаҳрига юбордук. Хоразм ҳукуматига телеграмм бирлан хабар бермак учун.


Махфий қолмасинким, тамоми ҳукумат одамлари арабалари бирлан бизнинг олдимизга пешвоз бориб, саломатлик бирлан кўришуб, Хивага келтуриб, Тоза маҳрамнинг жойига ўрнашдук.

СУЛОЛАГА ОИД ҲУЖЖАТЛАР, РАСМЛАР

۱۳۲۸

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
الحمد لله رب العالمين والصلوة والسلام على سيدنا محمد وآله الطيبين الطاهرين
الذين هم خير خلق الله انجبتهم من نساء آلهم وفضلهم على خلقه وفضلهم على خلقه

ایر دیکیم اقر معتبر شرعی قیلدی الذی سیظهر اسمہ ونبه فر فی علی ہذہ الوثیقہ فی ختمہ بوجہ
کہ سادیم اوزیل کیسیل بیج نافذ لازم نسر علیہ اوزیم صلی فرزند لاریم محمد کریم و امام الدین
ونظام الدین و عنایت اللہ وسعادت بیکہ و اولوغ پادشہ بیکہ لار و اولاد بیکہ و اولاد
لاری بنت جنت مکان جمعہ نیاز ایشان مرحومینہ ہمگی و نامی تخمینا ایکی یوز تینمیش
ییر اوز حق و ملک بیکہ کابینہ دور یا کتفی قلعه و انور اللہ بیک نینگ مسجد قومیدار مشتملہ دور
بیر جو لیغہ ایچیدار مسقفہ جا یلاری بیلہ جد و دی شرقا اوستا عوض نینگ وارثلاری نینگ
ملکی و شمالا کوچہ معینہ و غربا محمد جان و بعضی محمد مراد و جنوبا محمد کریم دیکر جمع حقوق و وقت
لاری بیلہ مبلغ اوچبوز طلا ہر ہر تووز تنگہ رایج الوقتنہ تقابض بدلیں بولدی
و ضمان الدرک ایشدی لم علی بلاغین و لاغور و لا شرط فاسد وینہ بخش قیلدی ہم من
مذکورہ مذکورہ مذکورہ من قسبل ہمتہ الدین ممن علیہ الدین و کان لک



بمحضرت من الناس
کواہلاری و اولاد جمعہ سنہ
و اولاد محمد رضا آخوند
کاتب محمد کریم مخدوم



ERKAKLAR CHAPONI
МУЖСКОЙ ХАЛАТ
MEN'S COAT



1920й.

29



نالا فخر کهن با صبر و امان

بلد آستیار

چو در برود کند با جود

نویسند نو بانی

نیز اس با کسر چراغ

ارباب ریاضت را در غلبی
بم کدورت صبر لا صفا تو را کرد

سید ماه در شکیب
ار در و با الفاعل خوف از او

دلک صفت ریم در حاله
نوازین جهان با کجا تو را کرد

امروز در زمانه تاج مایه

چو در دم دیده ام زده دار

کلیتور در فقه شکیب
عالمیه نهار شکیب اوج نوز دولت

عجب استم نود درم هم سب
خواب سبک در حلقی رکن عیدارند

بنده خاص ملک باس با و اع ملک
روز ما یعنی ار سخته و سبهارس

دن جو من دنیا فای
کن جو شرا با من سر آ

چو در صبر بلاه عدا الله استم

بندی ملک کل لوم
لده الموت و ابنوا لخراب

چو سید معلوم است که کریم است

Р.С.Ф.С.Р.
ИЗЪЯВЛЕНИЕ
ПОЛНОМОЧНЫЙ
ВЪЗНЕС

Мухамед-Салимов
1902 год
1902

18

УДОСТОВЕРЕНИЕ.

Настоящее видено Председателе Полномочной
Делегации Хорезмской Советской Республики пр.
БАБА-АХУНДУ МУХАМЕД-САЛИМОВУ в том, что он слѣ-
дует во главе Полномочной Делегации в Р.С.Ф.С.Р.
в гор. Москву.



В силу вышеназложеннаго все учреждения и орга-
низации, кои это касается, приглашаются содей-
ствовать безусловное содействие Делегации в проезде
ее к месту назначенія и в снабженіи делегации
всем необходимым.

Делегация Хорезмской Республики, как ино-
странное посольство, является на территории
Р.С.Ф.С.Р. НЕПРИКОСНОВЕМОЮ, а
по сему ни члены делегации, ни грузы слѣдующіе
с нею не могут подвергаться никакому провозному
контролю, задержанію и т.п.

Делегации предоставляется право пользова-
ния приям проводом, телеграфом, телефоном и всеми
средствами передвиженія и связи, право команд-
ировки своих сотрудников и курьеров по надобно-
стям делегации, кои при наличіи соответствующих
мандата со стороны делегации пользуются так-же
правомъ полной неприкосновенности.

Лица и организации, нарушавшіе права деле-
гации, будут привлечены к самой суровой ответ-
ственности по закону всенароднаго вѣдѣнія.



Председатель Коллегии
Чрезвычайнаго Представительства и
Полномочный Представитель Реввоен-
совета Туркестанскаго фронта

Мухамед-Салимов

Завѣдывающій Канцеляріей

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қодирберган Низомиддинохун ўғли хотиралари. 1998 йил, июн, июл ойларида Умид Бекмуҳаммад томонидан ёзиб олинган.
2. Умид Бекмуҳаммад, “Эътиборга молик учрашув”, Низомиддинохун ва Жунаидхон. “Манзара” газетаси, 1998 йил, август-сентябр сонлари.
3. Умид Бекмуҳаммад, “Бройдо Гурланда”, “Гурлан ҳаёти” газетаси, 2002 йил 15 февраль.
4. Умид Бекмуҳаммад, “Манбаларда Салимохун тасвири”, “Гурлан ҳаёти” газетаси, 2002 йил 18 октябрь.
5. Умид Бекмуҳаммад, “Қозикалон”, “Гурлан ҳаёти” газетаси, 2002 йил 1 ноябрь.
6. Умид Бекмуҳаммад, “Охунлар тақдири”, “Гурлан ҳаёти” газетасининг 2005 йил 30 август, 14, 30 сентябр сонлари.
7. Умид Бекмуҳаммад, “Қозикалон Салимохун ва унинг авлодлари”, “Хоразм ва хоразмликлар. Биринчи китоб.” Бухоро” нашриёти, 2022 йил.
7. Баҳром Ирзаев “Хоразмнинг қозикалони бўлган зот”, Азон.уз. сайти, 21.07.2022 йил.
8. Баҳром Ирзаев “Чопон кийган осиёлик”, “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2022 йил 18 август.
9. Умид Бекмуҳаммад, “Тарихнинг номаълум саҳифалари. Ўнинчи китоб”. “Қозикалон Салимохун авлодларининг қатағон даврдаги тақдири” (очерк) Тошкент-2022 йил. “Академнашр” нашриёти.
10. Умид Бекмуҳаммад “Babaakhun Salimov's Activity in the Khorezm Jadidism. Movement and His Historical Place”, Texas Journal of Philology, Culture and History ISSN NO: 2770-8608. <https://zienjournals.com> Date of Publication: (AQSH), 30-03-2023.
11. Умид Бекмуҳаммад, “Хоразмлик жадид ижодкорлар фаолияти”. Бобоохун Салимов ва Бекжон Раҳмонларнинг

ижоди тўғрисида. “Хоразм–Марказий Осиё цивилизацияси тизимида”. 18-19 май кунлари Урганч давлат университетида ўтказилган республика илмий-амалий анжумани материаллари. Урганч-2023 йил.

12. Умид Бекмуҳаммад, “Жадид ҳуқуқшуносининг ижоди”. “Тамаддун нури” журнали, 2023 йил № 8;

13. Умид Бекмуҳаммад, “Икки жадид ҳақида бир мулоҳаза”, “Жадид” газетаси, 2024 йил 29 январь.

14. Сайёра Самандар, “Жадид маърифатпарвари Бобоохун Салимов ижодий фаолияти ва адабий меросининг маърифий аҳамияти”. “Замонавий илму фан тараққиётида ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб масалалари”, Халқаро илмий-амалий анжуман мақолалар тўплами, Урганч-2024 йил.

15. Умид Бекмуҳаммад (масъул муҳаррир Сайёра Самандар) “Хоразм жадидчилик ҳаракати энциклопедияси”, “Milleniumus print” нашриёти, 2024йил.

16. Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад “Хоразм жадидчилиги: ислохотлар. таълим ва адабиёт”, “Milleniumus print” нашриёти, 2024йил.

17. Матюсуф Салимов “Қозикалон Муҳаммад Салим охунднинг ҳаёти ва фаолияти”, “Инновация ва тараққиёт” журнали, 2024 йил 4-сон.

18. Матюсуф Салимов “Хоразмда 19 аср охири ва 20 аср бошларидаги қозилик ҳужжатлари”, “Инновация ва тараққиёт” журнали, 2024 йил 5-сон.

МУНДАРИЖА

Жадидлар лидери ҳақидаги муҳим асар	3
Кириш.....	5
1-боб. Бобоохун Салимов аждодларининг хива хонлигида тутган ўрни ва нуфузи.....	10
1.1. Қозикалон сулоласи ва унинг жамиятда тутган мавқеи ..	10
1.2. Охунлар шажараси	22
2-боб. Бобоохун Салимовнинг хонлик давридаги ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий фаолияти.....	42
2.1. Бобоохун Салимовнинг хонлик давридаги ижтимоий-сиёсий фаолияти.....	42
2.2. Бобоохун Салимовнинг республика давридаги фаолияти.	54
3-боб. Бобоохун Салимовнинг халқаро миқёсдаги фаолияти ва адабий мероси.....	60
3.1. Бобоохун Салимов делегация раҳбари ва дипломат	60
3.2. Бобоохун Салимов фаолиятининг сўнгги даври	69
3.3. Бобоохун Салимов ва Бройдоларнинг дипломат ва маслакдош сифатидаги фаолиятлари	76
3.4. Бобоохун Салимов ва Самойлович	81
3.5. Бобоохун Салимовнинг адабий мероси.....	101
3.6. Охунлар шажараси ва уларнинг хонлик ҳамда совет давридаги тақдири.....	105
Хулоса	110
Илова.	113
Бобоохун Салимовнинг делегация раҳбари пайтидаги кундаликлари	113
Сулолага оид ҳужжатлар, расмлар	205
Фойдаланилган адабиётлар.....	213

**УМИД БЕКМУҲАММАД
САЙЁРА САМАНДАР**

**БОБООХУН САЛИМОВ ЖАДИД,
ДАВЛАТ АРБОБИ ВА ШОИР**

Масъул муҳаррир:

Баҳром Ирзаев –тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент.

Муҳаррир: Гуломжон Отажонов

Саҳифаловчи:

М. Жуманиёзов

Мусаҳҳиҳ:

Ж. Собиров

Тақризчилар:

Дилноза Жамолова, тарих фанлари доктори, доцент,

Жавлон Жовлиев, филология фанлари бўйича фалсафа доктори,

Бекзод Абдиримов-тарих фанлари бўйича фалсафа доктори.

Тасдиқнома рақами Х-119629. Босишга 7. 06. 2024 да рухсат этилди.

Бичими 60x84_{1/16}. Офсет қоғози. Таймс гарнитураси.

Шартли босма табағи 21, 25. Адади 300 нусха.

Баҳоси келишилган нарҳда.

“Milleniumus print” МЧЖда офсет усулида чоп этилди.

Урганч тумани, “Шерматлар” МФЙ, Тадбиркорлар кўчаси, 69-уй.

Тел: (+998) 91-994-24-00